



# ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ

ХАЛҚАРО ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ АКАДЕМИЯСИ


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

## ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ

“Зараутсой-98” халқаро симпозиумининг  
илмий маърузалар тўплами

Тошкент  
“Университет”  
1998



Ўзбекистон Республикаси  
мустақиллигининг 7 йил-  
лигига бағишланади.

## ИЛМИЙ МАЪРУЗАЛАР ТЎПЛАМИНИНГ ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

академик Тўраев Н.Й. (раҳбар), академик Волков Г.Н.,  
академик Қодиров Б.О., доц. Ёриев Б.Ё., доц. Кенжа-  
боев А.Э., доц. Раҳматуллаев Ш.Р., доц. Ёқубов Ш.М.,  
доц. Умурқулов Б.У.

Махсус муҳаррир - Халқаро Педагогика Фанлари Акаде-  
миясининг академиги Қодиров Б.О.

Мазкур тўплагма маъруза тайёрлаганлар ўз соҳалари-  
нинг таниқли кишиларидирлар. Шў боисдан ҳам таҳри-  
рият маъруза матнларининг мазмуни, ҳаққонийлиги, ил-  
мий исботланганлиги ва тўғрилиги кафолатини муал-  
лифларнинг зиммасига юклайди.

- Халқнинг маданий қадриятлари, маънавий меъроси минг йиллар мобайнида Шарқ халқлари учун қудратли маънавият манбаи бўлиб хизмат қилган. Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ аждодаларимиз томонидан кўп асрлар мобайнида яратиб келинган ғоят улкан, бебаҳо маънавий ва маданий меросни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилган ниҳоятда муҳим вазифа бўлиб қолди.

Биз маънавий қадриятларни тиклашни миллий ўзликни англашнинг ўсишидан, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдизларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараён деб ҳисоблаймиз.

Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодликни қўлга киритган, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятининг соҳибига айланди.

- Фарзандларимиз, келажак авлодлар биздан шу ўлкани, шу муқаддас заминни яна ҳам бой, кучли ва қудратли ҳолатда қабул қилиб олишлари учун, биз буюк аждодаларимизга нисбатан қандай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этаётган бўлсак, ўғил-қизларимиз, келажак авлодлар ҳам бизга нисбатан шундай миннатдорчилик туйғуларини ҳис этишлари учун лозим бўлган ҳамма ишни қилиш - бизнинг фуқаролик бурчимиздир.

**И.А.Каримов.** Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент, "Ўзбекистон" нашриёти, 1997 йил, 137-, 138-, 326- бетлар.

## **З а р а у т**

Асрлар губорин боқса аритиб,  
Ўтмиш келажакни турар ёритиб.  
Эй Ватан, ҳар тошинг миллат тарихи.  
Тарих-ла тарихда бор минг тафовут,  
Бир қадим тарихсан сен ҳам, Зараут.

Ул улуғ аждодлар бундаи қирқ минг йил  
Ўзлигига бериб шакл-у шамойил,  
Тош китоб битмоқни этмиш тамойил.  
Эй аждод мероси, гурурни овут,  
Сен қадим тарихсан, шонсан, Зараут.

Ҳақ қавми сочилиб заминда ўсди,  
Замонлар танитди душман-у дўстни,  
Мусони, Исони, топди Зардуштни.  
Балки, сенинг боланг Зардушт ё Довуд,  
Эй Расул қавмига ватан Зараут.

Бир муддат ёв босди гоҳ шу Ватанни,  
Маҳв этди Широқни, вужудни, танни,  
Лек забт этолмади руҳий маъданни.  
Эй руҳоний тарих - ўзликка совут,  
Енгилмас бир қалъа сенсан, Зараут.

Шу Ватан миллатнинг қутбул Қуръони,  
Шу ўзбек, минг йилким, тождор Турони.  
Ҳар уй улғайтар бир соҳибқиронни,  
Шай ёвга солгали бургутдай човут,  
Қудрат ва қанотсан сен-да, Зараут.

Сенинг салтанатинг абадий, пойдор,  
Қўҳитанг саройинг, маликанг баҳор.  
Шукур, насиб этса зиёрат, дийдор,  
Пойимизга ёзгил пайандоз мовут,  
Ассалом алайкум, ҳазрат Зараут.

## ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ ҲАҚИДА ДИЛ СЎЗЛАРИ

Энг гўзал баҳорсан бўстонлар ичра,  
Энг суюк диёрсан дostonлар ичра.  
Энг буюк давлатсан осмонлар ичра,  
Мустақил Ватаним - Ўзбекистоним.

Ҳайдар Тўраев.

\* \* \*

“Зараутсой-98” халқаро симпозиуми қатнашчиларини чин дилдан табриклайман. Ўзбек халқи маданий меросини қадрлаш, мустақил Ўзбекистон Республикасининг жаҳон майдонида обрўсига обрў қўшиш йўлидаги ҳаракатларн учун симпозиум ташкилий қўмитасига миннатдорчилик изҳор этамиз.

**Бобоев Ҳ.Б.,**

Тошкент Давлат юридик институти ректори, Халқаро ПФА академиги, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутати.

\* \* \*

Халқаро симпозиум жаҳон халқ педагогикаси тараққиётида анъанавий йўналиш очиб берганлиги билан жуда қийматлидир. Ўзбек олимларининг бу ташаббуслари она-Ватанни ва жонажон халқини нақадар юксак даражада эъозлашлиги билан бошқа регионларга ибрат бўлиб қолишига шубҳа қилмайман.

**Волков Г.Н.,**

Россия Педагогика Фанлари Академияси академиги, Халқаро Халқ Педагоглари Ассоциацияси Президенти.

\* \* \*

Мустақил Ўзбекистон тупроғидаги Зараутсой ёдгорлиги ҳақида анчагина маълумотга эгаман. Бу жойнинг ер юзидаги энг дастлабки мактаблардан бири эканлигини “Зараутсой-95” ва “Зараутсой-98” Халқаро симпозиумлари шу қадар аниқ илмий асослар билан исботлайдики, бундан кейин жаҳон педагогика тарихи бу маънавият ўчоғини ўзининг асосий заминларидан бири деб айтишга тўла ҳақлидир.

**Тебиев Б.К.,**

Халқаро Педагогика Фанлари Академияси Президенти, академик.

Ўзбек педагог олимларининг саяёҳаракатлари билан жаҳон педагогика тарихини янги манбалар билан бойитишда “Зараутсой-98” Халқаро симпозиуми жуда муҳимдир. Бу Халқаро симпозиумни анъанавий тарзда Зараутсой ёдгорлиги ёнида давом эттириб туриш ўзбек халқи фарзандларининггина қўлларидан келишлигига яна бир бор ишондим.

**Обидов И.О.,**  
Тожикистон Республикаси Педагогика Фанлари  
Академияси Президенти, Тожикистон Республикаси-  
да хизмат кўрсатган фан арбоби.

\* \* \*

“Зараутсой-98” Халқаро симпозиуми қатнашчиларига шуни айтмоқчиманки, сизлар Ўзбекистон давлатини, меҳнаткаш ўзбек халқини улуғлаяпсизлар. Ўзбек халқини жаҳонга танитишда “Зараутсой” Халқаро симпозиумини анъанавий тарзда ўтказиб туриш мақсадга мувофиқдир. Сизларга катта раҳмат, азиз ҳам-касабалар!

**Такэда Масанао,**  
Хаккайдо давлат университети педагогика тарихи  
кафедраси мудири, профессор.

\* \* \*

Зараутсой ёдгорлиги жуда қадимий: у ибтидоий жамоа тузумидан қолган нишона. Ўзбекистондан бундай маконнинг топилиши фан тарихида фахрланишга арзирли янгилик ҳисобланади. Бу жойни обод қилиб, яна-да кўпроқ тарғибот қилинса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жаҳон маданияти тарихини бойитиш йўлида янги бир омил яратилганлигини билдиради.

**Дитрих Хуфф,**  
Берлин археология институти профессори.

\* \* \*

Ўзбек қардошларнинг халқ педагогикаси бўйича Зараутсойда Халқаро симпозиум ўтказаетганликларини эшитиб хурсанд бўлдим. Бутунлай озод ва мустақил бўлган Ўзбекистон Республикаси тез орада жаҳонда таниқли давлатлардан бирига айланишига ишонаман.

**Гусейн Аҳмедов,**  
Озарбайжон Республикаси Фанлар Академияси-  
нинг академиги.

Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон майдонига дадил чиқиб бораётган давлатлардан бирига айланди. У кўп соҳаларда тезда тан олина бошлади. “Зараутсой-98” халқ педагогикаси II Халқаро симпозиуми эса бу соҳада жаҳон олимлари учун яна бир қадамдир.

**Пьер Швен,**  
Ўзбекистон Республикасидаги Франция элчисининг  
маданият ишлари бўйича атташеси.

\* \* \*

Ўзбекистон Республикасининг бир бўлаги - Сурхондарё вилоятининг тупроғи, ҳавоси ва умуман табиати қишлоқ хўжалик ишларига ниҳоятда қулайлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Зараутсой Халқаро симпозиуми қатнашчилари ибтидоий жамоа тузуми даврида Ўзбекистон тупроғида биринчи мактаб бўлганлигини намоиш қилибдиларми, демак, ўзбек халқининг ота-боболари ҳам буюк эканлигидан далолат беради.

**Ҳасан Бўриев,**  
Тошкент давлат Аграр университети ректори, профессор, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутати.

\* \* \*

Сўнги 10 йиллар узоқ Япония давлатидан Сурхондарё вилоятига рафиқам билан биргаликда тез-тез келиб тураман. Деярли ҳар йили бир-икки ой қийин дала шароитида яшаймиз ва юртингиз ўтмиш тарихини тадқиқ қиламиз. Биз Ўзбекистоннинг қадимий тарихига жуда-жуда қизиқамиз. Шунинг учун ҳам рафиқам “Ўзбек аёлларининг миллий кийимлари” мавзусида докторлик диссертацияси ёзган.

Биз доимо юртингизга келар эканмиз, барча сарф-харажатларни ўз ёнимиздан тўлаймиз. Ҳатто биз билан ҳамкорлик қилган ва бизга ёрдам берган кишиларга ҳам ўз ёнимиздан пул тўлаймиз.

Ҳисоблаб кўринг, бизнинг Ўзбекистонда ҳар гал 40-50 кун яшаб, келиб-кетишимиз қанча минг-минг долларни ташкил этади. Мен буни шунчаки мақтаниш учун айтаётганим йўқ, асло.



Мен бу сўзларимни шунинг учун баён қилаяпманки, сизнинг она заминингиз тарихи ҳар қандай кишини ўзига мафтун этади. Биз Католар оиласи ҳам ана шу жозибали юртнинг шайдоларимиз.

Мен 1995 йил баҳорида машҳур ўзбек қадимшунос олими Баҳодир Турғунов билан биргаликда Зараутсойда бўлганман. Хўжа Анқо қишлоғининг гўзал манзараларини завқ билан томоша қилганман.

Зараутсой - Ўзбекистоннинг қадимий маданият ўчоқларидан бири. Аммо уни обод қилишни ўйлаб кўришингиз керак. Шунинг учун, юртингизнинг ҳар бир қаричи тиллога баробардир.

**Като Кюдзо,**  
профессор, Япония.

\* \* \*

Сурхондарё тупроғида иккинчи марта симпозиум ўтаётганлигидан мамнунмиз. Уйлайманки, “Зараутсой-98” II Халқаро симпозиуми Ўзбекистон Республикасини жаҳонга танитибгина қолмай, у барча халқлар ўртасида дўстликни, биродарликни мустаҳкамлайди.

**Жўра Норалиев,**  
Сурхондарё вилояти ҳоқими, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши депутаты.

## ЗАРАУТСОЙ ЁДГОРЛИГИНИНГ ЖАҲОН МАЪРИФАТИ ТАРИХИДА ТУТГАН МАВҚЕИ ВА ЎРНИ

“Зараутсой-95” I Халқаро симпозиуми бўлиб ўтганига уч йил ҳам тўлиб қолди. Симпозиум бизда кўп таассуротлар қолдирди. Инглиз, немис, ўзбек, рус тилларида илмий маърузалар тўпламларини нашр эттирдик. Кўп дўстлар ортттирдик. Бу симпозиум олимларимизни бир-бирларига яна-да яқинлаштирди. Энди улар илмий тадқиқот ишларида бир-бирлари билан ҳамкорлик қилишмоқда.

“Зараутсой-95” I Халқаро симпозиумининг аҳамиятли томони шунда бўлдики, педагогика тарихи фанида мутлақ янги қараш, янги йўналиш аниқлаштирилди. Яъни I симпозиумда қилинган маърузалар, баҳс-мунозаралардан шундай қатъий хулосага келинди: Марказий Осиё ерлари, жумладан Мустақил Ўзбекистон Республикасига қарашли ҳудудда маданият ва фаннинг дастлабки куртаклари жуда қадимги даврда - ибтидоий жамоа тузумининг мезолит даврларидаёқ шаклланган. Кўҳитанг тоғи этакларидаги Хўжа Анқо ва Қизилолма қишлоқлари орасида жойлашган қадимий Зараутсой ёдгорлиги бу фикрларни исботлади.

Демак, Ўзбекистон ерлари ҳам жаҳонда энг қадимий маданият ўчоқларидан ҳисобланади. Бу ҳақда жуда кўпдан-кўп илмий тадқиқотлар, монографик асарлар, манбалар мавжуд. Жумладан, Зараутсой ёдгорлиги шу билан характерланадики, бу ердаги горларда акс этган сувратлар тошларга чўкичлар билан ўйиб чизилмаган. Жаҳоннинг кўпгина қадимий масканларидан топилган маданият ёдгорликларида сувратлар асосан тошларга ўйиб чизилган. Зараутсой сувратлари эса ранг-бўёқ (краска) билан тошга чизилган ва бу ибтидоий жамоа тузуми давридан бери сақланиб келади.

Ўша даврларда ибтидоий бобокалонларимиз суврат чизадиган ранг-бўёқларни қандай тайёрлашганликлари, шу жараённинг ўзи бирданига бўлмаганлиги - анча даврларни ўз ичига олганлиги, ниҳоят, суврат чизиш санъати ҳам бирдан шаклланмаганлиги, узоқ-узоқ йиллар машқ-тажрибалар бўлиб турганлиги ва жуда кўп йиллар ўтиб, Зараутсой сувратлари яратилган бўлиши шубҳасиз. Бу воқеанинг ўзи фанда катта гап. Муҳтарам қадимшунос олимларимиз Зараутсой ёдгорлиги ёшини милoddан ав-

валги 12-10 минг йилликларни ўз ичига олади, деб таъкидлашди (Окладников А.П., Пугаченкова Г.А., Массон Н.Б., Кабилов Д.Ш., Рогинская А.А., Парфёнов Г.В., Исломов Ў.И., Фармозов А.П., Ломаев И.Ф., Моложавенко В., Аннаев Т., Шайдуллаев Ш. ва бошқаларнинг асарларига қаранг). Бу тадқиқотчиларга ташаккур билдирган ҳолда, талантли қадимшунос олимлар Т.Аннаев, Ш.Шайдуллаевларнинг “Сурхондарё тарихидан лавҳалар” китобидан бир парча келтирамиз: “...Ибтидоий давр тарихига оид бир неча илмий асарлар яратилган. Булардан кейингилари “Тешик тош” тўплами, А.Р.Рапинскаянинг “Зараутсой сувратлари” ва Ў.Исломовнинг “Мачай ғори” асарларидир. Бу давр маконларидан Тешиктош ғори ва Зараутсой сувратлари жаҳон халқлари тарихи ва маданиятига бағишлаб яратилган қомусий асарлардан ўрин олган” (6-бет).

Юқоридаги фикрлар ва симпозиумда қилинган маърузалардан шундай хулоса қилишимиз мумкинки, Мустақил Ўзбекистон Республикаси, ўзи ёш бўлишига қарамасдан, бугунги кунда ер юзи мамлакатлари орасида ўзига хос ўринни эгаллабгина қолмасдан, балки жаҳон маданияти ва фанини бошлаб берган улуғ давлатлардан ҳисобланар экан.

Энди масаланинг иккинчи томони ҳам бор. Ҳозирги ҳисоб-китобларга қараганда, Зараутсойда сақланиб қолган сувратлар сони 270тага яқиндир. Бу ерда шундай савол туғилади. Бу расмлар чизилган даврда нечта бўлган экан? Чунки Зараутсой ғорларида, унинг атрофида, пастроғида, баландроғида, жуда пас-тида, ҳатто сойликда ҳам сувратларни учратиш мумкин. Буни биз ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Хўш, унда ибтидоий жамоа тузуми даврида чизилган расмлар кўпроқ бўлмаганмикан. Чунки узоқ йиллар, олимлар айтганидек, бир неча ўн минг йилликлар орасида қанча-қанча довуллар, бўронлар, қор-ёмғирлар, сув тошқинлари, ер қимирлашлар бўлмаган дейсиз. Бундан ташқари, айрим бефаросат одамлар тошлардаги сувратларни уриб синдиришган, эҳтимол, эсдалик сифатида уйларига ташиб ҳам кетишгандир. Бу 270га яқин сувратлар ана шундай оғир ҳодисаларни бошларидан кечириб, бизгача, бизнинг замонларгача етиб келганлари холос.

Демак, бу сувратлар кўп бўлган, эҳтимол, бир неча юз ёки ундан ҳам кўпроқ бўлгандир. Дарҳақиқат, сувратларнинг кўплигига шубҳа бўлиши мумкин эмас. Бу фақат шу ўринда кишини ўйлантириб қўяди. Шу расмларни бир киши чизганмикан ёки кўпчилик бўлиб чизишганми? Ҳа, кўпчилик бўлганлиги, бир киши эмаслиги аниқ. Демак, сувраткашларни бошқариб, шу йўлга ундаб турган раҳбарлари, устозлари бўлган. Бу ерда кўплаб

шогирдлар қаттиқ меҳнат қилганлар. Эҳтимол, дастлабки чизилган суврат ўз-ўзидан йўқолиб ҳам кетган. Кейинчилари, санъат-корона чизилганларигина, ранг-бўёқларнинг таркиби мукамалларигина ҳозиргача сақланиб қолган. Демак, Зараутсойда ибтидоий жамоа тузуми даврида мактаб бўлган. Бу мактаб бақувват, ҳар томонлама шаклланган ўқув даргоҳи ҳисобланган. Ўз даврида унинг доврўғи машхур бўлган. Акс ҳолда, унинг нишонлари - гордаги сувратлар минг-минг йиллар юзини кўриб бизгача етиб келмаган бўлар эди.

Масаланинг учинчи бир муҳим томони ҳам ҳар қанақа тадқиқотчини ҳаяжонлантириб қўяди. Бу сувратлар шунчаки эрмак учун чизилганмикан? Ўша даврдаги улўг бобокалонларимиз, бизнинг даврларгача сувратлари етиб келишини орзу қилиб, ранг-бўёқ таркибини йиллаб, ўн йиллаб тажриба-экспериментлар қилиб, бу кашфиётни яратганлиги фанда инқилоб деб айтиш учун асос бўлади-ку, ахир! Мана, ҳозирда ўшандан бир неча ўн минг йиллар ўтиб ҳам Зараутсой сувратлари чизилган ранг-бўёқ бизда бўлганда, тоғларимиздаги барча тошларни сувратларга тўлдириб юборармидик ёки бу ранг-бўёқларга қараб, уларни фойдали ишларга сарфламасдан қўл силтаб қўя қолармидик. Зараутсой сувратларини чизган ажлодларимиз анча ақлли кўринадилар. Ақлли, фаросатли инсонлар эса ҳеч вақт ҳуда-беҳуда ишлар қилавермайдилар. Зеро, Зараутсой сувратлари ҳам оддий сувратлар эмас дейиш учун бизда ана шундай асослар бор.

Зараутсой сувратлари яратилган даврда ер юзининг бирор жойида ёзув бўлмаган. Шумер лой хати, Ўрхун-Енисей ёзувлари, Ҳинд, Хитой, Хоразм ёзувлари ва бошқалар кейинги даврлар маҳсули эканлиги барчага аён. Зараутсой сувратларини кўп йиллик кузатишларимиз шундан далолат берадики, бу суврат намунаси тасвирида аллақандай маънолар, ишоралар яшириниб ётибди. Биз-кейинги авлодларга бобо-бобокалонларимиз кўп фойдали фикрларни тошга муҳрлаб кетганликлари аниқ. Бундан бошқача бўлиши мумкин эмаслигига ишонса бўлади.

— Мен Зараутсой сувратлари ҳақидаги айрим қадимшуносларнинг баъзи фикрларини ўзимча талқин қиламан. Эмишки, Зараутсой горлари ов қилишда паналаб туриладиган жой бўлган. Айрим овчилар ўзининг ов манзараларини гор деворларига чизиб қўйган эмиш. Балки шундайдир. Аммо, бизнингча, бу мулоҳазалар ўзбек халқи, унинг она тупроғи, табаррук юртининг нақадар улўглигини қизил салтанат ҳукмронлиги даврида очик айта олмасдан тўқилган эмасмикан. Буюк Ўзбекистон Давлати замини, тарихи билан қизиқадиган инсонларга қарата: “Азиз-

ларим, бу юртда қадимда ҳам ақлли-фаросатли одамлар кўп бўлган. Керак бўлса, улар фан яратилган, илмий кашфиётлар қилинган. Зараутсой сувратлари - бу ўзига хос ёзувлар, жаҳон маданиятининг энг дастлабки намуналаридан бири. Ўзбекистон ана шунақа сеҳрли юрт, ўзбек халқининг ота-боболари эса жаҳон халқларини лол қолдирадиган, илм-маърифат бобида узоқ-узоқ даврлардан садо берадиган чинакам улуғ халқ” дегинг келади. Юқоридаги фикрлардан шундай хулоса қиламизки, ибтидоий жамоа тузуми даврида ҳозирги Ўзбекистон Республикаси ерларида жаҳонда энг дастлабки мактаблардан бири - Зараутсой маънавият ва маърифат маскани давруғ солиб фаолият кўрсатган. Ҳозиргача биз ўрганган илмий адабиётларда, кечагина “Ўқитувчи” нашриётида чоп этилган “Педагогика”, “Педагогика тарихи” дарсликларида ҳам дастлабки мактаблар, ўқув қўлланмалари яратилишини чет мамлакатдан қидирадилар. Энг ачинарли томони шундаки, 40- йиллардан бери Зараутсой ёдгорлиги ҳақида гап-сўзлар, баъзан илмий-оммабоп асарлар эълон қилинаётганлигига қарамай, “Педагогика”, “Педагогика тарихи”, “Ўзбек педагогикаси антологияси”ни ёзган мутахассисларимиз ўз юртимиздаги дастлабки мактаблар, ибтидоий жамоа тузуми давридан қолган маърифий ёдгорликларни ўз асарларида тилга олиб ҳам ўтмаганликлари, мазкур китобларда шўро тузумидан қолган фикрлардан узоққа кета олмаганликлари сезилиб туради.

“Зараутсой-95” I Халқаро симпозиуми Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги шарофати билан педагогика тарихи фанида янги давр бошлаб берди десак, муболаға бўлмайди.

Симпозиум қатнашчилари жаҳон педагогика тарихи фанининг мазкур нодир ёдгорлигини вақти-вақти билан зиёрат қилиб туриш, “Халқ педагогикаси”, “Педагогика тарихи” фанлари соҳасидаги қўлга киритилаётган тадқиқотларни муҳофаза қилиб бориш мақсадида йигиндан йигинга кенгайтирилган ҳолда Зараутсой халқаро симпозиуми ўтказиб туришни таклиф қилмоқдалар.

Маълумки, 1995 йил 12-14 май кунлари “Зараутсой-95” Биринчи Халқаро симпозиуми худди шу ерда жуда қизиқарли қилиб ўтказилган эди. Ана шу йигинда симпозиум қатнашчилари ҳар уч йилда бу тадбирни аънанавий тарзда такрорлаб туришга қарор қилган эдилар. Бунинг асосий сабаби шунда эдики, Зараутсой ёдгорлиги, олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, узоқ ўтмиш даврининг маҳсули экан. Бу илмий фаразлар дастлаб Москва, Тошкент, Ленинград шаҳарларидан 30-, 40-, 50-йилларда ташриф буюрган махсус илмий экспедициялар томо-

нидан фанда эътироф этилган. Энг ачинарлиси, қизил салтанат даврининг Ўзбекистон тупроғига паст эътибор билан қараганлиги туфайли бу кашфиёт кенг тарғиб қилинмаган. Чунки бундан бир неча ўн минг йиллар олдин ҳозирги Ўзбекистон заминидики Зараутсойда мактаб бўлган деган фикр ўша пайтда ҳаммага ҳам ёқавермас эди-да.

Бизнинг бахтимизга мустақиллик бундай ёндашувга қаттиқ зарба берди. Республикаимизнинг улуғ президенти И.А.Каримов бош бўлиб, миллий қадриятларимизни тиклаш, Ўзбекистоннинг ўтмиш маданий меъросини жиддий ва қайтадан тадқиқ қилиш ишлари бошлаб юборилди. Олимларимизнинг ғайратларига ғайрат, кучларига куч қўшилди.

Хуррият шабадалари эса бошлаши билан Ўзбекистон Республикаси олимлари фаолиятларини кескин ўзгартирдилар. Барчанинг назари буюк Ўзбекистон давлатининг ўтмиши, бугуни ва келажагига қаратилди. Педагогика тарихи ва назарияси фанларининг профессор-ўқитувчилари ҳам ана шу улуғ мақсадлардан келиб чиқиб, Зараутсойда Халқаро симпозиум ўтказиш ҳақидаги фикрларини маълум қилдилар. Раҳбарларимиз бош бўлиб бу тадбир жуда эсда қоларли қилиб ўтказилган эди.

Мана яна орадан уч йил ўтиб, айна кунларда II Халқаро симпозиумга тайёргарлик қизғин олиб борилмоқда.

1998 йилнинг 12-14 май кунлари Шеробод районидаги тоғли Хўжа Анқо қишлоғида “Зараутсой-98” Халқ педагогикаси иккинчи Халқаро симпозиуми бўлиб ўтади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси, Халқаро Педагогика Фанлари академиясига, барча илмий муассасаларга, йирик олимларга ҳам мактублар юборилган. Симпозиумда, раҳбариятимиз вакилларидан ташқари, Халқаро Педагогика фанлари Академияси Президенти академик Б.К.Тебиев, Халқаро Халқ педагоглари Ассоциацияси Президенти академик, таниқли ёзувчи Г.Н.Волков, Япония давлатининг машҳур профессори Като Кюдзо ва бир қатор хориж мамлакатларидан меҳмонлар қатнашадилар. Республикаимизнинг барча олий ўқув юртларида “Педагогика тарихи”, “Халқ педагогикаси”, “Педагогика назарияси” фанларидан дарс бераётган, тадқиқот ишлари олиб бораётган таниқли мутахассисларнинг маърузаларини тинглаш мўлжалланмоқда. Ҳозиргача 200га яқин маъруза матнлари қўлимизга келиб етди.

Насиб этса, 1998 йилнинг май ойида жаҳонда дастлабки мактаблардан бири бўлган жой - Зараутсойда яна катта бир йиғин гувоҳи бўламиз. Бу йиғинни мазмунли, тартибли, мада-

ниятли ўтказиш учун Сурхондарё вилояти ҳокимияти, университетимиз ректорати, педагогика ва психология факультети жамоаси ва умуман ўзбек халқининг ўтмиш маданий меросига хайрихоҳ бўлган азиз инсонлар, ўз юртининг фидойи фарзандлари беғараз хизматларини аямайдилар.

**А.Р.Холмирзаев,**

Халқаро АМИР ТЕМУР хайрия жамғармаси  
Сурхондарё вилояти бўлимининг раҳбари,  
журналист

## **ЗАРАУТСОЙ СУВРАТЛАРИНИ ЎРГАНИШ ТАРИХИДАН**

Бугунги кунда жаҳонга машҳур Зараутсой сувратлари 1939 йилда овчи И.Ф.Ломаевнинг саъй-ҳаракатлари туфайли фанга маълум бўлганлигини яхши биламиз. Барча адабиётларда овчи Кўҳитанг тоғларида юрганида гўё тасодифан қоятошдаги “қизил сувратлар“ борлигини эшитиб қолиб, бу ҳақда Термиз музейига хабар қилганлиги келтирилади. Қуйида биз бу воқеани аслида қандай рўй берганлиги ҳамда обиданинг ўрганилиши ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Сурхондарё округ давлат музейи 1938 йилдан бошлаб Республика халқ маорифи комиссариати томонидан тасдиқланган Шерободдарё бассейнини комплекс ўрганиш ўн йиллик режасини бажаришга киришади. Ана шу режа доирасида 1938 йилнинг июнь-сентябрь, 1939 йилнинг июль-август ойларида Бойсун туманининг шимолий-ғарбий қисми, Кўҳитанг тоғининг шарқий ва ғарбий қисмлари дастлабки тарзда ўрганиб чиқилади. 1938 йилги Шеробод комплекс экспедицияси режасига кўра, табиий коллекциялар йиғиш билан бирга, тарихий-археологик тадқиқотлар олиб бориш ҳам кўзда тутилган эди. Экспедициянинг таркибида музей препаратлари бўлиб ишловчи эр-хотин Ломаевлар бўлган. Иккинчи табиатшунослик отряди Хомкон, Қизилолма, Хатак, Панжоб, Кампиртепа тоғ қишлоқлари атрофидаги еттита ғорни топиб ўрганди, бир неча кўргошин конлари жойини аниқлади, Хатак қишлоғи яқинидаги қадимий қалъа харобаларини тадқиқ қилди, шунингдек, юқорида келтирганимиздек, экспедиция мақсадларига кўра ҳаракат қилиб, Зараутсой қоя тошларидаги сувратларни ҳам ана ўшанда топишга муваффақ бўлди.

Қизиги шундаки, шу воқеадан бир йил илгари, аниқроғи 1938 йил 16, 17 сентябрь кунлари Ломаевлар музей топшириғи билан ўлка табиатини ўрганиш, йўл-йўлакай учраган моддий

маданият ёдгорликларини аниқлаш мақсадида, Хатак, Хўжа Анқо, Қизилолма, Кампиртепа тоғ қишлоқлари қатори, Зараутга ҳам боришган, аммо сувратлар ҳақида ҳеч қандай маълумотга эга бўлишмаган эди. Ҳар ҳолда, экспедиция отрядининг дала ҳисоботида Шеробод туман Кампиртепа қишлоқ кенгашига қарашли Қизилолма ва Зараут қишлоқларида дала экинларини пайҳон қилаётган қобонларни ўраб олиб тутишда колхозга ёрдам берганликлари, уч кун ичида 24 қобонни ўлдириб, бургут ва ғажирларга ейиш учун ташлаганликлари, Зараутнинг сонсаноксиз булоқларининг биридан сув ичганда боши айланиб қолганлиги ва қишлоққа зўрға етиб олгач, қатиқ ва чой ичиб ўзига келганлиги, бу ерда кўплаб муқаддас жойлар борлиги ҳақида ёзилган-у, аммо Зарауткамар сувратлари ҳақида ҳатто ишора ҳам йўқ эди.

Яна ҳам қизиғи шундаки, Ўзбекистон Давлат илмий-тадқиқот институти ва Ўзбекистон Давлат ер трести уюштирган экспедиция таркибида биринчи марта Сурхондарёга келиб, Хатак қишлоғи қарияларидан шу тоғда ҳайвонлар, одамлар суврати ва ёзувлар борлиги, қаердалиги кўрсатилмаган маълумотни ёзиб олган Гавриил Васильевич Парфёнов 1931 йили Зараутсой дарақидан экспедиция ишлари билан махсус ўтганида сувратларнинг аниқ жойини билмаганлиги туфайли қоя рангтасвирини, қарангки, ўзи ҳам фарқламаганлигини ёзади.

Бундан ҳам энг қизиғи шундаки, И.Ф.Ломаевдан 27 сана илгари, яъни 1912 йили камтар топограф Фёдоров очган Зарауткамар ранг тасвирини ўзи “қайта очишга” тўғри келганлиги овчи-ўлкашуноснинг хаёлига ҳам келмаган, албатта. Чунки, Фёдоров Зарауткамардан олган суврат ва ёзув нусхаларини археолог А.А.Семёновга топширгани бўйича бу кашфиёт мутлақо унутилиб кетгани эндиликда маълумдир. Айланувчи фалақда ҳар бир воқеа-ҳодисанинг вақти-соати, сабаби ва натижаси бор.

Қоятош сувратларига Зараутлик Ваҳоб Давлатов ҳамроҳлигида борган Иван Фёдорович Ломаев ўз кундалигида воқеани қуйидагича тасвирлайди:

“1939 йил 29 июль куни...сувратларни топдик,... биринчи марта тошлардаги ёзувлар ва бадий расмларни кўрмоқдаман. Сувратлар малла рангда, гор деворлари эса худди сопол идишга ўхшаб бўялган. Кийик шохли ҳўкизлар, узун думли ва узункулоқ итлар, кенг юбкали одамлар, қандайдир дарахтлар устида араб ёзувлари, яна ҳеч кимга маълум бўлмаган белгилар турибди” (Сурхондарё вилоят музейининг илмий архиви, 377-, 693-, 694- varaқлар).

Овчи-ўлкашунос И.Ф.Ломаев Зарауткамарда икки кун қолиб кетади, сувратларни фотоплёнкага туширади, қўлда нусхалар



олади. Кейинчалик бутун жаҳои санъат обидаси сифатида тан олинган ва санъат тарихи, мактаб дарсликлари ва дунё энциклопедияларидан ўрин олган Зараутсой рангтасвири ўшанда ўзига ниҳоятда ёқиб қолганлигини кундалигида ёзади, ҳўкизлар суруви орқасидан бораётган одамларни чўпонлар деб тасаввур қилади. Кундалиқда ҳўкизлар ва бошқа ҳайвонлар тасвири бир жойда эмас, балки тўртта бошқа кичикроқ камарларда ҳам мавжудлигини қайд этади.

Зараут горига у иккинчи марта 6 август куни борган. Бу сафар ҳам у сувратларни фотога туширган, қўлда нусхалар олган. Қадимий тасвирларни фотосувратга туширишда ниҳоятда қийналганлигини таъкидлаб, мўлжаллаган ишини тугаллар экан, нусха олиб расм чизиш қўлимдан келмайди, қўрбим етганича бажардим, сувратли гор мендан хафа бўлмасин дея илтижо қилади.

Муаллиф қўли билан оддий қаламда тўлғазилган кундаликни варақлар эканмиз, Зараутсой сувратлари ҳақида: “Бу менинг ёзувлар бўйича биринчи кашфиётим”, - дея фахр билан таъкидлаганлигини кўрамыз. Кундалиқда, шунингдек, илгари кимдир Зарауткамар сувратларидан нусхалар кўчирганлиги келтирилади, чунки муаллифнинг гувоҳлик беришича, Зараут горининг бутун сувратли юзалари квадратларга бўлиб ташланган эди.

Зараутсойдан олинган фотосувратлар ва қўлда чизилган нусхалар экспедициянинг дала ишлари ҳисоботи билан бирга, лиқда Сурхондарё округ музейи директори Г.В.Парфёновга топширилган. Асли туғма археолог бўлган Г.В.Парфёнов ана шу сувратлар ва нусхаларга қараб Зараутсой тасвирлари тарихини юқори палеолит-металлнинг бошланиши дея белгилади.

Таниқли олим М.В.Воеводский “Вестник древней истории” журналининг 1940 йил 2- сонида Зараутсой сувратларининг топилиши ҳақида тўхталиб шундай деб ёзган эди:

“Бошқа тадқиқотлар орасида Сурхондарё округ музейи ходимлари Ю.С. ва И.Ф.Ломаевлар Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманидаги Кўҳитанг тоғларида, Зараут қишлоғи яқинида қоя тошларидаги ранг тасвир сувратларининг катта гуруҳини топганликларини қайд этиб ўтиш мумкин.

Бўёқ билан чизилган сувратлар ўзига хос услубда берилган кўплаб одамлар тасвири, ҳайвонлар фигуралари ва қандайдир белгилардан ташкил топган. Бу Ўрта Осиёда биринчи марта қадимий гўзал қоятош сувратларининг топилишидир”.

Ўзбекистон санъат тарихи музейи 1940 йили Сурхондарё округ ва Тожикистоннинг Панжакент тумани ўлкашунослик музейлари ҳамкорлигида Зараутсой қоятош ранг тасвирини даст-

либки ўрганиш бўйича махсус экспедиция ташкил қилди. Г.В.Парфёнов раҳбарлигидаги экспедиция очик қоятош қизил сувратлари билан танишди, бир неча янги сувратли жойлар оғди, сувратлардан кўчирмалар олди, қисман фотога туширди. Зараутсой экспедицияси пайтида тўпланган материаллар қайта ишлаб чиқилиб, унинг натижалари бўйича Г.В.Парфёнов томонидан тайёрланган "Зараутсойнинг қадимий фреска рангтаصري" илмий ҳисоботи 1941 йил 18 январь куни бўлиб ўтган Ўзбекистон санъат тарихи музейининг илмий кенгашида маъқулланди ва Зараутсой экспедицияси 1943 йил кузида - 25 октябрдан 2 декабргача бўлган муддатда иш олиб борди. Экспедиция барча қоятош сувратларини ўз табиий ҳажмида бадий фиксация қилиш вазифасини тўла бажарди. Зараутсой экспедицияси ишининг натижаларидан Москва ва Тошкент илмий доиралари хабардор қилинди. М.Ломоносов номидаги Москва давлат университетининг илтимосига биноан Зараутсой экспедицияси қатнашчилари - рассомлар А.Ю.Рогирская ва А.С.Кирилловлар 1944 йили август ойида Москва Антропология институти ва МДУ илмий мажлисида Зараутсойдан олинган кўргазмали материалларини намойиш қилиб ахборотлар билан чиқдилар. Сўнгра эса Ўзбекистон Республикаси ваколатхонаси, СССР ФА моддий маданият тарихи институти, Давлат тарихий музейи, Пушкин номидаги тасвирий санъат музейи, Давлат шарқ маданияти музейи, рассомлар иттифоқи Москва бўлимида чиқишлар қилдилар. Бу чиқишлар мамлакат олимлари ўртасида катта фикрмунозараларга сабаб бўлди. Илмий доираларда берилган баҳони хулосалаб, бир гуруҳ йирик археолог ва санъатшунослар томонидан Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи номига юборилган ҳужжатда айтилишича: "Зараутсой қоя ранг тасвирининг катта илмий аҳамияти тан олинди". Шу билан бирга, Зараутсой қоятош ранг тасвирини ўрганишни давом эттириш учун таркибида археолог, рассом билан бирга антрополог ва санъатшунос ҳам бўлган кенгайтирилган экспедиция юбориш мақсадга мувофиқ ва лозим деб топилди. Экспедиция олдига Зараутсой заминидан тарихгача бўлган инсонга оид моддий маданият буюмлари ва одам суяги қолдиқларини излаб топиш асосий вазифалардан бири сифатида кўйилди. Аммо бу катта экспедиция иши амалга ошмай қолган бўлса-да, ўша пайтларда Иттифоқ ва жаҳон матбуотида Зараутсой қоя ранг тасвири ҳақида ўнлаб, юзлаб илмий ва илмий-оммабоп мақолалар, шарҳлар эълон қилиндики, булар Зараутсойнинг жаҳонда машҳур бўлишига олиб келди.

1944 йил 29 октябрда Зараутсой дараси ва унинг атрофи табиатшунослик, тарихий ва санъатшунослик комплекс қўриқхонаси деб эълон қилинди. Зараутсойга навбатдаги экспедиция Сурхондарё вилоят ўлкашунослик музейи кучи билан 1945 йил кузида, аниқроғи 25 октябрь - 16 ноябрь кунларида амалга оширилди. Экспедиция ишида қатнашиш учун Ўзбекистон давлат илмий тадқиқот санъатшунослик институти ва Республика ФА тил ва адабиёт институти ўз вакилларини юбордилар. 1945 йилги Зараутсой экспедициясининг иш натижасига кўра биринчи бор бадиий нусхалар олинди ва шу муддатгача маълум бўлган барча қоятош сувратларини рўйхатга олиб, тавсифлаш тугалланди.

Гарчи шундан сўнг Зараутсойга бошқа экспедиция ташкил этилмаган бўлса-да, ўнлаб мутахассис олимлар турли даврларда ўлкамизнинг бу энг қадимий санъат обидасини зиёрат қилиб ва ўрганишиб, ундаги сувратлар мазмуни ҳамда даври ҳақида янги-янги мисоллар асосида баҳс юритувчи тадқиқотлар эълон қилдилар. Жумладан, Термизлик изланувчан олим Шариф Ёқубов улуг бобомиз Алишер Навоий 1466-1469 йиллар орасида Зараутсой тасвирларини кўриб, бу ҳақда ўз таассуротларини "Сабъаи сайёр" достонида акс эттирганлиги ҳақида изланишларини эълон қилди.

1995 йили Зараутсой ёдгорлигини ўрганиш тарихида янги саҳифа очилди. Таниқли олим Бекмурод Омонович Қодировнинг ташаббуси ва ташкилотчилиги билан 1995 йилнинг 12, 13 май кунлари вилоятимизда "Жаҳон халқлари педагогикаси тараққиёти ва Зараутсой мактаби" мавзусидаги халқаро симпозиум ўтказилди. Москвадаги халқаро халқ педагоглари ассоциацияси президенти академик Геннадий Никандирович Волков, Тожикистоннинг Душанбе шаҳридан академик Иброҳим Обидов, Олмониялик профессор Дитрих Хуф, бир қатор мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан келган олимлар, ўлкамизнинг илмий-маданий жамоатчилиги вакиллари иштирок этган ушбу нуфузли анжуман Зараутсой ранг-тасвир ёдгорлиги жаҳондаги энг дастлабки мактаб бўлганлигини расман тан олди. Зараутсой ёдгорлиги этнопедагогика, яъни халқ педагогикасининг сарчашмаси ҳисобланади. Илмий педагогика ўз имкониятларини бир мунча йўқотиб қўйган бир шароитда халқ педагогикасининг асрлар давомида сайқал топган барҳаёт аъёналари миллатнинг эртанги авлоди тарбиясига асос бўла олади. "Зараутсой-95" халқаро симпозиуми жаҳон халқ педагогикаси тарихида сезиларли воқеа деб эътироф этилди. Зараутсой ёдгорлиги ва халқ педагогикаси муаммоларига бағишланган симпозиумни ҳар уч йилда бир марта ўтказиб туриш келишиб

олинган эди. Ўйлаймизки, навбатдаги “Зараутсой-98” халқаро шўжумани ҳам халқ педагогикасининг долзарб ва муҳим масалаларини ҳал этишга катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Зараутсой обидасини ўрганиш борасидаги кашфиётларга ҳали нуқта қўйилганича йўқ...

**Г.Н.Волков,**  
академик, Россия,

**М.А.Ҳошимов,**  
доцент, СамДУ

### **ЗАРАУТСОЙ МЎЪЖИЗАЛАРИ**

1939 йилда Кўхитанг тоғини кезиб юрган овчи ва табиатшунос И.Ф.Ломаев маҳаллий аҳолидан Зараутсойдаги ғорларда қизил бўёқда ишланган ғалати расмлар борлигини эшитади ва қизиқиб бориб кўради. Расмлар гўзаллигига маҳлиё бўлгач, сайёҳ иккинчи марта шу йилдаёқ Зараутсойга тарихчи Г.В.Парфеновни олиб келади. Г.В.Парфенов Зараутсой камаридаги сувратларни мукаммал ўрганади. Унинг ҳисобича, бу ердаги сувратлар палеолит даврига мансуб бўлиб, ибтидоий одам ҳаётидан лавҳалар экан. Кейинчалик 1966 йилда бошқа бир тарихчи А.П.Формазов бу ерда 200дан ортиқ сувратларни санайди ва уларнинг бирмунча ишланганлигини кўриб, улар инсониятнинг палеолитдан бирмунча ёшроқ даври мезолитда солинган деб ҳисоблайди.

Машҳур Зараутсой тоғидан зилол сувли ариқча жилдираб оқиб ётади. Сўқмоқ гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб, сой таги билан олға интилади. Икки тарафда оҳақтошлардан ташкил топган баланд қоялар қад кўтарган. Сўқмоқнинг ўнг тарафида сой тагидан 15 метрча баландликда, тоғ ёнбағрида 2та токчасимон ғор бор. Бу ғор машҳур сувратли Зарауткамар ғоридир. Бу ғорлардан каттасининг эни 4,8 метр, баландлиги 3,5 метр ва чуқурлиги 3,2 метрга тенг. Ғорнинг ичкари тарафида тик тўғри деворда ва шипида қандайдир қизғиш доғли тўғри чизиқлар кўзга ташланади, лекин улар нималигини ажратиб олиш анча қийин. Агар озроқ сувни деворга пуркалса, қизил охра билан моҳирона чизилган сувратлар намоён бўла бошлайди. Деворда яна чаққон чопиб бораётган ҳўкизлар суврати ҳам бор. Улар шунчалик моҳирона чизилганки, керилган, бақувват кўкраклари, олға ташланган оёқлари бу чопишнинг қанчалик тезлигини кўрсатади.

Овчиларнинг елкаларига теридан қилинган қандайдир ёпингичлар ёпилган. Қўлларида ёй ва яна қандайдир қурол бор. Улар калтакка ҳам, австралия бумерангига ҳам, шақилдоққа ҳам ўхшаб кетади. Улар орасида итлар, ҳашаротлар фигурасига ўхшаб кетувчи сувратлар бор. Эҳтимол, бу ерда ов вақти чизилган бўлса керак. Иккинчи горда ҳам шунга ўхшаш сувратлар бор. Яна сўқмоқ билан бирмунча юрилса, чап тарафдаги кичик горга дуч келинади. Гор ичида қизил охра билан солинган шакллар мавжуд. Бу ерда кўпроқ ёзувлар мавжуд бўлиб, куйроқда тўқроқ ранг билан жимжимадор араб алифбосида қатор жумлалар битилган. Юқорироқда эса оч қизил рангда йирик ҳарфлар мавжуд. Бу ҳарфлар қадимий ҳинд ҳарфларидир. Худди шундай ҳарфларни спелеолог И.Дядюченко Фарғона водийсидаги Чилистун горида топган, кейинчалик у ёзувлар Ленинграддаги СССР Фанлар академиясининг Осие ҳалқлари институтида ўқиб чиқилиб, санскрит тили девонагари формаси деб топилган. Лекин у Фарғона водийси, бу ер эса Сурхон водийси - Зараутсой. Бу ёзувларни ким ёзган экан. Ҳинд сайёҳими ёки фоний дунёдан воз кечиб, бу ерларга келиб қолган дарвешми? Дарвоқе, Ҳиндистонда юзлаб горда жойлашган ибодатхоналар мавжуд бўлиб, у ерда минглаб дарвешлар ўз умрларини тоат-ибодат билан ўтказганлар. Эҳтимол, улардан бири ёки бир гуруҳи бир неча асрлар илгари тоғлар ошиб, бу хушманзара жойларга етиб келган-у, ўз умрларини шу жойларда ўтказгандир.

**Б.О.Қодиров,**  
академик,

**М.А.Ашуров,**  
доцент, ТермизДУ

## **МИЛЛИЙ ДАСТУР – УМУМИНСОНИЙ МАЪНАВИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИ**

Мустақиллик туфайли инсон эркинлиги тўлиқ таъминланмоқда. Уларнинг маданий, маънавий мерос дурдоналарини кенг эгаллашлари, баркамол инсон бўлиб етишишлари учун барча имкониятлар яратилмоқда. Аммо тарбия муаммоси Ўзбекистонда долзарб бўлиб қолмоқда. Чунки, очиғини айтганда, бу соҳадаги ишлар миллий истиқлол талабларига кўнгилдагидек жавоб бермаётир. Бу ҳолат жойларда олиб борилаётган тарбиявий ишларнинг бугунги талаб даражасида эмаслигини кўрсатади.

Республикамизда тарбиядаги ноҳуш иллатларнинг олдини олиш учун ҳуқуқий органларнинг фаолияти мукамаллаштирилиши даркор, шу билан бирга ўқув масканлари, корхона ва муассасаларда тарбиявий ишга алоҳида эътибор бериш ва ёш авлодни баркамол инсон бўлиб шаклланишига имконият яратиш зарур.

Президентимиз И.А.Каримов соғлом авлодни тарбиялаб воёга етказиш борасида шундай деган эдилар: "Соғлом киши деганда фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз" (И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари, 57-бет).

Ҳақиқатдан ҳам, баркамол инсон деганда ёш авлодни табиат, жамият ҳақидаги билимлар билан қуроллантириш, ўз билими ва ақл-заковатини республикамиз истиқболи йўлида ишлатишга ўргатиш, ота-боболаримиз анъаналарига ва маданий меросимизга ҳурмат билан қараш, намунали ахлоқ-одобга эга инсонни тарбиялаб етиштириш кўзда тутилади. Бу соҳада ўзликни англаш, миллийлик ва миллий қадриятларга содиқликни таркиб топтиришнинг педагогик асосларини ишлаб чиқиш муҳимдир. Бунинг учун педагогика фани орқали ёшларда ўзбек халқининг миллий фазилатларини шакллантиришга эътибор бериш лозим. Миллий давлат истиқболининг режаларида Ўзбекистоннинг буғуни ва келажаги учун лойиқ кадрларни тайёрлаб етказиш ва уларни танлаб жой-жойига қўйиш сиёсатини амалга оширишдек муҳим йўналиш мавжуддир.

Ўзбек халқи азалдан билимдон, меҳнатсевар, фидойи, инсон қадр-қийматини биладиган, меҳмондўст, меҳр-оқибатли, шафқатли халқдир. Бу сифатлар ҳозирги шароитда яна-да юксакликка кўтарилиши керак. Шундагина жамиятимизда амалга оширилаётган ижобий ўзгаришлар тўла муваффақият топади.

Юқорида кўрсатилган вазифаларни асосий дастур деб билиб, чет тили факультетида талабаларга билим беришда миллий қадриятларга хос сифатларни шакллантириш кўзда тутилмоқда. Бу сифатлар халқимизнинг меҳнати ва кураши тажрибасида, алломаларнинг қийматли фикрларида, халқ қаҳрамонларининг ҳаёти намунасида ва халқ анъаналарида ўз ифодасини топгандир.

1998 йилдан "Устоз" жамғармасининг ташкил этилиши ёшларнинг ўз устозларига нисбатан ҳурмати яна-да ошишига ёрдам беради. Чунки азалдан ўзбек халқи "Устоз - отангдан улуг" деган халқ нақлига риоя қилиб, устозни доим ардоқлаб келади.

Биз, мурабийлар ўзимиздаги ижобий фазилатларни ёшлар тарбиясига етказишимиз лозим. Чет тили факультетида ҳар йили тарихий саналарни, яъни Мустақиллик куни, Конституция куни, Наврўз байрами каби айёмларни тантанали нишонлаш одат тусига айланган. Бундай тадбирларни тантанали вазиятда ўтказиб, маросимларнинг моҳиятини талабалар онгига етказиш асосий мақсад ҳисобланади. Тарбия жараёнида миллий маданиятнинг ўзига хослигини тиклашга алоҳида эътибор бериш лозим. Биз таълим-тарбия жараёнида талабаларга миллатимизнинг ўз-ўзини англаши жаҳон инсонпарварлик маданияти ва умумбашарий қадриятлардан ажралиб қолиши мумкин эмаслигини тушунтиришимиз лозим.

Бу йил мамлакатимизда "Таълим тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши, миллий кадрлар тайёрлаш дастурининг қабул қилиниши миллий кадрлар тайёрлашдаги катта бир тарихий воқеадир. Ана шу дастур асосида биз ёшларга ўзбек халқининг миллий урф-одатларини, удумларини, илғор анъаналарини синдириб боришимиз зарур.

Президентимиз асарларида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, миллий маданиятлар билан умуминсоний маънавият бири-бирдан ажратилмасдир. Дунёдаги бирор халқ фақат ўз маънавий-миллий бойликлари доирасидагина ривожлана олмайди. Шундай экан, биз дунё халқлари маданияти тажрибасидан ҳам таълим-тарбия жараёнида фойдалансак, нур устига нур бўлур.

**Ғ.Б.Шоумаров,**  
профессор, Тошкент,

**Б.М.Умаров,**  
ТермизДУ

## **ЖИНСИЙ ТАРБИЯНИНГ ЭТНОПЕДАГОГИК – ЭТНОПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ**

Инсоният пайдо бўлибдики, жинсий муносабат ҳаётини эҳтиёж сифатида қабул қилиниб келинади. Жинсий тарбия, айниқса оилада ёшларга жинсий тарбия бериш масаласи бугунги кунда давлат аҳамиятига молик муаммолардан бирига айланмоқда. 1997 йил 17-21 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида ЮНЕСКО, ЮНФПА, Халқ таълими вазирлиги, Республика Таълим маркази ҳамкорлигида "Ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлашнинг ижтимоий-психологик муаммолари" мавзусидаги халқаро илмий-амалий семинарнинг ўтказилиши ҳам бундан далолатдир.

Бироқ тан олишимиз керакки, ёшларни жинсий ҳаётга тайёрлаш, жинсий ҳаёт психофизиологияси, жинсий тарбия беришда миллий қадриятлар, шарқона урф-одатларни ҳисобга олиш каби масалалар бўйича етарли тадқиқот ишлари олиб борилмаётир. Бу масалага оид илмий-оммабоп рисоалар, қўлланмалар оз. Борлари ҳам бугунги кун талабига жавоб бермайди. Бунинг устига, ёш йигит-қизларга оилада жинсий ҳаёт масалаларидан таълим берадиган ота-оналарнинг ўзлари ҳам бу масалада етарлича маълумотга эга эмаслар; энг ачинарли томони шундаки, ота-оналар, қариндош-уруғлар, ҳатто мураббийлар ҳам йигит ва қиз болалар билан гаплашишдан ийманадилар. Баъзан эса ёшларга жинсий ҳаёт масалаларидан панд-насихат қилинса, ёмон йўлларга кириб кетади деган фикрларни эшитасиз. Шубҳасиз, бундай тушунчалар мазкур масалани ижобий ҳал этишга тўсқинлик қилади.

Оилада ота-оналарнинг ўз болалари билан жинсий тарбияга тааллуқли саволларига жавоб бермасликлари кўпинча фойда ўрнига зарар келтириши мумкин. Чунки бола ўзи жуда-жуда қизиққан жинсий ҳаёт масаласида "билимдон" бўлган одамлардан нотўғри маълумотларни олади. Оқибатда балоғат ёшига етмасдан жинсий алоқага киришиш ҳолатларига, натижада эса турли хил тери-таносил касалликларининг келиб чиқишига имконият яратилади. Оилада жинсий тарбия беришни минимум дастур асосида (ота-она) олиб бориш яхши натижа беради. Бунда ота ёки она билан бола ўртасида жинсий ҳаёт масаласига тааллуқли бўлган савол-жавоб сирлигича қолиши керак. Акс ҳолда иккинчи бор бола ота ёки онасига бу масалага доир саволлар бермайди. Ёшларга жинсий тарбия беришнинг иккинчи босқичи маскимум дастур асосида (ота-она, ўқитувчилар, мураббийлар, врачлар) олиб борилиши керак. Бунда жинсий психофизиологик тафовутлар, аёллик ва эркаклик хусусиятлари, жинсий эҳтиёжлардаги ўзаро фарқлар ва шу каби бир қатор билимлар берилиши зарур деб ўйлаймиз. Шунингдек, керакки, бу маълумотларни беришда айрим мавзуларни шарқона урф-одатларни ҳисобга олиб, йигит ва қиз болаларга алоҳида-алоҳида маълумот бериш мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, жинсий ҳаёт ҳақидаги маълумотларни беришни ҳар бир халқнинг, ҳудуднинг миллий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш лозимдир.

Ёшларимизнинг жинсий тарбияга таълуқли бўлган билимлардан хабардор бўлишлари бўлғуси оилавий ҳаётларининг муваффақиятли кечишига, тотли ва фаровон ҳаёт кечиришига замин яратади. Оилавий соғлом муносабат, тотли турмуш ўз навбатида оилаларда вояга етаётган фарзандларимизни оилавий ҳаётга таёрлашда муҳим омил ролини ўйнайди.



М.А.Ашуров,  
доцент, ТермизДУ,  
А.Э.Кенжабоев,  
доцент, ТермизДУ

## УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ БАЪЗИ БИР МУАММОЛАРИ

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принципларидан бири таълим тизимининг узлуксизлиги ва изчиллигидир. Умумий таълим эса узлуксиз давлат тизимида асосий бўгин ҳисобланади. Узлуксиз таълим шахснинг меҳнат фаолияти давринигина эмас, балки индивиднинг ҳамма босқичларини бирлаштирган ҳолда унинг ҳаётининг фаолияти жараёнини ўз ичига олади. Узлуксиз таълим тизими икки асосий вазифани бажаради: 1) Меҳнат ресурсларида халқ хўжалиги талабини қондиради, чунки у фаол ишчи мутахассис тайёрлаб беради; 2) Жамоат ишларида фаол қатнаша оладиган, сиёсий томондан онгли, ишбилармон ва юксак маданиятли фуқаро етказиб беради. Иккаласи биргаликда таълим ва тарбиянинг асосий қисми бўлиб, шахс ривожланишида муҳим роль ўйнайди. Узлуксиз таълимнинг бирлашган тизимида асосий ўринни таянч V-IX синфлар таълими эгаллайди. Таълимнинг ана шу босқичи ҳар бир инсоннинг мустақил ҳаётга қадам қўйишини, шахсий қизиқишини, ижодий қобилиятларни ва маънавий фазилатларини шакллантирилади, шунга қараб таълимни яна давом эттиришлари учун зарур босқич ҳисобланади.

Умумий таълимни такомиллаштиришнинг энг муҳим ва мураккаб масалаларидан бири мактабда ўқувчиларнинг дарсдан ташқари ишларини тўғри ташкил қилишдир. Ҳозирги пайтда таълим тизими ижодий ишлаш кўникмасини, яъни ўқитувчилар бераётган материалларни фаол идрок этиш ва олинган билимларни мустақил ҳолда амалда қўллашни назарда тутди.

Биз олдимизга дарсдан ташқари ишлар жараёнида ўқувчиларга немис тили бўйича ўзлаштирилаётган билимлар ва кўникмаларнинг амалий аҳамиятини яққол ифодалаш ва шу орқали уларда чет тилига ва касбга қизиқиш шаклланишини таъминлаш вазифасини қўйдик. Тажриба асосида педагогик ишлар жараёнида дарсдан ташқари ишларнинг қайси турлари билишга қизиқиш уйғотишини, ўқувчиларнинг умумий билим савиясини оширишини, фикр доирасини кенгайтиришга эришиш учун бу ишларни қандай ташкил қилиш зарурлигини аниқлашга ҳаракат қилдик. Кузатишларда дарсдан ташқари тадбирлар ёрқин, хил-

ма-хил бўлиши, улар ўқувчиларни янгиликлардан хабардор қилиши ва уларда ижобий хусусиятлар уйғотиши зарурлиги маълум бўлди.

Бизнинг умумтаълим мактабларида дарсдан ташқари ўтказган энг муҳим тадбирларимиз қуйидагилардан иборат: а) чет тилини ўрганишнинг аҳамияти ҳақидаги суҳбатлар; б) дарсдан ташқари ўқиш; в) чет тилида ўтказиладиган экскурсиялар; г) матбуот ва ойнаи жаҳондан фойдаланиш; д) ўрганилаётган тилда кечалар ва викториналар ўтказиш ва бошқалар. Чет тилини ўрганишнинг аҳамияти ҳақидаги суҳбатлар қуйидаги мавзуларда ўтказилди: "Буюк кишиларнинг чет тилини ўрганиши ва унинг роли ҳақида"; "Чет тилини ўрганиш менинг келгусидаги ишларимда қанчалик зарур". "Қандай қилиб қисқа вақт ичида чет тилини ўрганиш мумкин?". "Бошқа халқ тилини билсанг, дилини тушунасан". Бундай суҳбатлар билан чет тилини амалий ўрганиш зарурлигига эътибор қаратилди.

Дарсдан ташқари ўқиш ўқувчиларни китоб устида ишлашга ўргатади, уларда чет тили адабиётлари билан ишлаш жараёнида вужудга келадиган қийинчиликларни енгиш учун ирода ва қатъийликни тарбиялайди, мустақил ишлаш малакаларини таркиб топтиради. Шунинг учун ҳам Республикамиздаги кўпгина ўқитувчилар дарсдан ташқари ишларнинг мана шу турига катта аҳамият берадилар.

Немис тилида ўтказиладиган экскурсиялар турли мавзуларни ўрганишда муҳим роль ўйнайди. Бундай экскурсиялар ўқувчиларнинг фикр доирасини кенгайтиради, уларнинг фанга қизиқишини оширади, ўқитувчига эса немис тили ўқитишни ҳаёт билан мустаҳкамроқ боғлашга ёрдам беради. Лекин дарсдан ташқари ишнинг бу тури ўқувчиларга тушунарли мавзуда ўтказилсагина фойдали бўлади. Хусусан, экскурсия давомида ўқитувчи ва ўқувчиларда атрофдаги нарсалар билан боғлиқ ҳолда туғиладиган ўз фикрларини ифодалаш учун немис тилидан бевосита фойдалана оладиган вазиятлар вужудга келади.

Немис тилида чиқариладиган деворий газеталар эса, гоёвий тарбияни ошириш билан бирга, ўқувчиларни машғулотларда олган билимларни амалда қўллашга ўргатади. Немис тилида ўтказиладиган кечалар ҳамда викториналар ўқувчиларнинг тил ўрганишида, педагогик қизиқишини шакллантиришда катта аҳамият касб этади. Ўқувчилар кечалар ва викториналарда қатнашиб, муайян мавзуда мустақил суҳбатлар ўтказадилар, ўз фикрларини билдиришга ёки бошқаларнинг фикрларини тушунишга ўрганадилар.

Умуман айтганда, ўқувчилар билан амалга ошириладиган дарсдан ташқари ишларнинг ҳамма турлари педагогик қизиқишнинг ортишига ва маҳоратнинг таркиб топишига ёрдам беради.

А.Тешабоев,  
АнджонДУ,  
Қ.Б.Қодиров,  
ТермизДУ

## БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ МАНБАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

Республикамизнинг мустақилликка эришуви бутун иқтисодий-ижтимоий, маънавий-маданий ҳаёт жабҳаларида босқичма-босқич бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтишга имконият яратди. Шунингдек, таълим тизимида баркамол шахс тарбиясини амалга ошириш ҳамда жаҳон стандартлари даражасидаги мутахассисларни тайёрлаш вазифасини белгилаб берди. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг қатор ҳужжатлари ана шу муаммони ечишга қаратилган бўлиб, уларда бўлғуси мутахассисда тадбиркорлик, ишбилармонлик, ташаббускорлик, конкуренцияга бардошлилик, эмоционал-иродавий зўр беришга қодирлик каби шахсий сифатларни шакллантириш тарбиявий ишнинг устувор йўналиши қилиб белгиланган.

Шунингдек, халқ таълими тизимида ўзбек халқ педагогикасининг тутган ўрни тобора долзарб масала бўлиб бормоқда. Республикамизда таълим тизимининг инсонпарварлик ва халқчиллик тамойиллари умумий таълим мактабларининг ўқув-тарбия жараёнида ўзбек халқ педагогикасининг тарбиявий имкониятларидан фойдаланиш масаласини долзарб вазифага айлантирди. Мактабларимиздаги таълим-тарбия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда бу таълим-тарбия жараёнларини ўқувчи учун қизиқарли, замон руҳиятига монанд келадиган ҳолда ташкил этиб, маънавиятимиз, қадриятларимиз сингдирилган дарслар даражасида ўлиб боришимиз кераклиги ўқитувчиларимиз олдидаги асосий вазифага айланди.

Бошланғич синфларда ўқувчи шахсини баркамол қилиб тарбиялаш яхлит тарбиявий жараён бўлиб, унинг барча ахлоқий сифатлари фаоллигида намоён бўлади. Чунки тарбиявий жараённинг асосий мақсади ўқувчиларни жисмоний соғлом, эстетик дидли, ватанпарвар, инсонпарвар ва меҳнатсевар қилиб шакллантиришдан иборат. Бозор иқтисоди муносабатлари шаклланиб, ривожланиб бораётган шу кунларда эса ишбилармонлик, тадбиркорлик, чуқур билимлилик, масъулиятлилик, чидамлилик,

ингпизомлилик, мустақиллик, ташаббускорлик, жавобгарликни ҳис эта олиш, шахсий намуна кўрсатиш, интилувчанлик, ғайратлилик, ўртоқларига ёрдам берувчанлик, муомала маданиятини эгаллаш каби хусусиятларнинг устуворлиги яққол кўринмоқда.

Юқоридаги вазифалар асосан таълим-тарбия жараёнида ўз ечимини топишни ҳисобга олсак, дарсликларимиз мазмунининг болалар ёши ва эҳтиёжларига монанд бўлиши талаб этилади. Бу борада дарсликларга миллий маънавий меросларимиз дурдоналаридан киритилиши қўйилган вазифаларнинг ечимини топишимизда асосий манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Ўзбек халқи бисотида халқ педагогикасига доир беҳисоб манбалар борки, улар болалар учун ҳам қизиқарли, ҳам маънавий озуқадир.

Ўзбек халқ педагогикасининг бошланғич манбаи ундаги ноёб асарлардир. У ерда, халқнинг ҳаётий кечинмалари билан бир қаторда, болалар тарбиясига оид материаллар ўз ўрнини топган. Хусусан, мақоллар, эртақлар, ривоятлар, афсоналар, қўшиқлар шулар жумласидандир. Бу дурдоналардан таълим-тарбия жараёнларида фойдаланиш ўқувчиларда миллий маънавий қадриятларимизга ҳурмат руҳини уйғотиш билан бирга, уларнинг ватанига, халқига, ота-онасига бўлган муносабатларининг тўғри шаклланиб боришида ҳам асос бўлиб хизмат қилади.

Юқорида қўйилган мақсадларни амалга ошириш бошланғич синфларда қуйидаги вазифаларни амалга оширишни тақозо этади: биринчидан, миллий меросларимизнинг илмий-фалсафий, психологик ва педагогик асосларини бозор иқтисодиётидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қила билиш; иккинчидан, ўрганилган халқ оғзаки ижоди манбаларини ўқув-тарбия жараёнига жорий қилишнинг восита ва усулларини аниқлаш; учинчидан, дарсликлар ва мавзулар руҳиятига халқ оғзаки ижоди манбаларини сингдириб дарс ўтиш; тўртинчидан, мактабларда таълим-тарбия жараёнида халқ оғзаки ижоди манбаларидан ўқувчининг хусусиятини, психологик тараққиётини ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш; бешинчидан, синфдан ташқари дарс ва машғулотларда халқ оғзаки ижоди манбаларидан фойдаланиш жараёнида, аввало, уларни тўплаш, сўнг уларни таҳлил қилиб, ҳаётга жорий қилишга эришиш; олтинчидан, ўқитувчиларимизнинг қайта тайёрлаш курсидан ўтиш вақтида халқ оғзаки ижоди асарларини ўрганган ҳолда таълим-тарбия жараёнларида фойдалана олишига эътибор бериш; еттинчидан, мактаб билан оила ўртасида педагогик талаблар бирлигига эришиш; саккизинчидан, амалга оширилган ишларни мактаб методбирлашмасида ҳамда мактаб педагогик илмий кенгашида муҳокама қилиш ва оммалаштириш.

Дарҳақиқат, юқоридаги вазифаларни ҳал этишда бошланғич синф дастур ва дарсликларига халқ оғзаки ижоди манбалари намуналаридан киритиш, уларни дарсда ва дарсдан ташқари, оилада болаларга ўргатишни такомиллаштириш яхши натижалар имконини очиб беради.

**Р. Абдуқодиров,  
ҚДПИ,**

**М.Жумаев,  
ТошДПУ**

### **НАФОСАТ ТАРБИЯСИДА ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ МАНБАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Ўсиб келаётган ёш авлодда нафосатни тарбиялаш маънавият тарбиясининг муҳим таркибий қисмларидан биридир. Бу масаланинг нақадар муҳимлигига Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги қонунида ва бир қатор қарор ҳамда кўрсатмаларида алоҳида эътибор берилган.

Келажагимиз ворисларида табиат, жамият ва санъатдаги гўзалликни тўғри идрок қилиш, улардан таъсирланиш ва ниҳоят, уларга нисбатан онгли муносабатни шакллантиришнинг фаол усул, шакл, воситалари турли-тумандир. Айниқса бу борада халқ педагогикаси бой имкониятларга эгадир. Шунини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, халқ педагогикаси ўзининг кўлами, мазмуни ва йўналиши жиҳатидан кенг қамровлидир. Афсуски, мазкур ишда унинг барча қирраларидаги нафосат тарбиясига доир имкониятларни тўла ёритишнинг имконияти йўқ. Шу боисдан ҳам биз бу имкониятларнинг айримларини педагогик жиҳатдан таҳлил қилиш асосида улардан фойдаланишнинг айрим томонларини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Маълумки, халқ педагогикасида оғзаки ижод алоҳида ўринни эгаллайди. Халқ оғзаки ижоди эса ўзининг турларига эга бўлиб, буларга топишмоқлар, масал ва маталлар, ривоят ва афсоналар, лапар ва дostonларни кўрсатиш мумкин. Халқ оғзаки ижодининг юқоридаги барча турлари ўқувчи ёшларга нафосат тарбиясини сингдиришнинг таъсирчан воситаси ҳисобланади.

Қуйида ёшларга нафосат тарбияси беришда халқ эртақларидан фойдаланиш хусусида фикр юритилади. Эртақлар ўзининг характериға кўра табиатға (ўсимликлар, ҳайвонлар, ҳашаротлар), жамиятға, фазоға тааллуқли, техникаға ва бошқаларға

доир бўлиши мумкин. Буларнинг барчасини ўқувчи ёшлар севиб муголаа қиладилар ва тинглайдилар. Айниқса мактабгача тарбия, кичик мактаб ёшидаги болалар улардан завқ-шавқ оладилар.

“Шолғом” эртаги кичик ёшдаги болалар учун яқиндан танишдир. Ҳатто бу эртак умумий ўрта таълим мактабларининг биринчи синфларида ҳам ўрганилади. Бу эртак инсонларнинг пешаи учун зарурий бўлган полиз экини, унинг етиштирилиши ҳақида бўлиб, болалар бу эртак билан танишар экан, бир томондан табиатнинг муъжизакор эканлигига тан берсалар, иккинчидан уни йиғиб-териб олишда жамоанинг жипслигини атрофлича тушунадилар. Бунда нафосат тарбияси борасида асосий ётибор полиз экинлари, майдонлари, уларнинг нақадар ранг-баранглигига, жозибадорлигига қаратилиши мақсадга мувофиқдир.

Мазкур эртакнинг тарбиявий таъсирчанлигини ошириш мақсадида болалар билан суҳбатлар ўтказилиши ўзига хос аҳамиятга молик бўлади. Жумладан, суҳбат чоғида қуйидаги саволлар билан болаларга мурожаат қилиш мумкин:

- Шолғомнинг шакли, ранги қандай?
- Унинг мазаси-чи?
- Эртақда табиат қандай тасвирланган?
- Полиз экинлари етиштириладиган майдонларни қандай тасаввур қиласиз?

“Шолғом” эртаги машғулотларида болаларга нафосат тарбиясини сингдиришда кўргазма манбалардан фойдалиш катта роль ўйнайди. Иложки бўлса, шолғомнинг табиий ҳолатда кўрсатилиши яна-да мақсадга мувофиқдир. Бунда болалар полиз экинларидан ҳисобланган шолғомнинг шакли билан шунчаки танишибгина қолмасдан, балки унинг олтин каби товланиб турган рангини бевосита кўриб, идрок қиладилар ва уларда завқланиш ҳисси шаклланади. Кичик ёшдаги болаларга нафосат тарбиясини сингдиришда табиат ва инсонларга тааллуқли “Зумрад ва Қиммат”, “Эгри ва тўғри”, “Доно қиз”, ҳайвонот оламига тааллуқли “Тулки билан турна”, “Эчки болалари”, “Кўзичоқ ва бўри”, “Икки эчки” каби эртаклардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, барча турдаги эртаклар нафосат тарбиясининг таъсирчан воситасидир. Бизнингча, эртакларнинг болаларга тарбиявий таъсирчанлигининг ортиши қуйидагиларга боғлиқдир: 1. Нафосат тарбияси жараёнида эртаклардан фойдаланиш мақсад қилиб олинар экан, кўзланган мақсадга эришиш учун уларнинг қай бирида имкониятлар қай даражасида

эканлигини англаб олиш даркор. 2. Эртақларни танлашда болаларнинг ёш хусусиятлари эътиборга олиниши зарур. 3. Машгулотлар жараёнида эртақлардаги нафосат тарбиясига доир имкониятлар содда, равон ҳамда жозибаликка риоя этилган ҳолда ёритилиши муҳимдир. 4. Нафосат тарбияси бобида эртақлардан восита сифатида фойдаланиш мақсад қилиб олинар экан, мумкин қадар кўргазмалилик қондасига амал қилиниши лозим.

**Б.О.Қодиров,**  
Халқаро ПФА академиги

### **ЙИРИК ОЛИМ, ЕТИК РАҲБАР**

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримовнинг Сурхондарё вилоятига, халқига ғамхўрлик билан қараб, бу юртнинг келгуси истиқболларини рўёбга чиқаришда жиддий эътибор бераётганликлари барчамизни хушнуд этади. Айниқса "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" асарларида Сурхондарё вилоятининг эртанги кунига алоҳида урғу берганликлари меҳнаткаш халқимизга, доно раҳбарларимизга, юртимизнинг саховатли тупроғига Президентимизнинг ҳурмати чексиз эканлигини кўрсатади. Президентимиз кўрсатиб берган вазифаларни амалга ошириш ишлари кетаётган бир вақтда энг қадрлиси - инсон шахси, унинг фидокорона фаолияти асосий ўринни эгаллаши табиий. Ана шу мақсадда ҳам маънавиятимиз ва маданиятимизнинг фидойи бир инсони, Сурхондарё халқининг қалбига яқин бўлган бир одам ҳақида икки оғиз сўз юритишга жазм этдик.

Бу инсон - Термиз давлат университетининг ректори, академик Тўраев Назар Йўлдошевичдир.

Н.И.Тўраев Термиз давлат университети ректори бўлиб 1983 йилдан, яъни 19 йилдан бери ишлаб келмоқда. Шу муддат ичида университетда 4 факультет 14тага, 18 кафедра 48тага, 13та мутахассислик 27тага етди. Фақат педагогик мутахассисликлари қаторига иқтисодиёт, молия ва менежмент, чет тиллари, амалий математика ва информатика, экология, химия, агрохимия, мусиқа каби бугунги кундаги долзарб мутахассисликлар қўшилди.

Бирорта фан доктори бўлмаган университетда 28та фан доктори, профессор, 64та фан номзоди ўрнига 185та фан номзодлари фаолият кўрсатмоқда. Университетда 1500 талабага мўлжалланган ўқув корпуси, 400 жойга мўлжалланган ётоқхо-

на, йирик устахона, ҳаммом, ўнлаб спорт майдонлари куриб битказилди, кўшимча яна иккита ётоқхона ва иккита ўқув корпуси курилмоқда. Университет қошида Термиз маънавият академияси 1994 йилдан буён фаолият кўрсатмоқда. Унда вилоятнинг ўрта поғона раҳбарлари, маънавият соҳасининг жонкуярлари маданий, тарихий меросларимиз билан таништирилмоқда, жойларда ишлаш учун услубий қўлланмалар олмақдалар.

Талабалар учун махсус овқатланиш корхонаси, ўқув мебеллари ва курилиш-ремонт материаллари ишлаб чиқарадиган тажриба корхонаси, "Университет" футбол командаси, ўнлаб маънавият хоналари, компьютерлар билан таъминланган 10та синф, ҳисоблаш маркази, тил ўргатиш маркази, мураббийлар кенгаши, табиат музейи, барча мутахассисликлар учун кабинетлар барпо этилди.

Н.Й.Тўраев 1990-1995 йилларда Ўзбекистон Республикаси Халқ депутати, бир неча марта Сурхондарё вилояти ва Термиз шаҳар кенгаши депутати этиб сайланиб келмоқда. 1992 йилда Ўзбекистоннинг биринчи инсонпарварлик ёрдамни Тожикистонга олиб боришда иштирок этди.

Н.Й.Тўраев атом физикаси ва лазердан қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ёритилган 250дан ортиқроқ илмий мақолалар ва 4та монография автори; қарийб 700 бетлик монографияси инглиз тилида ёзилиб, Амстердам, Нью-Йорк, Лондон, Токиодаги нашриётлар орқали босилиб чиқди. 1988 йилда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвони берилди, 1989 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси мухбир аъзоси, 1995 йилда ЮНЕСКО қошидаги Халқаро Информациялаш академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди. У кадрлар тайёрлаш миллий дастури, маданий меросларни чуқур ўрганиш, урфодатлар, анъаналарни тарғиб қилиш, инсон ва оила манфаатлари соҳаларида ўнлаб республика газеталари, телевиденияси, радиосида чиқишлар автори, бир неча халқаро конференциялар ташаббускоридир. Унинг муҳаррирлигида Республикада биринчи марта вилоят энциклопедияси тайёрланмоқда.

Унинг бевосита бош-қошлигида Сурхондарё вилоятининг 50 йиллигига бағишланган, Республикамизда биринчи бўлиб йирик ҳажмдаги "Сурхондарё олимлари" китоби нашр этилди. 1995 йилда Марказий Осиёда биринчи марта Халқаро Педагогика Фанлари Академияси билан ҳамкорликда "Зараутсой-95" Халқаро симпозиуми ўтказилди. Бу симпозиумда 300дан ошиқ илмий маърузалар муҳокама этилди. Айни кунларда "Зараутсой - 98" II Халқаро симпозиумига тайёргарлик ишлари қизгин давом этмоқда. Бу катта йиғинга 20дан ортиқ хориж мамлакатларидан



вакиллар келиши кутилмоқда. АҚШ, Франция, Германия, Япония, Туркия, Озарбайжон, Тожикистон, Афғонистон давлатлари мутахассисларининг симпозиумда қатнашишлари ҳақида розилик хабарлари келди.

Н.Й.Тўраев нафақат Ўзбекистон Республикаси, балки кўп-лаб хорижий мамлакатларда танилган, тан олинган йирик олим ҳисобланади. Унинг атом физикаси бўйича яратган қатор илмий тадқиқотлари жаҳон фанининг абадий мулкига айланиб қолганлигини атом физикаси илмининг йирик мутахассислари ўз асарларида тан олишади. Ватанимиз фанининг ана шу йирик вакили бизнинг юртдошимиз - Сурхондарё фарзанди эканлигидан фахрланмай бўладими.

Олдиндан ўтган сувнинг қадри йўқ, дейди доно халқимиз. Зеро, Н.Й.Тўраевнинг фан, маданият ва маънавий соҳаларидаги хизматларини қанча кўп санасак, давом этаверади, бироқ баъзида унинг заҳматли меҳнатлари эвазига озгина маънавий мадад бўладиган, кўнглини кўтарадиган тадбирлар қилсак, нафақат бу инсонга, балки ўзимиз, ўзлимизга ҳурмат, эъзоз билан қараган бўламиз, деб ўйлайман.

Республикамиздаги баъзи вилоятларда бизнинг вилоятимиздек фидойи, сермаҳсул олимлар кам. Аммо ўшаларда борларини ҳам кўпроқ тарғибот қилишлари сезилади. Бизда ҳам бу масала ёмон эмас. Аммо Н.Й.Тўраевга ўхшаган фан заҳматкаши, ахлоқан пок, маънавий мустаҳкам, маданиятли, ташкилотчи, ширин сўз, ишбилармон одам камдан-кам учрайди.

Олий ўқув юртида кўпдан кўп академиклар, профессорлар, доцентлар, жаиговар ёшларга, нафақага чиқса ҳам, илмий фаолиятини давом эттираётган кекса олимларга раҳбарлик қилиш жуда мураккаб иш эканлигини ҳар қайсимиз яхши биламиз. Жамоадаги ҳар бир инсоннинг хулқи, характериға қараб муомала қилиш, уларнинг талаб ва истакларини қондириш, ҳисобга олиш, улкан даргоҳда соғлом муҳитни усталик билан сақлаб туриш - катта санъат. Ана шу оғир ишни 1983 йилдан бери маҳорат билан уддасидан чиқиб, Термиз давлат университети обрўсига обрў кўшиб, кечани кеча, кундузни кундуз демай, керак бўлса, соғлигини ҳам аямай меҳнат қилиб келаётган инсон бугун 60 ёшга тўлиб турибди. У Ўзбекистон Республикасида узоқ йиллардан бери самарали ва бенуқсон фаолият кўрсатиб келаётган яқка-ю ягона ректор ҳисобланади. Ҳозирги кунда бирор олий ўқув юртида Назар акачалик узоқ раҳбарлик қилиб келаётган инсон йўқ эканлигини яхши биламиз.

Айрим ўқув юртларида бир-бирини ёзиб-чишиб, жанжал, гурбат, кераксиз тортишувлар бўлиб турган бир вақтда Термиз

давлат университетини 15 йилдан бери бир раҳбар атрофида жипслашган олимлар илмий-тадқиқот ишлари соҳасида тиним билмай фаолият кўрсатаётганликларидан, 3 нафар академик, 30га яқин фан доктори, профессорлар, 200дан ошқ фан номзодлари, доцентлар, 300га яқин катта ўқитувчи, олий маълумотли ходимлар, 4000дан ошқ талабалар Сурхондарё вилояти, қолаверса, улуг Ўзбекистон Республикасининг маънавият ва маърифатига самарали ҳисса қўшаётганликларидан ҳақли равишда гурурлансак бўлади.

**Б.Абдуллаева,**

НукусДПИ,

**У.А.Алеуов,**

профессор, ПФА

### **ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДА БОЛАЛАРНИНГ “БЕШ БАРМОҚ” ЎЙИНИ ВА УНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ**

Ёш авлодни миллий руҳда, шарқона одоб-ахлоқ фазилатлари воситасида тарбиялаш таълим-тарбия жабҳаси олдида турган долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Зеро, порлоқ келажакимиз, ҳурматли юртбошимиз эътироф этганларидек, ёшлар кўлида, истиқболи порлоқ ворис авлод кўлида. Бу бизга яна-да мураккаб, бироқ шарафли бурч-масъулиятлар юклайди. Қорақалпоқ халқининг ёшларни тарбиялаш дастурида турфа хил ҳаракатчанликни талаб қилувчи ўйинларнинг аҳамияти катта. Чунки мазкур ўйинларда болаларнинг фақат кундалик машғулотларигина назарда тутилмай, уларнинг дунёқараши кенгайиши, ақлий-ҳиссий ривожланишига ҳам эътибор берилади. Буни биз қорақалпоқ халқида анча оммалашган, болаларга мўлжалланган “Беш бармоқ” ўйини мазмунидан пайқаймиз. “Беш бармоқ” қадимги даврдаги энг содда саноқ тизимининг тўнғич кўринишлари бўлиб, кейинчалик ўйин шаклига айланган. Ўйин болаларнинг беш бармоғини санашдан бошланади. Халқ дастурида ҳар бир бармоқ ўз номига эга. Булар қуйидагича номланади: 1) бош бармоқ, 2) болан ўрдак, 3) ўртан терак, 4) шулдир шумак, 5) кичкинагина бўбак. Юқоридагилардан кўриниб турибдики, боланинг ҳар бир бармоғи ўзига хос тарзда номланади. Шундан сўнг ўйин бошланади. Бунда ҳар бир бармоқни гапиртириш орқали ўзаро фикр алмашилади.

**Бош бармоқ:** Оллоҳ таолонинг ола танасини ўғирлайлик!  
**Болан ўрдак:** Ўғирласак, ўғирлайлик. **Ўртан терак:** “Худодан

кўрқмайсизми?” - деб савол беради. Навбатдаги бармоқ шулдур шумак: “Худо нима қилар экан?” - деб жавоб қайтаради. Кичкинагина бубак сўнги нуқтани қўяди: “Олиб кела қолинг, сўйиб ейлик”. Бундан кўриниб турибдики, ҳар бир бармоқ ўзига хос феъл-атвордаги кишиларнинг ҳаракатини ёдга солади. Бунда ҳар бир бармоқнинг жойлашиши, катта-кичиклиги ҳам инobatта олинади, албатта. Бош бармоқ ҳар бир иш-ҳаракатни бошловчи сифатида, иккинчи бармоқ унга ёрдамчи вазифасида, ўрта бармоқ эса бетараф фикрга эга бўлган ва ўртада турувчи ўрнида масъулиятни ҳис қилиши кузатилса, тўртинчи бармоқ масъулиятни ўзидан аввал турганларга юклаши, бепарволиги билан характерланади. Ўйинда бешинчи бармоқ, кичкинтойлиги боис, жавобгарликка эътиборсиз қараши назарда тутилган.

Бундан ташқари, ҳар бир бармоқ ўз вазифаларига хос хусусиятларга ҳам таъриф беради. Ўйинда болакай бармоқлари учун хос санок тугагач, унинг қўлини билагидан ушлаб, кафтини туртиб, орани тахминан тўрт бармоқдан қалдириб, “Бу ерда мой бор, бу ерда гўшт бор, бу ерда соқ бор, бу ерда полов” сўзларини айтиб, қўлтигининг остини қитиқлаб юбориш кабилар ҳам ўрин олган.

Бу жараёнлар болаларга инсоният тановул қиладиган таомлар ҳақида маълумот бериш билан бирга, уларнинг тана аъзолари нотўғри ҳаракатга тушмаслигига, жисмоний чиниқишга, сезги-идрок хусусиятларида зийраклик, чаққонлик каби кўникмалар шаклланишига туртки беради.

Биз ҳикоя қиладиган ўйинни кўпчилик ҳолларда халқ дастурига асосан болалар ўзидан бир ёки икки ёш кичик укаларига ўйнатишган. Бунда ёш болаларнинг онг-сезимларига таъсир кўрсатиш кўзда тутилган. Бироқ ўйин юқорида айтилган хусусиятлар билан чекланиб қолмасдан, болаларнинг дунёқарашининг кенгайишига, дунёни билиш, ҳаётни идрок этишига ҳам таъсир қилади. Бармоқлар хусусиятини билиш билан бир қаторда, оққорани таниш, одамларнинг феъл-атворини ўрганиш имкони ҳам тутилган.

Бундан ташқари, “Беш бармоқ” ўйини болаларга санок тизимини ўргатиш билан бирга, дунёқараш, ақлий-ҳиссий сезиларни ҳам тарбиялаган. Бу ўйин меҳнат тирикчиликнинг, ҳаётнинг мазмуни эканлиги, болалар ўзининг ёш хусусиятларига қараб меҳнат қилиши лозимлиги ҳақида таассурот уйғотган. Шундай қилиб, биз қорақалпоқ халқининг “Беш бармоқ” ўйини меҳнатсеварликка ўргатиши, гўзаллик меҳнатда эканлигини тарбиялаши билан диққатга сазавор эканлигига амин бўлдик. Халқ таълим-тарбияси жабҳасида бу ўйин ҳозирги даврда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Қ.О.Омонтурдиев,  
доцент, ТермизДУ

## КЎХИТАНГ – ЗАРАУТСОЙ НАБОТОТ ОЛАМИДА АЛҚОР ЎСИМЛИГИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Алқор ўсимлиги тоғзира, хунуч, бўзрав, монзира каби маҳаллий номлар билан аталади. Алқорнинг илмий номи ҳам унгириб кетган, у Соябонгулдошлар оиласига мансуб. 1882 йилда Э.Лрегел ва И.Шмальгаузенлар алқорни биринчи бўлиб Шохимардонда ўрганиб таърифлаганлар. Уни Сесели авлоди, Макропилла турига киритганлар. Е.П.Коровин 1926 йилда янги шалодга, яъни Атаманта авлоди Макропилла турига ўтказган. 1974 йилда машҳур систематик М.Пименов бу ўсимликни янги шалодга - Медиазия авлоди Макропилла турига киритди. Шундай қилиб, ҳозирги кунда алқор ўсимлигининг ҳақиқий илмий номи Медиазия деб юритилмоқда. Бу ном алқор ўсимлиги учун жуда мосдир, чунки Медиазия Ўрта Осиё деган маънони билдириши, дарҳақиқат, бу ўсимлик Ўрта Осиёда тарқалган. Демак, бу ном ўсимликнинг тарқалган майдонини (ареалини) англатади.

Алқор ўқ илдизли (7-9 м) кўп йиллик резавор ўсимлик бўлиб, Ўрта Осиё тоғларининг 1200-3000 м баландликларидаги кийирликларда ва ярим шағалли тупроқ шароитида учрайди. Поясининг узунлиги 170 см гача боради. Алқор баргларининг баландлиги 80-90 см бўлиб, у 2-3 йилда поя бера бошлайди. Поялар сони йилдан йилга ошиб боради. Баргларининг мураккаб узунлиги 6-8 см, эни 3,5-4 см, қалин соябонгуллари поянинг тўпа қисмида жойлашган. Ҳар бир соябончада 20-25тагача гул бўлади. Бир туп алқордан 300-450 граммгача уруғ олиш мумкин. Алқор уруғининг 45 проценти июнда, 55 проценти июлда олинади. Уруғининг узунлиги 6-7 мм, эни 3-4 мм дир. Умуман, Ўзбекистоннинг қишлоқ аҳолиси алқор барги, гулларини қатиқ-чалобга, қурт кабиларга қўшадилар, чунки уларнинг таъми ва қиди ўзига хос бўлади.

Алқорнинг уруғи, гули, пояси, айниқса барглари хушбўй шифир мойларига ниҳоятда бой (хўл вазнда 0,75 , қуруқ вазнда 3,5 процентгача бўлади). Алқорнинг уруғи ва гуллари қўшилган сўт ва сўт маҳсулотлари 7-11 кун ачимасдан сақланиши аниқланган. Алқорнинг ер устки қисмлари бодринг, помидор, анзур пивизи, карам, қовун, тарвузларни тузлашда ишлатилади, ўзига хос хушбўй ҳид беради. Алқор ширинликлар, колбаса, қази ҳамда турли хил ичимликлар (пиво, ликёр, лимонад) тайёрлашда

қўлланилади. Алқорнинг эфир мойи жуда хушбўй, ёқимли бўлганидан у парфюмерияда, косметика ҳамда совун пиширишда ишлатилади. Алқорнинг уруғи тоғдан сентябрда йиғиштириб келиниши билан тозаланиб, сабзи уруғи сингари ишқаланади ва тезлик билан холодильникнинг пастки қабатига қўйилган совуқ сувга солиниб, бир сутка ивотилади. Сўнг экилади, бирикки суғорилади. Шу билан ёмғир, қор тагида қолиб кетади. Алқорнинг уруғлари эрта баҳорда: мартнинг охири, апрелнинг бошларида уна бошлайди. Бироқ экиш, парвариш қоидаларига амал қилинмаса, экилган уруғларнинг эт қисмини Брухида оиласига кирувчи Брухус ҳашароти тухумқурти еб битиради, уруғининг пўсти қолади холос. Алқор кўчатидан ҳам яхши ўсади. Алқорнинг ер устки қисмлари турли витаминларга бой: унинг таркибида А витамини, Е витамини, В2 витамини, РР провитамини, СВ витамини, В6 витамини ва холинлар борлиги аниқланди. Алқор халқ табобатида ҳам кенг қўламда ишлатилади. Биз Сурхондарё вилоятининг тоғли районларидаги турли қишлоқларда халқ табиблари, чорвадорлар, қариялар билан алқорнинг айрим қисмларидан тайёрланган маҳсулотларни ишлатиб кўрдик. Вандоб, Шалкон, Хатак, Хўжа Анқо, Зараутсой, Мачай, Кенгдала, Тоғча, Қўрғонча, Дуюбола, Авлод каби қишлоқ аҳолиси алқор илдизини қуришиб, кукун ҳолига келгунча туйиб, уни сувда қайнатадилар. Натижада оқ-сарғиш қуюқ масса ҳосил бўлади. Совутилгач у зигир мойига аралаштириб суюлтирилади, сўнг бу суюқликни ичириш, баданга ишқалаш йўли билан ўпка касаллиги даволанади. Кўпгина қишлоқ аҳолиси алқорнинг узилган баргининг сувини сиқиб олиб, экзема, иссиқлик каби яраларни ювиш йўли билан даволашади. Айниқса алқор шарбати билан оёқ ювилса, терламайди ва ҳидланмайди. Шунингдек, алқор шарбатини қатиққа аралаштириб, ундан ичкетиш касаллигини даволашда фойдаланилади. Шуниси характерлики, Бойсун районидagi кўпгина чорвадорлар алқор илдизидан тайёрланган малҳамга унинг баргидан олинган шарбатни аралаштириб, қўй ва эчкиларда кўп учрайдиган қўтир касалликларини даволашади. Булардан ташқари, тоғ қуши (Каллиюрчи) ва балиқ гўштлари қуриштириб, кукун ҳолига келтирилади, бу кукун алқор шарбатига аралаштирилгач, ҳосил бўлган суюқлик қўй ва эчкиларга ичирилиб (1-2 кун суғорилмай), улардаги тус бузилиш (оқариш) касаллиги даволанади.

Хуллас, бу ўсимликнинг ер устки ва ер остки қисмларидан илмий медицинада ҳамда халқ табобатида яна ҳам кенг фойдаланиш мумкин.

Х.Т.Тураев,  
профессор, ТИУ,

З.Холиқов,  
ТермизДУ

## КЎХИТАНГ ВОҲАСИНИНГ СЎНГГИ ЎРТА АСРЛАР- ДАГИ САВДО КАРВОН ЙЎЛЛАРИ ҲАҚИДА

Кўхитанг воҳаси, унинг тарихи ва маданияти қадимги даврлардан машҳур бўлганидек, ўрта асрларда ҳам ўзининг савдо - карвон йўллари билан муҳим аҳамиятга эга бўлган. Кўхитанг сўзи этимологик жиҳатдан Кўх - форсча "тоғ", танг-тан - "жой, ўлка", "тоғли ўлка" деган маънони англатиб, араб манбаларида VIII-IX асрлардан бошлаб учрайди. Кўхитанг-Кўйтанг-Куфтанг ёки Гуфтан сўзи эронлик олим Абу Жағфар Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг (839-923 й) "Тарих ар-Русул ва -л мулк" (Пайғамбарлар ва подшолар тарихи) номли асарига тоза ҳано ва мевалари ширин вилоят ("Рустоғ") сифатида эслатилади (И.А.Пугаченкова, Э.В.Ртвеладзе, Т., 1990, 123-, 124- б.). Кўхитанг вилояти шимолда Кершантов, ғарбда Маллатов ва шарқда Кўхитанг тоғи билан чегарадошдир. Кўхитанг тоғининг шимолий томонида Кўйтанг - Кўхитанг номли катта қишлоқ мавжуд бўлиб, сўнги ўрта асрларда Амударёдан Ғўзоргача бўлган тоғли ҳудуднинг ягона бозори ҳисобланган (С.Ш.Камолиддинов). Кўхитангнинг тўртта савдо карвони бўлган, улар Ғўзор, Шеробод, Тангиҳарам ва Келф йўлига бўлинган. Кўхитангнинг қишлоқлари дарё бўйлаб Хўжақоровул қишлоғидан юқорида жойлашган. Шеробод ва Кўхитанг воҳаларини боғлайдиган иккита асосий йўл бўлиб, улар шимолий ва жанубий деб аталган. Шимолий йўналиш жуда қиялик бўлса ҳам, асосий карвон йўли ҳисобланган. Бу йўл Ҳазратоқсар довонидан ва Тангидевор дарасидан ўтган. Жанубий йўналиш Қора Ҳаят ва Ғоз қишлоқлари орқали ўтиб, у савдо карвонлари учун муҳим аҳамиятга эга бўлган. Кўхитанг воҳасининг баҳаво жойларидан Ҳатак қишлоғи денгиз сатҳидан тўрт минг метр баландликда жойлашган бўлиб, Тангидевор дарасининг шарқий томонидадир. Қишлоқ аҳолиси боғдорчилик ва қуруқ мевалар етиштириб сотиш билан машҳурдир (Сборник географ., топографических, статистических материалов по Средней Азии. С.-Петербург, 1894). Кўхитанг воҳасининг Пошхурт, Зарабоғ, Қорабоғ, Ҳатак, Лайлагон, Дарбанд каби қишлоқлари Бухоро амирлигининг Дахпаракет амалдорлигига (ер эгалигига) кирган (Н.А.Маев, 1879). Бундан ташқари,

воҳанинг Ғўзор-Келеф шаҳарларини ёки бекликларини боғловчи йўли ҳам бўлган. Бу йўллар: 1. Ғўзор шаҳри. 2. Бешбулоқ қудуғи - 35 км. 3. Абдулхон работ - 35 км. 4. Қўхитанг қишлоғи - 15 км. Бир кунлик йўл дам олиш. 5. Хўжа қоровул қишлоғи - 23 км. 6. Хўжа қишлоқ - 18 км. 7. Келеф шаҳри - 28 км. Жами: 154 км. Манзил - 7та. Дам олиш 1 марта. Ғўзор ва Келефнинг иккинчи йўли: 1. Ғўзор. 2. Саманчи қишлоғи - 17 км. 3. Зағчабел довони - 36 км. 4. Қурайча қишлоғи - 12 км. 5. Кирман газа - 16 км. 6. Қўйтанг қишлоғи - 12 км. 7. Бойқопиш овули - 21 км. 8. Хўжа шулук - 32 км. 9. Қизил тумшук - 18 км. 10. Келеф - 32 км. Жами: 462 км. Манзил - 10та. Қўхитанг воҳасининг шимоли-ғарбий томонидаги сўнгги ўрта асрларга оид ягона қурилиш ёдгорлиги - Абдулхон работ номли карвон саройдир (Сборник. С.-Петербург, 1895). У XVI асрнинг иккинчи ярмида ҳукмронлик қилган Абдулхон II (1556-1597 й) даврида барпо этилган. Иншоот Қўхитанг (Қўйтанг) қишлоғига яқин жойлашган. Унинг тўртта меҳмонхонаси бўлиб, Тангиҳарам, Султонработ, Хўжаипок ва Хўжа қишлоқларида қад кўтарган. Кейинги иккитаси XIX асрнинг охиригача сақланиб қолган, равоқли ва гумбазли иншоат бўлган.

Шундай қилиб, Қўхитанг воҳасидан ўтадиган савдо-карвон йўллари муҳим иқтисодий ва маданий алоқа тармоқлари ҳисобланиб, сўнгги ўрта асрлар шаҳар ва қишлоқларининг ҳамда карвонсаройларининг барпо бўлишида муҳим аҳамият касб этган.

**М.М.Раҳимов,**  
пфд, ТермизДУ,

**А.Самиев,**  
тадқиқотчи

## **ЎЗБЕК ХАЛҚ ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТИНИНГ МАНБАЛАРИ**

Замонавий жисмоний маданият ва спортнинг мазмунини бойитишда, мактабгача тарбия ва мактаб ёшидаги болалар ҳамда ёшларни жисмонан баркамол, ҳар томонлама тараққий қилган, маънавий ва ахлоқан тарбиялашда халқ жисмоний маданиятининг беқиёс ўрни бор. Ҳурматли президентимиз И.А.Каримов “Нега миллий онг, миллий гурур, миллий мафкура ҳақида жон куйдириб гапирамиз? Бунинг сабаби шуки, биз Ўзбекистонимизни буюк давлатлар қаторига қўшишга аҳд-у паймон қилдик. Болаларимизни, йигит-қизларимизни шу гоёга қаттиқ ишонадиган буюк давлат фуқаролари, буюк давлатга муносиб фарзанд-

лар этиб тарбиялашимиз лозим”, - деб таъкидлаган эди. Юрт-  
бошимиз томонидан айна ҳозирги кунда миллий ғурур, миллий  
маданият, миллий одоб, миллий онг каби фазилатларни ёшлар  
рағимизда шакллантириш долзарб вазифа қилиб қўйилди.

Халқ жисмоний маданияти инсоният тараққиётининг илк  
боғиқчиларидан бошлаб болалар ва ёшларга тарбия беришнинг  
асоси бўлиб хизмат қилган. Ҳар бир тараққиёт босқичида кенжа  
авлод вакилига катталар - бобоси, отаси, акалари ёрдамлашган.  
Катта катталар ҳамиша ўзлари тўплаган билим, тажриба, кўникма  
ва малакаларини кичик авлодга узатиб тарбия берганлар. Таби-  
ий, тирик замири орқали халқ жисмоний маданиятининг моддий  
ва маънавий бойликлари авлоддан авлодга ўтган, шу билан бир  
қаторда, ҳаётини зарурий, маънавий, ахлоқий, иродавий фазил-  
латлар, жисмоний салоҳият, билим, тажриба, кўникма ва малака  
ҳам шаклланган, такомиллашган. Халқ жисмоний маданиятига  
қид моддий ва маънавий бойликларни тадқиқ қилиш ва уларни  
маънавий жисмоний маданият ва спорт амалиётига жорий этиш  
ўз ечимини кутаётган муҳим муоммалардан бири ҳисобланади.

Анъанавий педагогик маданиятларнинг таркибий қисми са-  
налган анъанавий жисмоний маданият ёхуд халқ жисмоний ма-  
данияти билим, педагогик ғоялар ва тарихий тарбиялаш тажри-  
баси, жисмоний машқлар, миллий халқ ўйинлари ва спорт тур-  
лари, рақс санъати ва халқ оғзаки ижодиётига узатилган анъа-  
налар, урф-одатлар, маросимлар, мифлар, ривоятлар, эпослар,  
дostonлар, эртақлар, лофлар, қўшиқлар, топишмоқлар, мақол-  
лар, санок ва санок термалари йиғиндисиدير.

Халқ жисмоний маданиятининг манбалари турли халқлар-  
нинг тарбия маданиятига ҳам тааллуқлидир. Шу билан бир қа-  
торда, ҳар бир халқ, жумладан ўзбекларнинг тарихий-ижтимоий  
тараққиётида, ҳаёт тарзида, маданиятида, фаолият турларида,  
умуминсоний тавсифдаги хусусиятлар билан ёнма-ён, миллий  
ўзига хос, бетакрор томонлари ҳам мавжуддир.

Ўзбек халқ жисмоний маданиятининг манбалари: 1. Ўзбек  
халқининг қадимий ва навқирон миллий урф-одатлари, расм-  
русумлари, маросимлари, анъаналари. 2. Ислom динининг  
муқаддас “Қуръон” ва “Ҳадис”ларидаги одоб-ахлоқ, тарбия,  
соғлиқни асраш ва мустаҳкамлаш, риёзат, бадантарбия, ҳаракат  
қилиш, сафар, овқатланиш ҳақидаги панд-насихатлари. 3. Ўзбек  
халқ жисмоний маданиятининг усуллари, услублари ва восита-  
лари ҳақидаги қўлёзмалар ҳамда халқ оғзаки ижодиёти. 4. Мум-  
тоз адабнёт ва маданиятдаги халқ жисмоний маданиятига доир  
материаллар ҳамда бадиий адабиётларда унинг тараннум эти-  
лиши. 5. Буюк донишмандлар, алломалар ва арбобларнинг



ҳаёти, фаолияти ҳақидаги асарлар, ижодий меросларининг ўзбек халқ жисмоний маданиятини шакллантиришга қўшган ҳиссалари. 6. Ўзбек халқ миллий ҳаракатли ўйинлари ва миллий спорт турларининг (чавандозлик, тийрандозлик, қиличбозлик ва бошқалар) қонун-қоидалари. 7. Халқ таъбаотида доир тарихий, адабий ва илмий асарларда халқ жисмоний маданияти масалаларининг ёритилиши. 8. Халқ амалий санъати ва хунармандчилигида халқ жисмоний маданиятининг ифодаланиши. 9. Тасвирий санъат, тарихий ёдгорликлар ва миллий меъморчиликда халқ жисмоний маданиятининг тасвирланиши. 10. Миллий мусиқа, рақс ва мусиқа асбобларида халқ жисмоний маданиятининг куйланиши. 11. Миллий урф-одатлар, расм-русумлар, маросимлар, анъаналар ҳам ўзбек халқ жисмоний маданиятининг муҳим манбаларидан биридир. Халқ орасида кенг нишонландиган “Наврўз”, “Боғдорчилик куни”, “Қовун сайли”, “Гул байрами”, “Қушлар байрами”, “Узум сайли”, “Ҳосил байрами”, “Мустақиллик куни” кабиларда турли хил ўйинлар ва спорт турлари бўйича мусобақалар, баҳслар, тортишувлар ўтказилади. Масалан, кураш, куч синаш, тош кўтариш, пойга, кўпкари ва бошқа кўнгиш очар ўйинлар байрамларнинг кўрки бўлиб хизмат қилади.

**Б.С.Содиқов,**  
доцент, ТермизДУ,

**Б.К.Инсопов,**  
доцент, ТермизДУ

## ТАРБИЯДА ОБРЎНИНГ АҲАМИЯТИ

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг беш йиллигига бағишланган мажлисдаги табрик сўзида таъкидлаганидек: “Оила ҳақида гапирар эканмиз, авваламбор, оила ҳаётнинг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор. Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла, юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро оила фаровонлиги миллий фаровонлик асосидир” (“Ёзувчи” газетаси, 1997 йил 10 декабрь). Ҳақ

гап, инсоннинг инсонийлиги унинг маънавий ва ахлоқий жиҳатдан қалби поклиги, ҳалоллиги, баркамоллиги билан белгиланади. Бу фазилатлар оқилона муҳаббат асосида қурилган, эр ва хотин ҳамжиҳат ва ҳамфикр, ҳамкор бўлган оилада шаклланади. Биз ушбу мақоламизда ўзбек халқ педагогикасида ота-оналарнинг обрўси болаларни тарбиялаш самарадорлигини оширувчи усуллардан эканлиги ҳақида қисқа фикр юритамиз.

Обрў деб шахснинг билими, ахлоқий фазилати, тажрибаси тўғайли орттирган, одамлар томонидан эътироф этилган таъсирга айтилади. Ота-она - энг улуғ, фарзандлар тилида доимо тақдорланадиган қудратли сўз. Чунки ота-она деган сўз фарзанд туғилган пайдо бўлади. Ана шу кундан бошлаб ота-онанинг меҳр-муҳаббати, ибрат-намунавий тимсоли болаларнинг хотира хазинасида тўғланаверади. Ота-онадаги инсоний хислатлар: 1) оилага муҳаббат; 2) софдил, ҳалол бўлиш; 3) мард, қаноатли бўлиш; 4) меҳнаткаш бўлишдан иборат. Мана шу тўрт фазилатга эга бўлган ҳар бир ота-она обрўли ва болаларни тарбиялаш соҳасидаги таъсири кучли бўлади. Ота-оналар ақл чироғини болаларга бағишлаб, уларнинг қалбини равшан қиладилар. Барча инсоний эзгу-ниятларини руҳиятида муштарак ҳолида пайвандлайдилар. Ота-оналарнинг тарбиявий тажрибаларини кузатишимиздан билдикки, улар фарзандларини ўзларининг қувончлари учунгина тарбияламай, балки халқимизнинг маънавий, маданий қадриятларини онгли равишда қадрлайдиган, бойитадиган, ривожлантирадиган, меҳнатсевар қилиб тарбиялайдилар. Ота-она болаларига Оллоҳдан умр, бахт тилаб "Опоғим", "Полвоним", "Чироғим", "Тойлоғим", "Қўзичоғим" деб атасалар, болалар ҳам ота-оналарини "Қиблагоҳим", "Пири давлатим", "Фариштам" деб атайдилар, ҳурмат қиладилар.

Масалан, Термизлик меҳнат фахрийлари Мелимурод ота Бердиев билан Муяссар ая Қобиловаларнинг 9 нафар ўғиллари, 3 нафар қизлари бор. Мелимурод ота билан Муяссар аялар фарзандларини талабчанлик билан тарбиялаб вояга етказдилар. Уларнинг ҳаммалари ўқимишли мутахассислардир. Бу оиладан ўқитувчилар, врач, муҳандис, савдо ходимлари, ҳуқуқ-тарғибот химоячилари етишиб чиқди. Бу фарзандларнинг шундай мартабаларга етишишларида ота-оналари Мелимурод ота билан Муяссар аяларнинг обрўлари катта роль ўйнади. Ҳозирги кунларда Мелимурод ота билан Муяссар ая 64 нафар неvara, чевараларига парвона. Уларнинг соғлом ва маънавий баркамол бўлиб ўсишлари учун меҳрибонлик қилмоқдалар.

Ота-онанинг обрўи қанчалик юксак бўлса, болалар уларнинг талабларини шунчалик яхши, бажонудил бажарадилар.

Болаларнинг ботиний ва зоҳирий оламини мукаммал тушунган ота-оналар томонидан айтилган сўзларга, қўйилган талабларга болалар ишонадилар, завқ-шавқ билан амал қиладилар ва ақлли, фаросатли, иймонли, ҳаёли, андишали, инсофли, қобилиятли, меҳнатсевар бўлиб ўсадилар; шунинг учун ҳам болаларни тарбиялашда обрўнинг аҳамияти каттадир.

Хулоса шуки, оилада болаларни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан етик инсонлар қилиб тарбиялаш ҳар бир ота-онанинг мустақил Ўзбекистон олдидаги муқаддас бурчидир.

**Б.М.Умаров,**  
доцент, ТермизДУ,

**Н.Б.Боймуродов,**  
доцент, ҚаршиДУ

### **БОЛАЛАР ХУЛҚИДА САЛБИЙ ИЛЛАТЛАРНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШИДА ОИЛАВИЙ НОСОҒЛОМ МУҲИТ**

Ёшлар ўртасидаги юзага келаётган қонун бузарликни тадқиқ қилиш ва унинг олдини олиш бутун дунё илмий жамоатчилигининг олдида турган муҳим вазифалардан биридир. Бундай салбий иллатларни ҳар томонлама тадқиқ қилиш ва олдини олиш мустақил республикамиз келажагининг моддий ва маънавий истиқболини белгилайди. Зотан соғлом ахлоқли, етик маънавиятли, маърифатли ёшларсиз келажаги буюк давлатни барпо қилиш мушкулдир. Иқтисодий ривожланган мамлакатлар, шу жумладан республикамизда ёшлар ўртасидаги жиноятчилик, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик ва ўз жонига қасд қилиш каби жамиятимиз учун ёт бўлган салбий иллатларнинг ортиб бориши оилавий тарбияда йўл қўйилаётган нуқсонларга боғлиқ бўлмоқда. Республикамизда бундай нохуш ҳолатлар ортиб бораётганлигига етарлича эътибор қаратилмаяпти. Болалар ва ўсмирлар ўртасида салбий иллатларнинг юзага келишида оилавий тарбиянинг ўрни, қонунбузар болаларнинг шахси ва индивидуал-психологик хусусиятлари, жиноятчилик хулқининг ижтимоий-психологик омиллари ва шу кабилар бугунги кунда илмий жиҳатдан тадқиқ этилиши зарур бўлган соҳалигича қолмоқда. Илмий манбалар таҳлили ва кузатишларимиз натижаларидан маълум бўлишича, нотўлиқ низоли, криминоген, спиртли ичимликларга ружу қўйган оилалардан муваффақиятли оилаларга нисбатан салбий хулқли болалар кўпроқ етишиб чиқаётганлиги кузатилади. Бундай оилаларда тарбияланган болалар ва

Ўсмирлар хулқида ўжарлик, тажовузкорлик, қабихлик, манманлик, текинхўрлик каби салбий хислатлар ривожланган бўлади. Улар хулқ оғишига психофизиологик жиҳатдан мойилликлари билан характерланади. Тадқиқотимизнинг кўрсатишича, оиладаги салбий ахлоқий иқлим, нохуш моддий ва маънавий шарт-шароит, оила аъзолари ўртасидаги ўзаро нохуш психологик муносабат, оилаларнинг ажралишларга юз тутиши ва шу кабилар болалар ва ўсмирларда жиноятчилик хулқининг юзага келишига асосий омиллардан бири ҳисобланади. Шунингдек оилада болалар тарбиясига изчил ёндашувнинг йўқлиги, шахслараро муносабатларда ота-оналарнинг болалар ва ўсмирлар, ёшлар индивидуал психологик, жисмоний ҳолатларини ҳисобга олмасликлари, турли вазиятларда тарбиявий таъсир воситаларининг нотўғри қўлланиши, болаларнинг ота-оналар ва катталар назоратидан четга қолишлари кабилар ҳам болалар ва ўсмирларда салбий хулқнинг келиб чиқишида асосий омиллардан бири сифатида намоён бўлади. Назоратдан четда қолган болалар ўзларини мустақил ҳисоблаб, кўнгиллари хоҳлаган ишни қилишга интилади. Ундай болалар аввалига кичик-кичик ўтиришларга, видеобарларга боради. Айрим қилиғи совуқ кимсаларга тақлид қилиб, ичиш, чекишни ўрганиб олади. Хўш, бундай хулқни ўзида намоён қила бошлаган боланинг эртага қонун бузарликларга қўл уриб, катта-катта жиноятларни содир этмасликларига ким кафолат бера олади. Болалар ва ўсмирлар ўртасида оғма хулқнинг келиб чиқишида таъсир этувчи оилавий омиллар ўртасида бизнинг тадқиқотимиз натижаларига кўра “Болалар тарбиясини ота-оналар томонидан ўз холига ташлаб қўйишлик” (38,2) энг юқори эканлигини кўрсатди. “Ота-оналардан бирининг жамият ва ахлоқ нормаларига зид бўлган хулққа эга бўлишлиги” (31,6) иккинчи ўринни, “Моддий ва маиший шарт-шароитнинг етишмаслиги” (12,2), “Оилада криминоген иқлимнинг мавжудлиги”, “Ота-оналар ва катталарнинг болаларга нисбатан адолатсиз муносабатда бўлишлари” кабилар кейинги ўринларни эгаллайди. Ушбу фоизлардан кўриниб турибдики, болалар тарбиясини ўз холига ташлаб қўйишлик ва фаолиятларини назорат қилмаслик ёшлар ўртасида салбий хулқнинг келиб чиқишида асосий омил ролини ўйнайди. Шу боисдан болаларга, айниқса ўсмирларга оилавий муносабатда бўлиш ва улар фаолиятини доимий назорат қилиб туриш ёшлар ўртасида юзага келаётган салбий хулқнинг олдини олишда муҳим аҳамиятда эга эканлигини унутмаслик керак.

Ушбу юқорида таъкидланган мулоҳаза ва кузатишлармиздан келиб чиқиб, ёшлар ўртасида юзага келаётган салбий иллатлар-

нинг олдини олиш учун оилавий тарбияда қуйидагиларга эътибор қилиш зарур деб ўйлаймиз:

- оилада болалар тарбиясини ўз ҳолига ташлаб қўймаслик;

- оилада энг аввало соғлом ахлоқий психологик муҳитни яратиш;

- ёшлар ўртасида салбий ҳулқни бартараф этиш нафақат ота-оналар, балки кенг жамоатчилик ҳамкорлигида амалга ошириладиган иш эканлигини унутмаслик;

- оилавий муносабатларда болалар ва ўсмирлар билан мулоқотга киришишда уларнинг ёш ва индивидуал психологик хусусиятларини ҳисобга олиш.

**Н.Т.Темуров,**

Нью-Йорк Фанлар академияси академиги,

**М.Т.Турсунов,**

тфн, ТермизДУ

## **ОИЛА – ЖАМИЯТНИНГ ИШОНЧЛИ ТАЯНЧИ**

Ҳар бир инсон ҳаётида оила қуриш ва у билан боғлиқ бўлган жами масалалар ҳамда муаммоларни ўрганиш назарий, шунингдек амалий жиҳатдан ҳам муҳим аҳамият касб этади. Маълумки, оилага жамиятнинг энг муҳим бўғини сифатида давлат нуқтаи назаридан алоҳида эътибор берилмоқда. Оилада инсон зотини давом эттиришдек буюк ва улғувор вазифа бажарилади. Шунингдек оилада болаликнинг дастлабки йилларида инсон шахсининг илк босқичи ҳамда характерининг асоси шаклланиб боради. Энг муҳими одамийлик фазилатлари ва ахлоқи таркиб топа бошлайди. Шунинг учун ҳам инсоннинг келажаги кўпроқ оилага ва оилавий муносабатларга боғланади. Худди шу мақсадда мустақил Ўзбекистон давлатининг демократик асосларини шакллантириш даврида оилага жуда катта масъулият билан муносабат билдирилмоқда. Халқимизнинг ўзгариб бораётган маънавий қиёфаси, руҳий бойлиги, миллий онги ва сиёсий савияси албатта оилада қарор топмоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, оила Шарқда қадим-қадимдан муқаддас саналган. Оиланинг соғлом ва мустаҳкам бўлиши давлатнинг осойишталиги ҳамда барқарорлигини таъминлайди. Шуни инобатга олиб, президентимиз 1998 йилни Оила йили деб эълон қилишни таклиф этди. Бу эса оила муаммоларига давлатимизнинг диққат эътибори яна-да кучайтирилганлигидан далолат беради. "Энг муҳими эса - инсон ва фуқаронинг фикрлаши ва дунёқарashi

Ўзгармоқда, сиёсий ва ижтимоий онги, унинг умумий савияси тўхтовсиз ўсиб бормоқда”, - деб таъкидлади Президентимиз И.А.Каримов (И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т., 1997, 227- бет). Бизнинг ўзбек оилалари ҳамиша ўзининг болажонлиги, фарзандлар ва эр-хотинлар ўртасидаги муносабатларнинг самимийлиги, ор-номусимизнинг кучлилиги, ёшларга ҳурмат, кексаларга иззат каби инсоний фазилатлари билан алоҳида ажралиб туради. Бундай фазилатлар ичида энг асосийси бу оила шаъни, обрўсини ҳимоя қилиш ва сақлашдир. Ҳозирги кунда мамлакатимизда уч ярим миллиондан зиёд оила мавжуддир. Буларнинг ўн икки фоиздан кўпроғи беш ва ундан ортиқ болага эга оилалар ҳисобланади. Кўп болалилик - миллий оиланинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Эндиликда давлатимиз миқёсида оиланинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида эътибор берилаяпти. Бу эса бозор иқтисодиётига ўтилиши давридаги давлатимизнинг энг асосий вазифаларидан бирига айланган. Айниқса инсон манфаатлари йилида оилаларнинг ижтимоий ҳимоясига алоҳида муносабат билдирилди. Бу борада маҳалланинг бугунги масъулиятли даврдаги ишлари алоҳида диққатга сазовордир. Мустақиллик шарофати билан 1993 йилнинг 2 сентябрида қабул қилинган “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”ги Қонун жойлардаги бўгин - маҳаллага ўзгача қудрат бағишлади. Асосий эътибор кам таъминланган ҳамда ҳақиқатдан ҳам ижтимоий ҳимояга муҳтож бўлганларга қаратилди. Юртбошимиз “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” китобида таъкидлаганидек, “ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг бутун тизими тенгчиллик ва боқимандалик кайфиятини тугатишга қаратилди. Барча нафақалар ва моддий ёрдам фақат оила орқали кўрсатиладиган бўлди. Уларни асосан кам таъминланган оилалар, кексалар ва болалар ола бошладилар”. Бунинг учун маҳалланинг фуқаролар талаб ва эҳтиёжларини чуқур билиши, уларга аниқ ижтимоий ёрдам кўрсата олиши, оилалар манфаатини бошқаларга нисбатан адолатли ҳимоя қила олиши амалда равшан кўринади. Шундай қилиб, ўзбекона демократия биринчи навбатда тобора юксалаётган ўзини ўзи бошқариш тизими - маҳаллалар орқали намоён бўлаяпти ва у тобора такомиллашаяпти. Шарқ донишмандлари айтганидек, ўз уйида бахтини топган одамгина бахтлидир. Ҳар бир одам бахтли бўлиш учун ўзи ҳаракат қилиши керак. Янгиланаётган жамиятимиз шароитида эса оилаларга қулай замонавий шарт-шароитлар яратиб беришга ҳаракат қилинмоқда, амалга оширилаётган бар-

ча ишларнинг мазмун-моҳияти шуидан иборатки, мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақи ва унинг келажаги ҳар бир оиланинг олиб бораётган бугунги фаолиятида бахтли ҳаётни тараннум этиш билан боғлиқдир.

Хулоса шуки, замон ва макон ўзгаради, авлодлар ва элатлар алмашинади, иштимой ҳаёт шакллари янгиланади, аммо инсондаги гўзаллигга, покликка, бахтга чанқоқлик ҳеч қачон йўқолмайди. Чунки бахт умрнинг мазмунидир. Одамзод дунёга келибдики, яхши яшашга, ҳаёт лаззатларидан имкони борича тўлароқ фойдаланишга интилиб келди ва келмоқда. Худди ана шу бахтлилик тушунчаси жамиятнинг ишончли таянчи бўлган оилада шаклланади.

**С.Р.Раҳимов,**  
доцент, ТермизДУ,

**Б.Умурқулов,**  
доцент, ТермизДУ

## **НАСРИЙ МАТНДА НУТҚ МАДАНИЯТИ**

Нутқ маданияти ва адабий норма тушунчалари умумлашган тушунчалардир. Л.И.Скварцев нутқ маданияти назариясининг асосини тил нормаси ташкил қилишини қайд этар экан, улар тил тараққиётини бир-бири билан боғлиқ ҳолда белгилашини алоҳида таъкидлайди. (Теоретические основы культуры речи. М., 1980, с. 6). Нутқ маданияти тушунчаси кўп маъноли тушунчадир. Чунки А.В.Васильеванинг фикрича, нутқ маданияти бир-бири билан боғлиқ икки тушунчани ўзида бирлаштиради: биринчидан, нутқнинг сифати, яъни тил воситаларидан нутқда мақсадга мос фойдаланишни, иккинчидан, тилдан фойдаланиш маҳоратини (Основы культуры речи. М., 1980, с. 5). Нутқ маданияти кўп маъноли бўлганидек, кўп қирралидир. Зеро нутқ маданияти адабий тилга хос ҳодиса эмас, балки тилнинг барча шакллари учун хосдир, яъни бадий нутқ, илмий нутқ, оғзаки нутқ ҳам нутқ маданияти қонун-қоидаларига асосланади. Чунки, насрий матн ҳам нутқ маданиятининг адабий тил учун хос бўлган мезонларига таянади. Шу билан биргаликда насрий матнда фикр ифодалаш имкониятининг чегараланмаганлиги нутқнинг бу турида нутқ маданияти ўзига хос жилваланади. Бу ҳол аввало адабий тил учун нормада бўлмаган диалект ва шева-ларга хос. Сўзларни, ҳатто вульгар (сўкиш ифодаловчи) сўзларни насрий нутқда эркин қўллашда кўринади. Шунингдек, насрий

нутқда сўзлар кўп маъноли ва кўчма маъноларда қўлланилади. Бу ҳодисалар адабий тилнинг нутқ маданиятига мос бўлмаса-да, бадий нутқ маданиятига айнан мосдир. Яъни насрий матнда нутқ маданиятини худди шу ҳолатларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бироқ бу ҳолатлар насрий нутқ маданиятининг бир қисмигина холос. Насрий нутқ маданияти насрий матннинг бутун моҳиятини ўзида ифода эта олади. Шу маънода насрий нутқ маданияти матннинг тузилишидан тортиб унда тил воситаларининг қай тарзда ифодасини топишигача бўлган жараённи ўз ичига олади. Ушбу ҳолни насрий матнни таҳлил қилиш орқали кузатиш мумкин. *Кўкда, қоқ пешанада худди улкан оқ қовуннинг бир палласидай оппоқ ой оламни аллақандай осуда, майин кумуш ранг ёғдуга гарқ қилиб ярқираб турибди.* (О.Ёқубов. "Оқ қушлар, оппоқ қушлар"). Бу тасвир биринчи навбатда нутқий тузилиши жиҳатидан насрий тил маданияти нормаларига мос. Ундаги оригинал ўхшатиш, бир неча сифатловчилар, табиийки, фикрнинг ифодадорлигини вужудга келтирган. Бироқ бу ўринда ўхшатиш, сифатлаш воситалари даражасидан ҳам кучлироқ ифодадорликни вужудга келтирган бошқа бир ҳолат - бадий ифода мавжуд. Фикрнинг бадий сербўюқлигини оширишда *пешана* сўзи ва *гарқ қилиб* сўзи, бирикмаларининг муҳим ўрни бор. Чунончи, *пешана* сўзи орқали кузатувчи билан юзма-юз бўлишда турганлик ва ойнанинг тўлишганлиги маънолари ихчам шаклда ифодаланган. *Гарқ қилиб* бирикмаси осмоннинг тиниқлиги ва ойнанинг тўлишганлиги маъноларини ифодалаган. *Пешана* ва *гарқ қилиб* орқали ифодаланган бу маънолар ифоданинг ёпиқ (импрессив) шаклда намоён бўлишидир.

Бу матндаги иккинчи бир ҳолат луғавий воситаларнинг бири иккинчисини тўлғазишидир. Диққатимизни жалб этган ҳар икки восита "тўлишган ой" маъносини ифодалаганлиги фикримизнинг далилидир. Насрий матнда фикрнинг тўлақонли ва бадий бўёқда бу ҳолда ифодаланиши насрий нутқ маданиятининг муҳим қисмини таъкил этади. Бинобарин, насрий нутқнинг туб моҳияти унинг бадий таъсирчанлигида экан, фақат бадий ифодаларгина кишининг ҳис-туйғуларига таъсир этиши орқали бу вазифа бажарилади. Шу сабабли насрий матнларда кўп учратиш мумкин бўлган: *олам гўдак табассумидай сокин, осойишта уйқу оғушида, эрталабки қуёшда ловуллаб ёнган боғ, қирмиз ранг ўрикзорлар, осмонга қўл чўзган азим тераклар* (О.Ёқубов. "Оққушлар, оппоқ қушлар"), *бахор либосини кийган водий, бахмалдай майин тупроқ, куз ёмғирга ювинган дарахтлар* (П.Қодиров, "Бобур") каби образлар ифодаларини



насрий нутқ маданиятининг ўзгинаси деб қараш жоиздир. Бинобарин, адабий тил учун одатий бўлмаган бу хилдаги ифодалар бадий идрок этиш орқали тушунтирилади ва бадий таъсирга эга бўлади.

Хуллас, насрий нутқ маданияти нутқ маданиятининг алоҳида кўриниши бўлиб, у нутқий аниқ ва мазмундорлигидан ташқари, бошқа нутқ турларидан фарқли равишда, нутқий таъсирчанликка таянувчи кўринишидир.

**К.М.Мамедов,**  
доцент, ТошДПУ,  
**Т.С.Жураев,**  
ўқитувчи, ТермизДУ

### **ЎҚУВЧИЛАР АҚЛИЙ РИВОЖЛАНИШИДА БИЛИМ-ЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШНИНГ АҲАМИЯТИ**

Ривожланаётган мамлакатлар қаторидан жой олаётган республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий ва маънавий ҳаётини равнақ топтириш учун жисмонан бақувват, кенг дунёқарашли, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг муҳим вазифаларидан биридир. Истиқболимиз, тараққиётимиз кўп жиҳатдан умумтаълим мактабларида ишлаётган ўқитувчиларимизнинг жасоратига, фидойилигига, юксак илмий маҳоратига ва оқилона тарбия усулларига боғлиқдир. Фан-техниканинг жадал тараққий этиши, оммавий ахборотлар доирасининг кун сайин кенгайиб бориши мактабдаги таълим-тарбия усулларини ва услубларини яна-да такомиллаштириш заруратини туғдирмоқда. Ана шу долзарб муаммога жавобан ўқувчилар ақлий тараққиётини ўрганиш, улар орасидан нодир истеъодларни ажратиб олиш мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги даврда мактаб ўқувчиларининг ақлий тараққиёти муаммоси педагогик психологиянинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб ҳисобланади. Мазкур муаммо мактаб таълимининг янги мазмунга ўтиши муносабати билан ўқувчиларнинг ақлий камолотга эришишини тараққий эттирувчи масалаларга таяниб амалга оширишни талаб қилади. Ақлий тараққиётнинг асоси мактабда олинадиган билим асосида ташкил топади, шу сабабли ўқувчиларни онгли равишда билим олишга етакловчи ўқув малакаларини ҳосил қилиш вазифаларига ўқув дастурида катта ўрин берилиши лозим. Таълим жараёнида ўқувчиларнинг дунёқараши ва тафаккур доирасининг юқори даражадаги етиклилига эри-

шилсагина, мактабларимиз олдида турган билимларни ўзгартириш, ўқувчиларнинг таълим жараёнидаги қийинчиликларни енгиб ўтиш масаласини ҳал қилиш мумкин; бу мақсадни амалга ошириш учун ақлий ривожланиш қандай психологик хусусиятлар билан таснифланиши, унинг шартлари, белгилари, ақлий ривожланишнинг мактаб ўқувчиларининг ўқиши билан ўзаро боғлиқлиги, ақлий ривожланишнинг диагностика тамойиллари тўғрисида аниқ тасаввурга эга бўлиш керак. Мактаб таълими натижасида болаларнинг билиш имкониятлари жадал ривожланиши ва кенгайиши тўғрисидаги масалага алоҳида ёндашиш шу куннинг талабидир.

Ақлий тушунча боланинг ривожланиш даражасига етганлиги, ёши ва шахсий психологик хусусиятларига боғлиқ бўлиб, фақатгина ташқи томондан (сиртдан) эмас, балки ички томондан шартланган бўлади. Мана шунинг учун ҳам бир хил шароитда ўқитилган турли болаларда ўқув-таълим самараси турли хил бўлиши кузатилади. Таълимнинг психологик таснифи ақлий ривожланишнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам ойдинлаштириб беради. Жаҳон тажрибасидан маълумки, таълим ва тараққиёт ўртасидаги бир-бирини истисно этмайдиган мураккаб муносабат ҳар доим таълимнинг тараққиётга нисбатан устувор бўлишини тақозо этади. Таълим жараёнида ўқувчилар фақатгина билимлар эгаллаш билан чекланмай, балки ақлий жиҳатдан ҳам камолотга эришмоқликлари зарур, чунки билимларни чуқур эгаллаш ақлий камолот билан узвий равишда боғлиқдир.

Ақлий ривожланишга билимларсиз эришиб бўлмаганидек, билимларни ҳам ақлий ривожланишсиз эгаллаб бўлмайди. Шундай бўлса-да, ақлий ривожланиш тушунчасининг кўлами билимларни ўзлаштиришга қараганда кенгроқ тушунчадир. Ақлий ривожланиш тушунчаси ўқув предметларига алоқадор билимларни ўзлаштириш, уларни маълум тизимга келтириш ва амалда қўллаш, таълимий усулларни эгаллаш ҳамда ўқувчиларда янги ақл сифатларини шакллантиришни тақозо этади.

Психологик адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, билимларни ўзлаштириш мактаб ўқувчиларининг эмоционал-иродавий хусусиятларига ҳам боғлиқ бўлади. Ўқувчиларнинг билим олишга бўлган ижобий ҳис-туйғулари ўқишга жалб қилувчи мотивларнинг пайдо бўлишига ҳамда материалларни тўла ўзлаштиришга ёрдам беради.

Ўқувчиларнинг ақлий ривожланишидаги муҳим босқич бўлган турли фан бўйича билимларни ўзлаштириш шу тариқа устунликка эришиб боради.

## ҲАДИСЛАРДА ИЛМ-МАЪРИФАТ МУАММОСИ

Инсоният ижтимоий фикрининг энг муҳим ютуқларидан ҳисобланмиш Муҳаммад пайғамбарнинг Ҳадиси шарифларида илмга, илм ўрганишга, маънавият ва маърифатга катта эътибор берилган. Ҳадис ва бошқа ислом муқаддас китобларида илм эзгулик, покликка етакловчи, инсонларни турли офатлардан асровчи восита деб қаралади, қоронғиликда йўл кўрсатувчи машъал тариқасида талқин қилинади. Илм бу ҳикмат, поклик рамзи, илмсизлик жоҳиллик, илм билан шуғулланмаслик нопокликка олиб келиши ҳам таъкидланади. Илм аввало иймон, эътиқоддир. Иймон билан илм эгизак. Ҳар қандай илмли одам ўз билимига амал қилиши, ундан келиб чиқиб, кишиларга тўғри йўл кўрсатиши, маслаҳат бермоғи лозим. Диннинг асосини иймон, эътиқод ташкил этади. Шунинг учун ҳадисларда "Диннинг офати учтадир: 1) беамал олим; 2) золим ҳоким; 3) билмасдан фатво айтувчи уламо", - дейилади. Шунинг учун илмни қадрловчи кишига ўргатиш лозим, уни хўрловчи, менсимайдиган кишига ўргатиш гуноҳ деб қаралади. Илм ақл-заковат, ҳикматдир. Шундай экан, илм, ҳунар, ҳикмат эгалламоқ инсоннинг энг олийжаноб фазилати бўлмоғи лозим. Илмли кишиларни эъзозлаш, ҳурмат қилиш ҳар ким учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Илмли кишилар савоб ишларни қиладилар. Шу боис илмли кишиларга инсонлар, қолаверса, бутун мавжудот хайрихоҳ. Ҳадисда таъкидланганидек: "Илмга ҳар бир нарса истиғфор айтади, ҳатто денгиздаги балиқлар ҳам". Илм олиш олийжаноб ва савобли иш бўлиб, ҳатто ибодат, тақводан ҳам афзал ҳисобланган. Савобли илм диннинг асосини ташкил этади. Илм, ҳикмат кишини турли нопок ишлардан асрайди. Ҳадисларда таъкидланишича, "Бир соат илм ўрганиш кечаси билан намоз ўқиб чиққандан афзалдир. Бир кун илм ўрганиш уч ой рўза тутгандан яхшироқдир". Илм кишиларга наф келтириши лозим. Илм фойдали бўлиши учун у одамларга ўргатилиши даркор. Илмли киши садоқатли бўлиши, кишиларга яхшилиқни ўргатиши керак. Илм билимли киши учун фазилат бўлса, бу ҳолатни у бошқаларга сингдириши зарур. Шу боисдан Ҳадисларда илмли киши мевали дарахтга ўхшатилади. Ўз навбатида унумдор тупроққа ўхшатилади, ундаги унган ўсимликлар, гиёҳлар инсонларни озиклантиради. Сув ерларга ҳаёт бағишлаганидек, илм ҳам кишиларга эзгулик, ях-

шилик келтиради. Илм-у ҳикмат ўткинчи эмас, у абадий. Шунинг учун мўмин кишига вафотидан кейин етиб турадиган савоб нарса унинг тарқатган илмидир.

Муҳаммад пайғамбар ўз Ҳадисларида хитоб этадиларки: "Илм эгалланг! Илм саҳрода дўст, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғизлик дамларида - йўлдош, бахтиёр дамларда - раҳбар, қайғули оқилларда - мададкор, одамлар орасида - зеб-у зийнат, душманларга қарши курашда - қуролдир". Ҳадисларда: "Ҳар бир мусулмонга илмга интилиш фарздир", - дейилган. Бу фикр таълимнинг умумий мажбурийлигига мосдир. Илм-хунар ўрганишда жаҳон тажрибаларидан фойдаланишга ҳам даъват этилган. "Илм-у хунарни Хитойдан бўлса ҳам бориб ўрганинглар", - дейилган. Илм - бу маърифат, фазилат, жамиятдаги маънавият манбаидир. Илм жамият мусаффолигининг белгисидир. Илм, маънавият, маърифат бор жойда диёнат бор. Агар илм сусайса, жаҳолат, нодонлик кучаяди. Илмсиз мамлакатда фитналар кучаяди, қотиллик авж олади. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек: "Фақатгина чинакам маърифатли одам инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин.

Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат прости ва ерусти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир". Ҳадисларда уламолар "илм ўрганиб, илм тарқатишга киришсинлар, билмаганларга ўргатсинлар. Зеро, илм сир тутилса, ҳалокат бошланади", - деб айтилган. Шу билан бирга, илм фақат бировлар мулки эмас, у бутун инсоният маънавий мулкидир.

Бас, шундай экан, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни ва "Кадрлар таёрлаш миллий дастури"да: "Инсон, унинг ҳар томонлама уйғун камол топиши ва фаровонлиги, шахс манфаатларини рўёбга чиқаришнинг шароитларини ва таъсирчан механизмларини яратиш, эскирган тафаккур ва ижтимоий хулқ-атворнинг андозаларини ўзгартириш республикада амалга оширалаётган ислохотларнинг асосий мақсади ва ҳаракатлантирувчи кучидир. Халқнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида, ахлоқий маданият, иқтисодиёт, фан, техника ва технологияларнинг ютуқлари асосида кадрлар тайёрлашнинг мукамал тизимини шакллантириш Ўзбекистон тараққиётининг муҳим шар-

тидир” деган ҳаётбахш қоида илгари сурилган экан, бу муқаддас Ҳадиси шариф талабларига ҳамоҳангдир. Чунки ҳадисларнинг ўзидек, илм, маърифат ҳам умумбашарият мулки, халқ педагогикасининг ноёб дурдонаси бўлмоғи даркор.

**Қ.В.Боймиров,**  
доцент, ТошОПИ,

**А.А.Раҳмонов,**  
катта ўқитувчи, ТермизДУ

## **АБУ ИСО МУҲАММАД АТ-ТЕРМИЗИЙ АСАРЛАРИДА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ**

Ватанимиз мустақилликка эришгандан кейин барча соҳаларда мустақил фикрлаш, мустақил иш юритиш учун жуда катта имкониятлар очилди. Қадимги анъаналаримиз, қадриятларимиз жадал суръатлар билан тикланмоқда. Бир сўз билан айтганда, ота-боболаримиз орзу қилган дамлар бирин-кетин рўёбга чиқмоқда.

Халқимизнинг буюк мутафаккирлари яратган маданий ва маърифий меросни ўрганиш, унинг тарихини илмий асосда ёритиш ҳозирги давр жаҳон маданиятининг тараққиёт йўлига қўшган ҳиссасини аниқлашда муҳим аҳамият касиб этади. Жумладан, ҳадис илмидан, унинг одоб-ахлоқ, таълим-тарбия, матнавий-маърифий соҳаларидан фойдаланиб, замонамиз ёшларини ҳар томонлама етик мутахассис қилиб етиштириш, ҳадислардан олган билимларини ҳозирги ҳаётимизга тадбиқ қилиш, унумли фойдаланиш пайти келди. Айниқса, ҳадис илмининг йирик тарғиботчи-муҳаддисларининг энг машҳурлари бизнинг юртдошларимиз бўлганидан фахрланишимиз керак. Шу буюк алломалардан бири - Имом ат-Термизий. Абу Исо ат-Термизий ёшлигидан илмга қизиққан, ақл-идрокли, зукко бўлиб, ўз даврининг кўпгина илмларини эгаллашга ҳаракат қилган.

Ат-Термизий нафақат ҳадис илмидан, балки илм-ал-қироат, ал-баён, тарих ва фаннинг бошқа соҳаларидан ҳам кўпгина устозлардан сабоқ олади. Бу устозлар имомларнинг имоми Исмоил Бухорий ва ал-Ҳажоқодир. Ат-Термизий энг кўп фойдани имом Бухорийдан олади. “Алжомеъ-ас-саҳиҳ” китобини ҳам имом Бухорий билан учрашгандан кейин ёза бошлайди. Имом ат-Термизийнинг зеҳни ўткирлиги, хотираси ҳамда ёдлаш қобилияти ўта кучли бўлганлиги ҳақида тарихий манбаларда ривоятлар бор.

Ҳатто улуғ имом Исмоил Бухорий ўз шогирди имом ат-Термизийни мақтаб, камтаринлик билан: "Сен мендан баҳра топганингдан кўра, мен сендан кўпроқ баҳра топдим", - дейди. Бу Термизийга берилган жуда катта баҳо эди. Маълумки, ислом дунёси тарихида ҳадис ёзган бта муҳаддис энг машҳурларидир. Имом ал-Бухорийнинг "Саҳиҳ"лари биринчи ҳисобланади. Имом Абу Муслим ибн ал-Ҳажокожнинг "Саҳиҳ Муслим" асари ал-Бухорийнинг "Саҳиҳ"ларидан кейин иккинчи ўринда туради. Абу Исо ат-Термизий асарлари юқорида зикр этилган буюк муҳаддислар қаторида бўлиб, ҳадиснинг даражасини аниқлашда "Саҳиҳ" устига "ҳасан" белгиси қўшилган. Бу "жуда саҳиҳ" ёки "бўшак саҳиҳ" деганидир.

Ватандошимиз ат-Термизий ҳаётлари давомида ўндан ортик асарлар яратган. "Ал-Жоҳиъ ас-Саҳиҳ", "Аш-шамоили Муҳаммадия", "Китоб ал-илал", "Китоб ат-таърих", "Китоб аз-зуҳд", "Китоб ал-асмовал-куно", "Рисола фил-л-хилоф вал-жадал", "Асмо ус-саҳоба" шулар жумласидандир.

Исо ат-Термизий асарларида ҳар бир инсон ўз умрини бөхуда ўтказмасдан, илм эгаллашга, халқни маънавият ва маърифатдан баҳраманд қилишга чорлайди. "Қиёмат кунида бир банда то ўз умрини нима билан ўтказгани, ўз илмини нимага сарфлагани, молни қаердан топиб, қаерга сарфлагани ва ўз жисмини нима билан қаритгани ҳақида сўралмагунча бир қадам олдинга боса олмайди", - дейилади ҳадиснинг Зуҳд китоби бо-бида. Илмдан шахсий ғараз ва мартаба учун фойдаланувчи (фирибгар, ясама олимларни қоралайди. Олимлар ўз билимларини халқ манфаатига сарф этиши, унинг маънавий маъданиятини ривожлантириб, халққа хизмат қиладиган кишилар бўлиши кераклигини таъкидлайди.

Исо ат-Термизий бу ҳадисни "ҳасан саҳиҳ"дур деб даражасини кўтаради. Бу келтирилган ҳадисдан кўриниб турибдики, нафақат илм ўрганиш, ҳатто уни нимага сарфлаганинг ҳақида ҳам ҳисоб берасан дейилади. Мана бу ҳадисда илмли киши ҳақида шундай дейилади: "Бир фақиҳ олим шайтон учун мингта обид (серибодат) кишидан кўра кўрқинчлироқдир". Бу ҳадисда илмли киши шу қадар эъзозланганки, у мингта серибодат кишидан ҳам юқори кўтарилган. Термизий асарларида илм-маърифат, таълим-тарбия масалалари, одоб-ахлоқ бобларида инсон ҳуқуқи, кадр-қиймати, фарзанднинг ота-онага бўлган муносабати кенг ўрин олган. Ва, ўз навбатида, ота-онанинг фарзандига яхши тарбия бериб, уни комил инсон қилиб вояга етказишдаги бурчлари жуда аниқ, равшан қилиб кўрсатилган.

Ш.А.Кенжабоев,  
катта ўқитувчи, ТермизДУ,  
Ў.Пирназаров,  
талаба, ТермизДУ

## БУЮК МУТАФАККИРЛАРНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ СОҲАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Ҳозирги даврда республикаимизда жамиятни тубдан ўзгартириш, демократиялаш жараёни содир бўлмоқда. Шунинг учун шахсни шакллантириш, миллий ўзликни англаш муаммоси жиддий масала бўлиб қолмоқда. Ёш авлодга таълим-тарбия бериш жараёнини мукаммаллаштириш учун, умумжаҳон педагогикасида эришилган ютуқлар билан биргаликда, миллий педагогикамизни асос қилиб олиш зарур. Чунки “Халқимиз таянчи аждодларимиз қолдирган маънавий меросининг ўзи бир хазина. Бу хазинадан оқилона фойдаланиш лозим” (И.А.Каримов). Шу боисдан бугунги кунда буюк ота-боболаримизнинг таълим-тарбия усулларига қайта-қайта мурожаат қилмоқдамиз. Ўтмишдаги қомусий олимларимиз Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Унсурул-Маолий, Кайковус ва бошқалар шахсни шакллантириш масаласида тарбиянинг шакл, мазмун ва услуб жиҳатдан муносиблигига катта эътибор берганлар.

Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий ёшларга билим беришда кўргазмали тажриба усуллари, савол-жавоб, малака ва кўникмаларни шакллантириш, билимларни синаш усулларидан фойдаланган. Хоразмий билим назариясига ҳисса қўшган қомусий олимдир.

Жаҳон фани, маданиятига йирик ҳисса қўшган қомусий алломалардан яна бири Аҳмад ал-Фарғонийдир. Бу йил ҳукуматимизнинг ЮНЕСКО қарори билан Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллиги бутун дунёда кенг нишонланади. У жаҳон зиёлилари ўртасида буюк фалакиётчи, риёзиён ва жуғрофиён, Шарқда “ҳосиб” (математик) деган номлар билан шуҳрат топгандир.

Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараққиёти мутафаккир Абу Наср Фаробий номи билан боғлиқдир. Унинг фикрича, боланинг шахс сифати шаклланиши жараёнида тарбиячи ва ўқитувчи шахси, уларнинг педагог сифатидаги маҳорати алоҳида аҳамият касб этади. “Чунки бу жараёнда тарбиячи ўқитувчи

ортиқча қаттиқ қўллик ҳам қилмаслиги, ҳаддан ташқари юмшоқ кўнгил ҳам бўлмаслиги керак. Чунки шафқатсизлик ўқувчида ўқитувчига нисбатан нафрат, қўрқув уйғотса, мулойимлик ўқитувчи шахсини ҳурмат қилмасликка олиб келиши мумкин” (Ал-Фаробий, Математические факты. Алма-ата, Наука, 1972, с. 13).

Буюк мутафаккирлардан яна бири Ибн Синонинг таъкидлашича, бола тарбиясига бола туғилгандан киришиш лозим. Унга чиройли исм қўйиш ва ҳар дақиқада унинг ривожланишига эътибор бериш ота-онанинг бурчи ҳисобланади. Болани ёшлигидан бошлаб кўпроқ илм билан банд қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Кўпроқ унинг тоза ҳавода эркин меҳнат қилиши ва болалар ўртасида бўлиши, жисмоний машқларни бажариши ҳар томонлама мукамал инсон бўлишини таъминлайди, деб таъкидлаган эди.

Ўзининг машҳур асари “Қутадғу билиг” билан ном чиқарган буюк алломалардан бири Юсуф Хос Ҳожибдир. У ўз даврининг етик мутафаккирларидандир. Олим билимлилик ва билимсизликнинг оқибатлари ҳақида фикр юритади. Инсон билимсиз, нодон, жоҳил бўлса, ярамас ишлар қилиши, аксинча, билимли, доно, зукко бўлса, эзгу ишларни рўёбга чиқаришини таърифлаш билан кишиларни тинмай илм олишга ундайди.

Ю.М.Маҳмудов,  
профессор, ТошХТТИ,  
Ф.М.Комилова,  
НДУ аспиранти

## БОШЛАНҒИЧ МАКТАБДА ШАЖАРА ТАРБИЯ- СИНИНГ ШАКЛ ВА УСУЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг ҳамма ижтимоий-иқтисодий, маънавий, маданий ҳаёт жабҳаларида босқичма-босқич бозор иқтисодиёти мазмунида сифатий ўзгаришлар юзага келмоқда.

Миллий мактабларда таълим ва тарбия усулларининг асосларини ўрганишимиз, уларнинг самарадорлигини таъминловчи тадқиқот ишларимизни жадаллаштиришимиз зарур. Бу ўринда тарбия усулларининг самарадорлигини ошириш юзасидан олиб борган тажрибаларимиз натижалари юзасидан фикр-мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Миллий мактабларда таълим олаётган бошланғич синф ўқувчиларига қадриятларимизнинг миллий тарбия кўринишларини, миллий ифтихор туйғусини сингдириш билан бир қаторда, ҳаё-



тий муаммоларни мулоҳазалик билан ҳал этиш ва кўпчиликнинг назаридан четда қолган шажара тарбиясини йўлга қўймоқ зарур. Ҳар бир оилада болалар авлод-аждодларининг кимлигини, ўз даврида қандай инсонлар бўлганлигини, шу кунгача бу авлоддан қандай инсоний фазилатлар етиб келганлигини шажара номалар орқали ўрганиб борсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бу эса тикланаётган миллий қадриятларимизнинг бугунги кунда кечиктириб бўлмайдиган масалаларидандир. Нафақат оилаларда, балки мактабларимиз таълим ва тарбия жараёнида ҳам бу ҳақда деярли гапирилмайди.

Фикримизча, ҳар бир ўзбек оиласи ўз шажара номасига эга бўлиши, улар ёзма равишда мерос тариқасида қолдирилиши зарур. Шажарани аниқлашнинг қуйидаги усуллари тавсия қиламиз: 1) суҳбат, 2) ҳикоя, 3) анкета, 4) "ўз-ўзини тарбиялаш". Бу усуллар орқали ўқувчиларга шажара тарбиясини бериб бориш мумкин. Ўқувчиларга мос равишда мавзулар танланиши керак. Бу эса ўқувчиларни, биринчидан, ўзбек халқи тарихини билишга, иккинчидан, аждодларга бўлган ҳурмат, қизиқишга, учинчидан, ўзи ҳам шу шажаранинг давомчиларидан бири эканини, бугунги кунини ҳис этишга, тўртинчидан, ватанпарвар, элсевар, ҳақиқий инсон бўлиб етишишга, бешинчидан, аждод шажарасидан муносиб ўрин олиш учун интилишга ундайди. Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда миллий қадриятларимиз, миллий масалалар ижтимоий ҳаётимизнинг асосий масалаларидир. Инсон ҳаётида моддий эҳтиёжлар қанчалар муҳим бўлса, маънавий эҳтиёжлар талаби ундан ҳам муҳимроқдир. Маънавий эҳтиёжлар ечилмас экан, моддий бойлик яхшиликка сарфланмайди.

**К.М.Мамедов,**  
доцент, ТДПУ,

**Л.Мухторова,**  
ТермизДУ

### **ЎЗБЕК ОИЛАСИНИНГ ИЖТИМОИЙ- ПСИХОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

Оила ва оилавий муносабатлар масаласи сўнги йилларда кенг жамоатчилик ва олимларни тобора ўзига жалб қилиб келаётган ўта мураккаб муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Инсоният жамияти тараққий этиб борар экан, у қандай тузум, қандай жамият бўлишидан қатъий назар, шу жамият, шу давлат-

ни ташкил этган "хужайралар" бўлмиш оилаларга, уларнинг ҳолати, улардаги шахслараро муносабатларга, уларнинг мустақамлигига, умуман, шу оилалар ўзларининг жамият, инсоният олдидаги муқаддас бурчларини қай даражада бажаришига узвий боғлиқ бўлади.

Оила муаммосини ўрганиш бугунги кунда ўзининг миллий, маданий, тарихий, қолаверса, умумбашарий қадриятларини тиклаётган мустақил Ўзбекистонимизнинг равнақи учун ҳам катта аҳамият касб этади. Республикамиз Президенти И.А.Каримов томонидан 1998 илнинг "Оила йили" деб эълон қилиниши ҳам оила масаласининг давлат аҳамиятига эга бўлган масалалардан бири эканлигини кўрсатиб турибди.

Инсон боласи дунёга келар экан, том маънодаги инсоний хислатни ўз ҳаётининг дастлабки дақиқалари, соатлари, кунлари, қисқаси, умрининг биринчи йилларида ўзлаштиради. У бутун умри давомида ўзлаштириб олиш мумкин бўлган шахсий сифатларни ва руҳий имкониятларнинг 50 фоизини ўз ҳаётининг биринчи йилида, 30 фоизини 3-5 ёшгача ва 20 фоиз атрофидаги руҳий тараққиётини умрининг қолган қисмида ўзлаштиради. Шахс шаклланишининг 80 фоизини таъминловчи дастлабки, 5 ёшгача даврда бола асосан оилада, ота-онаси, оила аъзолари қарамоғида бўлади. Ана шу даврда инсон руҳий тараққиётига ҳақиқий пойдевор қўйилади. Бу пойдеворнинг қай даражада мустақам бўлиши бола шу даврни қандай кечирганлигига боғлиқ бўлади. Агар оилада ижобий психологик муҳит ҳукм сурса, оила аъзолари ўртасидаги эмоционал яқинлик кучли бўлса, оилада ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, умуман, энг эзгу ҳислар, инсоний фазилатлар мавжуд бўлса ва оила аъзолари болага имкон қадар ижобий таъсир этса, бу каби ҳолатлар, сўзсиз, баркамол шахснинг шаклланишига, буюк келажакни таъминлайдиган соғлом авлоднинг етишишига асос бўлади.

Бугунги кунда ўзбек оиласида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар билан бир қаторда, кузатилаётган айрим кўнгилсиз воқеалар: кишилар ўртасидаги меҳр-оқибатнинг заифлашиб бориши, шахслараро муносабатларда рўй бераётган кескинликлар, эмоционал зўриқиш, ажралиш ва муваффақиятсиз оилалар сонининг ортиб бориши, болалар ва ўсмирлар ўртасида жиноятчиликнинг ортиб бориши, оилавий муносабатлар замирида рўй бераётган жиноятлар ва шу каби ҳодисалар миқдорининг ортиб бораётганлиги оила ва оилавий муносабатлардаги низо-ларга, носоғлом психологик муҳитга ва шахслараро муносабатларга боғлиқ бўлмоқда.

Агар оиладаги шахслараро муносабатлар тўғрисида мушоҳада юритадиган бўлсак, албатта, бундай муносабатлар ниҳоятда кўп қиррали эканини эътироф этиш керак. Ҳар бир оила аъзоларининг ўзи яшаётган микромуҳитда тутган ўрни, эришган обрўси, эр-хотин муносабатлари, ота-онанинг ўз фарзандларига бўлган муносабатлари, турли ёшдаги фарзандларнинг ўзаро мулоқоти, уларнинг ота-оналарига муносабатлари, оила аъзолари ўртасида ўзаро ёрдам ва бирдамлик хусусиятлари шулар жумласидандир. Ўзбек оиласининг ўзига хос ижтимоий ва этно-психологик хусусиятлари сифатида қуйидагиларни қайд этиш мумкин: кўп фарзандлилиқ, катталарга бўлган ҳурмат, эркакларнинг юқори нуфузга эга бўлишликлари, келин ва қайнона низосининг ўзига хослиги, куёв билан қайнона ўртасида низолар йўқлиги, ёшларни жинсий ҳаётга тайёрлашда анъанавий тасавурларнинг сақланганлиги ва ҳақозолар.

Ўзбек оиласига хос бўлган хусусиятлар оилани мустаҳкамлашда ва оилада соғлом психологик муҳитни юзага келтиришда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек оиласидаги кўп фарзандлилиқ хусусияти оилада тарбияланган болаларга бўлажак ота-оналарнинг тарбияси масаласи бўйича маълум даражада билим ва малакаларини шакллантиришда асос бўлади. Бу хусусият болаларнинг эрта улғайишига, уларда жамоавийлик ҳиссини шакллантиришга ёрдам беради, ёш ота-оналарнинг бола тарбияси билан боғлиқ бўлган қийинчиликларга тайёрлигини таъминлайди. Шунингдек, ўзбек оиласининг бўлинмаганлиги оиланинг бошқа аъзоларини ҳам бола тарбиясида иштирок этишини таъминлайди. Бўлинмаган ўзбек оилаларида эр-хотиннинг ота-оналари, бирга яшайдиган ука-сингиллар, мактаб ёшидаги болалар ва оиланинг бошқа аъзолари бола тарбиясида фаол иштирок этади.

Юқорида билдирилган мулоҳазалардан маълум бўладики, ўзбек оиласига хос бўлган хусусиятларни ўрганиш оиладаги нохуш ҳолатларни танқидий англашга, салбий ҳодисаларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Ж.Т.Тошпўлатов,  
доцент, ТермизДУ,  
Эргашев Ашур,  
Шеробод районидаги мактаб ўқитувчиси

## СУРХОИДАРЁ ХУДУДИДА ЯШОВЧИ ҚАДИМГИ ХАЛҚЛАР ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

1938-1939 йилларда Бойсун тумани ҳудудидаги Тешиктош горидан топилган топилма-манба Ўрта Осиёда палеолит даврини ўрганишга асос солди. Мазкур гор тоғлар ўртасидаги Зовталаш-сой деган ерда жойлашган. У ер денгиз сатҳидан 1500 метр баландликда бўлиб, тошдан ясалган меҳнат қуроллари, турли хил ҳайвонларнинг синган суяклари топилди.

Шеробод тумани ҳудудидаги горлардан топилган рангли тасвирлар мезолит ва неолит даврига оиддир. Қояларга туширилган бу тасвирлар Кўхитанг тоғларидаги Зараутсой горларининг ҳар иккала тарафида ҳам борлиги маълум бўлди. У қадар чуқур бўлмаган Зарауткамар деган гордаги тасвирлар анча яхши сақланган. Горнинг ҳар иккала тарафидаги тасвирлар мавзу ва услубий жиҳатдан бир-бирига боғлиқдир. Масалан, қояга туширилган асарлардан бирида ёввойи ҳўкизларни овлаш пайти тасвирланган. Унда чопиб бораётган ҳўкиз ва унинг ортидан қувиб бораётган итлар ҳамда одамлар ифодаланган. Овчилар камондан, айримлари эса сопқондан отмоқдалар. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, камон кашф этилиши биланоқ ўзидан олдин ишлатилган барча отиш қуролларидан ҳар жиҳатдан устун ва фойдали эканлигини исбот қилди.

Камоннинг кенг тарқалиши ва қўлланилиши кейинчалик овчиликнинг сифат жиҳатдан ривожланиши ва такомиллашувига олиб келди. Академик А.Асқаров, Б.Аҳмедов ва бошқа йирик тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, Тешиктош, Зараутсой, Холча-ёнтепа, Долварзинтепа ва бошқа жойлардаги изланишлар, археологик топилмалар Сурхондарё ҳудудида истиқомат қилган кишиларнинг ов билан фаол шуғулланганликларини, меҳнат қуроллари ясаб, уларни кундалик иш жараёнида қўллаганликларини ва ўз тажриба-маҳоратларини кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирганликларини аниқ-равшан исботлайди. Ов уларнинг жисмоний қувват-имкониятларини яна-да мустаҳкамлаган,

сезгирлиги, хушёрлигини оширган, амалий билимларини кучайтирган. Ов қуролларини яшаш куч-қувват, ақлий ўткирлик ва амалий кўникмаларни талаб этар эди.

Даствлабки техника аста-секин ўзгариб борди, отиш қуролларининг амалда қўлланиши туфайли тезлик ҳаракати ҳам оша борди. Палеолит даврининг охирларида найза, кейинроқ эса камон, ёйдан отиш кашф этилдики, бу инсоннинг илк механизмларни яратиш йўлидаги дадил қадамлари эди.

Сурхондарё ҳудудида эрализгача бўлган I-II асрларга мансуб бўлиб, фил суягидан ясалган, бўйи 2,2 ва эни 2 сантиметр бўлган иккита шахмат донасининг топилиши катта кашфиётдир. Улардан бири фил, иккинчиси эса ҳўкиз тимсолидир. Заминимиздан шахмат доналарининг топилиши шундан далолат берадики, Сурхондарё ҳудудида Осиёнинг бошқа жойларига қараганда шахмат анча аввал тараққий этган.

Халқ афсоналари, эпослар, ривоятлар вилоятимизда қадим замонлардан халқнинг ўзига хос жисмоний тарбияси шаклланган ва ривожланганлигидан гувоҳлик беради. Масалан, кураш, кўпкари, пойга, оломон пойга ва бошқа кўплаб ўйинлар, беллашувлар кенг ёйилган. Мазкур халқ ривоятларида айтилишча, баландликка, узунликка сакраш, югуриш, оғир юк кўтариш, камондан отиш ва бошқалар жисмоний тарбия воситалари бўлиб хисмат қилган. Баландликка сакраш баланд ёнаётган оловнинг устидан, деворнинг ёки эгарланган отнинг устидан чаққонлик билан сакраб ўтишдан иборат бўлган. Вилоятимиз ҳудудида энг қадим замонларда одамларнинг кундалик ҳаётида ўзига хос жисмоний тарбия муҳим роль ўйнаган. Халқ ижтимоий-тарихий тараққиёт давомида мавжуд спорт турларини такомиллаштирган, янгиларини ўйлаб топган ва кейинги авлодларга мерос қилиб қолдирган. Шуни алоҳида эътироф қилиш керакки, миллий жисмоний машқ турлари ёшларни жасурлик, чаққонлик, чидамлик ва собитлилик руҳида тарбиялаш, уларни қийинчиликларни дадил бартараф этиш руҳида вояга етказишда бебаҳо воситалардир. Бу машқларнинг умумий таркиби жисмоний тарбиянинг тарихан қандай шаклланганлиги, ривожланганлигини атрофлича англаб олишга имкон беради.

Р.Х. Тўлаганов,  
пфн, ТермизДУ,  
Қ.Б.Боймиров,  
пфн, ТошОПИ

## ВОЛЕЙБОЛЧИЛАРНИНГ ЖИСМОНИЙ РИВОЖЛАНИШИ ВА ТАЙЁРГАРЛИГИДА МИЛЛИЙ ХАЛҚ ҲАЙИЛЛАРИ

Ҳозирги замон волейбол ҳаёти ҳаётнинг шиддаткорлиги ва тезлиги, сакровчанлиги ҳамда ҳиссиётлилиги билан томошабинларни ҳаётга жалб этади.

Волейбол тўғарагида шуғулланувчи талабалар учун тавсия қилинаётган ҳаёт дастурида миллий халқ ҳаётига етарлича аҳамият берилмаган. Миллий халқ ҳаёти ва жисмоний машқлардан кенг фойдаланиш шуғулланувчилар соғлиғини мустаҳкамлайди, танани чиниқтиради, жисмоний ривож ва тайёргарлиги анча яхшиланади, уларнинг касалланиши камаёди. Мушкуллар яхши ривожланади ва ҳаёт, тана суяклари жуда мустаҳкам бўлади. Волейбол усулларини (тўғри ҳаётга ташлаш, пастдан ва юқоридан қабул қилиб олиш ва узатиш, ҳужумкор зарба, тўғри ҳаёт) эгаллашда шуғулланувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва тайёргарлик даражасини ҳаёт долзарб вазифа ҳисобланади. Миллий халқ ҳаёти ва жисмоний машқлотлари жараёнида қўллаш шуғулланувчиларнинг тезкорлик, куч-қувват, эҳчиллик ва чаққонлик, қайишқоқлик, сакровчанлик, чидамлилиқ каби жисмоний сифатларини тарбиялашда муҳим воситалардан биридир.

Олимларнинг олиб борган илмий изланишлари гувоҳлик берадики, шуғулланувчиларнинг жисмоний ривож ва тайёргарлигини тарбиялашда миллий халқ ҳаёти ва жисмоний машқларини тўғрақларда қўллаш ҳаёт самарали таъсир кўрсатади. Яна бир гуруҳ олимларнинг олиб борган илмий изланишларининг натижалари шуни кўрсатадики, дарсда ва дарсдан ташқари ўтказилган қўшимча машқлотларда 25-30 фоиз миллий халқ ҳаёти ва жисмоний машқлар қўлланилганда умумий жисмоний сифатларнинг ҳаёти 10-28 фоизга ошган. Ўтказилган илмий-тадқиқот ишлари ва тўғриланган ижобий тажрибаларга асосланиб, яъни тегишли миллий халқ ҳаёти ва жисмоний машқларни қўллашнинг мақсадга мувофиқлигини ҳисобга олиб, ҳаётлар қуйидагича гуруҳланди:

1) сакровчанликни тарбиялашга йўналтирилган ўйинлар: “Арғимчоқда сакраш”, “Қармоқча”, “Ҳар хил буюмларга сакраш” ва бошқалар;

2) тезкорликни тарбиялашга йўналтирилган ўйинлар: “Овчилар ва ўрдаклар”, “Кун ва тун”, “Қоч, болам, калхат келди”, “Қувлашмачоқ”, “Дарра”, “Ҳужум”, “Тўп учун кураш” ва бошқалар;

3) кучни тарбиялашга қаратилган ўйинлар: “Елкада курашиш”, “Учар нишон”, “Тортишмачоқ”, “Рўмолчани етказ”, “Хўрозлар жанги”, “Ким кучли”, “Доирага торт”, “Доирадан тортиб чиқариш” ва бошқалар;

4) чидамлилиқни тарбиялашга қаратилган ўйинлар: “Қирқ тош”, “Чиркаш”, “Оқ суяк”, “Кулоқ чўзма”, “Оломон пойга”, “Бойўгли” ва бошқалар;

5) чаққонликни тарбиялашга қаратилган ўйинлар: “Қоч, болам, калхат келди”, “Қалъа ҳимояси”, “Дарра”, “Отишма”, “Чаққонлар ва мерганлар”, “Оқ суяк”, “Каптар”, “Чопонқўл”, “Оқ теракми, кўк терак”, “Боғлам”, “Ким тез ўрайди” ва бошқалар;

6) қайишқоқликни тарбиялашга қаратилган ўйинлар: “Ким олади-ё шугинани-ё”, “Ошиқ”, “Тўпларни узатиш” ва бошқалар.

Педагогик тажриба мобайнида 15та тажриба гуруҳида ва 15та назорат гуруҳида миллий халқ ўйинлари жисмоний сифатларни ривожлантиришда, шунингдек кўп мақсадли йўналишда қўлланилди. Бу машғулотлар педагогик мақсадлардан келиб чиққан ҳолда аста-секинлик билан шароитнинг ўзгаришига қараб ҳар хил мускул гуруҳларига таъсир ўтказиш имконини берди. Ўйинларни юқорида берилган гуруҳларга ажратиш шартли ҳисобланади, чунки ҳар бир гуруҳга киритилган ўйинда юриш, югуриш, сакраш билан боғлиқ ҳаракатлар мавжуд. Лекин биз қайси ўйинлар қандай жисмоний сифатларни тарбиялашга кўпроқ таъсир этишига кўра гуруҳларга ажратдик. Масалан, “Қувлашмачоқ”, “Ҳужум” ўйинларида асосан ҳаракатлар билан боғлиқ бўлган элементлар кўпроқ, шунинг учун бу ўйинлардан тезкорлик сифатини тарбиялаш мақсадида фойдаландик, аммо бу ўйинларда чидамлилиқ, чаққонлик сифатларини тарбияловчи элементлар ҳам мавжуд.

Шугулланувчиларнинг бўйи, вазни, кўкрак қафаси айланаси, ўнг ва чап қўл панжа кучлари, 10, 30, 92 м гача турли хил йўналишда югуриш, 30 сония давомида икки оёқда юқорига сакраш, маълум белгиланган чизиқдан юқорига сакраш, турган жойдан узунликка ва юқорига сакраш бўйича тест-синов, текширишлар ўтказилди.

Назорат гуруҳида машғулотлар умумий қабул қилинган дастур асосида олиб борилди. Утказилган кузатишларнинг дастлабки тест-синов натижалари тажриба ва назорат гуруҳларидаги шуғулланувчиларнинг жисмоний ривожланиши ва тайёрганлик даражасининг ўсиши бир эканлигини кўрсатди.

Дарс ва машғулотларнинг тайёрлов, асосий ва якуний қисмларида ҳафтада икки марта 3-10 дақиқагача ўйинлар ҳамда жисмоний машқлар қўлланилди. Миллий халқ ўйинлари ва жисмоний машқларнинг мумкин қадар сезиларли даражада қўлланилиши натижасида тажриба гуруҳида шуғулланаётган волейболчиларнинг жисмоний ривожини ва тайёргарлик сифатлари сезиларли ўзгарганлиги қайд этилди.

Масалан, 10 м га югуришда назорат гуруҳида 1, 61, тажриба гуруҳида 1, 27, 30 сония давомида бажарилганлиги қайд этилди. Ушбу ўйинлар ва жисмоний машқлардан фойдаланиш шуғулланувчиларнинг фақат жисмоний ўсиши ва ривожига таъсир этиб қолмай, балки маънавий ва руҳий жиҳатлари, яъни интизомлик, иродалик, сўзининг устидан чиқиш, меҳнаткашлик, танти, мард, ботир, жасур, уюшқоқлик, ўзаро ёрдам, матонатлилик каби педагогик ва психологик фазилатлар ҳам шаклланиб борди. Миллий халқ ўйинлари ва жисмоний машқлардан ўқув машғулотида самарали фойдаланиш мустақил республикамиз талаба ёшларини соғлом, бакуват, маънан етик кадрлар қилиб тайёрлашда жиддий восита ҳисобланади.

**Жалолоддин Мирзо,**  
тфн, ТермизДУ

### **ТЕРМИЗ ТАРИХИНИ ЎРГАНИШДА МИРЗО САЛИМБЕК АСАРЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ**

Термиз тарихини ҳар томонлама ёритишда асосий муаммо бизгача етиб келган ёзма манбаларда маълумотларнинг чекланганлиги ҳисобланади. Илмий доираларда шаҳар тарихини ўрганишда мавжуд ёзма манбалардан имконият даражасида тўлиқ фойдаланилган деган фикр устуворлик қилади. Бу фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди. Хусусан, Мирзо Салимбек асарларидаги маълумотлар Термиз тарихи билан боғлиқ изланишларда ўз ўрнини топмаган. Мирзо Салимбек (1848-1930) ҳаёти давомида XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида Бухоро амирлиги давлат тизимида хизмат қилди, шу билан бирга турли соҳалардаги илмий изланишлари натижасида юзага келган тарихий,



бадий ва диний асарлар муаллифидир. У араб, ўзбек ва тожик тиллари мукамал билган таржимон бўлган.

Мирзо Салимбек Ҳаким ат-Термизийнинг бир қанча асарларини таржима қилиб, 1898 йилда улар асосида “Сирлар гулзори” номли тўплам нашрдан чиқарилади. Асар турли соҳа мутахассислари учун тадқиқотлар объекти бўлиши мумкин бўлса-да, ҳозиргача илмий муомалага киритилмаган. Мирзо Салимбекининг тарихий асарларидан “Тарихи Салими” номли қўлёзмасида бошқа манбаларда учрамайдиган маълумотлар бор. Муаллиф ўзи қатнашган воқеаларни баён этади ва уларнинг шарҳида кўплаб манбалардан фойдаланади.

1904 йилда Мирзо Салимбек Бойсун вилояти беги вазифасидан озод қилиниб, Шерабод беги лавозимига тайинланди. Асарда юқтимой ҳаётнинг турли соҳалари юзасидан маълумотлар, улар орасида Термиз тарихи билан боғлиқ қуйидаги маълумотлар келтирилган:

1. Исо ат-Термизий мақбарасини ўрганувчилар XX аср бошларида ёдгорликда таъмирлаш ишлари ўтказилганлигини таъкидлайдилар. Мисли қўрилмаган таъмирлаш ишлариининг раҳнамоси Мирзо Салимбек амалга оширилган тадбирларни тўлиқ ёритган. Унинг далолат беришига кўра мақбара Улуғбекнинг ўғли Абдулатиф томонидан бунёд қилинган. Шунингдек, Мирзо Салимбек 1911 йилда, Исо ат-Термизий аънарасини давом этириб, “Аҳодис ал-иъмол” ҳадислар тўпламини нашрдан чиқарди.

2. “Тарихи Салими”да Термиз ҳудудидаги ёдгорликларнинг баёни келтирилган. Хусусан, Мирзо Салимбек Қирққиз обидасини батафсил тавсифлайди.

3. “Тарихи Салими”да шаҳар дарвозалари тўғрисида ноёб маълумот берилган.

4. Ҳаким ат-Термизий мақбарасининг авлодлар учун сақлаиб қолишида Мирзо Салимбекнинг хизмати каттадир. У ёдгорлик атрофида сугориш ишларини олиб боришга қатъий қаршилиқ кўрсатади. Ёдгорликларни сақлаб қолиш учун тинимсиз кураш олиб борган Шерабод бегининг фаолияти рус маъмурларининг ҳужжатларида ҳам ўз аксини топган.

Юқорида мавзуимиз доирасида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, Мирзо Салимбекнинг асарлари Термиз тарихига доир муҳим ёзма манбалардир.

Т.Қ.Расулов,  
тфн, ҚаршДУ,  
Ж.М.Қодирова,  
катта ўқитувчи, ТермизДУ

## ХАЛҚ ҲЙИНЛАРИ – МИЛЛИЙ ҒУРУР ТАРБИЯСИ ВОСИТАСИ

Маънавият Шарқда ҳамиша инсоннинг асосий сифатларидан бири ҳисобланган. Бугунги кунда мамлакатимизда бу соҳага улкан ва узликсиз эътибор қаратилмоқда. Шундан келиб чиқиб ўқувчи ёшларга юксак маънавият келажагимиз пойдевори эканлигини тушунтиримиз лозим. Инсон маънавиятини белгилловчи сифатлардан бири миллий ғурур ва миллий ифтихордир. "Шахс ғурури - бу фахрдир", - дейилади "Ватан туйғуси" номли китобда. Ҳар бир шахс ўзининг ютуқларидан мамнуният ҳиссини туяди. Ота-она қобил фарзанди билан, устоз истеъдодли шогирди билан, ёзувчи яхши асари билан, боғбон сўлим боғи билан фахрланади ва ҳ.

Инсон ўз кучига ишонган ва бу билан фахрлана олган тақдирдагина бирор нарсага эриша олади. Ўз қадр-қийматини англаш ақлли одамни яна-да камтарин, яна-да саботли қилади. Киши учун ўз қобилиятидан ортиқ даражада ғурурланиш ҳам, ўзини ерга уриш ҳам ярамайди. Ўз-ўзлигича қола билган одамнинг ғурури бус-бутундир. Ўзига ортиқча бино қўймоқ, гердаймоқ, кеккаймоқ, димоғдорлик қилмоқ - булар такаббурликка киради. Ҳадиси шарифларда айтилишича, Оллоҳ энг ёмон кўрган нарсалардан бири такаббурликдир. Ҳатто масжидга гердайиб кирган одамнинг номози қабул бўлмас экан. "Манманлик заволга, камтарлик камолга етаклайди" деган нақл шунга ишора бўлса керак. Киши шундай яшаши жоизки, унинг ютуқларидан ўзи ғурурланмасин, балки ундан кўра кўпроқ оила аъзолари, хеш-ақраболари, маҳалла-қўйи, қолаверса бутун мамлақати фахрлансин, Фаҳрим деб эъюзласин.

Дунёда жуда кўп касб-ҳунар мавжуд. Шулардан бири спорт ва ҳисмоний тарбия соҳасидир. Бу соҳада ҳам жуда кўп элга машҳур кишилар етишиб чиққан ва ҳозир ҳам етишиб чиқмоқда. Айниқса Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгандан бери мамлакатимиз вакиллари жаҳон миқёсидаги катта-катта аюкуманлар, мусобақаларда иштирок этиб, фаҳрли ўринларни эгаллаб келмоқда, уларнинг номи, улар туфайли мамлакатимиз ва миллатимиз номи жаҳонга танилмоқда. Ғолиблар шоҳ супага

чиққанда, Республикамиз байроғи кўтарилиб, мадҳиямиз садоси янграганда бутун ўйингоҳ аҳли тик оёқда туриб, голибга ва унинг юрти шаънига ҳурмат бажо этишади. Аммо ана шундай гурур ва ифтихордан кеккаймайдиган голиб шахсини тарбиялаш муҳимдир.

Бўлажак спортчиларда ўзбекона миллий гурурни тарбиялашда халқ ўйинлари муҳим восита ҳисобланади. Халқ ўйинлари жисмоний тарбия жараёнини педагогик жараён сифатида маълум тизимда олиб бориш имконини беради. Халқ ўйинларининг келиб чиқиши қадим халқ педагогикасига бориб тақалади. Олимларнинг дарак беришича, Марказий Осиёда IV-VI асрлардан бошлаб жисмоний машқлар, курашлар, миллий ўйинлар ва миллий урф-одатлар билан мунтазам шуғулланиб келинган. Кураш, отчопар, дор устида ўйнаш ва бошқалар минглаб томошабинларни ўзига жалб қилган. Голиблар халқ оммасининг олқишларига сазовор бўлганлар. Улар ўз ютуқларидан ортиқча гурурланмаганлар, аксинча, камтаринлик ва саботлилик билан ўз юртлари фахри-ифтихори учун навбатдаги беллашувларга яна-да яхшироқ тайёргарлик кўрганлар. Булар “Алпомиш”, “Гўрўгли”, “Рустам”, “Қирқ қиз” ва бошқа шу каби дostonларда жуда мазмунли ва тўлақонли равишда тасвирланган.

Гурур ва ифтихор ҳис-туйғулари ҳам, бошқа инсоний хислатлар сингари, болалиқдан тарбияланиб ва шакллантириб берилгани мақсадга мувофиқ. Маълумки, ҳаракатли ўйинлар тарбия воситаси сифатида мактаблар ва мактабгача тарбия муассасалари дастурларига киритилган. Аммо ўйинларни танлаш ва режалаштиришда тарбиячи педагогларга ижодий ёндашиш имкони берилди. Ҳаракатли ўйинлар мазмунида боланинг дунёқарашини кенгайтирувчи ва тасаввурини аниқловчи кўплаб билиш материаллари мавжуд. Айниқса сюжетли ўйинлар мазмунини ҳаётий ва афсонавий воқеалар, табиат ҳодисалари, ҳайвонлар одатларига оид айрим кўринишлар ташкил этади. Буларнинг ҳаммаси болалар томонидан ўзига хос шартли ўйин шаклида тўғри идрок қилиниши учун тегишли вазият яратиш зарур. Бу педагогдан ўйинни тарбиявий натижасига қаратишни талаб қилади. Агар бу ҳолатга тарбиячи, педагог эътиборсиз қараса, голиб бўлган бола ёки гуруҳ бир неча кунгача ўз голиблигидан мағрурланиб, ўйинда ютқазганларга нисбатан манманлик руҳида юради. Бундай ҳолатнинг олдини олишда халқ ўйинлари ижобий намуна ҳисобланади. Халқ ўйинларига сиёчковлик билан эътибор берилса ва таҳлил қилинса, биргина ўйин жараёнида меҳнатсеварлик, ахлоқлилик, ўзаро ҳурмат, нафосат ва бошқа сифатларни тарбиялаш учун имкониятлар мавжуд.

А.Фуломов, Т. Хасанов,  
АндижонДУ

## ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИНИНГ АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ СОҲАСИДАГИ ВАЗИФАЛАРИ

1. Ўзбек миллати жуда қадим замонлардан бошлаб бошқа халқлар қатори ўз келажаги бўлган ёш авлодни тарбиялашга катта эътибор бериб келган. Қадимда, исломдан аввалги даврларда ёш болаларга 5-6 ёшидан бошлаб нбодатхоналар, оташгоҳлар қошида, алоҳида бошланғич савод чиқариш мактабларида тарбия-таълим берганлар. Бунда асосий эътиборни ахлоқий таълим: салом-алик, оила турмуш шароитида ота-онага, ака-укага ҳурмат билан муносабатда бўлиш қоидалари ўргатилган. Ёш қизлар эса алоҳида аёл мубодлар тарбиясида бўлиб, улар ширин таом пишириш, чиройли кийим тикиш, ўзгалар билан муамала қилиш ахлоқ-одобларини ўрганганлар. Қизлар вояга етмагунча, уларни эркакларга қўшмаганлар. Агар қиз билан йигитни бирор сабабсиз учрашуви ошкор бўлиб қолса, улар зардушт муботлари йиғинида текширилиб, жуда қаттиқ намунавий жазоланганлар. Шу боис ҳам йигит ҳатто ўз синглиси билан ҳам кўчада учраша олмас эди.

2. Мусулмон олами, шу жумладан ўзбеклар ҳам ўзининг ривожланиш босқичида исломий қонуниятларни қабул қилган пайтидан бошлаб шариат ахлоқиға асосланган халқ педагогикасини ишлаб чиқди. Унинг энг катта ютуғи - қадимги ота-боболардан қолган урф-у одатларга айланган ахлоқ-одоб қоидаларини ёш болаларга ўргатиб боришидир. Маълумки, ислом шариатида одоб оиладан бошланади. Жамият эса ана шундай оилалардан ташкил топади. Ҳар қандай одам ўз атрофидаги муҳит тарбиясини ўзига сингдиради ва унга қатъий амал қилади. Ҳозирги кунда бизнинг вазифамиз тақлидчан болаларимизга ибратли ота-она ва оилавий психологик муҳит яратишидир.

3. Шахснинг баркамол ва эркин ривожланиши учун мамлакат миқёсида қўллаб-қувватлаб туриладиган халқ педагогикаси керак. Бу тадбир маблағ талаб қилади, албатта. Янги дарслик, қўлланмаларни ёзиш ва нашр қилиш, уларни ўқувчиларга арзон нархларда етказиб бериш муаммоси мавжуд.

4. Халқ педагогикаси ўз мақсад ва мазмуни билан мамлакатдаги демократик, халқчил қонунларга асосланади, ўз ўқувчиларини шу қонунга амал қилишни, уларни хурматлашни ўргатади. Жамият қонунларини назар-писанд қилмаган кишилар албатта эл ичида шарманда ва бадном бўлади.

5. Ўзбекистонда кенг тарқалиб келиб, кейинчалик узилиш юз берган ва яна кенг тарқалаётган исломий шарият орқали тарбия бериш энг аввало Оллоҳни таниш ва Расулиллоҳни Оллоҳнинг элчиси деб эътироф этиш, беш вақт намоз ўқиш, ҳалолни ҳаромдан фарқ қилишдир. Мана шунинг ўзи шахснинг ахлоқини белгилаб беради. Буидай тарбия олган кишилар ҳеч қачон жамиятга ва ўз оиласига зарар келтирмайди. Кимки худо ва қонун талабларига амал қилса, ўша киши жамиятда иззат-икромли бўлиб келган. Шунинг учун ҳам тарбия мазмунига янги-ча ёндашиш пайти келди. Инсонни имонли, диёнатли қилиб тарбиялаш билан бирга, дунёвий ишларни, фан-техника ютуқларини билдириб, ёш мустақил Ўзбекистонимиз равнақиға ҳисса қўшадиган ёшларни тарбияламоғимиз зарур.

6. Келажаги буюк давлат қурадиган ёшларга халқ педагогикаси қуйидаги сифатларни сингдириш зарур деб билади: а) имон-эътиқотли бўлиш; б) республика қонунларини билиш ва унга амал қилиш; в) қонуннинг ҳамма учун бир хил кучга эга бўлишини тушунтириш; г) замонавий фан ва техника илмига эга бўлиш; д) маънавий ва маърифий асосларни тинмай ўрганиш; е) жисмоний соғлом бўлиш учун бадантарбия ва спорт билан шуғулланиш; ж) руҳий соғлом бўлиш учун фалсафий-диний қарашларни чуқур ўрганиш; з) кишиларга нисбатан меҳр-оқибатли бўлиш, қалб қўридан бошқаларга илиқлик бериш; и) атроф-муҳитни, табиатни покиза сақлаш; к) бўш вақтини фойдали ишларга сарф этиш; л) ҳар жойда ҳар қачон ростгўй бўлиш, ҳақиқатни юзага чиқариш ва адолатсизликка қарши туриш.

Жамиятимизнинг бугунги тараққиёт давридаги долзарб вазифа аждодларимиз яратган бой меросимизни халқ педагогикаси орқали ёшларга сингдиришдан иборатдир.

П.В.Конаныхин,  
академик, Россия,  
И.И.Каримов,  
доцент, ҚўқонДПИ

## ХАЛҚ ХУНАРМАНДЧИЛИГИ – МУҲИМ ТАРБИЯ ОМИЛИ

Маълумки, ўзбек халқи қадимдан наққошлик, ёғоч ва ганч ўймакорлиги, меъморчилик, кулолчилик, мискарлик, зардўзлик каби миллий амалий санъати ва хунармандчилиги билан дунёда машҳур бўлган. Бироқ кейинчалик маълум сабабларга кўра халқимизнинг ана шу нодир хунарларини ўрганиш ва ўргатиш ишларига етарли эътибор берилмади. Натижада ҳозирги авлод, айниқса мактаб ўқувчилари бундай санъат асарларини яратиш у ёқда турсин, маъносига ҳам тушуна олмайдиган даражага келиб қолди. Хайриятки, кейинги пайтларда Республикамизда юзага келган ўзгаришлар туфайли миллий қадриятларимиз, жумладан миллий амалий санъат турлари ва халқ хунармандчилиги тикланмоқда. Албатта, бу ишларни мактабдан, хусусан меҳнат дарсларидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Бинобарин, меҳнат дарсларида ўқувчиларни турли хил миллий касбларга ўргатиш, уларда меҳнатсеварлик, ўзаро ҳурмат, гўзалликка интилиш каби умуминсоний хислатларни тарбиялашда халқ хунармандчилигидан кенг фойдаланиш учун катта имкониятлар бор. Халқ хунармандчилигига оид ишларни меҳнат дарсларида қуйидагича ташкил этиш ва олиб бориш мумкин: 1) меҳнат таълими дарсларида ўқувчиларга халқ хунармандчилигига оид назарий маълумотларни бериб бориш; 2) амалий машғулотларда халқ хунармандчилига оид буюмлар (бешик, эшик, дарвоза, сандиқ, хонтахта, сури ва ҳ.) ясаш, уларни наққошлик, ўймакорлик, мискарлик усулларида безаш ишларини ўргатиш; 3) бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб ўқувчилар томонидан тайёрланган бундай буюмларни сотиш ишларини йўлга қўйиш.

Маълумки, халқ хунармандчилиги ва амалий санъатининг турлари кўп. Булардан энг кўп тарқалгани ва мактабларда қўллаш осон бўлганлари наққошлик ва ўймакорликка оид ишлардир. Мактабда бу ишларни ўрганиш миллий қадриятларимизни тиклашда, келгусида наққош, мусаввир, ўймакор меъмор каби касбларни эгаллаган ижодкор кишиларни тайёрлашда

катта аҳамиятга эга. Олиб борилган кузатишлардан шу нарса аниқландики, кўпчилик V-VII синф ўқувчилари турли хил расмларни чизишга, материалларга куйдириб, ўймакорлик усуллари билан нақш солиш ишларига жуда қизиқар эканлар. Шунинг учун меҳнат дарсларида V-VII синф ўқувчиларига ёшларига мос ҳолда нақшлар, уларнинг турлари, нақш солишда ишлатиладиган бўёқлар, асбоблар, иш усуллари ҳақида тушунча бериш, амалий ишлар ўтказиш ва бунда ҳам амалий санъатга оид маълумотлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Ишни дастлаб бешинчи синфда фанер ёки юпқа тахтага куйдириб ишлаш усули билан расм солишдан бошлаш мумкин. Бунинг учун олдин материаллар юзасига қалам билан керакли расм чизилади. Бундай расмларни ўқувчиларнинг ўзлари мустақил чизишлари ёки тайёр ҳолдагисидан кўчириб олишлари мумкин. Шундан сўнг куйдирувчи асбоб ёрдамида расмлар қайтадан чизиб чиқилади, яъни куйдирилади. Сўнгра юза лакланади.

VI синфда ўқувчиларга наққошлик сир-асрорларини, бўёқларнинг турларини ва ишлатилишини, бунда зарур бўладиган асбоб-ускуналарнинг тузилиши, ишлатилиши ҳақида тушунча бериб, иш усуллари ўргатиш мумкин. Фанер ёки тахтага бўёқ ёрдамида нақш солишдан олдин юза яхшилаб силлиқланади, сўнгра “сирланади”, яъни маълум бир рангдаги бўёқ билан ёппасига бўялади. Айрим ҳолларда эса юза қалинроқ қоғоз билан қопланиши ҳам мумкин. Шундан сўнг тайёр бўлган юзага андоза ёрдамида керакли шакл туширилади ва бўялади.

VII синфда эса ёғоч оймакорлигига оид машғулотлардан эмас, балки ганч ўймакорлигидан бошлаш мақсадга мувофиқдир. Буюмларни бадиий безаш, ўймакорлик ёки наққошлик ҳақида гап кетар экан, биз бевосита орнамент, инкрустация, мозаика, паркетрий, маркетрий каби сўзларни эштамиз ва қўллаймиз. Маъно жиҳатидан олганда бу сўзлар бир-бирига яқин туради, улар бажариладиган ишларнинг турини ва қўламини фарқлашда ишлатилади. Шунинг учун ҳам ўқувчиларга бу атамаларнинг маъноси ва қўлланилишини алоҳида тушунтириш зарур.

Юқоридагилардан кўриниб турибди, меҳнат дарсларида халқ ҳунармандчилиги ва амалий санъатидан фойдаланиш учун ўқитувчиларимиз бир қатор тайёргарлик ишларини кўришлари, тадқиқотчи олимларимиз эса улардан унумли фойдаланиш йўллари, усуллари, воситаларини аниқлаб беришлари, шунингдек, атамалар соҳасидаги ишларни ҳам тартибга солишлари керак.

П.В.Кананыхин,  
академик, Россия,

Р.А.Абдиев,  
доцент, ТермизДУ

## ҲИ-ҲИИ СИИФЛАРДА ДАРСИДАН ТАШҚАРИ ЖИСМОИИЙ СОҒЛОМЛАШТИРИШ ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Ўсмирлик ёшидаги ўқувчиларни жисмоний жиҳатдан тарбиялаш ўз ичига соғломлаштириш, таълим, тарбия соҳаларини олади. Лекин бу вазифаларнинг қўйилиши ва ҳал этилишида организмнинг бутун физиологик тизимида қайта қуриш билан боғлиқ бўлган ўзига хос томонлари бор. Шулардан соғломлаштириш вазифаларига қуйидагилар киради: организмнинг гармоник ривожланишига қўмаклашиш ва уни тобора ортиб борадиган машқларга - нагрузкага тайёрлаш; юрак, қон томирлари, нафас олиш тизимини ривожлантиришда дифференциал ёндашишни унутмасдан, нотекис ривожланиш оқибати ва жинсий тафовутни ҳисобга олиш, моддалар алмашинуви жараёнини фаоллаштириш, асаб тизимини мустаҳкамлаш.

Ўсмирлик ёшидаги жисмоний тарбиянинг энг муҳим томонлари уларда ҳаракат функциялари, куч, тезкорлик, чидамлик, чаққонлик, эгиловчанлик ва бошқа сифатларни тараққий эттиришдир. Инсоннинг тезлиги ёки қобилияти минимал қисқа муддатда ҳаракатни бажариши, ҳаракатли реакциясига, якка ҳаракатининг тезлигига ва унинг тоза бажарилишига боғлиқдир. Умумтаълим мактабларида ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш ҳақидаги илмий-методик адабиётларда, умумтаълим мактабларида ўсмирларнинг жисмоний тарбияси масалаларига бағишланган низомда ва мактаб ўқув дастурларининг ҳар хил бўлимларида бу масалаларни такомиллаштириш кўзда тутилади. Шу билан бир қаторда, асосий эътибор ўсмирларни жисмоний тарбиялаш муаммоси масалаларини ҳал этишга қаратилган. Бунинг учун материалларни режаллаштиришда мактаб ўқувчилари организмнинг анатомик-физиологик хусусиятлари, ёш хусусиятлари, иқлим шароити, ижтимоий иқлимий-географик омиллар ҳисобга олиниши лозим. Ўқувчиларнинг ҳар хил иқлим шароитида ўқишини ҳисобга олиб, амалдаги ўқув дастурларига зарур ўзгартиришлар киритиш, иссиқ иқлим шароитидаги мак-



таб ўқувчиларининг дарсдан ташқари жисмоний тарбия-соғломлаштириш ишларига илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарур. Шу муносабат билан республика мактаблари 6-, 7-синф ўқувчиларининг ҳаракат тайёргарлиги таҳлили ва уларнинг жисмоний сифатларини ривожлантириш услубиётини такомиллаштириш бугуннинг долзарб муаммолари ҳисобланади. Болалар жисмоний тайёргарлигини такомиллаштиришнинг кўрсаткичлари ҳар бир тарихий даврда жамият турмуш тарзининг сўров ва шартлари билан аниқланади. Шунинг учун ҳам улар ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш имкониятига қараб ўзгаради. Бинобарин, мактаб ўқувчиларини жисмоний такомиллаштириш, улар шахсининг яна-да тўлиқ ривожланишини, шахсий ҳаракат қобилиятларининг тўлиқ тарзда очилишини таъминлаши, жисмонан ва руҳан бойитиши даркор. Бу тизим жисмоний тарбия машғулотларидаги жисмоний тарбия воситалари ва синфдан ташқари ўтказиладиган тадбирлардан фойдаланишни ўз ичига олади. Лекин бунда ёш авлодни жисмоний тарбиялаш учун педагогик таъсир ўтказиш жисмоний тарбия дарсларида амалга ошириладиган иш турлари билангина чегараланмайди. Мактаб ўқувчилари билан синфдан ташқари соғломлаштириш ва спорт тадбирлари ўтказиш муҳимдир. Аммо унинг технологияси кам ўрганилган ва қисман ўзлаштирилган. Бизнинг ўтказган илмий-услубий ишларимиз қуйидагича хулоса чиқариш имкониятини беради: 1) умумтаълим мактабларида жисмоний тарбия соҳасини ёритган адабиётлар орасида дарсдан ташқари жисмоний-соғломлаштириш ва спорт тадбирларини ўзида акс эттирган адабиётлар оз; 2) асосий эътабор дарсдан ташқари машғулотларнинг шакллари, мактаб ўқувчилари организмнинг ҳар хил ёшдаги анатомик-физиологик хусусиятлари, иқлимий-географик ва ижтимоий омилларнинг ҳам таъсирини ҳисобга олиш керак; 3) ўсмир ёшдаги болаларнинг муҳим томонлари тўлиқ ўрганилган, қобилиятларининг меъёрий таснифи бор; сон ва сифат жиҳатидан олинган маълумотлар фойдали тажриба ўтказиш режасини тузиш имконини беради.

## ТАСВИРИЙ САНЪАТ ДАРСЛАРИДА ЎҚУВЧИЛАРНИНГ КЎНИКМА ВА МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Кишиларда миллий эътиқод, гўзалликни ҳис қилиш ва юксак дидли бўлиш каби инсоний фазилатлар гўдакликдан шаклланиб бориб, мактаб ёшида такомиллашувининг фаол босқичига киради. Мактабда ўқитиладиган барча фанлар ва шу фанлар бўйича ўтказиладиган дарсдан ташқари машғулотлар, ўқувчиларга билим бериш билан бирга, маълум даражада уларнинг маданий савиясини ҳам оширади. Лекин мактабда ўқитиладиган тасвирий санъат ўқув предмети бу соҳада алоҳида аҳамият касб этади. Чунки тасвирий санъат ўқув предмети ўз олдига қўйган вазифаси, моҳияти ва мазмунига кўра нафосат дарси ҳисобланиб, у ёшларга санъат ва маданият илмидан билим беради, уларни тасвирий ва манзарали амалий санъатнинг мумтоз намуналари билан таништиради. Бу фан ўқувчиларга иқтимоий фаолиятда тасвир ва графикадан фойдаланишни ҳамда реалистик расм чизиш йўллариини ўргатади, ўқувчиларда расм чизиш, тасвир ва графикага нисбатан эстетик муносабатда бўлиш кўникмаларини ҳосил қилади. Бу вазифаларнинг барчаси тасвирий санъат дарсларида олиб бориладиган график ишларга боғлаб амалга оширилади. Тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг кўникма ва малакалари ўқув материалларининг мазмунига, характерига ва олдига қўйган мақсадига кўра бир неча турларга бўлинган ҳолда шакллантириб берилади: 1) нарсанинг ўзига қараб расм чизиш; 2) мавзу асосида расм чизиш; 3) декоратив манзарали расм ишлаш; 4) тасвирий санъат асарлари юзасидан суҳбат ўтказиш.

Нарсанинг ўзига қараб расм чизиш дарслари ўқувчиларга нарса ва ҳодисаларни кўра билиш, кузата олиш ва шу кузатилган нарсаларнинг шакли, ранги, ҳажми ва фазода тутган ўрнини, ундаги ўхшаш ва ўхшамайдиган белгиларни атрофлича идрок этиш ва шу кузатиб идрок этилган нарсаларнинг шакл ва ранглариини реалистик услубда тасвирлаш кўникмаларини ўстириб боришни ўз олдига асосий вазифа қилиб қўяди. Реалистик услубда расм чизиш ўқувчиларнинг кузатиш ва бадий ижодларини, қобилиятларини тарбиялайди, тафаккур, эстетик идрок этиш, тассавур қилиш малакаларини ўстиради, меҳнатга ва ўз ўлкасига бўлган муҳаббатини оширади, уларни ватанпарварлик ва миллийлик руҳида тарбиялайди.

Мавзу асосида расм чизиш дарси ўқувчиларнинг хотира, тасаввурлари асосида олиб борилиб, уларда расм чизишда мавзу танлаш ва мавзунинг мазмунини расмларда акс эттириш, расмда бадий образлар, персонажлар яратиш, тасвирдаги нарсаларни бир-бирига мазмунан боғланган ҳолда тасвирлашга ўргатишни ўз олдига вазифа қилиб қўйиб, ўқувчиларнинг тасвирлаш қобилиятларини, ранг билан ишлаш малакаларини, шунингдек тафаккур эстетик дидларини шакллантиради.

Ўқувчиларга бўёқларни ўрнига қараб, турли усулларда ишлатиш, ранглар жилосини кўра билиш, уларни нақшлар ва безаш ишларида қўллаш шакллари декоратив расм ишлаш дарсларида берилади.

Тасвирий санъат асарлари юзасидан суҳбат дарсларида рассомлар томонидан яратилган турли нафис тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик асарлари ва халқ амалий санъат усталарининг наққошлик, ўймакорлик, ганчкорлик ҳамда зардўзликда яратган классик ва ҳозирги замон санъати намуналари ўрганилади.

Шундай қилиб, тасвирий санъат дарсларида ўқувчиларнинг эстетик идроки ва бадий диди ўстирилади, улар ғоявий, ахлоқий, эстетик жиҳатдан тарбияланиб, шу асосда кўникма ва малакалари шакллантириб борилади.

**З.Р.Зоиров, А.Р.Турсунов,  
ТермизДУ**

## **ҚАРДОШ ХАЛҚЛАР МУСИҚАЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ЗАМОНАВИЙ ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИ ИЖРОЧИЛИГИ**

Ҳозирги маданиятимизда муҳим омиллардан бири мусиқа меросини ўзлаштириш, бастакорларнинг халқ чолғулари учун яратган замонавий асарларини ва уларнинг ривожланиш истиқболини чуқур тушунишдан иборатдир. Замонавий ижрочи-дан мусиқани нозик тушуниш, ижро этилаётган асарнинг мазмуни ва ранг-баранглигини аниқ ҳамда юқори савияга етказиш, бастакор ниятига чуқур кириб бориш талаб этилади. Уларнинг барчаси муайян даражада ижрочилик усулларининг ўзига хослигини ўзлаштириш ва ижрочилик маҳоратини техник жиҳатдан доимо такомиллаштириб бориш билан боғлиқ. Замонавий ижрочи ўз ижро маданиятини юқори даражага кўтариши, халқ мусиқаси ва қардош халқлар мусиқаси ҳисобига ўз репертуарини доимо кенгайтириб бориши ва жаҳон мусиқа маданиятининг нодир намуналарини ўзлаштириши керак. Халқ чолғулари иж-

рочилиги тарихи кейинги йилларда муסיқашуносликнинг янги соҳаси сифатида қарор топди. Халқ чолғулари жаҳон муסיқа маданияти ривожининг умумий жараёнига кириб борди. Жумладан, рус халқ чолғуларининг асосий турлари қаторидан балалайка, доира, гусли ва баян, украин халқ чолғуларининг асосий турлари қаторидан эса кобза ёки бандура, имбаллар ўрин олди. Белорус халқ аркестри таркибини симбала ва унинг турдошлари ҳамда гармонь ташкил этди. Қозоғистон халқ чолғуларини дўмбира, қўбиз ёки қилқўбиз (қадимги миллий чолғу асбоби, скрипкага ўхшаш) ташкил этади. Ўзбекистон ва Тожикистон муסיқа чолғулари асосан муштарак. Болтиқ бўйи ва Карелия халқларининг турли чертма чолғулари ҳам деярли бир хил.

Олий ва ўрта махсус билим юртларида, болалар муסיқа мактабларида халқ чолғулари ихрочилиги зўр эътибор бериб ва режали равишда ўргатилмоқда. Кўп асрлик анъаналарни ўрганиш ва сақлаб қолиш давлат ишига айланди. Эндиликда муסיқа мактабидан то консерваториягача халқ чолғучилари тайёрлаш системали равишда йўлга қўйилган. Ихрочилик тарихида айниқса 1948 йил эса қоларли бўлди. Шу йилга келиб муסיқа маданияти тарихида илк бор “Халқ чолғулари” мутахассислиги бўйича олий малакали муסיқачиларни тайёрлаш ва тарбиялаш бошланди. 1997 йилда “Халқ чолғулари ихрочилиги таълимини такомиллаштириш масалалари” ва “Рус халқ оркестрлари ва дирижёри тарбиялаш вазифалари” методик тўғламлари нашр этилди. Киев консерваториясида балалайка, дўмбира, баян, бандура, гитара ва симбала синфлари мавжуд. Уларга халқ чолғулар кафедрасининг мудири санъатшунослик номзоди профессор Н.А.Давидов раҳбарлик қилади. Кафедрада Киев консерваториясининг баян синфи асосчиси, Киев баянчилари кватетининг бевосита қатнашчиси, таниқли баян ихрочиларидан бири профессор И.Н.Ризол ишлайди. Бир неча бор Ўзбекистон меҳнаткашлари жамоалари олдида Қўрмонғози номидаги Қозоғистон халқ чолғулари оркестри, Тожикистон халқ чолғу оркестрининг иходий ҳисоботлари ўтказилди. Улар бастакорларнинг янги асарларини, жаҳон мумтоз композиторларининг мослаштирилган асарларини ихро этишди. Оркестрнинг барча концерт чиқишлари муваффақиятли ўтди. Жамоалар билан уюштирилган иходий учрашувлар (1984, 1985, 1986, 1989) муштақкам дўстликнинг, муסיқа маданиятлари бир-бирини бойитишининг намунаси бўлиб, халқ чолғулари ихрочилик йўли уларга битмас-туганмас қувонч келтирди. Ўз навбатида, Т.Жалилов номидаги Ўзбекистон халқ чолғулари давлат оркестри, Тошкент консерваториясининг чангчилари ансамбли ва

М.Тойиров, Т.Собиров, Ф.Шукурова, Ш.Зияев каби республиканинг етакчи якканавоз чолғучилари Озарбайжон, Тожикистон, Қозоғистон ва бошқа республикаларда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданияти кунларида иштирок этишди. Ўзбек мусиқачиларининг қатор шаҳарлар бўйлаб берган концертлари республика мусиқа ижрочилиги санъати ютуқларини тарғиб қилди, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилди. Ҳозирги вақтда мусиқа ижрочилиги ва халқ чолғулари таълимини тубдан ислоҳ қилиш керак. Бунинг учун бастакорлар оригинал асарлар яратиши, мусиқа меросини чуқур ўрганиш лозим.

**А.Набиев, Д.Холмуродов,  
Қарши ДУ**

### **МАЪРИФАТНИНГ ЎҚИЛМАГАН САҲИФАСИ**

Республикамизда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги қонунни, кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни амалга ошириш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Халқ таълими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилиш устувор йўналишга айланди. Педагог кадрлар тайёрлаш жараёнини тубдан ислоҳ қилиш тақозо этилмоқда. Сифат жиҳатидан мутлақо янгича билим ва малака, маънавий тушунча, дидактика ва тарбия, илмий гоё, самарали методлар билан қуролланган педагог кадрларни тайёрлаш иқтисодий ислоҳотлардан ҳам кўпроқ фойда келтириши таъкидланаётир. Зеро, мураббий жамиятда боғбонга қиёсланар экан, унинг ўзи ноқобил бўлса, давлат ҳам, халқ ҳам манфаат кўра олмаслиги аниқ. Шундай экан, бўлажак педагогларга мураббийлик маҳоратини маорифимиз меросига таяниб ўргатиш айти муддао бўлур эди. Биз бу ерда маорифимизнинг 20- – 30- йилларига дахлдор, маърифатнинг кўпчиликлари номаълум даргаларидан бири, фидойи педагог Абдуваҳоб Ибодиевни назарда тутаётимиз.

А.Ибодиев 1877- йилда Қўқондаги эски Аравабозор маҳалласида котиб оиласида дунёга келиб, маҳалла домлалари қўлида савод чиқарди. Аввал мадрасада, сўнгра мустақил мутолаа йўли билан ўз билимини оширди. Эсини танигач, ўз маҳалласи болаларини саводли қилиш ҳақида ҳам бош қотирди. Қаландархона маҳалласида “Мактаби Ваҳобия” номли жаҳид усулидаги илм даргоҳини очди. А.Ибодиевнинг ўзи ҳам ёшларга сабоқ берган ушбу илм маскани 1914 йилдаёқ “Урфон” номи билан

Кўқон эли тилига тушди. Маълумки, инқилобий тўнтаришгача муаллимлар тақчил бўлиб, педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш қониқарсиз аҳволда эди. Шу боисдан дарслик ва ўқув қўлланмалари яратншга қодир педагоглар ҳам оз бўлган. Иқтисодий тақчилликка қарамасдан, мактабда дарслик ва ўқув куруллари етишмаётганлигини ҳис қилган А.Ибодиев мустақил ишга киришади. Замондош жадид маърифатпарварлари изидан бориб, Бехбудий, Мунавварқори, С.Саидазимов ва бошқалар қатори дарслик ҳамда ўқув куруллари яратади. Жиддий изла-нишлардан сўнг “Таҳсили алифбо” (1912 й.), “Мифтоҳул алиф-бо” (1913 й.), “Эътиқоди исломия” (тўрт қисмдан иборат) каби дарсликларни яратишга эришади.

А.Ибодиев 10- йилларда авж олган болалар боқимсизлигини бартараф этиш, боқимсиз ёшларга таълим-тарбия бериш ишларига ҳам маълум даражада ҳисса қўшди. Аммо болалар боқимсизлигини бартараф этиш, уларга таълим-тарбия бериш ишларини давлат миқёсидаги тадбирларгина амалга ошириши мумкинлигини тушуниб етмади. Шу боисдан унинг мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатлари Ҳ.Ҳ.Ниёзийнинг фаолиятига ўхшаб кетса-да, сезиларли натижаларга эриша олмади. Ташаббускор педагог А.Ибодиев 1917 йилдан сўнг боқимсиз ва моддий ёрдамга муҳтож болалар учун ҳақиқий интернат-муассаса “Дорилятом” очди. Кўқон шаҳар маориф шубасининг тавсиясига кўра мазкур биринчи болалар уйига А.Ибодиев директор қилиб тайинланади. Шундан сўнг у 20 йилдан ортиқроқ вақт мобайнида, умрининг охиригача (1937 й) ушбу муассасага раҳбарлик қилади (“Туркистон”, 1993 йил, 16 февраль). Кўқонликлар орасида бу фидойи педагог Мурод Абдул Ваҳоб Қори Ибодуллоҳ ўғли номи ёки қисқача Ибодий домла тахаллуси билан, у раҳбарлик қилган 3- интернат эса “Дорулшафақа” номи билан машҳур бўлиб кетди. Ибодий домла қўллаган дидактикага оид ва тарбия усуллари ҳам ўз даврининг илғор намояндаси бўлган Ҳ.Ҳ.Ниёзийда ҳам қизиқиш уйғотади. Ҳамза ўз педагогик фаолиятида Ибодий домла тавсия этган методлардан унумли фойдаланганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд (“Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 1993 йил 30 июль).

Архив ҳужжатларида қайд этилишича, А.Ибодиев раҳбарлик қилган 3- болалар уйи “Дорулшафақа” 20- 30- йиллардаги мураккаб шароитларда ташкилий-педагогик ҳамда таълим-тарбия жабҳаларида юқори кўрсаткичларга эришган. Уша даврдаги кетма-кет текширувларда муассаса фаолиятига юқори баҳо берилиб, унинг раҳбари А.Ибодиевга 300 сўм пул мукофоти берилганлиги шундай ҳулоса чиқаришга асос бўла олади. Муассасага А.Ибодиевдан сўнг Фейгин Лев Хаимович раҳбарлик қилган бўлса керак. Чунки архив

хужоқатларида худди шу муассаса мудирлари сифатида унинг исми-шарифи ҳам энг яхши мудирлар қаторида қайд этилган (5.11.1937. 3 Ўзбекистон МДА, 94- фонд, 5- ёзув, 2608- иш, 48- варақ).

А.Ибодиевнинг кўп йиллик самарали меҳнати аввалига муносиб тақдирланади: Ўзбекистон МИК қарори билан (1936) унга Республикада биринчи бўлиб “Меҳнат қаҳрамони” унвони берилди. Аммо 1937 йилда айбисиз ҳибсга олиниб, отиб ташланади. “Халқ душмани” тамғаси билан маҳв этилган тиниб-тинчимас зийкор амалга оширган ишлар маърифатнинг ўқилмаган саҳифаси сифатида ўз тадқиқотчиларини ҳамон кутиб турибди. Ўнлаб машҳур зотлар мураббийсининг фаолияти, бизнингча, йирикроқ тадқиқотга арзирлидир.

**М.О.Очилов,**  
профессор, Қарши ДУ,  
**Д.Холмуродов,**  
катта ўқитувчи, ҚаршиДУ

## **ҚАДИМГИ ТУРКИСТОН ХАЛҚЛАРИДА БОҚИМСИЗ БОЛАЛАР ТАРБИЯСИ**

Қадимги Туркистон халқларида етим, боқимсиз болаларга муносабат борасида тарихан ўзига хос тамойиллар, урф-одатлар таркиб топган. Унинг теран илдиэлари кечмишнинг узоқ даврларига бориб тақалади. Хусусан, исломгача қарийб 4000 йил амал қилинган зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авеста”да “...Аёл ва фарзандлари сарсон ва саргардон юра-диган ер энг ёмон замин...” ҳисобланган.

Етим ва ғариблар, фақир-у мискинлар жамият тараққиётининг барча босқичларида башариятнинг “йўлдош”и бўлиб қолмоқда. Гарчанд улар ижтимоий ҳодисалар силсиласида салбий иллат саналса-да, уларга меҳр-мурувват кўрсатиш исломда мўмин бандалар учун фарз ҳисобланади. Зеро, ҳар бир етим, боқимсиз бола аввало инсон фарзанди, унинг нуридийдаси экан, уларга ғамхўрликни маънавиятимизнинг теран илдиэларидан излаш мақсадга мувофиқдир. Қуръоннинг *Нисо* сурасидаги 8- оятда мерос тақсмотида етим ва мискинларни баҳраманд қилишга ундалса, 10- оятда етимларнинг молини зулм йўли билан олувчилар қоринларига олов йиғувчиларга тенглаштирилади. Демак, ислом таълимоти боқимсизлар ижтимоий муҳофазасини эътиборсиз қолдирмаган. Аксинча, Ҳадиси шарифларда боқимсизларга ғамхўрлик жамият аъзоларининг муҳим вазифаси ва бурчи даражасига кўтарилади. “Мен етимнинг кафилигини

олган одам билан жаннатда бирга бўлурман”, -деб Оллоҳ номидан ваъда берилади. Бева хотинларга, мискин-бечораларга ёрдам берувчи кишилар гўё Тангри йўлида жиҳод, ибодат қилувчи, рўза тутувчиларга тенглаштирилиб, “Етимлар яшайдиган уй Оллоҳга энг яқин уй...” ҳисобланади.

Аллома Юсуф Хос Ҳожиб XI асрдаёқ давлат раҳбарларидаги қашшоқ, тул, етимларга меҳрибонлик хислатини чин адолат кўрсаткичи деб билган. Фаробий бахтга эришиш мақсадида ҳаёт машаққатларини ҳамжиҳатликда енгган кишиларни фозилларга менгзаган. Аҳмад Яссавий ғариб, фақир, етимлар кўнглини овлашга чорласа, Замахшарий ҳоким, бой, бадавлат кишиларни: “Фақир-у мискинларга вожиб садақаларини бажо келтирмаган бойларга жаҳаннамда даҳшатли бир хандақ бор”, -деб огоҳ этади.

Шуниси диққатга сазоворки, буюк аждодларимиз бола учун ҳақиқий бахт фақат оила қучоғида бўлиши мумкинлигини алоҳида таъкидлаганлар. Чунончи, Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, чинакам табиий гўзаллик оилавий ҳаётда намоён бўлади. Боқимсизлик, етимлик, ғариб ва мискинлик сингари салбий иллатларни фақат меҳнат, илм-маърифат воситасидагина бартараф этиш мумкин, деб тушунтиради у. Қадимги туркий давлатларда етим, боқимсиз болаларга меҳр-мурувват кўрсатиш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари давлат сиёсати даражасигача етиб борганлигини кўпгина манбалар тасдиқлайди. Жумладан, “Темурнома” (Тошкандий)да қайд этилишича, Соҳибқирон Амир Темур зафарли юришлардан қайтгач, газавотларда шаҳид бўлган сарбозлар оилалари ва етим болаларига нафақалар тайинлаган, давлат ҳисобидан тўкин дастурхон ёзиб, уларнинг кўнглини овлаган. Етимларни балоғат ёшигача имтиҳон қилиб турган, агар уларнинг эс-ҳуши жойида эканлиги маълум бўлса, мол-мулкларини ўзларига қайтариш теурийлар даврида урф бўлган. Етимларнинг мол-мулкни суистеъмол қилиш шарият қонунларида ҳам таъқиқлаб қўйилган эди.

Алишер Навоий “Ихлосия” мадрасаси ёнида етим болалар учун мактаб очиб, боқимсизларни ўз ҳисобидан кийим-кечак, озиқ-овқат, ўқув қуроллари билан таъминлаб турган. Кейинчалик Ҳамзанинг “Дорилятон”и, А.Ибодиевнинг “Дорулшафақа”сида бу тажрибалар давом этган эди. Қўқон хони Худоёрхон ҳам етимлар бошини силаб, уларнинг тарбиясига алоҳида эътибор билан қарар эди. У ўз тасарруфидаги улуслардан барча етим, боқимсизларни саройга тўглаб, сарполар инъом қилган, давлат ҳисобидан таълим-тарбия олишларига, касб-хунар ўрганишларига имкон яратиб берган. Бундай болалар саройда, расмий



идораларда, отхоналарда, чойхона ва каптархоналарда, боғ ва ҳаммомларда хизмат қилганлар, хон ва беклар уюштирган овларда қатнашганлар. Хон тарбиясида улғайган етим ва боқимсизлар кейинчалик масъул лавозимларга тайинланганлар. Хазиначилар, махсус қуриқчилар, кичик лашкарбошилар исмлари ёнида “сағир” атамасининг учраб туриши шундан далолат беради.

Шуниси қизиқарлики, халқ орасида баъзан боқимсизларга нисбатан салбий муносабатларни ифодаловчи этнопедагогик тушунчалар ҳам шаклланган. Жумладан, “етим қўзи асрасанг, оғиз-бурнинг мой этар, Етим фарзанд асрасанг, оғиз-бурнинг қон этар” ёки “Етимнинг қорни етти” ва б. Чамаси, бундай фикрлар ўтмишда баъзи етимларнинг қийноқларга қарши исёни оқибатида вужудга келган бўлса керак. Аммо мазкур тушунчалар барча етимларга нисбатан айtilган якуний хулоса эмас. Шунингдек, етимлар ҳақида хиёнат қилмаслик, уларни ижтимоий муҳофаза қилишга ундовчи мақоллар ҳам талайгина. Демак, истиқлолгача тарихи минг йиллар ичра пинҳон бўлиб келган ўзбек халқи онгида болажонлик, инсонпарварлик сифатлари анча эрта шаклланган. Етим ва боқимсиз болаларни тақдир измига ташлаб қўйиш урф бўлмаган, уларга ғамхўрлик давлат ва умумхалқ иши бўлган. Уз даврининг бундай нодир педагогик гоёлари халқнинг руҳий камолоти маҳсули бўлиб, ҳозир ҳам назарий педагогика тадқиқотларига асос, амалий педагогика учун эса қўлланма бўла олади.

**Б.У.Умурқулов,**  
доцент, ТермизДУ

## **МАТН ВА МАЪНО**

Матн нутқни вужудга келтирувчи муҳим воситадир. Нутқ ўз навбатида услубни яратади. Шу боисдан ҳам М.Н.Кожина нутқ қурилиши ҳар бир функционал услубни бошқа услуб туридан ажратиб турувчи восита эканлигини таъкидлайди (Стилистика русского языка. М., 1917, с. 66). Бинобарин, бадий нутқ бадий услубни вужудга келтирганидек, илмий нутқ илмий услубни яратади. Ўз-ўзидан маълумки, ҳар қандай нутқнинг асосида матн ётади. Демак, матн нутқ учун ҳам, услуб учун ҳам асос. Аммо бу ҳолат матннинг асосий хусусияти эмас. Матн фикрни бирор тарзда ифодалаш воситаси, усулидир. Шу боисдан матн рангбаранг ва кўп вазифалидир. Бинобарин, бадий матн турли

ифодали воситаларга бой, эстетик таъсир этиш вазифасини бажарса, илмий матнда ифодали воситалар ишлатилмайди, у илмий ахборот бериш вазифасини бажаради. Шунингдек тилдаги луғавий воситаларнинг қўлланилиши ва ифода даражаси жиҳатидан ҳам матнлар турличадир. Маълумки, тил воситаларининг қамровдорлиги, кўчма маънолилиги жиҳатидан бадиий матн алоҳида ажралиб туради. Бадиий матн ифода усулига, баён тарзига кўра насрий, назмий ва драммутик матнлардан иборат бўлиб, луғавий воситаларнинг бу турларда қўлланилиши ҳам турличадир. Луғавий воситаларнинг кенг қамровлиги жиҳатидан насрий матн алоҳида ажралиб туради. Ушбу мақолада насрий матнда сўзларнинг кўп маънолилиги хусусида баъзи мулоҳазалар билдирмоқчимиз.

Насрий нутқни луғавий жиҳатдан бойитувчи воситалардан бири сўзларнинг кўп маънолилигидир. Бир маъноли сўзлар фақат битта маъно ифодалаб, аташ вазифасини бажарса, кўп маъноли сўзлар бунинг акси, яъни бир сўз ўнлаб маъноларни ифодалашни натижасида ўнлаб сўзларнинг ўрнини босиш билан бир қаторда, услубий вазифа ҳам бажаради. Масалан, умумистеъмолдаги қўймоқ феълининг асл маъноси “нарсани бирор жойга қўйиш”; шу маънода ушбу сўз тилда ҳам, бадиий нутқда ҳам аташ вазифасини бажаради. Насрий нутқда ушбу сўзнинг қуйидаги маъноларда қўлланганлиги кузатилди: “Қолдирмоқ” маъносида: Исоқ Оқсоқолнинг муҳаббат тарихини эшитишни бошқа вақтга қўйди (Х.Фулум. “Мангулик”). “Тегмаслик”, “Халақит бермаслик” маъносида: Бечоралар шу ерда жон сақлаб ётганга ўхшайди. Қўйинг, ўлмасин (Мирмуҳсин. “Умид”); “Чидамоқ” маъносида: Охунбобоевнинг дашноми маълул келса ҳам, тишини тишига қўйиб жим туришга мажбур бўлди (С.Аҳмад. “Уфқ”). Шунингдек, насрий матнларда бу сўзнинг елкасига қоқиб қўйди, ўрнини йиғиб қўйди, занжирлаб қўйди, хўрсиниб қўйди, кўз қисиб қўйди, қараб қўйди каби кўплаб маъноларда қўлланганини кузатиш мумкин. Ёки қолди сўзининг асл маъноси “бир жойга қараб тўхтаб қолмоқ”: Али қушчи калтагина чўққи соқолини тутамлаб, бир зум туйнукка тикилиб қолди (О.Ёқубов. “Улуғбек хазинаси”). Бироқ бу сўзнинг худди шу маънога қарама-қарши келадиган маънони ифодалаган ҳолда қўлланилганини ҳам кузатиш мумкин, бу насрий нутқнинг ўзига хос нозиклиги, алоҳидалигини, сўзнинг эса насрий матнда ифодалаш доирасининг чексиз эканлигини ўргатади: Гўё Шаҳзода лашкарлари Жайхундан ўтиб, Кешга яқинлашиб қолганмиш (О.Ёқубов. “Улуғбек хазинаси”). Бу гапдаги қолди сўзи “яқин-

лашиб қолди” бирикмасида “яқин келмоқ”, “ҳаракат қилмоқ” маъносини ифодалаган, бу маъно қолди сўзининг асл маъносига зиддир.

Адабиётшунос Ян Парандовский таъкидлаганидек, санъатнинг бирор тури йўқки, унда адабиётдагидек турли-туман одамлар, касблар, воқеалар мавжад бўлса (Алхимия слова. М., 1990, с. 49). Насрий матн ҳам санъатнинг кенг қамровли тури бўлганлиги учун унда сўзлар кўп маъноли ва кенг қамровлидир. Зеро, насрий матнда сўз, луғавий-грамматик восита бўлиш билан биргаликда, акс эттириляётган воқеа, ҳодиса, одамлар, уларнинг руҳий ҳолатлари, ўйлари, кечинмаларини ҳам ифодалайди. Шу хусусиятлар ҳам сўзларнинг нутқ жараёнидаги вазифасини кенгайтиради. Масалан, Низомжон унинг кўзларига газаб билан тикилди-да, кўчага отилди (Саид Аҳмад. “Уфқ”) гапида қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, ўй-фикрлари, кечинмалари баёни акс этган бўлиб, бу ҳолат кўчага отилди бирикмаси орқали эркинлашган. Матндаги отилди сўзи қўлланилиши жиҳатидан характерли. Гарча ушбу сўз “югуриб кетмоқ” маъносини ифодалаган бўлса-да, унда шунчаки “югуриб кетиш” маъноси эмас, балки “газабланганлигидан югуриб кетиш” маъноси ифодаланган. Натижада фикрнинг эмоционал таъсирчанлиги кучайган. Матн сўзнинг бутун нозиклигини, маъно ифодалаш қирраларини намён қилувчи восита эканлигини қуйидаги мисоллардан кўриш мумкин. Ёзувчи П.Қодиров умумистеъмолдаги тушмоқ феълени “ҳимоя қилмоқ” (Темир Акбарович, агар маҳкамни уришаётган бўлсангиз, мен орага тушмоқчиман. “Уч илдиз”), “жаҳлдан тушмоқ” (тез оловланиб, тез совийдиган Очил эса аллақачон жаҳлидан тушган. “Уч илдиз”) маъноларида ишлатса, С.Аҳмад асарларида бу сўзнинг “кўрмоқ” (унинг кўзи тунука устида ётган чит кўйлакка тушди. “Уфқ”) ҳамда шу сўзнинг диалектал нутқ учун ҳос бўлган “бормоқ” маъносида ишлатилганини кузатиш мумкин (У Турсунбой билан шунақа машинада Марғилонга тушган эди. “Уфқ”).

Кўринадикки, матн сўзни жилолантирувчи муҳим воситадир. Матндан ташқарида сўз қандай маъноларни ифодалай олишини англаш қийин.

Б.А.Илёсов,  
доцент, ТермизДУ

## АСЛИЯТ КОНЦЕПЦИЯСИ ВА ТАРЖИМА

Машҳур рус адабиётшуноси К.Гений таъбирича, асар концепцияси бу ижодкор образлар воситасида ифодалаган дунёнинг бадий талқини, унга берилган баҳо. В.Л.Воронов эса “бадий концепция”ни ёзувчи бир нуқтага “жамлаган диққат-эътибор, унинг изланишлари самараси” сифатида тушунтиради. Бир сўз билан айтганда, бу - бадий кашфиёт, асарнинг етакчи ғояси. Кашфиёт эса узоқ изланишлар натижасида яратилади. Публицистика ёки илмий мақолада асосий, етакчи ғоя-тафсилот очиқ-ойдин берилса, бадий асарда у товушлар, сўзлар, ранглар, образларда яширинади. У ҳис-туйғулар, қалб орқали қабул қилинади. Шу боис унинг таъсири кучлидир. Бадий асарда ҳар бир образ ўз мазмун-моҳиятига эга. У муаллиф нияти, раъйини, оламга берган баҳосини ўзида мужассамлаштиради. Назмий асарларда биргина сўз, ҳатто товушлар такрори ҳам худди шу бадий-эстетик вазифани бажариши мумкин.

Уруш йиллари Тошкентда яшаб ижод этган таниқли рус шоирасининг 30- – 60- йиллар давомида яратган лиро-эпик поэмаси бор. Унда қатагон даврида болаларидан, эридан мажбуран ажратилган оналар дарди, алам-фарёди умумлаштирилган. Бу асарнинг шоира Г.Нуриллаева таржимаси мавжуд. Поэманинг русча номи “Реквием” (мотам) ўзбек тилига “Марсия” деб берилган. Мана шу поэмада Анна Ахматова ўша даҳшатли замон манзараларининг реал тасвирини яратади:

Над нами стояли звёзды смерти  
И безвинная корчилась Русь  
Под кровавыми сапогами  
И под шинами черных марусь...

Совуқ боқар бошлар устида  
Ўлимларнинг муждаси-юлдуз,  
Қонли этик, таъқиқ остида  
Тиришади гуноҳи йўқ Русь...

А.Ахматова реализмининг ўзига хос хусусияти кўп. Бу унинг оламни бадий инкишоф этишида, услубида номоён бўлади. Унинг асарларида муаллиф раъйи, муносабати кўп маъноли образларда беркитилади. Нуқтада ҳар куни қўлланадиган сўзлар ҳам унинг шеърларида кўшимча семантик-услубий юк ташиydi.

Образли ифодалар эса (муқояса-ўхшатиш, мажоз, сифатлаш ва ҳ.) матнда кенг “маъно майдони” ҳосил қилади. Яъни шеърдаги замон ва макон чегараларини конкретлаштиришга, гоҳида кенгайтириш, умумлаштиришга хизмат қилади.

Хуллас, шоира услубининг энг асосий хусусияти - шеърларида ҳеч нарсани “тўғридан-тўғри”, “очиқ-ойдин” айтмаслик. Шу сабаб ҳам у ишлатган ҳар бир тасвирий ифода талқин жараёнида янги ранг, маъноларни ўзида намойиш этаверади. Юқорида келтирилган мисолдаги “ўлим юлдузлари” (“звёзды смерти”) образини олайлик. Бу реал ёки аъъанавий тақдир юлдузи эмас. Шоира юлдузнинг мана шу маъносидан моҳирона фойдаланган холос. Айни образ ўқувчига 30- йиллардаги сиёсий-ижтимоий ҳаёт манзараларини эслатади: Кремль юлдузлари, қамоқхона дарвозалари, ҳарбийлар погонларидаги юлдузлар ва ниҳоят Сталин, Берия, Ежов... ўлим юлдузлари, тунларда одамларни “жимгина” олиб кетадиган қора рангли енгил машина, оёқ ости бўлиб эзилаётган Россия. Умуман олганда, бу 30- йиллар манзараси барча ҳудудларда бир хил бўлган: ўзбек оналари ҳам ўша йиллари қамоқхона дарвозалари олдида қон йиғлаганлар...

Таржимон мазкур образни тўғри англаган, шарҳлаган, қайта яратишга уринган. Таржима ва аслият сатрлари, қофиялари, бадий ифодалари бир-бирига мос келади. Охирги сатрнинг (“Под шинами черных марусь”) ташлаб кетилганини ҳисобга олмаган тақдирда ҳам, аслият бадий концепцияси тўла-тўқис берилмаганлигини кўриш мумкин. Чунки таржимада “юлдуз” образи ташийдиган услубий-ғоявий юк оригиналдагига қараганда енгилроқ: таржимада у ўлим ҳақида хабар келтиради, аслиятда эса юлдузларнинг ўзи ўлим ҳукмини битгувчидир. Таржима аслият концепциясини тўлиқ ёки қисман очиши мумкин. Айниқса шеър талқини, таржимаси таҳлилида мукамалликка эришиш қийин. Аммо бу шеърни таржима, таҳлил, талқин қилиб бўлмайди деган гап эмас. У талқин ҳам, таржима ҳам қилинади. Фақат бунинг учун асар руҳини ҳис этиш, етакчи ғоясини англаш, муаллиф услубига йўл топиш лозим. “Марсия” - XX аср рус шеърятини ўзбек тилига ўгирган энг яхши, таъсирчан таржималардан. Унинг сифатларига шубҳа йўқ. Келтирилган мисол бадий образ концепциясини, унда “беркитилган” муаллиф нияти, раъйини англаш, талқин қилиш, таржимада қайта яратиш нақадар нозик ва оғир меҳнат эканлигини исбот қиладиган бир далил холос.

Рус шеърятда 80- йилларда нашр этилган асарлар орасида ҳам шундайлари учрайдики, улардан фақат қандай таҳлил ва таржима қилмаслик лозимлигини, шарқ муаллифи концепцияси-

дан йироқ бўлган таржимон қандай ғализликларга йўл қўйишини кўрсатиш учун қуйидаги таржимани келтириш мумкин:

Мальчишкой, на автобузи повизшим,  
Хочу проехать утринним Парижем.

Автобусга осилган бола билан бирга  
Айланмоқ истайман тонги Парижда.

Аслият лирик қаҳрамони жаҳон маънавиятининг бебаҳо хазина маконларидан бири Парижга келганидан бениҳоя хурсанд. Шу сабаб у эртага эрталабдан “Автобусга осилган боладек” Парижни айланмоқчи. Таржимон эса мазкур ўхшатиш образидан аслиятда йўқ болани яратади. Шоир энди “шу бола” билан бирга шаҳарни айланиши керак. У эса автобусга осилиб кетаяпти... Таржимон образ концепциясини хато шарҳлаб, шеърдаги замон ва макон бирлигига футур етказди: лирик қаҳрамон эртани ният қилаяпти, таржимон яратган боланинг ҳаракати эса қайси замон ва маконда содир бўлаётгани мавҳум. Агар таржимон биринчи сатрни “автобусга осилган бола мисоли” деб ўгирганида, бундай ғализлик юз бермаган бўлар эди. Шеърин таржима амалиётидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Алқисса, умрини сўз санъати билан боғлаган, миллий маданият рағнақига бағишлаган таржимон, тажрибали муаллим, синчков танқидчи каби, аввало асарни диққат билан ўқиб, уни ўзича талқин ва таҳлил қилади. Шундан сўнг, яъни муаллифнинг асардаги “бадий кашфиёти”ни аниқ билгач, уни ўқувчиларга, замондошларига етказишга уринади.

Р.Т.Турсунов,  
доцент

## ИҚТИСОДИЁТ ВА ТАРБИЯ ҲОЗИРГИ ДАВР ТАЛАБИДИР

Ҳозирги вазиятда жамиятимизда иқтисодиёт фанини билишга интилиш кундан кун кучайиб бормоқда. Мустақил Ўзбекистонимиз ҳаётидаги туб ўзгаришлар бир қатор фанларга, жумладан иқтисод фанларига чуқур таъсир этмоқда. Ҳозирги давр иқтисодиёт фани мустақиллик шароитида, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт тақозосига кўра вужудга келаётган ҳар хил мулкчилик асосида ташкил этилаётган ишлаб чиқаришдаги ўзаро, шунингдек, моддий неъматларни биргаликда вужудга келтириш, уларни

бозор муносабатлари шароитида айирбошлаш, тақсимлаш ва истеъмол каби жараёнлар негизида шаклланаётган иқтисодий муносабатларнинг туб негизини ўрганиб бориш бош вазифа деб белгиланади. Маданийлашган ҳаёт тақозоси билан келиб чиқаётган улкан вазифаларни ўз вақтида бажариб бориш даркор, унинг бош омили президентимиз И.А.Каримовнинг ғоялари билан мустақиллик учун курашга отланган халқимизнинг ажралмас туб мазмундаги бирлигидир. Қўйилган вазифа кўрсаткичларини бажаришнинг ниҳоятда аниқ имкониятлари қатъий ҳисобга олиниб, кенг омма иштирокида ўрганилмоқда. Уларнинг чинакам халқчиллик асосида ишлаб чиқилиши тўла таъминланган.

Иқтисодий назарияни билиш нафақат амалий фаолият учун, балки иқтисодий иш билан шуғулланмайдиган кишилар учун ҳам керак. Чунки улар ҳеч бўлмаганда истеъмолчи бўлиб майдонга чиқадилар, пул топадилар, уни сарфлайдилар, оила бюджетини юритадилар. Ниҳоят, иқтисодий муносабатларга киришмай яшайдиган бирорта ҳам одам бўлмайди. Назария иқтисодий фикрлашга ўргатади, қонун-қондаларга биноан тежамли хўжалик юритишга, меҳнатни қадрлашга чорлайди, инсонга хос иқтисодий тарбия беради. Ўрта аср шарқ мутафаккирлари Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ат-Термизий, Умар Хайём, Алишер Навоийнинг бизгача етиб келган асарларида ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, иқтисодий тафаккур масалалари, шу жумладан тижорат, иш билармонлик, савдогарчилик маданияти масалалари ҳам ўз ифодасини топган. Жумладан, Алишер Навоий “Маҳбуб-ул қулуб” асарида шундай деб ёзади: Савдогар ҳалол ризқ топаман деб узоқ йўлларни босади, у инсон жамоалари ўртасида иқтисодий муносабатларни ташкил қилади, бир юртдаги айрим ашёларнинг ортиқча исрофгарчилиги ва қадрсизлигининг олдини олиб, бошқа юртдаги тақчилликга барҳам беради... Бирон-бир товарни сотиб олиб, ўша ерда сотиш савдогарчилик эмас, чайқовчиликдир”. Савдогарчилик билан чайқовчилик ўртасидаги фарқ ислом таълимотида аниқлаб берилган. Ҳадиси шарифда: “Юртимизда бўлмаган ашёларни четдан келтириб сотувчилар савобга эга бўладилар, бозорларимиздаги нарсаларни уйида яшириб сақловчи одам гўё тангрининг китобидаги худосиз кабидир”, - дейилади. Савдогарлар антик ва ўрта асрларда ўзаро алоқаларнинг кенгайишига катта ҳисса қўшганлар. Ўрта Осиё орқали ўтган буюк “Ипак йўли” Осиёдаги барча мамлакатлар билан иқтисодий, илмий, маданий алоқаларни ривожлантирган. Савдогарлар ҳамisha фойда орқасидан қувиб юрадилар деб айтдик. Бугунги иқтисодий ҳаётимизда ҳам фойда ўз аҳамиятини

йўқотмаган, балки бозор иктисодиётига ўтиш, товар-пул муносабатларининг кенгайиши унинг аҳамиятини яна-да оширади, ammo шуни таъкидлаш жоизки, ўз фойдаси учун ўзгаларга зиён етказмасликни Кайковус савдогарчилиқнинг муҳим шартини деб кўрсатган.

Ҳалолликнинг аҳамияти шу қадар улуғланганки, Абу Али ибн Сино "Агар ҳамма одамлар ҳалол меҳнат билан шуғулланиб, ҳалол савдо қилсалар, ҳеч кимга ҳеч нима учун уруш керак бўлмайди, урушлар йўқ бўлади, давлатлар ўртасидаги сиёсий можаролар тинч йўл билан ҳал қилинади", - деб ўйлаган. Мустақиллигимиз оғир шароитларда қарор топаётган ҳозирги даврда ватанпарварлик ҳам инсон фаолиятини йўналтирувчи бир омил бўлмоғи зарур. Халқи меҳнатсевар, инсонпарвар миллатпарвар, одил, виждонли, иймонли бўлган мамлакатнинггина мустақиллиги барқарор, келажаги порлоқ бўлади.

**М.З.Мирзаева,**

Ҳамза номидаги ТСИТИ тадқиқотчиси

## **АЙРТОМ ЁДГОРЛИГИДА МУСИҚИЙ СОЗ ВА СОЗАНДАЛАР ТАСВИРИ**

Кушон империяси ташкил топиши даврида (эрам. I-III асри) буддизмнинг таъсири айнан шу империя ҳукмрон ҳудудларда (Ўзбекистон, Тожикистон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон, Шарқий Туркистон) будда ибодатхоналарининг барпо этилиши билан характерланади. 1930 йилда археолог олим М.Е.Массон томонидан Термиз шаҳри атрофидаги Айртон археологик қазилмаларида будда ибодатхонасининг айрим қолдиқлари, шу жумладан мусиқий соз ва созандалар тасвири туширилган тош фризи топилган (Массон М.Е. "Находки культурного карниза первых веков нашей эры". Ташкент, 1933). Фриздаги тасвир мазкур давр жонли мусиқаси ҳақида тўғридан тўғри хулоса чиқаришга имкон бермасда-да, антик дунё маданият ҳаётининг кенг қирралигидан далолат беради. Созандалар айни ижро вақтида тасвирланган бўлиб (гавда ва қўл ҳолатлари буни тўлиқ тасдиқлайди), ҳайкалтарошнинг маҳорати - созандаларнинг хатти-ҳаракатларини имкон қадар табиий ифода эта олганлигидадир. Фризда 5та мусиқий соз тасвирланган (Қадим ва ўрта аср чолғу тараққиётини тарихий ўрганишда мусиқий созларнинг маҳаллий номлари билан бир қаторда уларнинг Европача шарт-



ли атамалари ҳам қўлланилади): 1) чанг (арфа), 2) Уд (лютня), 3) ноғора (барабан), 4) қўшнай (авлос), 5) ликопча (тарелка). Созандалар икки гуруҳга бўлинганлар, биринчи гуруҳ - уд (лютня), чанг (арфа), ноғора (барабан); иккинчи гуруҳ - қўшнай (авлос), ликопча (тарелка).

Созандаларнинг бу тарзда жойлашуви антик дунё мусиқа-сидаги айрим жанр ва хусусиятларни намоён қилади, яъни торли чолғуларнинг урма соз билан (1- гуруҳ) уйғунлашуви Шарқ мамлакатларида ансамбль ижрочилигининг ҳозиргача давом этиб келаётган бир кўриниши тарзида характерланади. Алоҳида ўрганиб чиқилса, тасвирдаги созлар ҳозирда асосан Ўзбекистон, Тожикистон халқлари ижро амалиётида қўлланилаётган чолғуларнинг энг қадимий кўринишлари эканлиги маълум бўлади. Фриздаги созлар қадим дунё давлатлари ва уларнинг ўзаро таъсири ҳақида ҳам хулоса қилишга имкон беради. Икки ёқлама ноғора (барабан) - Шимолий Ҳиндистон туб маҳаллий мусиқий сози ҳисобланса, уд (лютня), чанг (арфа), қўшнай (авлос) - Ўрта Осиё халқлари маҳаллий мусиқий созлари эканлиги кўплаб тарихий манбаларда илмий асосланган. Уларнинг буддизм билан алоқадорлиги эътироф қилинади (Вызго Т.С. "Музыкальные инструменты Средней Азии". Москва, 1980). Аммо Шимолий Ҳиндистон тош рельефларида акс этган созлар орасида уд (лютня) созини учратиш мумкин (Ганхара, эр. I асри). Бу Ўрта Осиё қадим аждодлари - Кушон даври маданиятининг таъсири натижасидир.

Тадқиқотчилар Айртом фризининг асосини буддизмга тегишли диний сюжет (Будда Гаутама афсонаси) ташкил қилади, деб фикр юритишади (Пугаченкова Г.А., Ремпель Л.И. "История искусств Узбекистана". М., 1965.): Аммо мусиқий созлар Шимолий Ҳиндистон чолғулари билан қисман боғлиқлиги кўриниб турибди. Шундан хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, афсонавий сюжетлар орқали бўлса-да, тарихий ёдгорликда ҳайкалтарош ўз даврининг реал маданий ҳаёти характерли жиҳатларини акс эттира олган. Созандаларнинг типик уст-бош ва юз чизғилари билан маҳаллий мусиқий созларнинг кўп жиҳатдан уйғунлашуви фикримизнинг далили бўла олади ва қадим аждодлар юксак маданиятини намоён қилади.

## СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ДАСТУРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Мамлакатимизда соғлом авлодни шакллантириш учун кенг оммавий ҳаракатлар авж олмоқда. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисидаги қонун”ида: “Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ўз саломатликларини яхшилаш ва мустаҳкамлаш учун жисмоний жиҳатдан чиқишлари тўғрисида қайғуришлари шарт”, - дейилган. Жисмоний тарбия ўқувчиларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, соғлигини асраш ва мустаҳкамлаш, уларнинг шахсини ҳар томонлама уйғун камол топтириш, меҳнат ва Ватан ҳимоясига тайёр бўлишлари учун ҳаётий муҳим бўлган ҳаракат кўникмаси ва малакаларини эгаллашда ўзига хос аҳамиятга эга. Ҳукуматимиз мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига соғлом авлодни шакллантириш йўлида кечиктириб бўлмайдиган масъулият юклади. Ёшларни соғлом қилиб тарбиялаш энг аввало ўқувтарбия жараёнининг қай даражада олиб борилиши, унинг самарадорлиги, ўқувчиларни жисмоний тарбиялаш дастурининг мукамаллигига боғлиқ. Дастурда ўқувчиларнинг саломатлик ҳолати, жисмоний ривожланиш ва жисмоний тайёргарлик даражаси, ўқув спорт базасининг ҳолатлари ҳисобга олинган. Унда халқимиз эришган моддий ва маънавий меърослар ўз ифодасини топган бўлиши зарур.

Илмий-методик ва махсус адабиётларни таҳлил қилиш кўрсатадики, жамият тараққиёти қандай давр ва кишилиқ жамиятини бошдан кечирган бўлмасин, ҳар бир жамият бақувват, кучли, чаққон, чидамли, жасур, паҳлавон кишиларга муҳтожлик сезган. Жисмоний салоҳиятли кишиларни тайёрлашнинг асосий воситаси жисмоний машқдир.

Ўқувчи ёшлар саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш ҳақида Президентимизнинг қатор фармонлари ва ҳукумат қарорлари чиқарилди. Мактаб ўқувчиларини жисмоний тарбиялаш дастурини такомиллаштириш давр талаби билан ҳамнафас бўлган муаммолардан саналади. Жисмоний тарбиялаш дастурининг пайдо бўлиш тарихи, мазмуни ва воситаларини ўрганиб, қуйидаги хулосаларга келдик:

1. XX асргача бўлган даврда мактабларда жисмоний тарбиялаш дастури эмас, ўқувчилар учун жисмоний тарбия машғу-

лотлари ҳам жорий қилинмаган эди. Тўғри, ўша пайтда мактаблар фаолиятига жисмоний тарбияни киритишга уринишлар бўлган, лекин уларнинг бирортаси амалга ошмай, қоғозда қолиб кетган.

2. Асримизнинг 20- йилларидан эътиборан мактабларнинг ўқув-тарбиявий ишларига жисмоний тарбия машғулотлари киритила бошланган.

3. Жисмоний тарбиядан илк дастур 1927 йилда ишлаб чиқилган бўлиб, унда ўқувчилар жисмоний тарбиясининг вазифалари конкретлаштириб, жисмоний тарбия дарсларининг восита ва методлари аниқлаштирилди, машғулотларни ташкил қилиш шакллари белгиланди.

4. Доимий дастур ва тизимли дарсни амалга ошириш учун 1931 йилда жорий қилинган ГТО комплекси асос бўлди. Чунки янги дастурда жисмоний тарбия фанининг ўрни, мазмуни ва шакллари, ўқув материалининг ўзлаштирилишини назорат қилиш кераклиги кўрсатилган эди.

Кейинги йиллар мобайнида чиқарилган дастурларда асосан куйидаги ўзгаришлар юз берди: а) жисмоний тарбия дарси схемаси қабул қилинди; б) жисмоний тарбиядан элементар маълумотлар киритилди; в) спорт элементлари жорий бўлди; г) бошланғич ҳарбий таълим бўйича кўникма-малакалар ўрин олди; д) такомиллаштирилган дастур қабул қилинган бўлиб, унда йигит ва қизларнинг машқлари алоҳида фарқланди.

**Х.Ж.Худойқулов,**  
Душанбе ДПУ,

**Э.Б.Бобоқулов,**  
ТермизДУ

### **ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДА ОҒЗАКИ ИЖОД – ТАРБИЯ ВОСИТАСИ**

Сўз санъатининг жуда қадим замонлардан буён давом этиб келаётган оғзаки ижод тури тарбияга чуқур таъсир кўрсатади. Ўрта Осиё халқларининг халқ бахшилари, донолари, шоирлари ва бошқа кишилар томонидан яратилган айтишувлар, оғиздан оғизга аждодлардан авлодларга, яъни оталардан болаларга ўтиб келди. Сайқал топган асарлар - дostonлар, ривоят, эртақ, афсона, матал, мақол ва топишмоқлар халқ оғзаки ижоди демакдир. Халқ оғзаки ижодида ўша халқнинг ҳаёти, яшаш жойи, муҳити, турли соҳалардаги тажрибаси, иши, кураши, орзу-

истаклари, кўп йиллик туйғулари ўз аксини топади. Шунинг учун халқ оғзаки ижодини билмай туриб меҳнаткаш халқнинг ҳақиқий тарихини билиш мумкин эмас. Халқ оғзаки ижодиётининг баъзи бир турларига қисқача тўхтаб ўтамиз.

**Достонлар** халқ оғзаки ижоди ва тарбия соҳасида муҳим аҳамиятга эга. Улар болаларни довжорак, паҳлавон, ватанпарвар, меҳнатсевар, оталар аъноаларига содиқ, халоскор, душманга нафрат, дўстига шафқат, ишқда вафо, номардга жафо туйғулари руҳида тарбиялайди. Халқ достонларидан “Гурўғли” ва “Алпо-миш” достонлари бунга яққол далил бўлади. Шунингдек, достончиликда яхши натижаларга эришилиб, “Юсуфбек билан Аҳмадбек”, “Кунтуғмиш”, “Турт дарвиш”, “Рустам ва дастон”, “Тоҳир ва Зухра”, “Ошиқ ғариб ва Шоҳсанам”, “Дастагул”, “Муродхон”, “Гулпарӣ”, “Ойсулув” каби оғзаки ижод намуналари кўплаб нашрдан чиқарилиб, кенг китобхонлар оммасига тақдим этилди.

**Эртақлар** болаларнинг дунё қарашини кенгайтиришда, ота-она, ёр-у дўстга меҳрибон, эл-юртга муҳаббат, ҳурмат, ҳақиқат-ғўйлик, тўғрилиқ каби туйғуларини шакллантиришда беқиёс роль ўйнайди. Эртақлар яратиш услубига кўра 3 гуруҳга бўлинади: 1) ҳайвонлар ҳақидаги эртақлар, 2) сеҳрли ҳодисалар ҳақидаги эртақлар, 3) ҳаётӣ-маиший мавзулардаги эртақлар.

Ҳайвонлар ҳақида яратилган эртақларга қизғанчиқ ит ҳақидаги эртақ мисол бўлиши мумкин. Бу эртақ заминида кимда-ким ўзининг бор емишига қаноат қилмай, ўзгалар ҳақида кўз олайтирса, очкўзлик қилса, ўзим бўлай деса, боридан ҳам ажралиб қолиши мумкин деган ғоя ётади.

**Топишмоқларда** бирор ҳодиса ёки бирор нарсанинг белгиси, сифати ёки хусусияти очиқ равишда эмас, балки ишора шаклида айтилади. Топишмоқлар ғоят хилма-хил, турли соҳаларга, ҳайвонларга, уй-рўзгор буюмларига қарата айтилади. Улар болани фикрлашга, топқирликка ўргатади. Масалан: Чин қушим, чинни қушим, Чин тепага қўнди қушим, Тумшугини ерга тираб, Халққа салом берди қушим (Чойнақ). Ҳар бир ишни беш ўртоқ, бажрар аҳил-иноқ (Панжалар). Момиққина онаси, ёғлиққина боласи (Пахта). Тилсиз ақл ўргатар (Китоб).

**Мақоллар** халқ орасида кенг тарқалган бўлиб, у ёшларга яхшилик хислатларини сингдиради, уларда фикр қисқа ва образли қилиб айтилади; улар халқнинг кўп йиллик ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида тўплаган тажриба ва кузатишлари натижасида пайдо бўлади. Масалан: Булбул чаманни севар, одам - ватанни. Она юртинг омон бўлса, ранг-у рўйинг сомон бўлмас. Иш-иштаҳа очар, дангаса ишдан қочар. Ўзга юртда хон

бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл. Бундай мақоллар болаларда юртга, илмга муҳаббат уйғотади, уларни ҳалол меҳнатга чорлайди.

Халқ оғзаки ижодадан фойдаланганда ўқитувчи болаларда ахлоқий фазилатларни яхшилаш билан бирга, ўша халқнинг миллий урф-одатларини ҳам ўргатиб боради. Кўп йиллик тажрибаларга асосланиб яратилган халқ оғзаки ижодининг турли шакллари ёшларда маънавий қадриятларни ҳурмат қилишга ва уларни бойитишга, фарзандлик бурчини ўташга ўргатиб, муҳим тарбия восита бўлиб хизмат қилади.

**Х.К.Кичкилов,**  
доцент, ТермизДУ,  
**М.Й.Иброҳимова,**  
тадқиқотчи

## **БУЮК ИПАК ЙЎЛИНИНГ БИР МАНЗИЛИ**

Ҳозирги вақтда ҳудудининг ярми Шеробод районига ва иккинчи ярми Бойсун районига қарайдиган Хомкон ўтмишда Шеробод беклигига қараган. Унинг ҳудуди 110 минг гектарни ташкил этиб, ғарб томондан Туркменистон Республикасининг Чоршанби райони билан, шимолда Қашқадарё вилоятининг Деҳқонобод райони билан, шарқий томонда Шуроб, Дарбанд ва Сайроб қишлоқлари билан, жанубда Кўҳитанг ва сувсиз тоғлар билан чегаралангандир. Ҳудудининг 13 минг гектари арчазорлардан иборат. Лалми деҳқончиликка ярайдиган ерлари 10 минг гектардан ортиқроқдир. 1-1,5 минг гектар ерга мевали дарахтлар экилган. Қолган ҳудуди чорва молларига яйлов ерлардир.

Денгиз сатҳидан 1800-2200 метр баландликда жойлашган Хомконда вилоятимизда энг катта табиий кўл бўлиб, унинг катталиги 200 гектардан ортиқроқдир. Ёзда ҳаво ҳарорати 30-35 даража иссиқликдан ошмайди. Хомкон қадимда Буюк ипак йўли устида жойлашган манзиллардан бири бўлган. Қадимда Ғузордан Шерободга қатнаган карвон Деҳқонобод, Тагайтемир, Торқапчигай орқали Хомконга чиқиб келган ва Тангидаранинг ичи билан Хатак қишлоғига, ундан Жолматий, Жужаулкан орқали Шерободга етиб келган. Бу йўл Ғузордан чиққан карвоннинг Оқрабат, Шуроб, Дарбанд, Сайроб, Чилонзор орқали Шерободга ёки Туркменистоннинг ҳудуди орқали айланиб Шерободга келишига қараганда икки баравар қисқа бўлган. Ғузордан

чиққан савдо карвонлари Бойсун ёки Денов томонга йўл олган бўлсалар, албатта, бу савдо карвонлари Оқработ, Шуроб ва Дарбанд орқали қатнаганлиги ҳаммамизга маълум. Бироқ Ғузор-Шеробод савдо йўлининг айна Хомкон ҳудуди орқали ўтганлиги шу вақтгача ҳам маълум эмас эди. Шуниси характерлики, Бойсун беклигидан Туркменистоннинг Хўжайфил, Кўхитанг, Бозортуба ва Келиф томонларига қараб йўлга чиққан карвон ҳам Хомкон орқали ўтган экан. Бу йўл ҳам шу йўналиш бўйлаб юрган савдо карвонлари учун энг қисқа йўл бўлган. Демак, бундан шундай хулоса чиқаришимиз мумкинки, Ғузор беклигидан Шеробод беклигига қараб, Бойсун беклигидан Туркменистоннинг Хўжайфил, Кўхитанг, Бозортуба ва Келиф томонларига қараб ўтган савдо йўллари бир-бирлари билан Хомконда кесишган.

Хомконнинг қадимги карвон йўли устида бўлганлигини яна шу нарса ҳам исботлайдики, у ерда икки катта қўрғон қолдиқлари мавжуд бўлиб, бири Ғузор - Шеробод йўли устидаги Лойбости қўрғони бўлса, иккинчиси Бойсун - Туркменистон йўли устидаги Мунчоқ қўрғонидир. Археолог олим Ш.Фидаевнинг айтишича, бу қўрғонлар Кушонлар империяси даврига тааллуқли экан. Ҳозир чим босиб кетган Мунчоқ қўрғони бўйига 80 метр, энига 45 метрлар чамасида бўлиб, баъзи бир жойларининг баландлиги 20 метрга етади. Қўрғон атрофида истехкомлар, яшаш жойлари қурилганлиги чим тагида қолиб кетган тош деворларнинг қолдиқларидан билиниб турибди.

Лойбости қўрғони ҳам шунга ўхшаб қурилган, ҳар иккаласи ҳам булоқ сувининг бўйида жойлашган. Хомконнинг Буюк ипак йўли устида жойлашганлигини исбот этувчи яна бир нарса шуки, Хомкон ҳудудининг уч жойидан чўян ва темир эритиб олишган. Улардан бири Лойбости қўрғонидан 500 метрлар пастроқда жойлашган. Яна бири Тошбулоқда бўлиб, у Лойбостидан 3 км узоқдадир; 3- эса Мунчоқ қўрғонидан 2 км масофада бўлган Зарангли сойдадир. Чўян ва темир эритиб олинган бу жойларда кўплаб чиқиндилар тўпланиб қолган ва катта майдонда сочилиб ётибди. Хомкон кўлининг ўйилиб кетаётган қирғоқ жойларида 2,5-3 метр чуқурликда сопол парчалари ва суюкларнинг чиқиб қолаётганлиги ҳам бу жойнинг қадимда Буюк ипак йўлининг бир манзили бўлганлигини кўрсатиб турибди. Юқоридагиларнинг ҳаммаси Хомконда археологик қидирув ишларини бошлаб юбориш пайти келганлигини тақозо этади. Зеро ўтмиш тарихимизнинг шу вақтгача ер қаърида яшириниб ётган сир-у синоатлари тилга кириб қолса, ажаб эмас.

## ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ – СУФИЗМНИНГ ЙИРИК ВАКИЛИ

1. Ислом дини вужудга келган пайтда якка худочиликнинг тарғиб қилиниши, ижтимоий адолат масалаларининг ўртага ташланиши билан аста-секин ўз тақводорларининг сонини ошириб борди. Лекин чориёрлардан бўлмиш халифа Усмон, халифа Али даврида ҳукмрон мавқеига эга бўлган кишилар, амалдорлар ўртасида безакли кийимлар кийиш, яқинларига жуда қимматбаҳо совғалар қилиш, ҳашаматли уй-жойлар, дангиллама саройлар қуриш бир қатор тақводорларнинг маълум даражадаги норозилигини вужудга келтирди.

2. Мавжуд норозилик икки хил кайфиятдаги кишилар гуруҳининг кучайишига олиб келди. Бир томондан шундай кишилар гуруҳи ташкил топдики, улар дунё лаззатларидан, мол-дунёдан воз кечиб, фақат тоат-ибодат билан шуғулландилар, иккинчи гуруҳдагилар мавжуд тизимга қарши чиқдилар. Шуларнинг биринчи гуруҳидан дастлабки суфизм вакиллари вужудга келди.

3. Улуғ юртдошимиз ҳаким Термизий 8 ёшидан диний таҳсил ола бошлаган. 28 ёшида эса ҳаж сафарига бориб қайтади. Ҳаж маросимидан сўнг у чин дилдан суфийлар сафига киради. Хуросоннинг машҳур шайхлари Абу Туроб ан-Нақшадий, Яхё ал-Жалла, Ахман бил Хадравайхийдан таҳсил олади. Ҳақим Термизийнинг суфизмнинг йирик вакилига айланишида унинг турмуш ўртоғининг ҳам катта таъсири бўлган. Чунки у киши доимо ҳақим Термизийни қўллаб-қувватлаганлар ва айтганларини ҳеч қачон икки қилмаганлар.

4. Маълумки IX-X асрларда суфизм нафақат Боғдод, Басра, Хуросон, балки Марказий Осиёда ҳам ўз тариқатларига эга бўла бошлади. Энди бу тариқат суфизм илк вужудга келган даврдан фарқли, ўз таълимотига кўра кенг қамровлироқ ғояларни ўзида акс эттиради.

5. Ҳақим Термизий Марказий Осиёда тарқалган тасаввуф тариқатларидан бўлмиш қодирийлик, сайёрийлик, яссавийлик, кубровийлик, нақшбандликдан олдинроқ ўз тариқати ҳақимийликка асос солди.

6. Бу таълимотда Ҳаким Термизий ислом урф-одатларининг моҳияти ҳақида, Оллоҳга бўлган муҳаббат ҳақида, “Муқаддаслик муҳри” ҳақида фикрлар билдиради. Лекин бу ғоялар мусулмон қонуншуносларининг, ҳумкрон кишиларнинг норози-лигини келтириб чиқарди. Ҳаким Термизийнинг Термизда яшаб, ижод қилишига катта хавф туғилади. Натижада у Балх, кейинроқ Нишопур шаҳарларига кетиб қолишга мажбур бўлади. Бу юртларда кўплаб ўз тарафдорларига эга бўлади. Абу Али ал-Жўзжоний, Абу Бакр ал-Варрак каби машҳур шоғирдларни етиштириб чиқаради.

7. Ҳаким Термизий тўрт юздан ошиқроқ асарлар яратган. Шулардан 80тага яқини ислом илоҳиёти, тасаввуфга бағишланган. Кейинги маълумотларда қайд қилинишича, Ҳаким Термизийнинг бизгача баъзи адабиётларда 57, баъзиларида 80 асари етиб келган дейилади.

8. Ҳаким Термизийнинг суфизмга бағишланган асарларидаги “Рух” ҳақидаги таълимот, унинг ҳолати ва ҳаракати ҳақидаги ғоялар, инстинктларнинг ўз-ўзидан такомиллашуви ҳақидаги ғоялар, қийналиш, азоб чекишнинг муқаррар покланишга олиб бориши каби масалалар тасаввуфнинг кейинги тараққиётига катта таъсир қилди. Термизий инсон билимининг чўққисини маърифат ва ҳикмат деб, уни инсон қалбидаги “илоҳий нур” билан айнанлаштиради. Унинг фикрича, оддий билим - “илм” шариат қоидаларини изоҳлашдан иборат, ғносис эса нарсаларнинг яширинган моҳиятини очиб беради, оқибат натижада “илоҳий моҳият”га эга бўлади, деган фикрни билдиради. У илмга таълим жараёнида эришилса, маърифатга Оллоҳ ўзи раво кўрган, танлаган кишиларгина эриша олади, деб тушунтиради. Ғносисга фақат қалби пок бўлган, бу дунё лаззатларидан холи бўлган кишиларгина эришади. Бундай кишилар суфизмнинг “муқаддас” кишиларидир, деган эди. Термизий ўзининг “Китоб ал ҳуқуқ” асарида “Оллоҳ дастлаб илмни яратди. Илмдан у ҳикматни яратди. Ҳикматдан адолат ва ҳақиқатни яратди”, - деган бўлса, “Китоб баён ул илм” асарида илм ҳақидаги баҳслар билимнинг йўқолишига олиб боради деганларни танқид қилади. Унинг фикрича, илм кенг тушунча, биринчидан аниқ Қуръон оятидан, иккинчидан эътироф этилган ҳадисдан, учинчидан юксак диний бурчдан ташкил топган.

9. Ҳаким Термизий ислом оламида биринчи бўлиб авлиёлар ҳақидаги тасаввурни назарий асослаб берди. У бундай кишиларни қарийб худонинг элчиси, пайғамбар билан тенглаштириш-



га ҳаракат қилган. Унинг бу қарашлари кейинроқ Ибн Арабий томонидан ривожлантирилди.

10. Ҳақим Термизий ўз ўрнида буддизм, насронийлик ва манихийлик таълумотлари билан таниш бўлган бўлса керак, чунки унинг асарларида бу таълимотларнинг таъсири ҳам мавжуд.

11. Аини пайтда шуни қайд этиш зарурки, у кўп қиррали, ўз даврининг қомушшунос олими бўлган, шунинг учун ҳам унинг “Наврўзнома”, “Солнома” каби асарлари ҳозирги кунда ҳам катта аҳамиятга эга.

**Х.Ж. Худойкулов,**  
доцент, Душанбе ДПУ,

**Б.Хусейнов,**  
Душанбе ДПУ

### **КИЧИК МАКТАБ БОЛАЛАРИНИ ЭРТАКЛАР ЁРДАМИДА ТАРБИЯЛАШ**

Халқимизнинг тарихи, унинг урф-одатлари, моддий ва маънавий бойликлари, табиати, дарё-кўллари, тоғ-у водийлари ҳақидаги маълумотлар йиллар давомида яратилган эртақларда сақланиб келмоқда. Эртақлар халқимизнинг эрк ва адолат, бирлик ва аҳиллик йўлида олиб борган курашларини ўзида акс эттиради. Халқ борки, у орзу-ҳавас билан яшайди, ҳар қандай оғир кунларда ҳам у эртақ орқали кундалик воқеаларга ўз муносабатини билдиради. Совуқ қиш кунлари боғи эрамлар, кишилар бахтли яшаган жаннатлар тасвирланган эртақлар айтилган, шу билан кундалик қийинчиликларни, кундузнинг машаққатларини бир дақиқа бўлса ҳам унутишган, эртанги кунга умид уйғатишган. Халқ доимо ўз она юртининг одиллигини, кишиларнинг тўқ ва фаровон яшашларини орзу қилганлар, қийинчиликларни енганлар, очлик, юпунликка бардош берганлар.

Кишилар ўз орзу-ҳавасларини ёш авлод, ўғил-қизлари кўришини истайдилар, ўзлари кўрган машаққатни болаларига раво кўрмай, уларнинг бахтиёр ҳаёт кечиришларини орзу қилишган. Шу сабабдан ҳам эртақлар қийинчиликларни енгилга ўргатади, эртақ қаҳрамонлари душман устидан ғолиб келади, дарёлар кўзини очиб, саҳроларга сув чиқаради, тоғлар бағрини ёриб, йўл очади, конлар топади. Ота-оналарнинг гўзал орзуларини уларнинг фарзандлари амалга оширади: узоқ ўлкаларга бориб, дўстлар орттиришади, илм-ҳунар ўрганиб, ўз билганлари

билан бошқаларни қийинчиликлардан, кулфат-у офатлардан қутқаради. Оғир кунларда битта нонни қирқ киши бўлишиб ейишади, қўлни қўлга бериб девлар, ялмоғизларни, аждарҳоларни даф қилишади. Халқ фарзандлари Фарҳод, Кенжа ботир, Ширин, Зухра, Зумрадлар дўстликка содиқ, ўз кишиларига меҳрибон, керак бўлса дўсти учун жонини ҳам аямайдиган инсонлардир. Бироқ ҳаётда қора кучлар, ёмон инсонлар ҳам бор: Қимматнинг онаси ўғай она, Тоҳирни Зухрадан ажратиб юборган Қоработир каби. Қора кучлар эртақларда девлар, аждарҳолар қиёфасида тасвирланади. Болаларни ўз халқига, ўз миллатига, ўзи тугилиб-ўсган она юртига нисбатан чуқур ҳурмат руҳида тарбияламоқ керак. Уларда чин маънодаги миллий ғурур туйғусини шакллантириш бурчимиздир.

Бола ер юзидаги барча инсонларнинг мен бир бўлагиман, мен қилаётган ишларим билан уларга муносиб бўлиб улғайишим керак, десагина, ўз халқининг муносиб фарзанди бўла олади. Эртақлар ёш авлодни ана шу руҳда тарбиялайдиган байналмилал бадий кўрулдир. Эртақ инсонларда энг гўзал сифатларни тарбия қилади. Айниқса мактабларда болаларни эстетик тарбиялашда эртақлардан фойдаланишнинг аҳамияти жуда каттадир. Эртақ орқали тарбиялашнинг бир неча усул ва воситалари мавжуд: 1) болаларга уларнинг ёшига мос келадиган эртақларни танлаб, уларни чиройли, бадий тарзда ифодали сўзлаб бериш; 2) эртақларни ифодали ўқиб бериш; 3) кечагина айтилган эртақни бугун такрорлаш йўли билан мустаҳкамлаш; 4) болаларга қалам-қоғоз бериб, эртақ воқеасини эслаб суврат чизиш; 5) болалар билан бирор эртақни саҳналантириш ва ролларга бўлиб ижро этиш.

Ўқитувчилар эртақ аytувчи ҳар бир эртақни айтиб бўлгандан кейин, шу эртақдан келиб чиқадиган тарбиёвий ўғитни болаларга эслатиб қўйса, айна муддао бўлади. Масалан, “Зумрат ва Қиммат” эртагини айтиб бўлиб, Зумратга ўхшаш камтарин, меҳнатсевар, ўзидан катталарни ҳурмат қиладиган бўлишни, Қимматга ўхшаш тантиқ, одобсиз бўлмасликни насиҳат қилиш бола тарбиясига ижобий таъсир этмай қолмайди.

Эртақлар орқали халқимизнинг бебаҳо тил бойлиги минг йиллардан буён сақланиб келмоқда. Эртақларни ўқитиш билан болалар турли табақа ва касбга хос сўзларни, урф-одат, қоидаларни, турмуш сабоқларини ўрганиши мумкин. Шунинг учун кичик мактаб ёшидаги болаларни тарбиялашда эртақ асосий роль ўйнайди ва ундан самарали фойдаланиш ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ.

## ИСТЕЪДОДЛИ БОЛА – ОИЛА МЕВАСИ

Кадрлар тайёрлашдаги долзарб ва катта истиқболли йўналишлардан бири боғча тарбияланувчилари ва мактаб ўқувчилари орасидан қобилятли, ақлан зукко болаларни саралаб олиб, уларни махсус гуруҳларда бойитилган ва мазмунли дастурлар асосида ўқитиш, уларга кенг имтиёзлар бериб, тез орада халқ хўжалигининг турли соҳалари учун малакали мутахассислар қилиб етиштиришдан иборат. Ҳар бир инсон ёшлигиданоқ ўзига хос, такрорланмас индивидуал хусусиятларга эга бўлган ҳолда вояга етади. Гарчи озчиликни ташкил этса-да, баъзи бир кишилар ёшлигиданоқ ақлан зукколиги, зеҳнан ўткирлиги билан ажралиб турадилар, кишиларни лол қолдирадиган ақл-заковатга, яъни истеъдодга эга бўладилар. Масалан, бутун дунёни қалам сеҳри билан забт этган Алишер Навоийнинг эрта ёшдан бошлабоқ шеъриятга иштиёқи, биринчидан, шеърят султонига тақдим этилган табиат инъоми бўлса, иккинчидан, шоир улғайиб, вояга етган муҳит, энг аввало оиладаги тарбия инъоми ҳамдир. Ана шу табиат ва оилавий тарбия маҳсули бўлган инсоний истеъдод айни вақтда жамият бойлиги ҳисобланади. Фақат ривожланган, юксак даражада тараққий этган жамиятгина истеъдодни асраб-авайлаб, унинг тўлиқ намоён бўлиши учун барча моддий, маънавий, маиший шарт-шароитларни яратиб бера олади.

Истеъдодли болалар ва ёшларни аниқлаш, уларнинг ўзига хос ақлий хусусиятларини ўрганиш мақсадида болаларда истеъдод куртакларининг намоён бўлиши, ривожланишидаги муҳим омил - оилавий муҳит ва тарбия муаммосини таҳлил қилиш лозим. Болаларнинг ақлий тараққиётини ўрганишда турли методикалардан фойдаланиш мумкин. Тадқиқотнинг асосий методикаси сифатда “Менинг оилам” проектив методикасидан фойдаландик. Ушбу тест оддий тузилишга эга бўлиб, болага ўзини, оиласини чизиш таклиф этилади. Расм чизишдан сўнг унинг мазмуни ҳақида қисқа суҳбат ўтказилади. Тадқиқот учун ўтказилган тажрибада Термиз шаҳар мактабининг 7-9 ёшдаги бошланғич синф ўқувчилари иштирок этди. Тадқиқот натижалари асосида улар икки гуруҳга ажратилди: биринчи гуруҳга ранг тўғри танланган, оила аъзоларининг ҳаракати, жинси фарқлан-

ган, шунингдек тана қисмлари тўғри жойлашган, чиройли безаклари мавжуд сувратлар киритилди; иккинчи гуруҳга эса юқоридаги сифатларнинг баъзилари мавжуд бўлган сувратлар киритилди. Бизнинг назаримизда, бу ҳолатни айнан оиладаги тарбиянинг натижаси деб қараш мумкин.

**У.И.Иброҳимов, А.И.Залеский**  
Термиз ДУ

## **ТАЛАБАЛАРНИ СПОРТ МАШҒУЛОТЛАРИ ВА МУСОБАҚАЛАРИ ЖАРАЁНИДА ВАТАНПАРВАРЛИК ВА ХАЛҚАРО ДЎСТЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ**

Талаба ёшларни ватанпарварлик ва халқаро дўстлик руҳида тарбиялаш масалалари Президентимиз ва ҳукуратимизнинг доимий равишда диққат марказида турибди. Буни амалга оширишда физкультура ва спорт муҳим роль ўйнайди. Бекорга “Спорт - тинчлик элчиси”, “Спорт - дўстлик ва ҳамкорлик омили” дейилмаган. Бақувват, соғлом авлодни вояга етказиш, маънавий ва жисмоний жиҳатдан камол топтириш, уларни меҳнатга ҳамда Она-Ватанни ҳимоя қилишга қобилиятли қилиб тарбиялаш физкультура ва спорт мутахассисларининг асосий мақсадидир. Талаба ёшлар ўртасида бундай ишлар олий ва ўрта махсус ўқув юрларида амалга оширилади. Спорт ва жисмоний тарбия саломатлик, куч-қувват, узоқ яшаш, қувноқ ва бахтиёр ҳаёт кечирининг асосий омилларидандир. Туркистон тупроғида қанчадан-қанча баҳодирлар, жаҳонгирлар ўтганини биламиз. Буюк жаҳонгир бобокалонимиз Амир Темурни жаҳонга машҳур қилишда миллий спорт турларидан бири бўлган кураш муҳим аҳамиятга эга бўлган. Кураш - Амир Темур лашкарлари учун асосий жисмоний тарбия ва куч-қудрат манбаи бўлган. Шахснинг баркамол бўлишида спортнинг аҳамияти ҳақида гапириб, “Тадбиркор, бақувват давлат арбоби, шижоатли бир киши минг кишидан афзалдир”, - деган эди Амир Темур. Физкультура ва спорт билан мунтазам шуғулланиш талаба йигит-қизларимизнинг сеvimли ишига айланиб, уларнинг кундалик ҳаётига сингиб бормоқда. Шунинг учун ҳам талабаларимизнинг кўпчилиги ўз вақтларининг маълум қисмини физкультура ва спорт билан доимий равишда шуғулланишга ажратганлар. Университетимиз талабалари тўрт мингдан ортиқ бўлиб, ўн етти миллат вакиллари дидир.

Талабаларимиз дарслардан бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун кўпгина спорт турлари бўйича ўқув машғулотлари-

га мунтазам қатнашиб, ўз маҳоратларини оширмоқдалар. Жамоамизда 12 спорт тури бўйича 23 спорт тўғараги ташкил этилиб, унда ўзбек, тожик, туркман, қozoқ, рус, татар, корейс, украин, озарбайжон, осетин миллатларининг вакиллари (волейбол тўғарагида - 13, кураш турларида - 9, футболда - 8, бокс, баскетбол, енгил атлетикада - 7, сузиш ва оғир атлетикада - 3 талаба) шуғулланмоқда. Спорт жамоамизда ҳамкорликнинг турли шакллари: курс, бўлим, факультет талабалари ўртасида спартакиадалар, талабалар спорт ҳафталиги, ўртоқлик учрашувлари, бошқа олий ўқув юрти, шаҳар, вилоят, республика терма командалари билан учрашувлар ўтказилмоқда. Самбо, миллий кураш турлари бўйича жамоамиз терма командаларининг Туркменистон Республикасининг Тошовуз вилояти, республикамизнинг Хоразм вилояти терма командалари билан ўртоқлик, самбо кураши бўйича вилоят ёшлар терма командаси билан (таркибида талабалар кўпчиликини ташкил этади) Франция мамлакати терма командаси ўртасида ўтказилган халқаро учрашувлар фикримиз тасдиқидир. Бу тадбирлар орқали ҳар бир спортчи ўз командаси ғалабаси учун курашиши, жамоасининг шон-у шуҳратини ошириш, бир-бирларини ўзаро тушуниш, дўстликни мустаҳкамлаш каби иқтимоий аҳамиятга молик вазифалар ҳал этилмоқда. Бундан ташқари, талабаларни ватанпарварлик ва халқаро дўстлик руҳида тарбиялашда машҳур спортчилар, тренерлар, олимлар ва меҳнатда ўрнак кўрсатган кишилар билан учрашувлар, суҳбатлар ташкил этиш ва ўтказиш катта самара бермоқда.

Учрашув ва суҳбатлардан турли миллат спортчиларининг бевосита спорт машғулотлари чоғидаги ноҳўя хатти-ҳаракатларини йўқотиш ва уларнинг олдини олиш мақсадида фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга. Эркин кураш секцияси гуруҳидаги 22 талаба етти миллат вакиллари билан иборат. Машғулот жараёнида талабаларни кураш усуллари ва ўқув олишувларини ўргатиш учун жуфт-жуфт қилиб ажратаётганимизда уларнинг кўпчилиги ўз миллати ёки яқин киши билан шерик бўлиб олишга интиланликларининг гувоҳи бўлганмиз. Ана шундай ҳолатларга чек қўйиш лозим. Бунинг учун эса шуғулланувчилар билан турли хил мавзуларда: юртимиз спортининг фаҳри бўлган Фристайл маликаси, мустақил Ўзбекистонимизнинг биринчи олимпиада чемпиони Лина Черязова, таниқли боксчи, жаҳон кубоги ғолиби, Осиё чемпиони Наримон Отаев ва бошқа шуларга ўхшаш машҳур спортчилар, уларнинг ғалабалари ҳақида, ғалаба - биргалиқда, ўзаро тушунишда, қўллаб-қувватлашда эканлиги ҳақида, ўзбек паҳлавонларининг ютуқлари, жаҳон спорт майдонида-

ги ўрни ва бошқа шунга ўхшаш мавзуларда суҳбатлар ўтказдик ва улар маълум ижобий натижалар берди. Ҳар бир спортчи турли миллат спортчиларининг дўстлиги руҳида, ўртоққа талабчанлик, унга нисбатан ҳурмат, чин дўстлик руҳида тарбияланмоғи лозим.

**М.Муродов,**  
профессор,  
**М.Неъматова,**  
ТошДМИ

## **КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИДА ШАРҚОНА ХАЛҚ ЎГИТЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ИМКОНИАТЛАРИ**

1. Мустақиллик шарофати ва истиқлол шуқуҳи ила кўп орзу-ниятларимиз рўёбга чиқмоқда. Етмиш йил ичида йўл қўйилган хато-камчиликлар тузатилиб, ҳақиқат тикланмоқда. Жумладан, қадимий халқ анъаналари, расм-русумлари, маросимлари, удумларимиз, бир сўз билан айтганда, қадриятларимизга қайта жон ато этилиб, ҳаётга аввалгидан кўра ҳам кенгроқ тадбиқ этилмоқда.

2. Афсус-надоматлар бўлсинки, шўролар давридаги мафкура талаби билан зукко ота-боболаримиз, оқила момоларимизнинг теран ақл-заковати, ўзига хос дунёқараши ва фалсафаси, кўп асрлик ҳаётий тажрибалари ихчам, лўнда шаклда чиройли баён этилган, беқиёс донишмандлигининг бамисоли қомусига айланган, тарихнинг ҳар хил тўфонлари, унсурлари-ю жанг-у жадалларига бардош бериб, авлоддан авлодга ўтиб келган халқ пандлари, ўғитларига бефарқ қаралди, унчалик аҳамият берилмади, ҳатто камситилди. “Проффессионал педагогика” деб аталмиш фаннинг Овропо, биринчи навбатда, рус таълимоти ва қарашларининг ўта таъсирида бўлган “алломалари” томонидан ҳам етарлича тан олинмай, менсимай келинди. Ваҳоланки, бизда шарқона пандлар, ўғитлар кишилар, хусусан ешларнинг ахлоқий, руҳий, маънавий-маърифий ҳамда жисмоний камолатида асрлар давомида муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи ўрин тутиб келганлиги барчага аён, шунга яраша таълим-тарбия ва одоб-ахлоқ ҳам қайдаражада бўлганлиги ҳам маълум.

3. Пандлар, ўғитларнинг ҳар бири мустақил бадиий-эстетик, фалсафий-адабий, ахлоқий-руҳий асарлар деб аталишга ҳақли. Улар кўпроқ ёзма мумтоз адабиётда, оила ва маҳалла-қўйда шаклланган ҳамда камол топган бўлиб, юқорида қайд этилгани-

дек, маънавий-ахлоқий, руҳий-эстетик тарбия масалаларига тааллуқли бўлиб, чинакам одамийлик йўлини ўргатади, дарҳақиқат, аксарияти одоб-ахлоқ, таълим-тарбияга қаратилган бўлишлиги ва таъсир кучи билан алоҳида ҳамият касб этади.

4. Ўзбек халқ анъанавий педагогикасини, унинг пандлари, ўғитларини бетиним қайнаб, ошиб-тошиб турувчи, мусаффо ва зилол сувлари билан чанқоқ қалблар ташналигини қондирувчи, табиатга жон ато этувчи чашмага қиёс қилиш мумкин. Бу чашмадан ташналикни қондириш учун қанчалик истеъмол қилмайлик, чанқоқлигимиз шунчалик ортиб, ичган сари ичгимиз келаверганидек, халқ қадриятларининг қадрлиси бўлмиш анъанавий педагогикадан нечоғлик сабоқ олсак, тафаккуримиз ва ақлзаковатимиз шунчалик қайралаверади, маънавий-маърифий, ахлоқий-руҳий камол топаверамиз.

5. Ўзбек насиҳат-ўғитларини шартли равишда бир неча турга бўлиш мумкин: биринчиси - машҳур кишилар - тарихчилар, файласуфлар, адабиёт, санъат ва маданият алломалари ҳамда зукко юрт бошлиқлари, миллий дарғаларнинг тилида ва улар яратган асарларида айтилган насиҳат-ўғитлар, йўл-йўриқлар, тузиклар ва васиятлар билан боғлиқ қайдлар; иккинчиси - халқ оғзаки ижоди асарларининг катта-кичик жанрлари бағрида етилиб, кейинчалик мустақиллик касб этиб, эл орасида оғиздан оғизга кўчиб юрган ўғитлар; учинчиси - халқ ҳаёти, турмуш тарзи, кўп асрлик ҳаётий ҳамда ахлоқий-руҳий дунёқараш ва одоб-ахлоқ ҳамда таълим-тарбиясининг оқибат натижаси ҳамда тақдирида муҳим ўрин тутган, анъанавий халқ педагогикасининг асосини ташкил этган, педагогик имконияти кенг ўғитлар; тўртинчиси - оила одоби, турмуш тарзи, маҳалла-кўй тарбияси билан боғлиқ насиҳат, ўғитлар; бешинчиси - аслида машҳур тарихий шахслар томонидан айтилган-у, бора-бора халққа ўтиб, муаллифи унутилиб, фольклорлашиб, халқоналашиб кетган ўғитлар.

6. Бир ҳақиқатни алоҳида таъкидлаб ўтишни истар эдик. Халқимизнинг кимлиги, қандай куч-қудратга эғалиги, унинг маънавияти, маърифати, ахлоқ-одоби, ўзини англаши-ю феъл-атвори қандайлигини, миллий табиати, миллий гурури, миллий виждонини тасаввур қилиш учун ҳам унинг йиллар ва асрлар давомида яратилган, ҳаёт тасдиғидан қайта-қайта ўтказилган, қисқаси, ўзбек ва ўзбекликни белгилаб берувчи олийжаноб ибратли хусусиятларини, ўзига хосликни, ўзбекона хислат-фазилатларни мукамалроқ англаш, чуқурроқ ҳис этиш учун унинг анъанавий педагогикаси, ундаги бой ва бетакрор пандлар, ўғитлар билан батафсилроқ танишмоқ зарур.

7. Одоб-ахлоқ, таълим-тарбияга оид бебаҳо ўзбек ўғитлари жуда ибратли. Улар орасида айниқса фольклор ва анъанавий педагогика асарларида акс этган насиҳатлар, ўғитлар алоҳида ўрин тутди. Уларнинг аҳамияти яна шундаки, биринчидан, халқ табиати, ўй-фикрини, тафаккури, фикр-мулоҳазалари, тушунчаларини атрофлига акс эттириши ва ҳаётийлигида бўлса, иккинчидан, тажриба-синовлардан қайта-қайта муваффақиятли ўтганлигида, учинчидан, умумбашарият учун ҳам ибрат бўла олиш хусусиятига эга эканлигидадир.

Ҳа, ўзбек халқ анъанавий педагогикаси, унда акс этган ўғитлар бошдан оёқ бошқа халқлар учун ҳам маъқул ва мақбул бўларли хусусиятлар, умумбашарий ғоялар билан йўғрилганлиги билан таҳсинга сазовордир.

8. Дарҳақиқат, доно халқимиз томонидан ижод этилган ва бизгача катта ҳаётий йўлни “босиб” ўтган, катта тарбиявий аҳамият касб этиб, етиб келган халқ ижоди асарларидаги ўғитлар ўтмишда ҳам, ҳозирда ҳам, келажакда ҳам кишиларни, хусусан ёш авлодни ҳар томонлама баркамол инсонлар қилиб тарбиялашда муҳим воситалардан деса бўлади.

9. Зукко халқимиз маъно-манتيқ жиҳатдан жуда чуқур, ғоямазмунли теран, ҳар жумласи жаҳоний аҳамият касб этувчи ўғитларни кўплаб яратганлигини қайта-қайта таъкидлаб ўтишни истар эдик. Улар ранг-баранг эртақлар мазмунига сингдирилгани, афсона-ривоятлар бағрида етилгани, қуйма иборалар, афористик жумлалар, мақоллар, топишмоқлар, тез айтишлар, латифалар, хилма-хил болалар фольклори каби бебаҳо бадий ёдгорликлар таркибида берилганлиги ақли расо ҳар бир кишига аён. Гап уларни зукколик ва топқирлик билан нозик қирраларигача англаб олиш, ўринли ва мақсадли қўллаш олишдадир.

10. Энг характерлиси шундаки, халқ ўзининг ҳайратомуз ана шу ўғитларига ҳамма вақт ва ҳар қандай шароит-вазиятда содиқ қолади, унга қатъий амал қилади, кишилар тарбиясида кенг миқёсда оқилона қўллаш олади, қисқаси, инсон тарбиясида маънавий-маърифий ҳамда ахлоқий етиклик доимо диққат марказида туради.

11. Ота-боболаримиз, она-момоларимиз ўғил-қизлари, набира, эвараларини энг аввало ўз юртига, миллатига содиқ бўлиш, қадриятларни қадрлаш, азиз диёрига муносиб фарзанд бўлишга тайёрлайдилар. Ҳаётни севиш, касб-ҳунарга муҳаббат, меҳнатга меҳр, дўст-биродарларга садоқатдан дарс беради.

12. Ўзига хос серқирра ва сермаъно ўғитларда ҳар қандай кишини ҳайратга соладиган фазилатлардан яна бири шундаки, доно халқ ҳамма вақт, бошқа масалаларда бўлганидек, одоб-ахлоқ масалаларида ҳам ҳаққоний, адолатли йўл тутди. Ҳа, халқ вақти келса, қаттиқ қўл, керак вақтида юмшоқ кўнгил, та-



лабчан, айна вақтда меҳрибон тарбиячидир. Шундай усул билан ўсиб келаётган авлодда инсоний хислат-фазилатларни алоҳида эътибор, меҳр билан шакллантиради ва камол топтиради. Яна шуниси ҳам аниқки, халқ ўғитларида одоб-ахлоқ масалаларига комплекс тарзда ёндашиб, тарбиянинг узилиб қолишига йўл қўймайди, унинг заңжирсимонлигини унутмайди, таълим-тарбия, ахлоқ-одобдай бағоят нозик, муқаддас, табаррук соҳада ҳатто кичик, майда-чуйдагача эътибор билан қарайди. Зийраклик, топқирлик асосида иш юритилади. Ҳа, халқ тарбияси, ахлоқ-одобида мана бу катта, муҳим, мана бу кичик, аҳамиятсиз, деган ақида бўлмайди. Тарбияда ҳамма вақт ҳамма нарса ўз ўрнида муҳим ва зарур деб иш юритилади. Ҳеч бир соҳа назар-эътибордан четда қолмайди. Оила ва жамият, шахс ва жамоа алоқаси ва жавобгарлиги, масъулияти ҳам инobatга олинган ҳолда иш юритилади.

Хулос, халқ анъанавий педагогикаси халқ оғзаки ижодида ўз аксини топган ўғитлардан фойдаланиб, инсонни ақлий, ахлоқий, жисмоний ва маънавий, маърифий ҳамда маданий жиҳатдан комил инсон қилиб тарбиялайди.

**А.Ч.Чориев,**  
доцент, Қарши ДУ,  
**О.Қодиров,**  
талаба, ТермизДУ

### **МАРКАЗИЙ ОСИЁ ХАЛҚЛАРИ ПЕДАГОГИКА ТАРИХИ БИЛАН МУМТОЗ АДАБИЁТНИНГ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ**

Педагогика билан бадий адабиёт тарихан ва мантиқан бир-бири билан боғлиқдир, ижтимоий борлиқнинг бир бутунлиги ва ижтимоий онг шаклларининг бир-бирига уйғун ҳолда ривожланиши, мақсад, предмет, вазифалар боғлиқлигига асосан улар бир-бирини бойитади, тўлдиради. Марказий Осиё халқларининг туркий ва форсий тиллардаги адабиётида педагогика тушунчаси мантиқан яқинлигини таъкидламоқ лозим. Адабиёт асли “одоб ҳақидаги фан” маъносини англатади. Бадий адабиётни бадий-ёт, тарбияшуносликни адабиёт деб аташ ҳақидаги қарашларда маълум даражада асос бор. Шунинг учун ҳам педагогика билан бадий адабиётнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш назарий ва амалий аҳамият касб этади. Бу икки ижтимоий онг шаклининг ўзаро боғлиқлиги жаҳон халқлари педагогикаси тарихидан ҳам маълум. Агар халқ педагогикаси дурдоналари ўз аксини фольк-

лор асарларида топган бўлса, назарий, тарихий масалалар Жан Жак Руссо, Дени Дидро, Иоганн Песталоцци, Лев Толстой, Иоганн Гербарт каби (бу рўйхатга ҳар бир халқдан ўнлаб кишиларни қўшиш мумкин) маърифатпарварларнинг асарларида ривожлантирилган. Лекин узоқ давр мустамлака асоратида бўлган Марказий Осиё халқлари педагогикаси тарихи ва унинг манбаи бўлган мумтоз адабиёт етарлича ўрганилмаган. Педагогика тарихи қўлланмаларидан, педагогика антологияларидан халқимизнинг педагогик мероси жой олмаган эди. Гўё Марказий Осиё халқларида маориф ва маданият, педагогика ривожланмаган деган тушунча келиб чиқади (тарихий манбаларда рўй-рост шундай ёзилган ҳам). Зеро, мустақиллик шарофати билан педагогика тарихини ўрганишга кенг йўл очилди. Қисқа вақтда чоп этилган “Ўзбек педагогикаси антологияси”, “Педагогика тарихидан хрестоматия”, “Педагогика тарихи”, “Педагогика тарихидан лавҳалар” каби қўлланмалар фикримизнинг далилидир. Дастлабки тадқиқотларнинг ўзи Ренессанснинг бешиги бўлган Шарқда таълим-тарбия тизими, унинг назарий асоси педагогика ривожланганидан далолат беради. Буюк мутафаккирлар Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Носир Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомийлар мадраса мударрислари бўлганлар, талабаларга сабоқ берганлар. Уларнинг асарларида ёритилган педагогик ғоялар тажрибалар асосида тавсия этилган. Таълим-тарбия масалаларининг бадий ифодаланишига Марказий Осиё халқларида ўзига хос икки ҳолат сабаб бўлган. Биринчидан, Ўрта Асрларда адабиёт ривожланган, фикрни ифода этишда ҳатто бозорлардаги савдо-сотикда ҳам шеърини усулда мулоқотда бўлиш одат бўлган, инсоний фазилатларни таълим-тарбия масалаларини бадий талқин этиш, улуғлаш анъана тусига кирган.

Иккинчидан, бадий дидактика билан педагогик дидактика уйғунлиги мавжуд бўлган. Марказий Осиё халқлари адабиётларида дидактик асарларнинг устуворлиги ажралиб туради. Агар бадий адабиётлардаги панд-у насиҳат асарларига дидактик асарлар дейилса, педагогиканинг таълим назарияси бўлимига дидактика дейилади. Масалан, фольклор асарларидан “Ҳотамнома”, Кайковуснинг “Қобуснома”, Низомулмулкнинг “Сиёсатнома”, Носир Хисравнинг “Саодатнома”, Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билик”, Аҳмад Югнакийнинг “Ҳаббатул ҳақойиқ”, Алишер Навоийнинг “Ҳайратул аброр”, “Маҳбубул қулуб”, Абдураҳмон Жомийнинг “Баҳористон”, Аҳмад Яссавийнинг “Девону ҳикмат”, Аз-Замахшарийнинг “Муқаддиматул адаб”, Нажмиддин

Куброннинг "Фил-ал-адаб", Абдулла Авлонийнинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарлари шулар жумласидандир.

Халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт объектида олиб борилган юзлаб педагогик тадқиқотлар асосида бу иккала соҳани ўрганадиган фан тарихан ўзаро боғлиқ деган хулосага келиш мумкин. Яъни адабиёт жамият ҳаётининг бадийи солномаси сифатида ҳар бир даврнинг ўзига хос таълим-тарбия масалаларини ёритган ва бундан кейин ҳам серқирра педагогик жараёни акс эттира боради. Мумтоз адабиётни давр талаби асосида тадқиқ этиш жамиятимизнинг маънавий салоҳиятини ошириш ва педагогик меросни ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

**А.М.Холов,**  
ТермизДУ,  
**К.Паижиёв,**  
Тошкент СИТИ

### **БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАРБИЯЛАШДА ХАЛҚ МУСИҚА ИЖОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Ўзбекистон мустақил давлат сифатида янги маънавий ва ижтимоий, иқтисодий тараққиёт йўлига чиқиб олди. Шу муносабат билан халқ таълимини миллий истиқлол мафкураси ҳамда жаҳон педагогикаси ютуқлари асосида қайта қуриш кенг авж олмоқда. Ушбу миллий маънавий меросимизнинг тикланиши таркибида мусиқа таълими ҳам мавжуд. Уни миллий мусиқа меросимиз устуворлигида қайта ишлаб чиқиш, ёш авлодда мусиқий маданиятни шакллантириш билан бирга, миллий бадийи мафкурани таркиб топтириш зарур, бунда мусиқа таълими муҳим омилдир. Мустақиллик шарофати билан умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбияси мазмунини миллий мусиқа меросимизнинг бойлиги асосида амалга ошириш йўллари белгиланди. "Ўзбекистон Республикаси умумтаълим мактабларида мусиқа таълим-тарбияси концепсияси" ишлаб чиқилдики, шу асосда 1- – 9- синфда янги "Мусиқа" ўқув дастури яратилиши кўзда тутилмоқда.

Мусиқа дарслари ижодкорликни талаб этади. Шу боис дарс мазмунини шароитга мос даражада таркиб топтириш ва уни ташкил этишда янги-янги услублар яратиш талаб этилади, бунда ўқитувчига катта масъулият юкланади. Бошланғич синфларда мусиқа дарсида амалга ошириш лозим бўлган айрим йўллар, рақс ва мусиқали ҳаракатлар: чапак ва болалар чолғу асбобла-

ридан қошиқ, шиқилдоқ, қайроқ, доирада чалиб, мусиқага ритмик жўр бўлиш ҳамда мусиқий ижодкорлик фаолиятлари мазмуни ва усулларини белгилаб чиқиш бошланғич синф ўқитувчилари олдидаги энг масъулиятли вазифадир.

Бўлажак ўқитувчиларнинг таълимини, мусиқа тарбиясини ҳар томонлама ривожлантириш ҳозирги куннинг долзарб муаммоларидан биридир. Биз ўрта ва олий мактаблар ислоҳоти ҳужжатларида ҳамда ўқитувчиларнинг илмий анжуманларда қиладиган маърузаларида ёш авлодни ҳар томонлама комил инсон бўлиб етишишида мусиқа таъсири ва аҳамиятига эътибор кучайганлигини кўрамиз. Умуман олганда, бошланғич синф ўқитувчиси дарсда ва дасрдан ташқари вақтларда болаларнинг санъатга бўлган муносабатларини тўғри баҳолай олишлари ва улар учун қизиқарли мусиқий мавзуларни танлай билишлари лозим. Шунинг учун ҳам айниқса олий ўқув юртларида бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашда тубдан бурилиш ясаш зарур.

Энг аввало бу ишни билим даргоҳларида болалар билан ишлашга қобилиятли ва шу ишни ўз фаҳри деб биладиган талантли кадрларни қабул қилишдан бошламоқ керак. Ҳозирги кунда республикамизда бўлажак муаллимларнинг профессионал маҳоратини ошириш, улар учун мусиқадан махсус назарий ва амалий машғулотлар ташкил этиш, уларни бой меросимиз билан чуқур таништириш зарур. Қолаверса, бирон-бир чолғу асбобида чалишни ўргатиш эътиборга лойиқдир. Машғулот жараёнида халқ мусиқаси билан, халқимиз орасида сайқал топган чолғу куйларимиз билан танитиш керак. Сўхбатлар давомида шу нарса аён бўладики, кўпгина олий ўқув юртларимиз талабалари кенг қамровли халқ мусиқасини тўғри ва аниқ тушунтириб бера олмайдилар. Ёки халқимизнинг севимли созандалари ва ҳофизларини тўлиқ билмайдилар, бастакорларимиз ижодидан унумли фойдаланмайдиган. Халқимиз орасидан ҳозирги кунда етишиб чиқаётган фольклор ансамблларининг ижоди билан таниш эмаслар. Мана шунинг учун ҳам юқорида қайд этилган мавзуларга алоҳида эътибор бериш, бўлғуси бошланғич синф ўқитувчиларининг мусиқа дарсларини олиб бориши учун дастурлар, амалий тавсияномалар, илмий мақолалар чоп этиш зарур. Айниқса халқ мусиқасида ижро усулларини ўргатишга алоҳида эътибор бериш керак.

Ўзбек халқ мусиқа ижодига айниқса тўртинчи синф мусиқа дарслигида эътибор кучли. Бунда ўқитувчининг йил давомида халқ мусиқа ижоди ҳақида умумий тушунчага эга бўлиши ва халқ кўшиқларидан, чолғу мусиқасидан, анъанавий профессию-

нал ижрочиликдан, ўзбек халқ оммавий айтишларидан намуналар билиши лозим.

Бунинг учун бўлғуси бошлангич синф ўқитувчиси ҳам шунга яраша ўзбек халқининг бой мусиқа меросидан етарли даражада хабардор бўлмоғи ва ўзи ҳам уларни маълум даражада ижро эта олиши лозим. Умуман, улар бой мусиқа мероси жанрлари, мусиқа тарихи ва уларнинг ижрочилари ҳақида ҳам яхшигина маълумотга эга бўлиши керак. Чунки мусиқа таълим-тарбиясининг мақсади ёш авлодни миллий мусиқа меросимизга ворислик қиладиган, умумбашарий мусиқий қадриятларни идрок эта оладиган, маданиятли, комил инсон қилиб етиштиришдан иборат.

**И.О.Обидов,**  
академик, Душанбе ДПУ,  
**М.Адашев,**  
доцент, СамДУ

## **АҲМАД ДОНИШ ВА ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ**

Марказий Осиёда XIX асрнинг иккинчи ярмида юз берган тарихий воқеалар илғор ижтимоий-сиёсий, илмий-педагогик қарашларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлди. Натижада, юртимиздан бир авлод маърифатпарвар илм-у адаб аҳли - Аҳмад Дониш, Возеҳ, Шоҳин, Фурқат, Ажзий, Ҳамза, Бехбудий, Фитрат ва бошқалар етишиб чиқдилар. Шубҳасиз, бу ўринда буюк истеъдод соҳиби, маърифатпарварлик ҳаракати ва адабиётининг сарвари, олим ва ёзувчи Аҳмад Маҳдум Донишнинг номини энг аввал тилга олиш зарур. Зеро унинг илм-у фан, бадиий ижод ва халқ педагогикаси ривожига кўшган ҳиссаси ниҳоятда улкандир.

Аҳмад Дониш 1827-йили Бухоро шаҳрида туғилган, шу шаҳарда вояга етиб, илмий ва бадиий ижод билан машғул бўлган. Отасининг номи Носир бўлиб, Дониш унинг илмий-адабий тахаллусидир. Ифтихор ва эҳтиром юзасидан уни Маҳмуд деб ҳам тилга олганлар. Аҳмад Дониш ниҳоятда бой ва сермазмун илмий-адабий меърос қолдирган: “Наводир ул-вақое”номли тарихий рисола, “Меъёр-ул-тадайюн” ва турли мавзуларда ёзилган алоҳида рисоалар шулар жумласидандир. Фалсафий, ижтимоий-сиёсий, бадиий-эстетик ҳамда ахлоқий-педагогик қарашларни ўз ичига олган шоҳ асар “Наводир-ул-вақое”ни Аҳмад Дониш умрининг охиригача ёзган. Биз шу илмий-бадиий мажмуа асосида Аҳмад Донишнинг тарбия ва

ахлоққа доир баъзи фикрларини ёритишни ўзимизга мақсад қилиб олдик.

Маълумки, Аҳмад Дониш ўзининг ижтимоий-сиёсий, илмий-фалсафий ҳамда ахлоқий-педагогик қарашларини маърифат-парварлик ва гуманизм ғоялари билан биргаликда ифода этган буюк мутафаккир олим ва истеъдодли ёзувчидир. Шу боисдан инсон табиати, хулқи, одоби, руҳи ва жисмини таҳлил қилиш, ҳаётда инсон мавқеини аниқлаш, борлиқ моҳиятини инсонга тушунтириш ва инсон манфаатларини ҳимоя қилиш унинг асосий мақсади бўлган. Шунинг учун ҳам у инсонни улуғлаб ёзган эди: “Филҳақиқат, ҳазрати инсон олами аст, олами шаҳодат, олами сағир”. Маъноси: “Ҳақиқатда ҳам, инсон улуғ оламдир, унга қараганда бу олам кичик оламдир”. Аҳмад Дониш фикрича, инсон ақли руҳ туфайли вужудга келган бўлса ҳам, лекин инсон мураккаб табиий бирикмадирки, ўз вужудида ҳаёт қарама-қаршилиги - нур ва зулматни акс эттирган. Инсон ақли аслида холис ва покиза бўлса-да, лекин пастликка тушган сари борлиқ таъсири остида чангланаиб, ўз софлигини йўқотиб хиралашади. Шунинг учун ҳам ақл учун “амри наҳий”ни (қилинадиган ва қилинмайдиган ишларни) муқаррар этганлар.

Шундай қилиб, Аҳмад Дониш ақл тарбияга муҳтож эканлигини фалсафий жиҳатдан асослайди ва бу тарбиянинг мақсади ва мазмунини ҳам аниқлаб беради. Инсон дунёга келиб нима қилмоғи ва ким бўлиши ҳақида мулоҳаза юритади. Маърифат-парварлик ғояларини кўзлаган Аҳмад Дониш бу борада ҳам муносиб ва ўринли сўзларни айтган: “Ва баъд аз вужуд хайри одами дар маърифат-у илм бошад ва ба ихтиёр тан ба ноҳилию жаҳл надихад, ки маърифат аз хоҳиши руҳ аст ва коҳили аз хоҳиши нафс”. Мазмуни: “Инсон ўзини танбаллик ва жаҳл ихтиёрига топширмаслиги керак, зеро маърифат руҳ хоҳиши, танбаллик эса нафс хоҳишидур”.

Аҳмад Дониш ахлоқшунос олим, мураббий сифатида инсоннинг шаклланиши ва камол топишида тарбия муҳим роль ўйнашини тасдиқлаб, унинг натижасига юқори баҳо беради. Бу ўринда мутафаккир мазкур масалани ёритишга илмий ва амалий ёндашиб, кўпинча ҳаёт тажрибасига, халқ педагогикасига таянади. Шу боисдан тақдир масаласига даҳл этиб, меҳнатга, ҳаёт учун курашга даъват этадиган халқ ҳикматига -“Ба умеди худо нашав, бутая дор” (Худодан умидвор бўлма, ўзинг ҳаракат қил) деб, “Сендан ҳаракат, мендан баракат” мақолига амал қилишни маслаҳат беради. Файласуф тақдирга ишонса ҳам, лекин инсоннинг тақдири ўз қўлида эканлигини амалда исботлаб беради: “Тақдирнинг қандай эканлиги ҳеч кимга маълум эмас, бахтлими-

бахтсизми - ким била олади? Шунинг учун кишилар бахтли ишларнинг моҳиятини билиб, уларга киришишлари албатта лозимдир”.

Кўринадики, Аҳмад Дониш масалага илмий ёндашиб, тақдирга ишончни ниҳоятда нозик тарзда инкор этади ва дунё ишларини сабабга, сабабни эса заруратга боғлайди. Шу нуқтайи назардан Аҳмад Дониш тарбияни йўлга қўйиш ҳаёт тақозоси эканлигини, умуман тарбия натижасида инсон характери ва ҳаётини ҳам ўзгартириш мумкинлигини кўрсатиб ўтади. Олимнинг таъкидлашича, инсон ҳар қанча тарбия кўрмасин, асли яратилишидаги сифатидан бутунлай ажралиб кетолмайди, лекин тарбия киши сифатларини ўзгартириш кучига эга. Тарбия инсон шахсини шакллантириш учун муҳим роль ўйнайди. Аҳмад Дониш педагог олим сифатида тарбиянинг мазмуни, мақсади, воситалари ва усуллари ҳақида ҳам мулоҳаза юритади. Олим энг аввал бола тарбиясини тўғри йўлга қўйишни талаб қилади. Акс ҳолда бола жамият учун зарарли бўлиб етишади. Бола тарбияси оила, мактаб ва мадрасанинг вазифаси эканлигини кўрсатади. Олимнинг фикрича, болаларнинг бадбахт бўлишларига кўпинча ота-онанинг лоқайдлиги сабаб бўлади. Бола тарбиясида энг аввало ота-она муҳим роль ўйнашини ҳисобга олган Аҳмад Дониш “Наводир-ул-вақоъ” асарининг биринчи бобини ота-оналар ва фарзандлар ҳуқуқлари чегарасини аниқлаш масаласига бағишлайди: “Ота ва она шу тақдирда эҳсон-у шукурга лойиқдурки, башарти улар аҳли солеҳ бўлиб, ўз фарзандларига яхшилик истасалар; акс ҳолда улар фарзанд аҳволини яхшилашни раво кўрмайдилар ва фарзанд аҳволини яхшилашга тилақдош бўлмайдилар. Шу боисдан бу тоифа ота-оналар оятлар ва ҳадисларда кўрсатилган ҳақ-ҳуқуқдан маҳрумдурлар”.

Аҳмад Дониш тарбиянинг мазмуни ҳақида баҳслашиб, унинг асл моҳиятини очиб беради. Унинг фикрича, мадрасада ўқиётган болаларнинг бирдан-бир мақсади - юсак лавозимларга эришиш. Тарбия ва таълимнинг йўналиши ҳам шунга қаратилган. Шунинг учун ҳам Аҳмад Дониш маърифатпарвар сифатида эски, амирлик давридаги тарбия тизимини, унинг мақсади ва вазифаларини шафқатсиз танқид қилган ва мадрасалардаги таълим мазмуни ва материалларини ўзгартириш, таълим тизимини ислоҳ қилиш масаласини ўртага ташлаган. Унинг фикрича, тарбиянинг мақсади замонанинг янги кишиларини вояга етказишдир. Бу киши комил инсон бўлиб, биринчидан, ҳар томонлама маълумотли, билимдон бўлиши, иккинчидан, ҳунарларни ўрганиши, учинчидан, яхши ахлоқ ва одоб эгаси бўлиши лозим.

Аҳмад Дониш, тарбия мазмуни ва предметини аниқлаш билан бирга, тарбия усуллари ҳақида ҳам мулоҳаза юритган. Мураббий олим “Наводир-ул-вақое” асарида болалар тарбиясига оид алоҳида боб таъсис этиб, унда таълим ва тарбиянинг кўпгина масалалари қатори тарбия методи ва усуллари ҳақида ҳам фикрларини баён қилган. Мазкур боб “Фарзандларга васият ва касб-у ҳунар ҳақиқатининг баёни” деб номланиб, ўтмиш адабиёти ахлоқий асарлари анъанаси таъсирида ёзилган бўлса-да, лекин Аҳмад Дониш ҳаёт тажрибаси ва халқ педагогикасидан ортирган билими ва тажрибасини умумлаштирган ҳолда ифода этади. Муаллиф ўзининг тарбия ва ахлоқ ҳақидаги фикрларини насихат тарзида баён этишдан олдин адаб ўргатиш, яъни тарбия зарурлигини таъкидлаб, унинг усулларини ҳам баён қилган: “Бас, авлодлар тарбияси оталар зиммасида экан, адаб таълими аввал сўз ва амал ила, кейин, лозим бўлса, ман этиш ва жазо бериш туфайли амалга оширилади”.

Этнопедагогикани, халқ амалий тарбиясини яхши билган Аҳмад Дониш танбеҳ бериш ва жазолаш методини инкор этма-са-да, лекин энг аввал, тушунтириш, кўрсатиш, таъкидлаш усуллари-дан фойдаланишни маслаҳат беради. Бу борада ота-она, мураббийлар, катталар болага намуна бўлмоғлари лозим. Ибрат кўрсатишни ҳам Аҳмад Дониш тарбия усуллари қаторига киритади.

## ПЕДАГОГ, ОЛИМ, ҲАКАМ

Ўз касбига нақадар содиқ, ёшларнинг жисмоний баркамол ўсиши тўғрисида гамхўр, жисмоний тарбия ва спорт ишларининг назарияси ва методикаси, психологияси, гигиенаси, биомеханикаси, спорт тиббиёти ва иқтисодиётини, уларнинг сир-асрорларини, ҳозирги аҳволини яхши билувчи, бу борада тинимсиз изланувчи, чинакам санъаткор ўқитувчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган жисмоний маданият ходими, доцент, Ўзбекистон Республикаси “Халқ маорифи аълочиси”, собиқ Иттифоқ миқёсида “Жисмоний тарбия ва спорт аълочиси”, университет илмий-методик кенгашининг аъзоси, халқаро тоифадаги ҳакам Ўроқ Исматович Иброҳимов таваллудига олтмиш, илмий педагогик ва спорт-жамоатчилик соҳаларидаги фаолиятига қирқ йил тўлди. У бир умр курашиб яшади, ишлади. Ҳаёт ҳам кураш, албатта. У курашни бўлгани учун ҳам кураш турларининг ҳадисини олди, илм-фаннинг сир-у синоатини ўрганиб, талаба ёшларнинг чин маънодаги устозига айланди. Ўроқ ака 1938 йил 25 мартда Де-



нов туманидаги Юрчи қишлоғида дунёга келди. У эндигина 3 ёшга тўлганида отаси Иброҳим ака Исматов 1941 йили кўнгиллилар қаторида Ватан ҳимоя учун фашизмга қарши урушга жўнаб кетди. Фронт ортида қолган Ўроқ ака, 14 кунлик синглиси Бибинор ва онаси бугдой ўрилган майдонлардан бошоқ теришиб, турмуш кечиришди. Шунинг учун ҳам Ўроқ ака ўқишни ўз тенгқурларидан 2-3 йил кейин бошлади. Улар 1947 йили Жарқўрғон туманидаги “Оққўрғон” қишлоғи - ота юртига кўчиб келишди. Ўроқ ака ўша йилиёқ қишлоқдаги 41- бошланғич мактабнинг биринчи синфига ўқишга борди. Унинг ўқишга бўлган катта қизиқишими, ўқишни орзиқиб кутганиданми, ўқув фанларини тезда ўзлаштириб, устозлари эътиборини қозонди. Айниқса унинг истеъдоди, қобилияти “Сурхон” давлат ҳўжалиги ҳудудида жойлашган 7- мактабда, сўнгра Термиз педагогика билим юртида ўқиб юрган кезларида фанлар бўйича ўтказилган турли кўрик-конкурслар, баҳс кечаларида аниқ кўриниб қолди. Физика, математика, рус тили ва адабиёти, жисмоний тарбия ва спорт унинг жон-у дили эди. Билим юртини тугатгач, унга бошланғич синф ўқитувчиси ва кўшимча тарзда жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиш гувоҳномаси берилди. 1958-59 йили Шўрчи туманидаги 31- мактабда физика-математика, бошланғич синф ва жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1960-64 йилларда эса у Ўзбекистон давлат жисмоний маданият институтида таҳсил олди. Талабалик йиллари турли фан ва спорт турларининг сир-асрорини ўрганди, илмий анжуманларда, йирик-йирик мусобақаларда муваффақиятли қатнашиб, ўз ўрнида уларнинг тараққиётига муносиб ҳиссасини қўшди. 1964-65 ўқув йилида йўлланма билан Шўрчи туманидаги 34- (ҳозирги Қумқўрғондаги 2- ) мактабда ўқитувчи бўлиб ишлади.

1965 йили Байкал орти, Мурманск, Североморск шаҳарларида ҳарбий хизмат бурчини ўтади. Сўнгра 1965-67 йиллар Жарқўрғондаги “Правда газетаси” номли, сўнгра А.Кўнонбоев номидаги 35- мактабларда физика-математика, жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлиб ишлади. 1967 йилдан бошлаб Термиз давлат педагогика институтида (ҳозирги университетда) ўқитувчи, катта ўқитувчи, кафедра мудири, доцент лавозимларида ишлаб келмоқда. Ўроқ ака ҳаёти энгил кечган эмас, мен билган 30 йил ичида ўқитиш, илм-фан, спорт ва ҳакамлик фаолиятларида кўплаб зиддиятлар, қарама-қаршилиқлар билан курашиб ишлади, яшади ва катта машаққатли меҳнат билан кўпгина ютуқларга эришди, эл-юрт орасида обрў-эътибор қозонди. Шунинг учун ҳам Ўроқ акани вилоятда, республика мидаги ва айрим

чет мамлакатлардаги касбдошлари унинг илмий ишлари ва ҳакамлик фаолиятлари юзасидан яхши танишади.

Айниқса унинг "Юқори малакали курашчи-спортчиларни айрим олинган мусобақаларга тайёрлаш" деб номланган методик қўлланмаси, "Ўзбекистон" нашриётида чоп этилган "Саломатлик - туман бойлик" рисоласи Ўзбекистон Ёшлари қўмитаси (Республика "Қамолат" жамғармаси), Ўзбекистон Республикаси Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси мукофотларига сазавор бўлганида, биз касбдошларини ҳам қувонтирган, албатта. Шуни алоҳида қайд этиш керакки, жисмоний тарбия ва спорт ўроқ аканинг бутун ҳаёти ва фаолиятига сингиб кетган. Унинг Андижон, Брест, Даугавпилс, Душанбе, Денов, Ивано-Франковск, Махачкала, Минск, Москва, Наманган, Навоий, Рига, Самарқанд, Санкт-Петербург, Североморск, Термиз, Тарту, Таллин, Тошкент, Улан-Уде, Фарғона, Чита каби йирик шаҳарларда ўтказилган республика, собиқ Иттифоқ ва халқаро мусобақаларда кўрсатган биргина ҳакамлик фаолияти катта бир харитани ташкил этади.

Бу ерда Ўроқ аканинг СССР-АҚШ (2 марта), СССР-Эрон, СССР-Болгария, СССР-Афғонистон, Ўзбекистон-Афғонистон халқаро учрашувлардаги ҳакамлик фаолияти алоҳида таҳсинга лойиқдир. Ўроқ аканинг яна бир ютуғи - унинг таржимонлиги ва тақризчилиги бўлиб, касбга оид бир қатор ўқув дарсликларини мазмунан ўзбек тилига ўгирган, турли хил даражали юзлаб илмий тадқиқот ишларига тақриз ёзган.

**А.Фуломов, Э.Дадахўжаев,**  
Андижон вилоят малака ошириш институти

### **МИЛЛИЙ МАФКУРАДА ҚАДРИЯТЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗБЕК ХАЛҚ ПЕДАГО- ГИКАСИДАГИ ТАЪСИР КУЧИ**

Ҳеч қандай халқ жамиятда маданиятсиз, миллий-ахлоқий қадриятларсиз яшай олмаган. Қадрият инсонга хизмат қилади. Шунинг учун қадриятларимиздан бири бўлмиш ёшлар тарбияси ҳам асосий тарбияларимиздан биридир.

Чунки келажакдаги буюк давлатни муносиб ўринбосарларга қолдириш учун аввало ишончли ёшларни тарбиялаш зарур. Бизнингча, ёшларга ҳақиқатни очадиган фанни, давлатни идора қиладиган сиёсатни, гўзалликни кўра оладиган санъатни, адолатга таянадиган ҳуқуқий билимни, яхшиликка даъват этадиган

донолик бўлмиш фалсафани ўргатишимиз, уларга ишонч, этикот, интизом тарбиясини беришимиз керак деб ўйлаймиз. Тарбияни таълимдан олдин қўйиб, буюк давлатни барпо қилишдек улуғ ишимизни амалга оширишда инсон омили катта аҳамиятга эга эканлигини ҳаммамиз ҳам эътироф этаяпмиз, бироқ унинг амалий дастурини тўла-тўқис ярата олганимиз йўқ. Бу дастурни “ибрат ва тақлид дастури” деб номласак бўлмасмикан? Бу - буюк давлат қуриб, унда яшайдиган кишиларни тарбиялашнинг қулай, қисқа йўли эмасмикан? Келажакни ўйлаган биз катта ёшдагилар ҳар биримиз ёшларга ибратли даражада яшасак, ўқиб-ўргансак, ишласак, тақлидчан ёшлар биздан ўрганишади. Ниҳоят, тарбиянинг анъанавий, энг самарали усули рағбатлантириш ва жазо чорасидан унумли фойдалансак, ўйлаймизки, тез фурсатда мақсадга эришамиз.

Мустақил Ўзбекистонимизнинг Конституциясида инсон эркинлиги, тенг ҳуқуқлилиги, хавфсизлигини таъминлаш ёзилган. Бироқ бу кимнинг қўнгли нимани хоҳласа - шуни қилаверади дегани эмас. Миллий истиқлол, миллий мафкура жамиятни ҳар қандай иллатлардан тозалашни талаб қилади, ҳур, фаровон ҳаётни назарда тутди. Шунинг учун биз келажақдаги буюк давлат фуқароларига ёмонликдан эмас, яхшиликдан ибрат олишни ўргатишимиз зарур. Бир ҳаётий тажрибаси ортиқ бўлган аёлдан “Қиёматни тезлатиш ҳам, уни орқага суриш ҳам ўзимиздан” деган гапни эшитдик. Биз эркаклар уйда ўтириб, хотинларимизни савдо қилдирмасак, ўғил-қизларимизни ота-онага қулоқ соладиган қилиб тарбияласак, болаларимизга ёмон хулқиликни ўргатиб қўядиган салбий хислатлардан тезроқ воз кечсак, ўзимизни покласак, ҳалқ педагогикасидан кенг фойдалансак, тарбия ишимизда катта ютуқларга эга бўлишимиз аниқ. Халқ педагогикаси эса қадимдан диний тарбия орқали юксак натижага эришган. Болаларни ёшлигиданоқ худодан, қонундан қўрқадиган қилиб тарбиялаганлар. Натижада жиноят кескин камайган, гуноҳ билан савобни фарқлаган фуқаролар кўпайган сари жиноят қилиш барҳам топиб, қозиларга иш қолмай, улар тарқатилиб юборилган даврлар ҳам тарихда бўлган. Бизнинг кунимизда ҳам диний тарбияни бериш орқали жиноятни кескин камайтириш имконимиз бор. Масалан, шу кунларда бир масжид билан магазин деворма-девор ёндош бир жойда шундай манзарага кўзимиз тушди. Магазин иккита қулф билан устма-уст беркитилган, ичига электр чироғи ёқиб қўйилган, эшик ойналарига сигнализация ўрнатилган. Ичи тўлиқ гилам тўшалган масжидда эса қулф йўқ, ичкараси қоронғи, сигнализация йўқ, олдида магазинлардагидек қоровули, боғланган ити ҳам йўқ. Бу масжидга ўгри

ҳам тушмайди, магазинни ўғри олади. Мана сизга халқ педагогикасининг самарали натижаси.

Қадриятларимиздан бўлмиш динимиздаги интизом, одоб тарбиясидаги шарқона усуллар боланинг ота-оналарини ҳурмат қилиши, отанинг ўғилга, онанинг қизга тарбия бериши, ота-онанинг ҳамжиҳат бўлиши, бир бола тарбиясига етти хонадон ҳиссадор бўлиши каби халқ педагогикаси ҳикматларидан замонавий шакл ва усуллар ёрдамида фойдалансаккина, кўзлаган мақсадга эришамиз.

Табиатан худо инсон зотига жуда катта имкониятларни ато этиб қўйибди. Бу яширин мўъжиза кучини ишга солишлик ўзимизга боғлиқ. Халқ орасида бу имкониятларни ишга солиб, кашфиётлар яратиш даражасида фаолият кўрсатаётганлар ҳам бор, бу қобилиятни ишга сола олмай, ўзи билан тупроққа қўшадиганлар ҳам бор. Халқ педагогикасида болалар ҳунар, илм, одобга ўргатиш орқали моддий ва маънавий бой-бадавлат қилинганини, аксинча, бундай тарбия олмаганлар қашшоқлашганларини кузатамиз. Мустақил Ўзбекистонимиз келажақда буюкликка эришишида халқ педагогикасининг роли беқиёсдир.

**А.Б.Бароталиев,**  
доцент, ТермизДУ

## **АСКИЯ ВА ЛАТИФАЛАР ТАРБИЯ ВОСИТАСИДИР**

Халқимиз маданий меросини ўрганиш, уни келажақ авлодга етказиш, турмушга тадбиқ этиш давлат аҳамиятига молик бўлган вазифалардандир. Бу муаммоларни ўрганиш мустақиллик шароитида алоҳида аҳамият касб этади. "Сўз санъатининг боши фольклорда" дейилиши бежиз эмас. Ҳақиқатан ҳам, ёзма адабиёт пайдо бўлгунга қадар қабила, уруғ, элат, халқ ўз орзу-истакларини, жасорат-ботирлик ва қаҳрамонларини, урф-одат ва маҳоратларини оғзаки сўзлашув воситасида қўшиқ, терма, дoston, эртақ, матал, топишмоқ, мақол, аския, латифа ва турли ҳангомаларда намоиш этганлар. Биз бу кичик мақолада ўқувчи-китобхон, умуман, меҳнаткашларнинг барча тоифаси учун қизиқарли бўлган, асосан шарқ халқларига хос жанр аския ҳамда латифалар ва уларнинг тарбиявий, таълимий аҳамияти ҳақида фикр юритамиз, чунки бугунги кунда мазмуни, моҳияти, ҳаётийлиги ва халқчиллиги билан таълим ва тарбия воситасига айланиб қолган маданий меросимиз халқ оғзаки ижоди атрофлича ўрганилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Аския ва латифаларда халқи-

миз ҳаётида рўй берган воқеалар, уларнинг меҳнати, ўзаро муносабатлари, эстетик идеаллари, фалсафий қарашлари қисқа, лўнда, сермаъно жумла ва ибораларда акс эттирилади. Бинобарин, аския, латифа заминида соф фикр, қаттиқ ва беғараз кулги, баъзан ноҳақликлар юзасидан норозилик, ёпиқ ёки очик танқидий мулоҳазалар билдириш ётади, кишиларимизни ахлоқий покликка, тўғрилиқка ва меҳнат қилишга даъват этади. Лекин биз кўп ҳолларда аския ва латифаларни айтиш ҳамда айтиб кулиш фақат тўй маросимларида, кўча ва тор давраларда катта ёшдаги кишиларга хос деб келдик-да, унинг тарбиявий томонларига эътибор бермадик. Ҳатто даврада мактаб ёшидаги болаларнинг иштирокини ҳам чеклаб қўйдик.

Аския ва латифалар мавзуи ранг-баранг бўлиб, халқ хўжалиги, маданият, ҳунар, турмушимиз тарзи, ахлоқ, одоб, илм-фан, устоз-шогирд, ўсимликлар ва ҳайвонлар олами хусусида бўлиши мумкин. Масалан, она тили дарсларида тил, гап, эга, кесим, аниқловчи, тўлдирувчи, содда гап, ёйиқ гап, қўшма гап терминлари бошлангич синфлардаёқ эшитилади, такрорланади, ўрганилади. Ана шу терминларни ўз ўрнида қўллаб давраларда, тўйларда, ўзаро суҳбатларда енгилгина кулиш билан она тилидан қанчалик маълумоти борлигини баён қилиш мумкин. Масалан, биринчи киши: “Мулла Ғанижон, яхшиям халқимизнинг аскияси бор экан, мана сизнинг ҳам тилингиз чиқиб қолди”. Иккинчи киши: “Исҳоқжон, мен аския қилаётганимда лўқма солманг, аччиғим чиқиб, сизга қўшма гап деб юборсам, хафа бўлманг”. Биринчи киши: “Жўрттага лўқма солдим-да, қарасам, гапнинг эгасини айтасиз-у, кесимига ҳайрон бўлиб турибсиз” (Аския, Тошкент, 1970, 65- бет). Кўчирмадан чиқадиган хулоса ўқувчига маълум. Лекин тил, қўшма гап, кесим, эга терминларини кўчма маънода қўллаш йўли билан теран фикр билдирилган.

Қурилиш ҳақидаги аскияларда арра, гувала, андава, ром, эшик кабилар ишлатилади. Ана шундай сўзларни кўчма маънода қўллаш орқали, енгил кулги кўтарилиши билан, фош қилиш мантиқи ҳам билдирилади. Масалан, устун (материал А.Б.) келгунча арра (бўлиб олиш маъносида) қилиб тулинг, одамни ром қиламиз, материални эшикдан чиқариб юборибсиз, андава қилманг, сувоқлаб юрманг кабилар, аския ва латифаларда маъно силлиқлиги, фикр изчиллиги, ҳозиржавоблик, тез фикрлай олиш сифатларини ўқувчиларга ўтказиш таълим-тарбия жараёни учун фойдалидир. Хулоса қилиб айтганда, халқ оғзаки ижоди дурдоналари бўлмиш аския, латифа ҳангомаларидан ҳамма соҳада, хусусан, дарсларда, дарсдан ташқари ўтказила-

диган савол-жавобларда, ўткир зеҳнлилар, адабий кечалар дав-ра суҳбатида, халқ сайллари ва наврўз тантаналари кунларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Аския, латифа ҳангомаларига тез-тез мурожаат этган, ундан ўринли фойдаланган киши кенг ва кўчма маъно берувчи, ўйноқи, қувноқ сўзларни ўз ўрнида қўллашга, фикрни изчил, лўнда ва тез баён қилишга ўрганади, нутқнинг мазмундорлигини таъминлайди, ёшларимизда ақлий теранлик, зукколик, фикр маънодорлиги ўсади, ахлоқий баркамоллик таркиб топади.

Аския ва латифаларни мазмун жиҳатдан тасниф қилиш, ай-ниқса яратилиш жараёнини текшириш, илмий хулосалар чиқариш бугунги мустақиллик шароитида алоҳида аҳамият касб этади.

**Р.Абдуллаев,**  
катта ўқитувчи, ТермизДУ

## **МАЪРИФАТПАРВАРИ ДАР АШЪОРИ МУИЗЗИ**

Маликушшуаро Муиззи аз намоёнтарин шоирони нимаи дуоми асри XI ва аввали асри XII и форсу тоҷик мебошад. Дар дарбори ду шоҳи сулолаи салҷуқи Султон Маликшоҳ (соли кушта шуданаш 1092) ва Султон Санҷар (1106-1156) хизмат гўзорида дар ин доираҳои адаби ба дарачаи маликушшуарои расидааст.

Дар эҷодиёти адибони муҳити дарбор вобаста ба ҷаҳонбинӣ, мавзӯҳои гуногуни танқиди замон. Ҳасби ҳол, панду ҳикматҳои пурмаъни, афкори иҷтимоӣ ахлоқию фалсафий ва ғайра хеле нақш бастаанд. Махсусан ин ҳол дар давраи Салҷуқийён ривож ёфтаст, ки сабабаш ба афзунӣ фитнаҳо, ногувориҳои аҳволи иҷтимоӣ мамлакат, пасти қадри инсон ҳаёти ў, ба тангии маишати зиндагии умум ва нобаробарӣҳои рўзгор вобаста буд.

Эҷодиёти Муиззии маликушшуаро, бо вучуди идеологи дарбор ва мадҳиясарои гўзаро будани ў аз ин ҷараён берун набуд. Албатта, ў дар ин мавридҳо ба дарачаи муосиронаш Анварию Адиб Собирю Чабали намоён намегардад, вале ба ҳар ҳол камтар бошад ҳам, ба воситаҳои гуногун афкори танқиди изҳор карда тавонистааст. Аз ин ҷиҳат эҷодиёти Муиззии аз эҷодиёти Унсорию Фарруҳи, ки онҳоро ў хеле пайрави кардааст қисман тафовут дорад. Дар давраи Салҷуқийён процесси адаби тағйир ёфта буд. Дар ин замон ҳарчанд ки адибон дар доираҳои адаби гирд омада буданд, вале дидгоҳашон ба ҳаёту ҷамъият

вусъати бештар дошт, диапазои шоири панҳо буд, дарки ҳодисаҳои иҷтимоӣ ва ҷаҳонбинии амиқият дошт. Адабиёт дар доираи васеъ номаҳдуд инкишоф меёфт ва адибон дар эҷоди бадеӣ нисбат ба шоирони ғазавии нимаи аввали асри XI худро каме овоз ҳис мекарданд. Аз ин ҷиҳатҳо Муиззӣ баробари инкишоф додани мавзӯи мадҳӣ ба изҳори баъзе фикрҳои танқидӣ низ иқтидор пайдо кардааст. Ба пайдоиши ин фикрҳои инчунин ҳаёти як дараҷа нобаробари шоир ва азобу ранҷҳои кашидани ӯ аз захми тирӣ султон ва давутоз ба умеди ному нон ҳам сабаб шудаанд. Вай дар қасидаи навиштааст Шодмони чун кунам, к-аз сабр муфлис гаштаам, Кай тавонад буд ҳаргиз марди муфлис шодмон! (Девон, саҳ. 644).

Бесабири қаҳрамони лирики аз ишқ буд вале дар ин зимн ӯ аз муфлисию ғам шикоят кардааст ки дар амал ин гуна вазъиятҳо пеш омада буданд. Аз ин ҷо хулосаи дурусти иҷтимоӣ вай берун омадааст. Муфлисону бечорагон ки дар замони шоир бешумор буданд, ҳеч гуна шодмони надохтанд ва ин аз нобаробариҳои ҳаёт сар зада буд, ки дар пардаи лирика ифода ёфтааст. Ба ин рӯбиҳои ҳасбиҳолии шоир нигорем:

Эй чарх, камар мабанд бар кинаи ман,

Бигзор ҳақи хизмати деринаи ман.

Осоиши синаи маро дармон кун,

К-осоиши синаҳост дар синаи ман.

(Девон, саҳ. 709).

Ин шикоят, ки аз натиҷаи бадахволии шоир ва захми тирӣ дидани ӯ ҳосил шудааст, мазмуни нисбатан васеъ дорад. Хитобияи вай ба чархи кинагӯзор хитобияи аҳли дардмандон ҳам буд, ки синаҳоро ба тир хаста, озорҳо кашидани вале дармон намеёфтанд. Қаҳрамони лирики Муиззӣ дар ин маврид ҳамраъи дигарон буд ва зимни шикояти ӯ танқиди муқобили ногуворӣ ва талаби пурсӯзи иҷтимоӣ равшан ифода ёфтааст. Махсусан шикваю нолаи қаҳрамони лирики аз гардуни қачрафтор, -ки рамзи замонаи нобаробар буд, дар порчаи зерини тӯлоии Муиззӣ ба тасвир омадааст, ки дар қасида бар таассуфи қатли хоча Низомулмулк гӯзориш ёфтааст:

Худованде, ки ороми ҷаҳон буд,

Дар ӯ уммед баста халқ ҳамвор

Ба дасти чоҳиле чони гиромӣ,

Рабуди аз тани пок, ин-т ғаддор

(Девон, саҳ. 406).

Кушта шудани хоча Низомулмулк барои Муиззӣ зарбаи сахт буд. Вай бо вазир дӯсти дошт ва некии ӯро медид. Аммо ин як тарафи масъала буд. Тарафи дигари он дар образи вазир хо-

димиди бўзурги чамъияти ва сиёсатмардори тавоноро тасвир қарда буд, ки дар парчаи мазкур шоир ба ин муваффақ шудааст. Вай дар байтҳои дигар Низомулмулкро чун пуштупаноҳи халқ, сари давлату рояти мулк, дарахти чуду беҳи саҳо, роқиқи ризқрасон ба қалам додаст, ки вазира дар фаъолияти чамъиятию маъмури ба чашми дигоран чунин менамуд.

Низомулмулк шахси бадавлат буд, молу мулк дошт гунаҳкоронро сиёсат мекард, ба истеҳкоми давлати маркази аҳамият меод, баробари ин маърифатдӯст ҳам буд, соҳибил монро тақдир мекард, озодандешу хуштабият менамуд, чуду саҳоват варзида ва ба инкишофи маданият мекушид. Чунин хислатҳои ӯ дар ашъори Муиззи ҳаматарафа ҳаллу фасл гардидааст.

**О.Х.Хайитов,**  
профессор, ТермизДУ,  
**М.М.Мирзаев,**  
ўқитувчи, ТермизДУ

## **МИЛЛИЙ МЕҲНАТ ТУРЛАРИ ВА УЛАРДАН МАКТАБДА ФОЙДАЛАНИШ**

Кишилик жамияти пайдо бўлиши билан меҳнат тарбияси ҳам пайдо бўлди. Шунинг учун ота-боболаримиз ёшлар тарбиясига, айниқса меҳнат тарбиясига катта эътибор берганлар. Зеро меҳнат барча бойликларнинг асосидир. Ўзбек халқи жуда қадимий халқлардан бири бўлиб, ўзига хос, дидига мос меҳнат турлари билан азалдан шуғулланадилар. Буни Зараутсой ёдгорликлари ҳам тасдиқлайди. Аждодларимиз меҳнат маҳсулотларини санъат даражасига етказган, у маҳсулотлардан турмуш эҳтиёжлари учунгина фойдаланиб қолмай, балки руҳий-маънавий завқ ҳам олганлар.

Халқимизнинг неча минг йиллар давомида яратган, яратаётган, бутун дунёни ҳайратга солган улкан мероси мавжуд. Улар одамзод бадий завқини оширишда, гўзалликни ҳис этишда жаҳон олимларини лол қолдириб келган. Ота-боболаримиз, улуг момоларимиз фақат аниқ фанлар, тиббиёт, фалакиёт соҳида бутун дунё олимларига йўлбошчилик қилибгина қолмай, балки халқ амалий санъати соҳида ҳам бутун жаҳонни қойил қолдирган. Минг афсуски, ана шу бебаҳо жаҳоир меросимиз оёқ ости бўлди, унутилиб, йўқ бўлиб кетишига оз қолди. Шукурлар бўлсинки, мустақиллик тўфайли халқимиз ўзлигини та-



нимоқда. Халқимизнинг миллий, маънавий қадриятлари тикланмоқда. Халқ амалий санъати халққа хизмат қилади. Йил бошида Президентимиз фармони билан Баъдий академиянинг ташкил қилиниши маданий ҳаётимизнинг ушбу соҳасидаги ишларни жонлантиради. Фаолият бошлаб юборилди. Кўпгина жойларда, шу жумладан Тошкентда, Бойсунда ва бошқа жойларда халқ амалий санъати кўрғазмалари ташкил этилди.

Айрим меҳнат турлари авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтган. Ҳар бир авлод бу меҳнат маҳсулотига замонавий сайқал бериб, баъдий асар даражасига етказганлар. Улар орасида халқ амалий санъат усталари: кулоллар, ёғоч ўймакорлари, ганчкорлар, мискарлар, заргарлар, ҳайкалтарош, этикдўзлар, дўппидўзлар, каштачилар ва ҳ. жуда қадимдан жаҳонга машҳурдир. Масалан, Шерободлик халқ устаси Жума ака, унинг ўғли Дилло Жумаев ва неваралари ясаган бешикларни, сандиқларни нафақат вилоятимиз, балки республикамиз аҳолиси яхши билади. Ангорлик Чоршанби Маматқулов ганчкор-у мискар сифатида машҳур. Ч.Маматқулов ишлари бўйича бир неча марта вилоят ва республика кўриги ташкил этилган ҳамда у кўп марта совриндор бўлган. Бундай амалий санъатни авлоддан авлодга етказиб келаётган халқ усталари республикамизда, жумладан вилоятимизда жуда кўп.

Айрим меҳнат турлари билан ўтмишда бутун маҳаллалар шуғулланганлар ва шу маҳаллага ўша меҳнат тури номи берилган. Масалан, заргар гузар, чармгар маҳалла, мискар гузар кабилар. Баъзи халқ усталари исмларига шу касб номи қўшиб айтилган. Машҳур улуг бобомиз, миллион-миллион кишиларга имон-этиқод тарбияси беришда катта хизмат қилган, қилаётган Нақшбандия таълимоти асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд исмларига нақш сўзининг қўшилиши ҳам у кишининг уста наққош-гул солувчи бўлганидан нишондир. Ҳозирда Бойсунлик Эшонкул кулол, ўғиллари Хайрулло кулол, ёғоч ўймакори Мачайлик уста Турдибой, набираси уста Назар, Музработлик уста Фозил, Бойсунлик Жаббор мискар, Шерободлик уста Шухрат Отамурадов ясаган тор, рубоб, дўмбира, доира, иморат устунларини Республикамиздагина эмас, балки бошқа мамлакатларда, жумладан Тожикистон, Озарбайжонда ҳам кўплаб кўриш мумкин.

Мустақил Республикамизда ҳозирги кунда меҳнат таълими ва тарбиясига катта эътибор берилмоқда. Умумтаълим мактабларининг барча синфларида меҳнат дарси соатлари мавжуд. Янги дастурлар тузилган, уларда маҳаллий материалларга муносиб ўрин ажратилган. Меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашга ҳам эътибор катта.

Тарихни, ота-боболаримиз, аждодларимизнинг улуғ ишларини, улар қолдирган улкан бой меросни ўрганиш, улар билан фахрланиш ҳисси келажақда буюк давлат бўлишимизга умид бағишлайди, ана шу мақсадга эришишда руҳлантиради. Ҳар қандай жасорат фидоийлик натижасидир. Зотан чинакам фидоийларгина буюк ишларни амалга оширадилар. Чунки уларга доим аждодларимиз руҳи мададкор бўлади. Президентимиз айтганларидек, Ал-Беруний, Ибн Сино, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, АмирТемур, Мирзо Улуғбек, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби боболаримизнинг бебаҳо мероси ҳамиша бошимизни баланд, қаддимизни тик қилади.

**Б.К.Тебиев,**  
Россия академиги

**А.Фуломов,**  
АндижонДУ

## **ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ ПЕДАГОГИКАСИДА БУЮК ЭЗГУЛИККА ИНТИЛИШ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ЖАМИЯТДА ЎЗ-ЎЗИНИ БОШҚАРИШДАГИ ЎРНИ**

Якка яхши яшашлик инстинкт қобиғидан чиқиб, умуминсоний яхши яшаш онглилиги, умумбашарият фикрлаш даражасидаги буюк эзгуликка интилиш ҳар биримизнинг яратган Оллоҳга ҳам, унинг бандаларига ҳам азиз ва муқаррам бўлишимизга олиб келади. Бу онглиликка эришиш туфайли мартаба, ақл, ҳусн талашиб уруш-жанжал қилишаётганлар охир-оқибат ёвузликни, ёмонликни тарк этадилар, эзгулик йўлини тутган киши ўз рақибни устидан албатта ғолиб чиқади.

Бу туйғу туфайли ҳудуд, бойлик, обрўй талашаётган давлат ва нодавлат ташкилот раҳбарлари, саркарда ва қўмондонлар, мамлакат бошлиқлари, подшолари, уламо-ю фузалолари ёвузликдан воз кечиб, эзгулик қилиш билан албатта ғолиб бўладилар. Маълум регионларда, жойларда давлат билан давлат, дин, масхаб, миллат, уруг-аймоқ, қавм-қариндош, кўни-кўшнилари, эр-у хотин, ёр-у дўстлар уруш-жанжал қилиб, ҳатто қон тўкиб, шаҳар ва қишлоқларни вайрон қилиб, кўнгилларга озор бериб, фарзандларни етим қилиш билан ўзларини ўзлари хароб қилмоқдалар. Ҳар қандай уруш-жанжалнинг бош сабаби икки рақиб томоннинг бир-бирларини тушунмаслигидир. Тарафлар бир-бирларини тушунган ҳамон ўртада яраш, тинчлик, ҳамкор-

лик ҳукм сура бошлайди. Томонларнинг тушуниши ҳам ёвузликни тарк этиб, эзгуликни қабул қилишликка боғлиқ. Қайси тараф рақибини осон тушуниб, уруш-жанжални тез бартараф қилса, у ақлли саналади.

Ўзини ўзи бошқариш дегани бу шахснинг оила, ёр-у биродар, жамоа, давлат, БМТ, жамият ўрнатган тартиб-интизом, қонун-қоида, маънавият талаблари даражасидан четга чиқмай, унга амал қилиб яшаши, ўйнаб-қулиши, ижодий ишлаш фаолиятидир. Сир эмаски, бир давлат ёки регионда ишлаб чиқарилган, етиштирилган, ҳатто исроф қилинаётган маҳсулот бошқасида йўқ, унга муҳтож, биридаги халқ манфаатини кўзланган сиёсат бошқасига ҳам керак, бирида қадрият даражасидаги маънавият бошқаларига ҳам зарур. Умуминсоний қадриятлар миллий қадриятлар билан туташгандагина цивилизация кўтарилиб, дунё тараққиёти келиб чиқади; ўзаро бирлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик эзгулиги фаровонликка олиб келади, ажралиш, тарқоқлик ва бир-бирини тушунмаслик эса талафотларга сабаб бўлади.

Ақл-идрокимиз куррайи заминда ҳар дақиқада бўлаётган қурғоқчилик, сув тошқини, зилзила, ёнгин, азон қатламининг суюқланиши, ҳатто тешилиши, очарчилик, саводсизлик, вабо, *спид*, авария, гиёҳвандлик каби фожиаларни бартараф қилишга, уларнинг олдини олишга қаратилган буюк мақсадга хизмат қилсин, бу инсоний эзгу ният ҳар биримизнинг дилимизда яшириниб ётибди, журъат этиб уни юзага чиқариш керак холос. Шу мақсадда бирлашайлик, ҳамкорлашайлик. Буюк эзгулик йўлида кечикмай биргалашиб, шаҳдам қадам ташлайлик! Умумжаҳон компаниясини ўтказайлик! Яшаш шароитимизни кузатайлик! Ана шундай ҳуқуқ умумжаҳон Декларациясида ва давлатларимиз Конституцияларида бериб қўйилган. Давлат ва ноҳукумат ташкилотларининг кучларини ушбу мақсадда сафарбар этайлик. Бу улуғ эзгуликни БМТ дастурига киритиб, уни барча мамлакатлар биргаликда амалга оширишлари учун битимларга эришайлик. Бу олий туйғу моҳият жиҳатидан умумбашарий эзгулик даражасидаги маънавий қадриятимиз бўлиб қолсин.

Табиатнинг даҳшатли хавф-хатари таҳдид қилиб турганида, у камлик қилганидек, сунъий равишда турмушимиз, ҳаётимизни заифлаштирувчи хавф-хатарни ўз қўлимиз билан яратсак, қанчалик ачинарли ҳол!

Куррайи заминимизнинг онгли мавжудот мўъжизакорлари ўз қўллари билан оммавий қирғин қуроқларини ясапти, денгизларни қуритиб, чўл-у биёбонга айлантираяпти, ҳайвонот ва ўсимликлар ноёб турларини йўқ қилаяпти, азон қатламини бу-

заяпти, атроф-муҳитни ифлослантираяпти. Бу билан нафақат ер юзига, ҳатто коинотга ҳам хавф туғдирилаяпти. Дунё халқлари эзгулик қилишларига эришайлик! Токи улар инсониятга зарарли эмас, фойдали иш қилишсин. Уларнинг қўлларидан ёвузликни олиб ташлаб, эзгуликни тутқизайлик. Фожиалар барчамизни ғафлат уйқусидан ўйотсин, биз бир-биримизга душманлик қилиш эмас, аксинча, табиатда юз бериб, бизга таҳдид солаётган кучга қарши бирлашайлик. Бу курашни дастлаб босқичма-босқич куч ва имкониятимиз даражасида бирон минтақа ёки давлатда бошлаб, сўнг орттирган тажрибани бойитиб, бошқа жойларда қўллаш орқали даҳшатларнинг олдини олайлик!

Улуғ Президентимиз И.А.Каримов ўзбек халқининг руҳиятини "Шу қадар ёрқин ва ўзига хоски, у интеграциядан қўрқмай-дигина эмас, аксинча, жаҳон ҳамжамиятининг таркибий қисми бўлишга интилади" деб тушунтирди.

XXI аср эзгулигимиз ўз-ўзини бошқариш билан тинчлик, фаровонликни таъминлашга хизмат қилсин!

**И.К.Мирзаев,**  
профессор, СамДУ,

**А.П.Жумақулов,**  
илмий тадқиқотчи

## **ХОЖА САМАНДАР ТЕРМИЗИЙ – ТАРИХЧИ ОЛИМ**

Хожа Самандар Муҳаммад Бақо Термизий ХУII асрнинг биринчи ярми, ХУIII асрнинг иккинчи ярмида яшаб ижод этган атоқли адиб, файласуф ва тарихчи олимдир. Хожа Самандар асли Термизлик бўлгани учун Термизий деб нисбат берилса-да, бирмунча вақт Қарши шаҳрида раис лавозимида ишлаб, ижод этганлиги учун Насафий (ўткир тилли бўлганлиги учун Самандар ва Хонақоҳий) деб ҳам аталган.

Хожа Самандар Термизийнинг туғилган ва вафот этган йиллари ҳозирча номаълум бўлса-да, манбалар унинг узоқ умр кўрганлигидан далолат беради. Чунончи, М.А.Салахетдинова бу ҳақда қуйидагиларни ёзади: "Бизнинг фаразимиз Ўзбекистон Республикаси ФА Шарқшунослик институтининг фондида сақланаётган 2613 рақамли қўлёзма (қаранг: Собрание восточных рукописей Академии наук Узбекистана, т. I, Тошкент, 1952, 321- н) ҳошияларига таниқли шахс томонидан қилинган таржиманинг 70- бетидаги бир қайд мана бундай: Хожа мулло Бақои Самандар Насафийнинг ўз қўли билан ҳижрий 1147 йилда ёзил-

ган ‘Анис ул-фуқаро’ асарини кўрдик”. Хожа Самандар Термизий ҳаётининг биринчи ярми жаҳонгашталиқда ўтганлигини исботловчи манбалар бор. Адиб ижодининг тадқиқотчиси тазкиранавис Малехо Самарқандийнинг: “У Шарқ ва Ғарб шаҳарларини кезди, замонасининг иссиқ-совуқларини бошидан кечирди, тақдирнинг ширин ва аччиқларини тотди”, - деб ёзади. Шунингдек, унинг ўзи ҳам “Дастур ул-мулк” асарида (М.А.Салахетдинованинг русча таржимаси, 70- б) турмушнинг аччиқ-чучукларидан “тўйганлиги” ҳақида гапиради. Катта ҳаётий тажриба, юксак ақл-фаросат ва талант соҳиби бўлган Хожа Самандар Термизий кейинчалик давлат ишларига жалб этилади, Бухоро хонлари Абдулазизхон ҳамда Субҳонқулихоннинг ҳарбий юришларида қатнашади, Субҳонқулихон томонидан Самарқанднинг исёнчи ҳокими Хожа Қули билан музокаралар ўтказиш учун икки марта элчи қилиб юборилади. Адолат билан иш юриштиши, катта дипломатик лаёқатга эга бўлиши, тўғри сўз ва халқпарвар-ватанпарварлиги, бунинг устига, соҳиби каромат эканлиги Бухоро хонлигида унга катта шуҳрат келтирди, Субҳонқулихоннинг яқин маслаҳатчиларининг бирига (балки пирига) айлантирди.

Эл-юрт, хонлик, дини ислом олдидаги хизматлари учун унга “Раёсатпаноҳ” (паноҳига олиб, жаннатга мойил қилувчи ҳимоячи) фахрий унвони берилган. Манбаларда Хожа Самандар Термизийнинг адабий фаолияти тахминан Қарши шаҳрида яшаган даврларда бошланганлиги, ўша даврлардаёқ унинг кўплаб асарлари мавжуд бўлганлиги, ниҳоятда сўз устаси эканлиги ҳақида гапирилади.

Хожа Самандар Термизий ҳам, бошқа туркийзабон адиб ва олимлар каби, давр талаб ва анъаналаридан келиб чиқиб, ўз асарларини форс тилида яратган. Маълумки, жаҳон тиллари ва маънавиятининг етакчиларидан ҳисобланган форс тилидаги асарлар нафақат форслар, балки бошқа халқлар вакиллари томонидан яратилган ноёб дурдоналар ҳамдир. Шундай экан, у ёки бу адибнинг, олим ёки тарихчининг миллатини қайси тилда асар битганлигига қараб белгилаш ислом дини қоидаларига зид, улуғ аждодлар руҳига, ўзга миллатлар қадриятларига нисбатан ҳурматсизлик нишонасидир. Шу аснода шоир Тоҳир Қаҳҳорнинг қуйидаги сўзлари ғоят ўринли ва ибратли кўринади: “Тарихдан маълумки, арабларнинг эски Туркистон ерларига кириб келиши эски туркларнинг давлатлари, динлари, ёзувлари йўқотилиши оқибатида, бир неча юз йиллар давомида Туркистон халифат империяси таъсири остида қолиб, илм-фан асарлари араб тилида, адабий, тарихий асарлар форс тилида ёзилди. Бу Туркис-

тоннинг буюк кишилари: дин илмида Бурхониддин Марғилонийни, Туркистонлик олимларимиз Фаробий, Беруний, Ибн Синоларни, араб тили грамматикасини ёзган Замахшарийни эслашимиз мумкин. Абу Мансур ас-Саолийнинг “Йатимгат ад даҳр” китобида ижодлари ҳақида ҳикоя қилинган мингдан ортиқ туркистонлик араб тилида ёзгани учун “араб” дейилаётгани йўқ-ку? Ёки бугун, яъни бугунгача рус тилида ёзган қирғиз турки Чингиз Айтматов ёки қозоқ турки Улмас Сулаймонов “рус” дейилаётгани йўқ-ку? Тўрт юз миллион халққа оид бойликни беш-олти миллионли бир халқнинг айрим вакиллари “Бу бизники”, - дегани билан уларники бўлиб қолмайди, ҳақсиз (мантиқсиз) ҳаракат низо ва гулгула туғдиради, холос.

Хожа Самандар Термизийнинг бой адабий, илмий меросидан фанда, афсуски, иккитасигина - “Анис ул-фуқаро” ҳамда “Дас-тур ул-мулук” маълум. Улардан ҳам фақат кейингисигина бизгача етиб келган. Адибнинг “Дастур ул-мулук” номли йирик асари Бухоро хони Субҳонқулихон илтимосига биноан ёзилган бўлиб, уни Хожа Самандар Термизий Субҳонқулихонга бағишлаган. 22- бобдан иборат мазкур асарнинг 1- – 20- ва 22- боблари этик-дидактик характерда бўлиб, 21- бобида Бухоро хонлигининг 20 йиллик (Субҳонқулихоннинг хонлик давригача ўн йиллик ва унинг хонлиги давридаги ўн йиллик) тарихи битилган. Бинобарин, “Дастур ул-мулук” Бухоро хонлигининг XVII аср сўнги чораги тарихига доир муҳим манбалардан ҳисобланади. Дарҳақиқат, Хожа Самандар қаламга олган даврни акс эттирган Муҳаммад Аминнинг “Муҳит ат-таворих”, Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимжон” номли машҳур тарихий асарлари кейин ёзилган деб гувоҳлик беради М.А.Салахетдинова. Кўринадик, Бухоро тарихининг бу даври учун “Дастур ул-мулук” асл (дастлабки) манба ҳисобланади.

**В.И.Лубовский,**  
Россия академиги,  
**Н.Ё.Ёқубов,**  
доцент, Кўқон ДПИ

## **ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ ДЎСТЛИК ҲАҚИДА**

Мустақил Ўзбекистон Республикаси ўзининг олти йиллик тўйини нишонлаган ҳозирги пайтда ахлоқий қадриятларни тиклашга катта эътибор берилмоқда. Чунки камтарлик, ширинсуханлик, ваъдага вафо, инсонларга яхшилик қилиш, меҳр-муруват кўрсатиш, болажонлик, меҳмондўстлик қабилар халқимиз

нинг миллий ахлоқий қадриятлари бўлиб, уларнинг илдизи жуда қадим замонларга бориб тақалади. Дўстлик ҳам ана шундай ахлоқий анъаналаримиз, қадриятларимиздан биридир. Президентимиз И.А.Каримов нутқларида “Дўстимиз”, “Биродарларимиз”, “Оғайнимиз” каби сўзлар тез-тез учраб турибди. Бу сўзлар ҳаётимизга сингиб кетган бўлиб, улар заминда барча кишилар учун қадрли ва қийматли, шу билан бирга тушунарли бўлган чуқур маъно - инсонпарварлик мужассамлашгандир.

Дўстлик - бу кишилар ўртасидаги қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар бирлиги асосида вужудга келган ва давр синовидан ўтган барқарор шахсий меҳрибонликдир. Кишилардаги бир-бирининг ишига ва ҳаётига бўлган ўзаро қизиқишнинг чуқурлиги, сўзда ва ишда ҳалоллик ва самимийликка асосланган бир-бирига тўла ишонч, ҳаётнинг мураккаб масалаларини ечишда, айниқса кишининг бошига оғир кун тушганда ўзаро қўллаб-қувватлаш, ёрдам бериш учун ўз манфаатларини қурбон қилишга тайёр туриш, тўла беғаразликда уйғунлашган садоқат ва ишонч, жавобгарлик туйғусидан, ғамхўрлик қилишдан келиб чиқадиган ўзаро талабчанлик ҳақиқий дўстликнинг асосий белгиларидир. Дўстлик кишининг кишига энг чуқур, энг олийжаноб ҳис-туйғуларини изҳор этишда намоён бўлади. Кишилар ҳақиқий дўстлик йўлида камол топадилар, ажойиб яхшиликлар қиладилар, қийинчиликлардан қўрқмай қаҳрамонликлар кўрсатадилар, зийрак ва талабчан бўладилар. Ана шундай дўстлик республикамизнинг келажаги бўлган ёшлар учун айниқса зарурдир. Болалар ва ёшларда дўстлик, биродарликни тарбиялаш йўллари ва воситалари хилма хилдир. Ана шундай йўл ва воситалардан бири халқ педагогикасидир.

Халқ педагогикасида дўстликка бағишланган кўплаб мақоллар мавжуд эканлигини кўраимиз. Масалан, халқ мақолида шундай дейилади: “Пода учун қўйчувон, одам учун дўст зарур”, “Дўст-дўстнинг ойнаси”. Халқ ҳикматлари дўст танлашда адашмаслик, чунки ҳамма ҳам дўст бўлавермаслиги аниқ кўрсатилади, “бўри қўй учун дўст эмаслиги”, айрим кишилар дўст эмас, балки “ёстиғининг остида ётган илон” бўлиб чиқишидан огоҳлантиради. Шу билан бирга, халқ мақолларида ҳақиқий дўстликни қадрлаш кераклиги ҳам уқтирилган: “Дўстлик - барча бойликдан афзал”, “Чин дўст - туғишганинг билан тенг”, “Ота - хазина, ака-ука - таянч, дўст эса иккисидир”, “Дўстинг учун заҳар ют” кабилар.

Халқ мақолларидан бирида “Дўстингни ёмонлаган сени ҳам ёмонлайди” дейилса, яна бирида “Агар қуш дўстингнинг донини чўқиётган бўлса, уни ҳайдаб юбор, акс ҳолда, вақт келадики,

сенинг донингни ҳам чўқийди” деб дўстни ҳимоя қилишга чақирилади. Ҳақиқий дўстликни синовдан ўтказиш ҳақида ҳам халқда ажойиб мақоллар мавжуд. Масалан, “Қаҳрамон ҳам жангда, дўст эса бошингга ташвиш тушганда sinalади”, “Дўст саёҳатда sinalади”, “Ким дўст - ўз вақтида ёрдамга етиб келган дўст” кабилар. Сохта дўстлар ҳақида эса “Пулинг борида дўстлашади, пулнинг йўғида четлашади”, “Амалинг бўлса, дўстинг ҳам кўпаяди”, “Самимий бўлмаган дўст - даволаб бўлмайдиган касаллик”, “Дўстинг билан дўстлашишдан қувон, душман билан дўстлашишдан қоч”, “Дўст бошга қарайди, душман - оёққа”, “Дўстинг ташлаб кетдими, уни қайта чақирма” кабилар. Йиллар давомида синовдан ўтган дўстликни қадрлаш ҳақида ҳам халқимизда ажойиб мақоллар мавжуддир. Масалан, “Дўстнинг эскиси, тўннинг янгиси яхши”. “Ҳамма нарсанинг янгиси, дўстнинг эса эскиси яхши”, “Кийимнинг янгисини мақта, дўстнинг эса эскисини”, “Янги дўстлар ахтар, лекин эскисини унутма” кабилар.

Ҳар бир нарсада этик-ахлоқий қоидалар бўлгани каби, дўстликнинг ҳам ўз қоидаси бор. Ана шу қоидаларга риоя қилгандагина дўстлик ҳақиқий, мустаҳкам бўлиши халқ мақолларида қайта-қайта ўқтирилган. Масалан, “Дўст тутиниш осон, лекин уни асраш қийин”, “Шубҳа дўстликка раҳна солади” кабилар.

Халқ педагогикаси ёшларни камчиликсиз дўст ахтармасликка, аксинча, унинг камчилигини юзига айтишга чақиради: “Дўстдан ажраб қолгандан кўра унинг таъналарини эшитган афзал”, “Чойнинг охирини дўстингга бер”, “Дўстсиз ҳаёт тузсиз овқатга ўхшайди”, “Қуш қаноти билан, одам дўстлари билан кучли” кабилар.

Хуллас, дўстликда катта ахлоқий ва тарбиявий кудрат мавжуд.

М.Т.Толипов, А.Зиёев,  
Қўқон ДПИ

## ЁШЛАРНИ УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР ТАРБИЯЧИСИ ЭТИБ ТАЙЁРЛАШ

Ўсиб келаётган ёш авлодни умуминсоний қадриятлар руҳида камолга етказиш мустақил Ўзбекистонимизнинг келажақдаги равнақида муҳим аҳамият касб этади. Президентимиз И.А.Каримов ўзининг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли” деган рисоласида ёш давлатимиз ривожланишининг маънавий



ахлоқий негизларига тўхталар экан, “Мустақил Ўзбекистоннинг куч-қудрати манбаи халқимизнинг умуминсоний қадриятларга содиқлигидир”, - деб таъкидлайди (И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. Тошкент, “Ўзбекистон”, 1992, 6-бет).

Маълумки, ёш авлодда умуминсоний қадриятларнинг таркиб топишида ҳамда мустаҳкам эътиқодга айланишида ўрта умумтаълим мактаблари ва улардаги педагоглар жамоаси муҳим роль ўйнайди. Бундан кўринадики, бўлажак ўқитувчиларни муаллимлик олий ўқув юртларида ўқувчиларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш ишига ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан атрофлича тайёрлаш бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан ҳисобланади. Бу борида Муқимий номидаги Қўқон давлат педгогика институтида, хусусан, педагогика ва бошланғич таълим ҳамда тарбиявий ишлар методикаси факультетларида эътиборга молик ишлар амалга ошириб келинмоқда. Қуйида улардан айримларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

Бўлажак ўқитувчиларни ўқувчиларда умуминсоний қадриятларни тарбиялашга тайёрлаш, аввало уларни тегишли назарий билим ва тушунчалар билан қуроллантиришни тақозо этади. Шу боисдан ҳам 1991-92 ўқув йилидан эътиборан ҳар иккала факультетнинг III-IV курсларида педагогика бўйича “Умуминсоний қадриятлар ва шахс камолоти” махсус курси (20-28 соат ҳажмида) киритилди. Бу курсда “Умуминсоний қадриятларнинг жамият ҳаётида тутган ўрни”, “Миллий ва диний қадриятларнинг умуминсоний характери”, “Ўқувчи ёшларда умуминсоний қадриятларни тарбиялашнинг руҳий педагогик омиллари”, “Умуминсоний қадриятлар тарбиясини амалга оширишнинг услуб ва воситалари”, “Умуминсоний қадриятлар тарбиясини амалга оширишнинг шакллари” каби мавзулар баён этилади.

Бўлажак ўқитувчиларни келгусида ўқувчиларни умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда уларни мазкур муаммога қаратилган аудиториядан ташқари ишларга жалб этиш жуда муҳимдир. Бундай тадбирлар орқали амалий кўникмалар шаклланади ва тарбияланади. Юқоридаги факультетларда бу масалага ҳам алоҳида аҳамият бериб келинмоқда. Биргина 1992-93 ўқув йили давомида ҳар иккала факультетда “Умуминсоний қадриятларимизни тиклаймиз” мавзусида кўрик танлов ўтказилди. Бунда “Ўйла, изла, топ”, “Балли, қизлар!”, “Алла айтиш” кабилар ўтказилди.

Умуминсоний қадриятлар тизимида инсонларга, айниқса ногирон болаларга ғамхўрлик қилиш алоҳида ўрин тутади.

Олий ўқув юртларининг юқоридаги факультетлари талабаларида бундай фазилатни тарбиялаш мақсадида 1992-93 ўқув йилининг бошидан Қўқон шаҳрида истиқомат қилувчи ногирон болаларни аниқлашга талабалар сафарбар этилди. Натижада ана шундай болалардан бир юз ўн бир ногирон бола ҳисобга олинди. Сўнгра талабалар уларга бириктирилди. Улар ҳафта-нинг маълум кунларида ногирон болаларнинг уйларига бориб, улар билан таълимий-тарбиявий машғулотлар ўтказиб келишмоқда. Энг муҳими, талабаларнинг ташаббуси билан хайрия жамғармаси ташкил этилган бўлиб, тўпланган маблағлар ҳисобидан ногирон болаларга ҳамда шаҳардаги 2-сон болалар уйи тарбияланувчиларига турли ўйинчоқлар, ўқув қуроллари совға қилиниб, уларга маънавий қувват бахшида этилмоқда.

Юқоридагилардан ташқари, бўлажак ўқитувчиларни умуминсоний қадриятлар тарбиячилари қилиб тайёрлашда умуминсоний қадриятлар тарбиясига доир суҳбат, мунозара, матбуот материалларига тақриз ёзиш, реферат, курс ишлари тайёрлаш, адабий-муסיқий кечалар (тил, наврўз байрамлари кабилар) ўтказиш ҳам яхши самара бермоқда.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак ўқитувчиларни ўқувчиларда умуминсоний қадриятларга тўғри муносабат ва ҳурматни тарбиялаш мустақил Ўзбекистонимизнинг мустақамланишига ижобий таъсир кўрсатади.

**Р.Мўйдинов,**

Қўқон ДПИ,

**К.Б.Мамедов,**

ТДПУ

### **ЎҚУВЧИЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА АҲМАД ЯССАВИЙ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Аҳмад Яссавий “Девони ҳикмат” асарида ўзининг тарбия хусусидаги фикрларини баён қилган. Масалан, нафс балосига катта эътибор билан қараган. У дунёда нафсга тенг келадиган золим йўқ, нафс барча ёмонликларни келтириб чиқарадиган салбий иллатдир деб қарайди. Манманликни келтириб чиқарадиган нафс балосини енгиш учун оллоҳ йўлига кириш кераклигини айтади:

Эй беҳабар, ҳаққа кўнгул югуртмадинг,  
Дунё ҳаром, андин кўнгул совитмадинг.

Нафсдин кечиб, оллоҳ сари тўлғонмадинг,  
Бу нафс учун зор-у ҳайрон бўлдим мано.

Унинг айтишича, инсон ҳаёти қанчалик ўткинчи, кулфат ва машаққатларга тўла бўлишидан қатъий назар, у доимо умид кўзи билан, энг яхши орзу ва истаклар билан келажакка интилишини, ҳар бир инсон ўз виждонини пок сақлаш билан ҳақиқатни топажагини таъкидлайди:

Ҳақиқатнинг дарёсидан кечган киши,  
Ўзи мунглуғ, кўнгли синуқ, кўзда ёши.  
Хорлик, зорлик, машаққатдур доим иши,  
Дийдорини талаб қилиб топар, дўстлар.

Яхшилик тушунчаси Яссавий ҳикматларида асосий ўринни эгаллайди: яхшилик қилиш, ўзгалар меҳнати ҳисобига яшамаслик, ўзининг меҳнати ҳисобига ҳалол, пок яшаш зарурлигини таъкидлайди:

Роҳат ташлаб, жон меҳнати хушлаганлар,  
Саҳарларда жонин қийнаб ишлаганлар.  
Ҳойи ҳавас моуманни ташлаганлар,  
Чин ошиқдир, ҳаргиз они ёлғони йўқ.

Аҳмад Яссавий ёмон одатлардан бири манманликдир деб кўрсатган:

Банда бўлсанг, манманликни зинҳор ташла,  
Саҳарларда жонинг қийнаб тинмай ишла,  
Йўлдан озган гумроҳларни йўлга бошла,  
Бир назарда дилларини сафо қилдим.

Шунингдек, у мол-дунё тўплаш учун ҳирс қўйиш, ўзгаларнинг ҳақидан кўрқмаслик хусусида ҳам тўхталиб, шундай дейди:

Дунё мени мулкум деган султонларга,  
Олам молин сонсиз йиғиб олгонларга,  
Айш-у ишрат бирла машғул бўлгонларга,  
Ўлим келса, бири вафо қилмас эмиш.

Бундан ҳеч ким дунёга устун бўлмаслигини, мол-дунё йиққанлар уни ўзлари билан олиб кета олмасликларини, айш-у ишратнинг умри қисқалигини, хуллас, буларнинг ҳаммасига ўлим туфайли барҳам берилишини хулоса қилиш мумкин. Аҳмад Яссавий ўзининг гоёларида эътиқод, имон, раҳм-шафқат, ночорларга ғамхўрлик қилиш каби юксак инсонпарварлик фикрларини илгари сурди. У ўзининг асарларида айниқса адолат, қаноат, диёнат каби масалаларга ҳам алоҳида эътибор берган.

Аҳмад Яссавий “Ҳикмат”, “Муножотнома”, “Ҳақиқати меъ-рож” ва шу каби асарлар муаллифидир. Унинг “Ҳикмат” асари асосан уч бўлимдан иборат бўлиб, қуйидаги ҳикматлар бизга мерос бўлиб қолгандир: 1) инсонларга диний қонун-қондалар асосида маънавий озиқа бериш; 2) кишиларда поклик, тўғрилиқ ғоялари асосида келажакка ишонч ҳис-туйғуларини тарбиялаш; 3) кишиларнинг дунёқарашини таркиб топтириш ва шакллантириш.

Аҳмад Яссавий таълимотича, инсон фаолияти ва ҳаётининг барча босқичлари “шариат”, “тариқат”, “маънавият”, “ҳақиқат”-дан иборатдир. Бундай тасаввуфна гоя унинг ҳикматларида ўз ифодасини топган.

С.Набиева,  
доцент, Қўқон ДПИ,  
Қ.Б.Қодиров,  
ТермизДУ

### ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ – НУТҚ ЎСТИРИШ МАНБАИ

Жонажон Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги, барча соҳаларда бўлгани каби, таълим тизимида, маънавиятда ҳам муҳим ўзгаришларга сабаб бўлди. Чунки мустақиллик туфайли маънавий бойлигимиз, қадриятларимизни, тарихимизни чуқур ўрганиш, уларни иқтисодий-ижтимоий ва маънавий ҳаётимизда қўллаш имконига эга бўлдик.

Республикаimiz Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Бизнинг маънавиятимиз асрлар давомида миллион-миллион кишилар тақдири билан шаклланган” (И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли, Тошкент, 1993).

Халқ педагогикаси узоқ асрлар давомида шаклланган кўп қиррали маънавий бойлик бўлиб, ижтимоий-маънавий ҳаётнинг барча томонларини қамраб олган. Ўзбек халқи педагогик қарашларида халқимизнинг таълим-тарбия, ахлоқ-одоб, илим-фан ҳақидаги асрлар давомида тўплаган бой тажрибалари, ахлоқий хулосалар ифода этилган бўлиб, улар “Халқ оғзаки ижодига кирувчи турли жанрлардаги асарлар...”да етиб келган (Комилжон Ҳошимов, Сафо Очил. Ўзбек педагогикаси антологияси, Тошкент, 1995, 11- бет).

Маълумки, халқ педагогикасининг барча қирраларида комил инсон тарбияси асосий ғоя бўлиб ҳисобланади, инсон камолоти учун зарур бўлган таълим-тарбия, ахлоқ, одоб, иймон-этиқод, инсоний қадриятлар кенг қамровда талқин этилади. Шу билан бирга, у инсоний фазилат ҳисобланган нутқий одоб, яхши сўзлаш, яхши сўз айта олиш, табарруқ сўзларнинг таъсир кучи ҳақидаги бой манба ҳисобланади. Масалан, дунё маданиятининг улкан бойлиги ҳисобланган “Қуръон”да ҳар бир фикрни ўйлаб, тушуниб айтган, кейин унга риоя қилганлар оллоҳ ҳидоят этган кишилардир, деб таъкидланади, ҳар бир инсон ширин сўз бўлиши даркорлиги айтилади.

“Кишиларга чиройли сўзлангиз”, -дейиш билан кишиларни сўзлаш одоби, сўзлаганда овознинг паст, мулойим бўлиши, очик юз билан сўзлаш каби муомала одоблари баён қилинади (Бақара сураси, 53- бет).

Халқ педагогикаси дурдоналаридан бўлган оғзаки ижод турлари: дoston, эртак, ривоят, афсона, топишмоқ, тез айтиш, чорлашма, болалар ўйинлари, мақол, алла, овутмачоқ, санама, чекланма кабилар, маиший ҳаёт, одоб-ахлоққа доир йўл-йўриқлар билан биргаликда, нутқ ўстиришда ҳам асосий омил бўлиб ҳисобланади. Шу сабабдан боғча ёшидаги болалар нутқини ўстиришда халқ оғзаки ижоди намуналаридан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир, чунки нутқий баркамоллик, ширинсуханлик инсон фазилати бўлиб, маънавий меросимиз бўлган ўзбекона муомала маданияти ҳисобланади. Халқ ўз бадий оғзаки ижоди орқали болаларни гўдакликдан нутққа ўргатади, сўз, нутқнинг сеҳрини англашга, ширинсуханликка одатлантиради. Масалан, қадимий меъросимиз бўлган “Алла” орқали илк бор болага ширин сўз, майин нутқни тинглаш ўргатилади. Алла ҳар бир онанинг ички кечинмаси, сўз танлаш қобилияти асосида пайдо бўладиган оғзаки нутқ ижодидир. Шу сабабли унинг матни хилма-хил бўлса ҳам, ҳар бир алла болаларда яхши кайфият, хушчақчақлик, мулоқотга интилиш, нутқни тушуниш истагини яратади. Масалан:

Алла айтай, жоним болам, ором олгин, алла,  
Ширин аллам тинглаб аста, ухлаб қолгин, алла.  
Алла айтиб ухлатайин, алла, қўзим, алла.  
Гуноҳи йўқ норасидам, алла, болам, алла.

Санама, чорлашма, айтишув, чекланмачоқ каби халқ оғзаки ижоди намуналари ҳам болалар нутқини ўстиришда муҳим аҳамиятга эгадир, чунки халқ оғзаки ижодининг бу намуналари болаларнинг тез ўрганиши ва ёд олиши учун мос бўлиб, уларда

қизиқиш уйғотади. Санама, чорлашма, чеклама ва айтишда матн қисқа, сўзларнинг санаш оҳанг-ига мос, қофияли бўлиши уни ўрганишни осонлаштиради. Санама икки ва ундан ортиқ кишилар учун мўлжалланган нутқ бўлиб, уни айтганда сўзларни аниқ, хатосиз талаффуз қилиш лозим, агар хато айтилса, бошқатдан айтиш зарур.

Шуниингдек, санама, чекланма, айтишувда диалогик нутқдан фойдаланилади, аммо саволга жавобни сўзловчининг ўзи айтади. Жанрнинг бу хил хусусияти, боғча ёшидаги болалар нутқини ўстириш, нутқий муомалани ўрганишга ёрдам бериш билан бирга, жозибали, образли сўзлаш, бадий нутқни эгаллашига ҳам имкон яратади, ақлий фикрлашга ўргатади.

**Х.Г.Шарофитдинова,**  
ТермизДУ,  
**Б.С.Худоёров,**  
талаба

### **ЎҚУВЧИЛАРДА ИЖОДИЙ ТАФАККУРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

Мустақил Ўзбекистонимиз келажаги бўлган ўқувчи ёшларнинг тафаккурини ривожлантириш муаммоси психолог ва педагоглар учун энг муҳим ва мураккаб масала ҳисобланади. Мазкур соҳа мутахассисларининг фикрига кўра, бу масалани ҳал қилишнинг асосий йўли таълимни тўғри - рационал ташкил қилиш, таълим жараёнида ўқувчиларни ижодий фикрлашга ундовчи муаммоли вазиятлардан фойдаланишдан иборатдир.

Бизнинг назаримизда буларга кўшимча сифатида тафаккурни ривожлантиришга қаратилган, махсус ташкил қилинадиган ўйин-тренинг машғулотларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бундай тренинг машғулотлари ҳар бир ўқув ишини бажаришда, яъни материални ўзлаштиришда ва тушунишда, уни эсда олиб қолишда, назарий ва амалий масалаларни ҳал қилишда, ўз фикрини баён қилишда қийинчилик сезадиган ўқувчи учун фойдали ҳисобланади.

Анъанавий таълим методларида янги мавзунини тушуниш ва англашда асосан ўқитувчи кўмак беради. Замонавий ўйин-тренинг машғулотларининг фарқи шундан иборатки, бунда янги мавзунини тушуниш ва ўзлаштириш учун ҳар бир ўқувчи ижодий фикр юритиши лозим. Бунда ўқувчиларга мавзу ва муаммони беришда уларнинг ёши ва ақлий имкониятлари инобатга олин-

моғи керак. Маълумки, ҳар бир одамнинг чуқур ижод қилиши учун ички имконият мавжуд. Масалан, болалар табиий равишда қизиқувчан ва ижодийдирлар. Улар ҳамма нарсани ўзлари учун кашф этадилар, тажриба қиладилар. Бола қумдан уй ясайди, ўйинчоқларни танлайди, унинг учун ҳар қандай ишнинг тўғри ёки нотўғрилиги йўқ, у ўзича ишлайди ва қилган ишларидан завқланади. Айнан шу жараёнда тажриба ўрганади ва ўзини тутишда ички озодликни ҳис қилади.

Ижод бу қандайдир маҳсулотни яратиш мумкин бўлган жараёндир. Ижоднинг маҳсулоти шеър, расм, мусиқавий асар ва ҳаттоки рақс бўлиши ҳам мумкин. Гуманистик психология намояндаларидан А.Маслоу фикрича, бола қилаётган ишни мунтазам равишда танқид қилиш ва фаолиятини чегаралаш (ота-она, ака-ука, ўқитувчилар, ўртоқлар томонидан) унинг ижодийлигини жуда эрта сўндиради.

**Х.А.Абдукаримов,**  
доцент, Гулистон ДПИ,

**Г.Заримбетова,**  
Нукус ДПИ

## **ҚОРАҚАЛПОҚ ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИДА ЁШЛАРИНИНГ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯСИ МАСАЛАСИ**

Халқ педагогикаси турмушдаги ҳар бир нарсага уқувли, учраган қийинчиликларни бардошлик билан енгиб чиқадиган бақувват ёшларни тарбиялашга катта аҳамият беради. Бунда дастлаб боланинг сиҳат-саломат ўсиши, унда турмушда зарур бўладиган ҳаракатчанлик, чаққонлик, зийраклик, ўзини тута билиш каби жисмоний сифатларни шакллантириш ва меҳнатсевар, эл-юртни душмандан ҳимоя қилишга қодир ботирларга хос кўникмалар пайдо қилиш назарда тутилади.

Қорақалпоқ халқ эртақларида ёшларни ботирлик, жасурлик, ватанни ҳимоя қилиш руҳида ва танани жисмоний томондан чиниқтириб тарбиялаш масалалари учрайди.

Ёшларнинг жисмоний тарбияси ҳақидаги эртақларнинг мазмуни, ғояси, йўналиши, воқеа-ҳодисалари, образлари ҳақида чуқурроқ тушунча бериш учун уларнинг сюжет хилма-хилликларига диққат қилинса, қизиқарли манзаралар кўз олдимизда намоён бўлади. “Абат Ботир” эртагида, масалан, бир кунда шаҳар қура оладиган, бир шаҳарни иккинчи ерга кўчирадиган ботирлар ёки қари бўлса ҳам, бели букулмаган, кексалик-

ка қарамай, соғлиги мустақкам бўлган одамлар намуна қилиб кўрсатилади. Халқ педагогикасида одамдаги руҳий ва жисмоний бақувватлик ўзаро боғлиқ деб қаралади. Инсон кучли бўлгани билан кўрқоқ бўлса, унда кучнинг ҳеч қанақа фойдаси йўқ, одамда кучига мос келадиган юрак, ботирлик бўлиши зарур деб таъкидланади. Халқ педагогикаси жисмоний тарбия ёшларда юқори ахлоқ ҳамда ирода кучини тарбиялаш билан боғлиқ деб тушунтиради. Одамдаги куч мустақкам ирода, ўзини тута билиш, одоблилик сифатлари билан қўшилиб шаклланиши шартдир. Халқимиз ёшларнинг жисмоний тарбиясидан турмушдаги адолатсизлик, тенгсизлик ишларига қарши курашда кенг фойдаланиб келади.

Шундай қилиб, қорақалпоқ халқ эртаклари ёшларнинг жисмоний тарбиаси масаласида оқилона йўл кўрсатади. Бу тарбия ёшларни фазилатларга бой, чаққон, ақлли, одамгарчилиги устун бўлишга, дунё гўзаллигидан доимо куч олиб туришга даъват этади.

Ў.А.Алеутов, Қ.Шомуратов,  
Нукус ДПИ

## ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДА МЕҲНАТ ТАРБИЯСИ

Бошқа халқлар сингари қорақалпоқ халқи ҳам меҳнат ва меҳнатсеварлик ҳақида ўзининг пурҳикмат анъаналарига эгадир. Инсон ўз меҳнати билангина фаровон турмушга эришади, мақсад-муродига етади, армонлари ушалади. Халқда гўдак ҳам ўзи “меҳнат қилиб”, оғзига солинган луқмани чайнаб есин деган фикр мавжуд. Луқмани чайнаб ейишга эришган гўдакка онасининг қўшимча чайнаб бериши энди кераксиздир. Тарбияда болаларнинг озиқни ўзи чайнаб ея олиш даврини белгилаб, ундан сўнг шу чайнаб бериш усули тўхтатилади, шу асосда “Тиши чиққан болага чайнаб берган ош бўлмас” деган мақол юзага келган. Бунда масаланинг икки томонига диққат қаратилган. Биринчидан, овқатни боланинг ўзи чайнаб еса, мазаси бутунлай ўзгача бўлади. Иккинчидан, озиқни ўзи чайнаб ейиши болани маълум даражада меҳнат қилишини талаб этади.

Пишиб етилган ҳосилни қушлардан кўриқлаш, қўй-қўзиларга ўт юлиб ташлаш, ўтин чопилса, уни тахлаб туриш, арранинг бир томонини тортиб, сигир соғишда бузоқни четга олиб боғлаш болалар учун ўзига хос меҳнат тарбиясидир. Бундай ишлар уларни бездирса, ўйнаб келишга рухсат қилинган. Халқимиз болаларнинг меҳнат тарбиасини шакллантиришда уларнинг ёши-



га, психологиясига, қизиқишларига монанд турли ўйинларни ҳам ўйлаб топган.

Ўйин болалар танасини чиниқтириб, ақлини ошириш билан бирга, уларда меҳнат кўникмасини ҳам ҳосил қилади. “Гайингайин”, “Кўйлагимни ювиб бер”, “Кўғирчоқ” ва бошқа кўпгина ўйинлар болаларнинг меҳнатсеварлигини ошириш хусусиятларига эга. Бола маълум бир ёшга етганда ўйиндан фаол меҳнат қилишга ўтади.

Болалар бир қатор ишларни кўпинча ўсмирлар билан ба- жарганлар, яъни катталар ишини доим кузатиб борганлар ёхуд иштирокчи бўлганлар. Катталар эса уларга иш топширса, чала қилиб қўймасин деб назорат қилиб боришни ёддан чиқармаганлар. Шунинг учун ҳам доно халқимизнинг “Бола - боланинг иши чала”, “Ёш болага иш буюр, изидан ўзинг югур” каби мақолла- рида болаларда меҳнат тажрибасининг етарли бўлмаслиги, уларни доимо назорат қилиб туриш лозимлигига ишора қилин- ган. Шу сабабли кўп вақтларда ёши катталар уларни узлуксиз кузатиб, йўл-йўриқ ва топшириқлар бериб боришади, “Товуққа дон сочдингми?”, “Бузоқни кўчириб боғладингми?”, “Сувнинг жўмрагини ёпиб қўй”, “Кўшнимизни айтиб чиқ” ва ҳ. Агар иш чала қилинса, уни қайта бажаришга ёки чала қилмасликка чақи- рилган. Баъзан эса уни бажариб кўрсатилган.

Оналар бўлса ҳар хил кашта тикиш, ип йигириш, бичиш- тикиш ишларини қизларига кўрсатиб, уни такрор бажаришни талаб қилганлар. Айрим зеҳдли қизларнинг ўзлари ҳам бу хил ишларга ёшлигидан берилувчан бўлишади. Ошхона ишлари: овқат пишириш, унинг тузини кўриш, гўштнинг пишган- пишмаганлигини текшириш, картошка, сабзи тўғраш кабилар она ва қиз томонидан биргаликда бажарилган. Тарбияни шу хил элементар ишлардан бошлаш орқали ота-оналар ўғил-қизларига меҳнат қилиш учун зарур кўникмаларни тажрибадан тўплаган ўз билимлари асосида сингдирадидлар. Халқ педагогикаси меҳнат кишисига алоҳида ҳурмат кўсатишни талаб қилади. Ёшларга овулдошлари иш қилаётгани устидан чиқиб қолса, анъанага айланиб қолган “Ҳорманг!” дея меҳнат кишисини улуғловчи сўзни айтиши уқтирилган. Ишнинг турига қараб, лой иши бўлса, озгина кўмаклашиш, ўроқ иши бўлса, 5-6 даста ўриб бериш каби “деҳқон қаъдаси”ни бажариб, маънавий қувват бериб ўтиш одамгарчиликнинг белгиси деб тушунтирилган. Агар энди бошланаётган ишнинг устидан чиқилса, “Ишлар ўнг бўлсин”, “Ишингизга барака” деб айтилган ва болаларга ҳам шундай қилиш кераклиги уқтирилган. Шундай қилиб, меҳнат инсоннинг кундалик эҳтиёжига айланиши лозимлигини, фақат меҳнатгина уни чин бахтга эриштиришини тушунтириш халқ педагогикаси- нинг асосий вазифаси бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади.

Қ.Қ.Қошанов,  
профессор, Нукус ДПИ,  
Ў.А.Алеуов,  
профессор, Нукус ДПИ

## ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДА БОЛАЛАРНИНГ ЁШ ХУСУСИЯТИГА КЎРА ТАРБИЯЛАШ ВАЗИФАЛАРИ

Халқ педагогикаси ёшларга таълим-тарбия беришнинг самарали бўлишини назарда тутаяди, бунинг асосий йўлларида бири уларнинг ёшини даврларга бўлиш ва шу ёшига мос келадиган тарбиявий таъсир кўрсатишдир. Шу сабабли халқ педагогикаси болаларнинг ёши, хулқ-атвори ва ақл-тушунча хусусиятларини бир неча даврларга ажратади: 1) янги туғилган чақалоқ, 2) қирқидан (чилладан) чиқмаган гўдак, 3) бир ойлик чақалоқ, 4) йўрғакдаги чақалоқ, яъни қўноқдаги бола, 5) бешикдаги бола, 6) эмизувлик чақалоқ деб боланинг гўдаклик чоғи бир неча ёш хусусиятларига ажратилади.

Халқ тарбиявий анъаналарида уч, беш, етти, ўн, ўн икки, ўн тўрт ёшга тўлган болаларнинг ҳам ўзига хос ёш хусусиятлари кўрсатиб ўтилади. Баъзан ушбу сонларда мажик хоссалар бор деб ҳам тушунганлар. Булар “Бола беш ёшидан белгили”, “Бола еттига чиққунча ердан таёқ ейди” ва ҳ. Айниқса ўн ёшдаги болалар ҳақида: 1) ўйин боласи, 2) ҳали оғзининг сариғи кетмаган бола, 3) ҳали бурнини арта олмай юрган бола, 4) ошиқ ўйнаб юрган бола, 5) тўп ўйнаб юрган бола ва бошқа номлашлар орқали бу ёш ўйин билан чамбарчас боғлаб кўрсатилади. Ёшларнинг вояга етган даврини аниқлаш ҳам халқ педагогикасида диққат-эътиборда бўлган. Тарихий манбаларни, урф-одат ва анъаналарни талқин қилиш жараёнида биз халқ педагогикасида ёшларнинг вояга етганлик вақти уларнинг мустақил ҳаёт кечириши учун меҳнат қилишга қобилиятли бўлган пайти билан аниқланилганлигини пайқаймиз.

Турк хоқонлиги даврида (VI-VIII асрлар) болаларнинг вояга етган даври ўн икки ёш деб белгиланганлиги маълум (Ў.Алеуов. Ертедеги турк жазулариндаги телім-тәрбиялык қозқараслар. Нукус, “Қарақалпақистан”, 1989, 62- бет). Бу ўша даврдаги катта одамларга қўйиладиган ҳаётий меҳнат шаклининг оғир-енгиллигига боғлиқ равишда юзага келган эди. У пайтда туркларнинг кўпчилиги, айниқса, Ғарб хоқонлиги қорвачилик билан машғул эди. Бу меҳнат шаклини ўн икки ёшга тўлган одамлар тўла ижро

эта олганлар. Шунинг учун ушбу ёшни камолга етган давр деб белгилаганлар.

Ўрта асрлар даврининг охирида (XIV-XV асрлар) ўтроқлашув кучайгандан сўнг йирик қурилишлар, деҳқончилик ривожланиши натижасида меҳнат шакли оғирлаша бошлади. Ўн икки ёшли болалар меҳнатнинг бундай оғир турига жисмоний томондан мос келмай қолди. Натижада уларнинг вояга етган даври ўша пайтда пайдо бўлган дostonларда (“Маст подшоҳ”, “Зайнаб олтингул”, “Жаҳонча”, “Ёдига” ва ҳ.) ҳамда бошқа фольклор жанрларида ҳам ўн тўрт-ўн беш ёш деб кўрсатилди.

XX асрга келиб фан ва техниканинг ривожланишига боғлиқ равишда меҳнат турларининг мураккаблашуви ҳаётий тажрибаси, меҳнат кўникмаси такомиллашган, жисмоний томондан бақувват одамларни талаб эта бошлади. Шу боисдан халқ педагогикасида ёшларнинг вояга етганлик даври 16-18 ёш деб белгиланди. Халқ педагогикасида болаларни ёш даврларига бўлиш анъаналарининг ва уларга ёшига мос тарбиявий таъсир кўрсатиш тажрибаларининг кўпгина томонлари бола шахсининг ривожланиши ва камолоти билан боғланади. Ўқувчи шахсининг ривожланиш даврлари кичик мактаб ёши, ўрта мактаб ёши, катта мактаб ёши деб кўрсатилиб, ана шу ёш хусусиятларини тўғри талқин қилиш масалаларига катта аҳамият берилади.

Г.Шилманова, Ў.А.Алеуов,  
Қорақалпоқ ДУ

## ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ ВА АЖИНИЁЗНИНГ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯВИЙ ҚАРАШЛАРИ

Халқ педагогикаси Қорақалпоқ халқининг улуғ мутафаккири, маърифатпарвар шоири Ажиниёз Қусибой ўғлининг (1824-1884) таълим-тарбиявий қарашларига асос бўлди. Чиндан ҳам Ажиниёз ўз педагогик таълимотини халқнинг тарбиявий қарашларидан келиб чиқиб ифодалаган. Инсонларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш орқали жамиятни яхши сифатлар билан бойитишни назарда тутган Ажиниёз халқнинг келажаги бўлган ёшлар тақдирига эътиборни қаратди. Унинг фикрича, ҳар бир ота-она фарзандини “Кўнглимнинг қувончи, жигар бандим” деб улуғлаши керак. “Бўлурми” термасида “Ўғли-қизи бўлиб, яна бой бўлса, ёлгончи дунёда армон бўлурми” деб оила ҳақидаги, фарзандли бўлиш тўғрисидаги ўз ғояларини билдирса, “Ҳар кимса” кўшигида “Ўғил-қизнинг фарқи баробар бўлур” деб иккаласини

ҳам оиладаги тенг фарзанд деб ҳисоблаб, жамиятда хотин-қизлар муаммосининг, айниқса қизлар тарбиясининг тўғри йўлга қўйилишини назарда тутди. Чунки: "Одам ўғли- барчаси одам".

Бола махсус тарбияга муҳтож бўлиб туғилади, фарзанднинг хунарли, ақлли ёки ўқимишли бўлишини тарбия яққоллаштиради, инсонларнинг олган тарбияси ва табиий ривожланиши бир хил бўлмагани каби, уларнинг ақл-идроки, хулқ-атвори ҳам бирдек эмас. Шу фикрни ифодалаш мақсадида шоир: "Барча бирдек бўлган эмас" номли шеърини яратади. Шоир халқнинг тарбиявий анъаналаридан руҳланиб, тарбия жараёнининг инсон тақдирида етакчи вазифани ижро этишини, бола қандай тарбияланса, шундай шаклланишини, шу сабабли болани бошданок ахлоқлиликка ўргатиш зарур дейди. Чунки "Аввалдан ўнганмаган охирида ўнмас". Ёшлик пайтида берилган тарбия катта бўлганда асосий хулқ-атворга айланиб кетади. Натижада жамиятнинг бунақа аъзоси: "насиҳатга кўнгил қўймас"лигини айтади. Шу сабабли Ажиёз "Кўрдим" шеърида ёшларда ёмон хулқ бўлмаслиги чораларини излаб, инсонларнинг бир-бирига тарбиявий таъсир қилиши лозимлигини ҳам ўртага қўяди. Айниқса "Бузатов" достонида одамлардаги "оқ суяк", "қул", "кунг" деган тушунчаларнинг келиб чиқиш сабаблари одамларнинг ирқи, насл-насабига боғлиқ эмас, балки ижтимоий-иқтисодий вазият, эллар орасидаги уруш ва бошқа салбий ҳолатларга боғлиқ деб тушунтиради. Бундан ташқари, "Йўқдир" шеърида отасининг насл-насаби яхши бўлиб, лекин фарзанд тўғри тарбияланмаса, унга вақтида ижобий таъсир кўрсатилмаса, "Ёмон бўлса зурриётинг, чиқмас дунёда ҳеч отинг" деб, бунинг натижаси салбий аҳволга олиб келишини тушунтиради.

Шоир тарбия ишида бола яшаган муҳитнинг таъсирига катта аҳамият беради. Бунинг учун болаларнинг биринчи тарбиявий муҳити оиланинг яхши, тотув, ота-онанинг ўз болаларига намунали бўлиши зарур деб ҳисоблайди. "Йигитлар" шеърида оиладаги ота-оналар ахлоқсиз, бир-бирига ҳурматсиз бўлишса, бундай оилада ўсаётган фарзандларга салбий таъсири кучли эканлигини тушунтиради. "Бахт" шеърида бола қўпол, инсоний фазилатлардан маҳрум, золим одамлар орасида яшаса, унда халқнинг тарбиявий анъаналари талабига мос келадиган ахлоқ-одобни шакллантириш оғирлашувини билдирган. "Элларим бордир", "Керақдин" шеърларида подшоҳларнинг ўз болаларини халққа қарши қўйганлигини, уларни судхўрликка ўргатиб келганлигини ёмон тарбия деб баҳолади.

Шунингдек, Ажиниёз ҳаётда баъзи одамларнинг эзувчи феодаллар ўғитига эриб, ёмон тарбия таъсирида қолишини ҳам

пайқади. Таълим-тарбия кучига ишонган шоир уларни ҳам ўғит-насихат ва хатосини тушунтириш натижасида, яхшиларни ўрнатиб кўрсатиш йўли билан қайта тарбияласа бўлади деб ҳисоблади. Шунинг учун “Элмуродга”, “Ёронлар”, “Хўроз кампирга”, “Ойзодага” шеърларида одамдаги ахлоқий камчиликни ҳазил-мутойиба сифатида юзига айтиб тушунтириш услубидан фойдаланади. Ажиниёз шу каби ва бошқа фикрларини ривожлантириб, умуман, ёмон одамларни қайта тарбиялаш йўли билан жамиятни яхшилашни тавсия қилади.

**Р.Мўйдинов,**  
доцент, Кўкон ДПИ,

**М.М.Мирзаев,**  
тадқиқотчи

### **МУҲАММАД СОДИҚ ҚОШҒАРИЙ АСАР- ЛАРИДА МАЪНАВИЯТ ТАРБИЯСИ**

Муҳаммад Содиқ Қошғарий кўпгина асарлар ёзиб қолдирган. Унинг “Одоб ас-солиҳин” (“Яхши кишилар одоби”), “Зубдат ал-масойил” (“Масалаларнинг қаймоғи”), “Дуррал-музохир” (“Кўмакдошларнинг дурдонаси”) ҳамда “Тазкираи хожагон” (“Хожалар тазкираси”) ва бошқа асарлари бизнинг давримизга етиб келган йирик асарларидир. Айниқса, “Одоб ас-солиҳин” кишилардаги яхши хулқ-одоб қоидалари ва уларни шакллантириш масалаларига бағишланган йирик асардир.

Жумладан:

Беадаб танҳо на худро дошт бад,  
Балки оташ дар ҳама офоқ зад.  
(Адабсиз нафақат ўзи учун ёмонлик қилади,  
балки бутан дунёга ўт кўяди).

Асарда инсоннинг жамиятда баркамол бўлиб етишиши борасида қуйидаги қоидаларни баён этган: 1) саломлашиш ва рухсат сўраш (кундалик турмушда), 2) мулоқот одоби, 3) ухлаш ва йўл юриш одоби, 4) суҳбат аҳлининг ўзини тута билиши, 5) эр-хотиннинг ўзаро бир-бирига бўлган муносабати, 6) инсондаги тозалик ва озодалик, 7) меҳмон кутиш, 8) зиёфат ва овқатланиш ҳақида, 9) сафарга чиқиш тўғрисида.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Қошғарий ўзининг асарида ёшларда маънавиятни тарбиялаш масалалари ҳақида фикрлар юритган. Жумладан: 1) уйга киришда (биронта уйга

киришда) рухсат сўрамасдан кирмаслик, 2) маълум урф-одат қоидаларига риоя қилиш, 3) ҳар бир одам уйга келганда эшик қоқиш ёки йўталиш, 4) саломлашиш қоидалари: а) улуғ киши кичикка салом бериши, б) отлиқ пиёдага салом бериши, в) озчилик кўпчиликка салом бериши, г) эркак ва хотинларнинг саломлашиш қоидалари, д) салом бермаслик ва жавоб қайтармаслик.

Асарнинг энг муҳим қисмларидан бирида кишилар ўртасида суҳбатлашиш баён қилинади, унда суҳбатнинг тоза ва пок бўлиши, суҳбат аҳлининг бир-бирига нисбатан ҳурмат билан қараши, улуғларга нисбатан меҳрибонлик қилиши, барчага яхши муомалада бўлиши, иззат қилиш, дўст ва нотанишга нисбатан очиқ чеҳра билан қараши, ширин сўзли бўлиш, гўзал хулқ ва чиройли одоб билан муомалада бўлиш, ака-ука ва опа-сингилларнинг хатосини кечириш ҳамда улар айбини юзига солмаслик каби одоб қоидалари ҳақида фикр юритилади. Асарда айниқса касал ҳолидан хабар олиш, миллатидан қатъий назар, унинг ёнига очиқ чеҳра билан кириб бориш, бош томонига ўтиб ўтириш, касалнинг ёнида кўп ўтирмаслик, уни чарчатиб қўймаслик зарурлиги тўғрисида ҳам қийматли фикрлар айтилган.

Ундан ташқари, асарда меҳмондорчилик, меҳмон кузатиш, емак-ичмак, кўп емаслик ҳақида ҳам характерли тавсиялар берилган. Сафар қилиш қисмида эса сафарнинг фойдали томонлари ҳақида тўхталган. Яъни сафарга чиқиш олдидан ҳамма нарсаларни тайёрлаб қўйиш, танҳо чиқмаслик, шунингдек сафардан қайтиш тўғрисида характерли тавсиялар берилган.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, Қошғарийнинг “Одоб ас-солиҳин” асарининг бошидан охиригача одоб қоидалари, яъни маънавият ҳақидаги фикрлар жамланган. Бу эса ҳозирги кунда ёшларни маънавият руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эгадир. Асардаги фикр ва тавсиялар ёшларимизнинг маънавий юксак бўлиб камолга етишларида муҳим ҳужжатдир. Ушбу асарда баён қилинган ҳар бир фикр ва тавсиялар, ажойиб насихатлар турмуш одоби учун ҳар томонлама қоидалар йиғиндисидир. Шунинг учун ҳам ушбу асар ёшларни маънавий-маърифий жиҳатдан камол топтиришда фойдаланиш лозим бўлган бебаҳо хазинадир.

Н.Охунов,  
доцент, Қўқон ДПИ,

Б.Ё.Ёриев,  
доцент, ТермизДУ

## ЁШЛАРДА ВАТАНПАРВАРЛИК ҲИССИНИ ТАРБИЯЛАШДА ЖОЙ НОМЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Ёшларни ҳар томонлама камол топтириш, уларни Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялашда жой номларини ўрганишнинг аҳамияти каттадир. Жой номлари (топонимлар) ўтмиш даврлар даракчиси, қадриятларимизнинг бир бўлаги, мамлакатимиз тарихининг ажралмас бир қисмидир. Жой номларида Ватанимиз тарихи, халқимизнинг босиб ўтган йўли, урф-одати, турмуш шароити, хўжалик фаолияти, объектнинг табиий аломатлари маълум даражада ўз аксини топади. Дарҳақиқат, республикаимиз ҳудудидаги жой номлари таркибига назар ташлар эканмиз, уларнинг талай қисми аҳолининг этник таркиби - қайси уруғ, қабила, қавм, тоифага мансублигига алоқадор ҳолда вужудга келганлигининг гувоҳи бўламиз. Турли жойларда учровчи Қипчоқ, Жалойир, Манғит, Дўрмон, Найман, Қўнғирот, Қатоғон, Кенагас, Қовчин, Минглар, Чимбой, Юзлар, Бахрин, Қушчи, Қулама, Калтасой, Ботмонли сингари қишлоқ ва маҳаллалар номи бунга ёрқин мисолдир.

Топонимлар тизимида кишиларнинг касб-ҳунарини ифодаловчи номлар ҳам алоҳида ўринни тутади. Булар сирасига Эгарчи, Ўқчи, Наққошон, Мискарлик, Дегрезлик, Тароқчилик, Чиннигарон, Милтиқсоз, Кўнчилик, Жиякчилик, Бахмалбоп, Бўйрабоп сингари топонимларни киритиш мумкин.

Жойнинг табиий шароити - ўсимликлар дунёси, ҳайвонот олами, ернинг рельеф шакллари ҳам аҳоли масканларининг номланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Республикаимиздаги Жийдали, Бодомзор, Ўрикзор, Гумайли, Мингтут, Пистали, Урикли, Тўптери, Яккатут, Жайранхона, Жарқишлоқ, Чуқуркўча, Қуммаҳалла, Қумқўрғон, Жарқўрғон сингари жой номлари шундай атамалар жумласига киради. Умумтаълим мактабларида ўқиш-ўқитиш жараёнида болаларга бундай жой номлари ҳақида кенг билим бериш уларнинг дунёқарашини ривожлантириб, ватанпараварлик ҳис-туйғуларини ўстиришда, ўлкамизга, кўҳна тарихимизга бўлган меҳр-муҳаббатларини оширишда катта аҳамиятга эга.

Жой номларини бўлажак ўқитувчиларга ўргатишда она тили, Ўзбекистон тарихи, география фанлари бой имкониятларга эгадир. Бу фанлар бўйича у ёки бу мавзуни ўтишда топонимик материаллардан ўринли ва самарали фойдаланиш мумкин.

5- синфда она тили предметидан “Турдош ва атоқли отлар” мавзусини такрорлаш ва мустаҳкамлашда ўқувчилар билан куйидаги савол ва топшириқлар асосида суҳбат ўтказиш яхши самара беради: 1. Республикамиз ҳудудидаги дарёлардан қайсиларининг номларини биласиз? 2. Ўзбекистон маъмурий жиҳатдан неча вилоятга бўлинади? Улар қандай номланади? 3. Қайси қишлоқда (маҳалла ёки кўчада) яшайсиз? Унинг номи қандай пайдо бўлган? 4. Атрофингиздаги қўшни қишлоқ (маҳалла ёки кўча) номини айтинг? 5. Сиз яшаб турган жойда қандай сув объектлари (дарё, сой, булок, ариқ, ҳовузлар) бор? Уларнинг номланиши ҳақида нималарни биласиз?

Юқоридаги саволларга жавоб топиш ўқувчиларнинг фаоллигини оширади, мустақил фикрлаш қобилиятларини ўстиради, уларнинг жонажон ўлкамиз тарихини ўрганишга, уни севишга бўлган қизиқишларини яна-да орттиради.

Мактабларда жой номларини ўрганишга бағишланган турли кечалар, илмий-амалий анжуманлар, суҳбатлар уюштирилиши ҳам муҳим тарбиявий аҳамият касб этади. Бу тадбирларнинг ўтказилиши ўқувчиларда халқимиз тарихига ҳурмат уйғотади, улардаги ватанпарварлик ҳиссини мустаҳкамлайди.

Бундан ташқари, мактаб деворий газетасида “Жой номлари - тилимиз лугат бойлиги”, “Номлар сўзлайди”, “Қишлоғингиз номининг маъносини биласизми?”, “Шаҳарлар номидан баҳс”, “Нега шундай деймиз?”, “Жой номлари - Ватанимиз жамоли”, “Шахслар ва жойлар”, “Жойлар ва номлар”, “Жой номлари - ўтмиш даврлар даракчиси” рукунлари остида ҳар хил мақолалар бериб борилса, айти муддао бўлади. Бу мавзулардаги мақола, хабарлар, табиийки, ўқувчиларнинг бепоён Ватанимиз, ўлкамизга бўлган муҳаббатини кучайтиради, унинг тарихи, маданиятини чуқур билиб олишига яқиндан ёрдам беради.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, она тили, тарих, география, ўлкашунослик тўғараклари машғулотларида ҳам жой номларини ўрганиб бориш ўқувчиларни ватанпарварлик, она юртга садоқат руҳида тарбиялашда катта роль ўйнайди. Унда болалар ўқитувчи ёрдамида маълум ҳудуддаги қишлоқ, маҳалла, кўча, ариқ, сой, кўл, булок, канал, ҳовуз, жилға, тепалик, қир, ўтлоқ, ер, дала ва бошқа объектларнинг номларини тўплайдилар, уларнинг нега шундай аталганлигини аниқлайдилар, маъносини изоҳлай-



дилар. Ўқувчиларнинг бу каби мустақил ишлаши уларнинг билимини кенгайтиради ҳамда ўз Ватанини севишга ундайди.

Хуллас, жой номларини ўрганиш ёшларда ватанпарварлик ҳис-туйғуларини ўстиришга самарали таъсир кўрсатади. Жой номлари ҳақида болаларга шундай тушунча бериш керакки, натижада уларда ном ижодкори бўлмиш халққа чуқур муҳаббат туйғулари тарбиялансин, Ватанни севишга, эъозлашга рағбат яна-да кучайсин.

**Д.А.Исмоилова,**

Кўкон ДПИ,

**Ш.Қосимов,**

АндижонДУ

## **ЎЗБЕК ОИЛАЛАРИДА ҚИЗЛАР ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ**

Истиқлолга эришган Ўзбекистонимиз келажагини ўйлар эканмиз, унинг пойдевори бўлган ёшларни оилада шарқона тарзда, миллий анъаналаримиз руҳида тарбияламоғимиз керак.

Халқда “Ватан остонадан бошланади” деган нақл бор. Бу тарбия масаласига ҳам тааллуқли. Тарбия ҳам, энг аввало, оилада, донолар фикрича, ҳатто она қорнида бошланади.

Қадимдан ота-онанинг зиммасида ўз фарзандларини ҳар томонлама мукамал қилиб тарбиялаш вазифаси турган. Оилада айниқса қиз бола тарбиясига эътиборлироқ бўлишга тўғри келган. Оилада қизлар тарбияси учун энг кераклиси пазандалик, саранжом-саришталик, бичиш-тикишни, меҳмон кутишни ва муомала қилишни билиш. Қизларнинг бу борадаги тарбиясида она намунасида яхшироғи бўлмаса керак.

Ўзбек оилаларида қизларни тарбиялашда қуйидаги масалаларга эътиборни қаратмоқ лозим: 1) қизларга ёшлигиданоқ ўзбек урф-одатларини ва удумларини сингдириб бориш; 2) аввало она, қолаверса, ота қизига ҳар жиҳатдан ўрнак бўлиши лозим; 3) оилада аёллар ўрнини, вазифасини, бурчини, ҳуқуқини тушунтириб бориш; 4) оилада аёллар зиммасидаги юмушларни пухта ўргатиб бориш; 5) қизларнинг саволларига, тушунмаган нарсалари бўйича сўровларига шошилмай, мукамал жавоб бериш; 6) ортиқча эркалатмаслик, ранжитмаслик, айниқса ёмон сўзлар билан ҳақоратламаслик даркор; 7) қариндош-уруғ, маҳалла-қўйдаги обрў-эътиборли оилаларнинг аёлларини, қизларини намуна қилиб кўрсатиб бориш; 8) қиз болага ота-она,

ака-укалар томонидан зулм ўтказмаслик; 9) нотўғри иши ва ҳатти-ҳаракатини тушунтириб, енгил койиш билан бирга, яхши ишларини рағбатлантириб бориш; 10) ёши улғая борган сари қиз болага турмуш, оила, турмуш ўртоғи, унга муносабат, фарзанд парвариши ва тарбияси масаласида босқичма-босқич тушунча бериб бориш; 11) қиз боланинг адабиётга, санъатга, шариатга ҳавасини орттириб бориш; 12) одоб-ахлоқ, шарм-ҳаё, ибто, мулойимлик, юриш-туриш ва кийиниш маданияти, тежам-корлик, сабр-чидам масалаларида тушунча бериш.

Демак, оилада қизларни ҳар томонлама етик қилиб тарбиялаш - анча мураккаб иш. Халқимизнинг энг яхши, ажойиб миллий анъаналари оилада қиз болаларни ҳар томонлама тарбиялашда ҳаёт мактаби бўлиб хизмат қилмоқда, ижобий урф-одатларимиз эса қизлармизга ота-боболаримизнинг до-нишмандлигидан мунтазам сабоқ бериб туради.

**Э.Қ.Қодиров,**  
ТермизДУ,

**Т.Норов,**  
Шеробод райондаги 3- мактаб ўқитувчиси

## **ОИЛАДА СОҒЛОМ МУҲИТ ПСИХОЛОГИЯСИ**

Мустақил Ўзбекистонимизда 1998 йилнинг “оила йили” деб белгиланиши бежиз эмас, чунки оила жамиятнинг бошланғич бўғинидир. У ёш авлодни тарбиялаш ва кишиларнинг шахсий бахтини таъминлашда муҳим ижтимоий вазифани бажарувчи жамоадир. Оила тинч ва фаровон ҳаёт кечириши учун оила аъзолари орасида ахлоқий масъулият ва таъсирчан ўзаро соғлом руҳий муҳит мавжудлиги талаб қилинади. Инсон шахсининг шаклланишида оиладаги соғлом руҳий муҳит бошқа ҳар қандай гуруҳларда бўлган муҳитдан устун туради. Оилавий соғлом руҳий муҳит деганда оила аъзоларининг ҳиссий-руҳий кайфияти, қадриятлари, маънавий манфаатлари билан белгиланадиган шахсий ва амалий ўзаро муносабатлари тушунилади. Кишилар ўз ҳаётининг кўпроқ қисмини оилада ўтказадилар. Оилада оила аъзолари бир-бирлари билан самимий туйғулар ва муносабатлар орқали боғланадилар. Шундай экан, оила аъзолари ўртасидаги самимий соғлом руҳий муносабат оилавий бахт, фаровон ва тотли турмуш яратишда асосий омиллардан бири бўлиб ҳясобланади.

Оила бахти оила аъзоларининг бир-бирига бўлган хайри-хоҳлиги, оғир вазиятларда масъулиятни ҳис қилиш, хотинига (эрига) нисбатан илиқ муносабатда бўла олиш кабилар билан ҳам белгиланади.

Н.Н.Обозов, Г.Б.Шоумаров, Н.Согинов, В.Каримова каби социолог ва психологларнинг олиб борган тадқиқотларида бахтли ва бахтсиз оилалар, уларнинг психологик хусусиятлари атрофлича ўрганилган. Уларнинг таъкидлашича, ўз никоҳларидан қаноатланган эр-хотинлар оилада ўзларига нисбатан ўзаро танқидий муносабатда бўладилар, ўз никоҳларидан қаноат ҳосил қилмаган эр-хотинларда эрига (хотинига) нисбатан танқидийлик ўз-ўзини танқиддан устун туради. Бу фактни шу билан изоҳлаш мумкинки, киши бирон-бир кишини қаттиқ севса, севган кишисига меҳрибон бўлиб, унинг камчиликларига сабр-қаноат қилади ва зарур бўлган тақдирда ёрдам беришга интилади.

Бахтли оиладаги соғлом руҳий муҳит эр-хотин қизиқишларининг умумийлиги билан характерланади. Эр ва хотиндаги иштиёқ, қизиқишнинг бир хил бўлиши мутлақо зарур эмас, энг муҳими уларнинг иккаласи ҳам бу иштиёқ ва қизиқиш билан ҳисоблаша билишларида, унга эътибор бера олишларидадир. Ажойиб рус рассоми И.Н.Кромской таъкидлаганидек, “Инсоннинг бутун борлиги фақат шахсий бахт-саодат билан лиммо-лим бўлиши мумкин эмас, ёки бошқачароқ қилиб айтганда, инсоннинг бахт-саодати, умумий манфаатлари уни қанчалик жиддий ва чуқур қамраб олса ва у мазкур эҳтиёждан ўзига яқин кишидан қанчалик кам қаршиликга дуч келса, шунчалик юқори ва яхши бўлади”. Оиладаги соғлом ахлоқий-руҳий муҳит эр-хотин ва оила аъзоларида ўзига ишонч, қувноқлик, вазминлик, ўзаро ёрдам, соф диллик каби фазилат ва туйғуларни шакллантиришга таъсир кўрсатади. Шу билан бир қаторда, бундай муҳит оила аъзоларининг меҳнат, ўқув ва бошқа фаолиятларини муваффақиятли бажаришларига ёрдам беради.

**В.В.Нараев,**  
профессор, Сиктивкар ДУ,  
**Н.Эркабоева,**  
пфн, Қўқон ДПИ

## **МАКТАБГАЧА ЁШДАГИ БОЛАЛАР МАЪНАВИ- ЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛЛАРИ**

Маълумки, ахлоқий онгнинг энг олий шакли ишонч, эътиқод, ихлос, иймон ҳисобланади. Инсондаги ишонч, эътиқот, ихлос уни ҳатти-ҳаракатга ундовчи, йўналтирувчи асосий кучдир. Шахснинг ахлоқий барқарорлиги ҳам ундаги ишонч, эътиқод, ихлосга боғлиқдир. Шундай экан, мактабгача ёшдан бошлаб болаларда ўз халқининг келажагига ишонч, унинг гояларига эътиқод, ўз халқининг урф-одатлари, анъаналарига ихлос руҳида тарбиялаш ҳозирги даврнинг долзарб вазифаси ҳисобланади. Мактабгача ёшдан бошлаб миллий истиқлол руҳида тарбиялаш, Ватанмизга бўлган юксак эътиқод билан яшашга ўргатиш, ўз халқининг тарихини билишга қизиқтириш, унинг ютуқларидан гурурланиш, уни кўз қорачиғидай сақлашга ўргатиш асосий вазифа ҳисобланади. “Ватаннинг ҳар бир асл фарзанди, - дейди И.А.Каримов “Ўзбекистон келажаги буюк давлат” рисоласида, - ўзини она юртининг ажралмас бўлаги деб ҳис этаяпти ва бундан фахрланаяпти. Истиқлол берган энг катта бойликлардан энг биринчиси ана шу десак, асло янглишмаган бўлардик”.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари олдига қуйидаги вазифаларни қўйиш лозим: 1) болаларга она Ватаннинг тарихи, бугуни, келажаги ҳақида билимлар бериш орқали унга нисбатан ижобий муносабатни, муҳаббатни тарбиялаш; 2) Ўзбекистоннинг мустақиллиги тушунчасини улар онгига сингдириш; 3) мактабгача тарбия муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ўзбек халқининг маданий меросига асосланиб ташкил қилиш орқали ўзбек халқининг анъаналари, урф-одатларига, тилига ҳурмат, унга ихлос руҳида тарбиялаш, болалар хулқ-атворида она юртга муносиб фарзанд бўлиш, ўз эътиқодига содиқлик аломатларини намоён қилиш. Ушбу вазифаларни амалга ошириш тарбиячилар томонидан болаларга ўзи яшаб турган қишлоғи, шаҳар, респуб-ликаси, унинг тарихи ҳақида билимлар бериш, уларни буюк сиймолар билан таништириш, шунингдек теварак-атрофда рўй бераётган ижтимоий воқеа-ҳодисалар ҳақида болалар тушунчасига мос равишда билимлар бериш орқали бўлади. Айниқса, мустақил

Ўзбекистоннинг давлат рамзлари (байроғи, тамғаси, мадҳияси) билан таништириш болаларнинг қалбидан чуқур жой олади. 1 сентябрда Ўзбекистон мустақиллиги куни умумхалқ байрами сифатида нишонланиши муносабати билан мактабгача тарбия муассасасида байрам эрталиги ташкил қилиш болаларда шундай буюк давлатда яшаётганидан гурурланиш ҳиссини уйғотади.

Ўзбекистон табиати, ҳайвонот олами, ўсимликлар дунёси, табиий бойликлари ҳақидаги билимлар эса табиат билан таништириш машғулотлари, сайр, экскурсиялар жараёнида бойиб боради; ўзбек халқининг миллий бойлиги пахтанинг аҳамияти ҳақидаги билимга эга бўлиш орқали болаларда ўз куч-қудратига ишонч, унга эътиқод шаклланади. Мактабгача ёшдаги болалар маънавиятини шакллантиришда таълим-тарбия жараёнини ўзбек халқининг маданий мерослари, санъати, халқ педагогикаси, урф-одатлари, расм-русумларига таянган ҳолда олиб боришнинг, унинг мазмунига миллий тус бериб боришнинг аҳамияти катта.

Болалар боғчаларида ўтказиладиган байрам эрталиклари (ижтимоий-сиёсий, миллий-маънавий, мавсумий) жараёнида дор-бозларнинг иштироки, қизиқчи, аскиячиларнинг ҳангомалари болаларда миллий юмор ҳиссини, зукколик, топқирлик, ҳозир-жавобликни тарбиялайди, ўз халқининг маданияти, тарихидан баҳраманд бўлишдан қониқиш ҳосил қилади.

Шундай қилиб, мактабгача ёшдаги болалар маънавиятини шакллантиришда ўзбек халқининг маданий меросига таяниб иш олиб бориш ва албатта ушбу маънавий қирраларни уларнинг хулқ-атворида ижобий намоён қилишга эришиш лозим.

**Р.А.Қулматов,**  
профессор,

**С.Н.Турсунов,**  
профессор

### **ЕТИК ДИАЛЕКТОЛОГ, ТАНИҚЛИ ПЕДАГОГ**

Доцент С.Р.Раҳимов 1938 йилда Бойсун туманининг Работ қишлоғида ўқитувчи оиласида туғилди. У 1946 йилда Бандихон қишлоғидаги мактабнинг 1- синфига ўқишга борди. Биринчи синфда илк бор қалам ушлашни ўргатган ўқитувчиси талантили шоир Холмуҳаммад Қулниёзовни доимо ҳурмат билан эслади.

1951 йилдан 1953 йилгача Работ қишлоғидаги Ломоносов номидаги мактабда, сўнг Кофрун қишлоғидаги Ушинский номидаги ўрта мактабда таълим олди. Мактабда ўқиб юрган пайтла-

рида тил-адабиёт, тарих фанларига алоҳида ихлос қўйди. Шунинг учун ўрта мактабда Шойимқулов Аллаберди, Оймуродов, Жумақулов, Мамараҳимов каби устозларнинг сабоқларини кунт билан ўрганди. Унинг таълим-тарбиясида меҳрибон отаси ва ўқитувчиси Аҳмедов Раҳимхон алоҳида ўрин тутади.

1956 йилда ўрта мактабни тугатган Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти филология факультетига ўқишга киради. Ўқувчилик ва студентлик даврларидан бошлаб хабар ва мақолалари билан маҳаллий матбуотда фаол қатнашиб турар эди. 1961, 1962 йилларда Ломоносов номидаги 35- мактабда директор, 1962-1964 йилларда Бойсун район халқ маорифи бўлимнинг мактаблар бўйича инспектори бўлиб ишлади. 1964-1966 йилларда Бойсун тумани марказидаги 1- ўрта мактабда илмий бўлим мудир сифатида ишлаб, ўзбек тили ва адабиётидан дарс берди. 1966-1968 йилларда Бойсун район халқ маорифи бўлими қошидаги педагогика кабинетининг мудир бўлиб, шу район мактабларида тил-адабиёт фанининг ўқитилишини яхшилаш юзасидан бир неча марта илмий-услубий анжуманлар, кўриклар ўтказишга бевосита раҳбарлик қилди.

Вилоят марказида уюштирилган кўриклар, олимпиадалар, илмий анжуманларда Бойсун райони мактаблари доимо юқори ўринларни олншга эришди. У 1967 йилда Фарғона шаҳрида ўтказилган республика “Педагогик ўқишлари”да “Она тили дарсларида грамматик ўйинлардан фойдаланиш” мавзусидаги маърузаси билан қатнашиб, Ўзбекистон маъориф вазирлиги ва олий мактаб, маъориф касаба уюшмаси қўмитасининг фахрий ёрлиғини олишга муяссар бўлди. 1968-1970 йилларда Бойсун тумани марказидаги Абдулла Набиев номидаги ўрта мактабда илмий мудирлик қилди. У шу йилларда жамоат ишларида фаол иштирок этгани учун бир қанча фахрий ёрлиқлар ва нишонлар билан мукофотланган.

Мактабда ишлаб туриб, ЎзФА Тилшунослик институтига (собик А.С.Пушкин номидаги илмий тадқиқот институтига) тадқиқотчи сифатида қабул қилинди. Шу сабабли 1970 йилда Ойбек номидаги Термиз давлат педагогика институтининг (ҳозирги Термиз давлат университетининг) ўзбек тили ва адабиёти кафедрасига ўқитувчи сифатида таклиф қилинди. С.Раҳимов педагогик фаолиятини илмий тадқиқот иши билан қўшиб олиб борди. 1972 йилда институт бирлашган маҳаллий касаба уюшмасининг раиси бўлиб ишлади.

1972 йилнинг октябрь ойидан 1974 йилнинг охиригача Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тилшунослик институти аспирантурасида таҳсил олди. Бу даврда таниқли ўзбек тил-

шунослари профессор А.Фуломов, Ф.Абдуллаев, академик Ш. Шабдурахмонов ва таниқли ўзбек диалектолог А.Ишаевлардан мазмунли маърузалар тинглади. 1974 йилда “Сурхондарё ўзбек шевалари лексикаси” мавзuida номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Бу ишга Ўзбекистон Республикаси Фанлари академиясининг ҳақиқий аъзоси, Беруний номидаги давлат мукофотининг лауреати Ш.Шабдурахмонов илмий раҳбарлик қилди.

Диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб келгач Термиз давлат педагогика институти тарих-филология факультети сиртки бўлимида 1975-1982 йилларда декан ўринбосари бўлиб ишлади.

Саидмусо ака сермаҳсул олим, жонкуяр педагог сифатида яхши обрўга эга. 1974 йилда туркологларнинг Олма ота шаҳрида ўтказилган бутуниттифоқ иккинчи симпозиумида қатнашди. 1985 йилда “Ўзбек тили Сурхондарё шевалари”, 1966 йилда “Сурхондарё ўзбек шевалари лугати” номли монографиялари чоп этилди. Бу монографияларга таниқли тилшунослар А.Ишаев, Э.Умаров, Донилова, Б.Умурқулов каби олимлар томонидан “Туркология” журналида (Баку, 1986 йил), “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида тақризлар ёзилиб, юқори баҳо берилган.

Бундан ташқари олимнинг “Ўзбек диалектологиясидан амалий машғулот”, “Ҳозирги ўзбек адабий тилидан контрол ишлар тўплами” методик қўлланмалари муҳим аҳамиятга эгадир. Шунингдек, “Сурхондарё ўзбек шеваларининг ўрганилиши”, “Сурхондарё ўзбек шеваларининг таснифи”, “Номлар мағзи”, “Диалектологик карта тузиш тажрибасидан” каби илмий мақолалари республика миқёсидаги журнал ва илмий тўпламларда чоп этилган. Унинг ҳозиргача 40дан ортиқ илмий мақолалари матбуотда чоп этилган.

1991 йилда Урганч шаҳрида ўтказилган халқаро “Номшунослик” ва 1995 йилда “Зараутсой-95” халқ педагогикаси халқаро симпозиумида мазмунли маърузалар қилган. Ҳозиргача ўзбек тилшунослигида ўрганилмай келаётган Сурхондарё вилояти ҳудудидаги ўзбек шеваларининг фонетик, лексик, грамматик томонларини тадқиқ қилиб, унинг адабий тилга муносабатини асослаб берганлиги билан С.Раҳимов бу соҳанинг йирик мутахассиси ҳисобланади. 1988 йилдан бошлаб ҳозирги кунгача педагогика ва психология факультети қошидаги “Тиллар ва нутқ маданияти” кафедрасига мудирлик қилиб келмоқда. Унинг бевосита раҳбарлиги ва кафедра ташаббуси билан 1990 ва 1993 йилда “Нутқ маданиятининг долзарб муаммолари” мавзуйига

бағишланган I, II республика илмий-амалий анжумани ўтказилди. Кафедра ўқитувчилари томонидан “Нутқ маданияти муаммолари” ва “Бошланғич синф ўқитувчиларини тайёрлашда она тили ўқитишнинг шароитини яхшилаш” мавзуларида илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

1983 йилда “Республика халқ таълими аълочиси” нишони билан мукофотланган, “Университетда хизмат кўрсатган доцент” (1997 йил), “Мураббий педагог” (1998 йил) унвонларига ҳам эга. У ўзининг мазмунли маърузалари билан талабалар ўртасида катта ҳурматга сазавордир. С.Раҳимовнинг мактабда ўқитган шогирдлари орасида халқ хўжалигининг турли соҳаларида самарали меҳнат қилаётган кишилар кўп. Таниқли шоир Усмон Азим, филология фанлари номзодлари, доцентлар Б.Умурқулов, Б.Илёсов, Бойсун тумани ҳокими Т.Ҳамроевлар шулар жумласидандир. У меҳрибон оила бошлиғи, 9 фарзанднинг отаси, фарзандларининг деярли ҳаммаси олий маълумотли.

Биз С.Раҳимовни қутлуғ 60 ёшлари билан қизғин муборақбод этамиз.

**Р.Б.Мустафоқулов,**  
доцент, ТермизДУ

## **ҲАЁТ БИЛАН ҲАМНАФАС**

“Гурўғли” достони турлича аталса-да, у нафақат Ўрта Осиёда, ҳатто Қозоғистон, Озарбайжон, Бессарабия, Молдавия каби давлатларда ҳам кенг тарқалгандир. Бу туркумга кирувчи ва бу ном билан боғлиқ эликка яқин дoston бўлиб, ҳар бири мустақиллик ташкил этади. “Гурўғли” достонини куйламайдиган ё у билан боғлиқ терма ёки дoston тўқимайдиган бахши йўқ ҳисоб. “Гурўғли” достони туркумига кирувчи “Авазхон ва Сайёдхон” достонини воҳадошимиз Жуманазар бахши Улуғов 1993 йили нашрдан чиқарди.

Бу дoston бобо бахшиларимиз репертуарида мавжуд бўлиб, у айтилиб келинган, аммо сўнгги йилларда унутилган. Жуманазар бахши бу дostonни чоп этиб, яна бахшилар репертуарига киритишга йўл очди. Дoston ўтмишда халқимизнинг босқинчи ёвларга қарши, Ватан озодлиги учун курашда мардлик, матонат ва жасорат кўрсатганлигидан ҳикоя қилади. Дoston қизиқарли сюжет асосига қурилган бўлиб, унда ҳикоя қилинишича, Бектош араб Чанбил юртини босиб олиш учун катта аскар тўғлаб келади ва чор тарафдан ўраб олади. Душманга қарши жангда Авазхон ва



унинг дўсти Сайёнхон капта жасорат кўрсатади. Аммо душман хийла ишлатиб, уларни қўлга тушуради.

Гўрўғли жангта отланиб, Бектош арабни мот қилади. Авазхонни дўсти Сайёнхон билан бирга қутқазиб, Бектош ва унинг вазирини адолат йўли билан жазолайди Авазхонга Бектошнинг қизини, Сайёнхонга унинг вазирининг қизини олиб бериб, эл-юртга томоша беради. Гўрўғли Авазхон билан Сайёнхонни жангта жўнатаётиб берган насиҳатларида ҳам унинг кучли ватанпарварлиги, мард, жасур саркардалиги сезилиб туради. Достонда Гўрўғлининг турли соф инсоний фазилатлари кўзга ташланади. У жангта кетар экан, юртни бошқариш учун ҳалол, танти Ғози палвонни ўз ўрнига қолдириб кетади. Унга:

Ҳаммасидан ўзингсан ақли расо,  
Уришмасдан, қилингизлар мурасо, дея насиҳат қилади.

Гўрўғли ғамхўр ва меҳрибон ота қиёфасида ҳам гавдаланади. У фарзандларининг дўстини ҳам фарзанд деб билади, уларнинг банди бўлганини эшитиб куяди. Аммо ҳовлиқмайди, душманга қарши мардонавор отланади. Гўрўғли урушнинг сабабчиси золим шоҳ ва унинг маккор вазири деб билади. Шунинг учун ҳам уларни адолат йўли билан қатл этгач, араб аскарларига рухсат бериб, ўз элига қайтариб юборади. Гўрўғли урушларни кони фалокат деб билади. Уруш билан яхши яшайман деганлар адашади, бу йўл ўз-ўзига ўлим сотиб олиш билан барабар. Гўрўғлининг фикрича, яхши яшаш йўли меҳнатдадур. Бировнинг молига кўз олайтирган киши жазога лойиқ. У ўз адолатли юртида тинч яшаётган халқнинг енгилмаслигига ишонади:

Одам кўрқитолмас ўзбек зотини,  
Душманга бас келар ҳатто хотини,  
Бундай васвасага яна тушманглар,  
Урушларнинг кўрдинг фалокатини.

Хулоса тариқасида келтирилган бу термада замонавий руҳ балқиб турибди. Унда Ватан учун фидойилик халқимизнинг доимий фазилати эканлиги кўрсатилади. Гўрўғли, Авазхон каби ботирлар халқимиз қаҳрамон фарзандларининг рамзий образлари бўлиб, бугунги кунда ҳам улар ҳаётда зарур, меҳнаткурашларда намунаси даркор деб кўрсатилади. Асарда педагогиканинг олий туйғулари ўз ифодасини топган бўлиб, унда ватанпарварлик, жанговарлик, кишилар ва халқлар орасидаги дўстлик, шунингдек тўғри сўзлик, ҳалоллик, камтарлик каби соф инсоний фазилатларга эга бўлиш ғоялари тўлақонли яратилган, образлар, чечанлик билан айтилган афоризмлар орқали таъсир-

чан талқин этилган. Достон тили халқ ибора ва ифода воситаларига бой, содда ва раvon. Унда хилма-хил ғоявий масалалар ўртага ташланган. Бу эса ёш авлодда ватанпарварлик, инсонпарварлик, аждодлари билан фахрланиш, меҳнатсеварлик, қаҳрамонлик, ахлоқлилик, одоблилик, тўғрилиқ каби инсоний фазилатларни ривожлантиради.

**Ш.Ёқубов,**  
фн, ТермизДУ,  
**А.Кенжабоев,**  
пн, ТермизДУ

## КАМПИРТЕПА ТОПОНИМИ

Қадим замонлардан буён Кўхитанг тоғидан турли хил ер ости бойликлари қазиб олинганлиги ҳақида маълумотлар бор. Бу ўз навбатида ушбу жойдаги топонимларнинг номланишида, тоғ ён бағрида жойлашган Хонқон, Шалқон, Тиллакон, Зараут, Зарабоғ, Кампиртепа сингари жой номларида ўз ифодасини топган. Бу номлардан Зараут, Зарабоғ, Тиллакон, Кампиртепа топонимлари бевосита ушбу тоғ худудида қадимда қазиб олинган олтин конлари билан боғлиқки, уларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқотларни тақозо қилади. Ана шундай топонимлардан бири Кампиртепа атамасидир. Бу атаманинг келиб чиқиши ҳам Кўхитанг тоғининг ушбу қишлоқ худудида бир қатор майдонларни қазиб олиш тарихи билан боғланиб кетади.

Топоним таркибида кон, пур, тепа каби сўзлар қатнашган бўлиб, биринчиси эроний тиллардаги кан, камдан сўзидан ҳосил қилинган бўлиб, 'ковламоқ', 'қазимоқ', 'чуқурламоқ' маъноларини англатади. Кан ҳинд тилида ҳам худди шундай маънони билдиради. Ўрта Осиё топонимиясида кўпроқ иккинчи компонент бўлиб келувчи кат-кет, -кед, кент, кан сўзлари уй, шаҳар, қишлоқ маъноларини англатади. Бу сўзлар Кампиртепа топоними таркибида маъданлар қазиб олинган жой маъносида қўлланган. Қадимда маъданлар қазиб олинган жой номларининг аксариятида кам сўзи қўлланади. Кониғут, Қонни Мансур, Конисар топонимларининг биринчи қисми, тузкон, Қарикен, Шалқон атамаларининг иккинчи қисми бўлиб келади. Топоним таркибидаги пур сўзи форс тилидаги 'тўла', 'кўп' маъноларини англатувчи мустақил сўзга тенг келади. У форс тилида қўшма сўзнинг аксарият биринчи қисми сифатида учрайди (Пурнур, пуркор, пурдон). Баъзан иккинчи қисм бўлиб келиш ҳоллари ҳам бор.

Кампиртепа топоними таркибидаги пур ҳинд тилидаги шаҳар, аҳоли яшайдиган манзил маъносига ҳам эга. Агар уни кан сўзи билан қўшсак, кампур (конпур) 'кон шаҳар', 'конли жой', 'кончилар манзили' маъноларини билдиради. Қадим замонлардан Ўрта Осиё ва Ҳиндистон халқлари яқин алоқада бўлиб, бир динга сизинишган (буддизм). Қадимги шаҳарларимизда ҳиндларнинг савдо расталари, карвонсаройлари бор эди. Узоқ тадқиқотлардан кейин академик В.В.Бартольд "Ҳиндлар Бухоро, Балхда будда дини тарқалмасдан олдин яшаган бўлишлари керак", - деб хулоса чиқаради. Зараутсой расмлари ёнида сақланган ёзувлардан бири ҳинд ёзуви эканлиги аниқланди. Ҳинд тадқиқотчиларининг аниқлашича, "Маҳобхарат" китобидаги воқеаларнинг баъзиларни ҳозирги Ўзбекистонга тааллуқли экан. Ҳозирги ўзбек адабий тилига ўзлашиб кетган сандал, товус, чов, чодир, дил сўзларининг ҳиндча эканлигини ҳамма ҳам билавермайди. Навоий асарлари тадқиқотчиси Б.Бафоев: "Шоир асарларида билвосита ўзлаштирилган ҳиндча сўзлар ҳам учрайдики, уларнинг қачон ва нима воситасида эски ўзбек тилига кириб келганлигини аниқ белгилаш қийин", - дейди. Халқлар орасидаги алоқа биринчи навбатда уларнинг тилларида ўз аксини топади. Мамлакатимизнинг гўзал шаҳарларидан бири Бухоро номининг келиб чиқишига ҳинд тилидаги Бихар-вихар-вихара (будда ибодатхонаси) сўзининг асос бўлганлиги топоним олимлар В.А.Никонов, Т.Н.Нафасов, С.Қораев томонидан қайд қилинган. Тарихдан маълумки, ўтмишда Хитой, Афғонистон, Эрон, Шимолий Ҳиндистон ва Ўрта Осиёда яшовчи қавмлар турмуш тақозоси билан бир юртдан иккинчи юртга кўчиб юрганлар. Ҳозирги Сурхондарё тупроғида яшовчи уруғларнинг баъзилари бошқа юртлардан келиб, ўтроқлашиб қолганлиги илмий жиҳатдан исботланганлиги маълум. Буларнинг барчаси вилоятимиз ҳудудидаги баъзи жой номлари таркибида ҳинд тилига оид сўзларнинг учраши мумкинлигини кўрсатади. Шерободдаги Кофирқалъа топоними таркибидаги кофир (кофур) сўзини Исломдан ғайридиндагилар қалъаси деб қатъий айтиш қийин. Унинг ҳиндча 'оқ қалъа', 'оқ рангдаги қўрғон' маъносини англатганлиги эҳтимолдан узоқ эмас. Бойсун туманидаги Капрун қишлоғининг номини изоҳлашда проф.Т.Нафасов унинг 'оқ тепа' маъноси ҳам борлигини қайт этади.

Пур сўзи қадимда ҳиндча 'шаҳар', 'аҳоли яшовчи манзил' маъноларини англатади. Сўз таркибида у > и товуш ўзгариши рўй берган. Кампиртепа қишлоғи коннинг ўзида бўлмасдан,

ундан бир неча ўн км узоқликда жойлашган. Бу ерда турувчи аҳолининг асосий машғулоти тоғ-кон ишлари билан боғлиқ эди. Топоним таркибидаги пир сўзи ўзидан ўзи келиб қолгани йўқ. У узоқ вақтлардан буён сақланиб, кончилар манзилдан дарак бериб турибди.

Пур сўзи ҳиндча ўрин-жой номларини ясовчи сермахсул компонент сифатида кўпинча сўзнинг иккинчи қисми бўлиб келади. “Бобирнома”да Оденapur, Фотихпур, Удайпур, Искандарпур каби ўнлаб шаҳарлар номининг учраши бежиз эмас. Ушбу компонент Маҳобхарат китобидаги хастанapur атамаси таркибида ҳам бор. Конпуртепа (Кампиртепа) топоними узоқ тарих давомида бир қатор ўзгаришларга учраб,  $o > a$ ,  $n > m$ ,  $y > i$  га айланиш ҳодисаси рўй берган ва у маҳаллий халқ тилида Кампиртепа шаклида қўлланиб келмоқда. Самарқанд вилоятининг Дарғом воҳасидаги Контепа истехкоми ва Музробод туманидаги Кампиртепа топонимлари ҳам ушбу топонимга ўхшаш. Бироқ топонимияда ҳар бир ҳодиса алоҳида тадқиқотни талаб қилади.

Хуллас, Кампиртепа кончилар манзили, кончилар шаҳарчаси, кончилар яшайдиган жой маъноларини англатади.

**Б.Боймиров, А.Мусурмонов,**  
педагогика фанлари номзодлари, доцентлар

## **ҚИЙИН ВА ШАРАФЛИ ЙЎЛ**

Тўхта Ҳайдаров 1948 йил 10 мартда Денов туманидаги Ислон Тўраев номидаги жамоа ҳўжалигининг Чўнгош қишлоғида таваллуд топди.

1954 йилда 15- ўрта мактабнинг 1- синфида ўқий бошлади ва 1964 йилда аъло баҳоларга тугатди. Бир йил жамоа ҳўжалигида ишлади.

Ўтган ҳаётини тажриба, узлуксиз мутолаалар, илмга, фанга бўлган иштиёқ уни Термиз шаҳрига етаклади. Термиз давлат педагогика институти педагогика факультетига қабул қилинди. Ҳозирги академик Б.О.Қодиров, профессор Ҳасан Бўриевлар билан бирга ўқиди. Тўхта Ҳайдаров фанларни яхши ўзлаштирди, фан тўгаракларида қатнашарди, учрашувлар, кечалар бўлса қолдирмасди. Бир неча бор студентлар илмий-амалий анжуманларида халқ педагогикаси масалалари бўйича маърузалар қилди.

1968 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг базасида ўтказилган республика олий ўқув юртлири талаблари илмий-назарий анжуманида “Ўзбек халқ педагогикасида тарбия услублари” мавзусида ўқиган мазмунли маърузаси учун совринли ўринни олганлигини қайд этиш мумкин. Шундан сўнг Самарқанд, Қарши, Ангрен шаҳарларида ўтказилган студентларнинг илмий-амалий анжуманларида қатнашиб, фахрли ўринларни эгаллади.

Тўхта Ҳайдаровнинг педагогика назарияси ва тарихи фанига бўлган қизиқишининг шаклланишида Нарзулло Боймуродов, Жума Мерганов, Болтажон Содиков, Жаббор Эсонов, Жаббор Омонтурдиев, Ҳайдаркул Тўраев, Малика Эшназарова ва бошқа устозларининг гамхўрлиги сабаб бўлди.

1969 йили Термиз давлат педагогика институтини имтиёзли диплом билан тугатди, тақсимот комиссиясининг қарорига мувофиқ ўзи таҳсил кўрган илм масканида ишга қолдирилди. У энди педагогика ва педагогика тарихидан талабаларга зўр иштиёқ билан маърузалар ўқий бошлади. 1972 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг умумий педагогика кафедраси аспиранти бўлди.

Академик Б.О.Қодиров раҳбарлигида “Студент ёшларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда илгор халқ традицияларининг педагогик асослари” деган янги изланишни бошлаб берди. Ана шу йилларда илмий ишнинг хулосаси сифатида “Аудиториялардан ташқари вақтларда студентлар ахлоқий тарбиясининг формалари”, “Ижтимоий фойдали меҳнат - студентлар ахлоқий тарбиясининг негизи”, “Студент ёшларни тарбиялашда илгор халқ традицияларининг роли”, “Навоийнинг ахлоқ тарбияси тўғрисидаги қарашлари” каби бир қатор мазмунли мақолаларини илмий тўпламларда ва рисолаларда чоп эттирди. 1975-1977 йилларда табиат факультети деканининг ўринбосари, 1977-1993 йилларда табиат ва педагогика факультети ўқитувчилари касаба уюшмаси кўмитасининг раиси вазифасида ишлади. 1993 йил май ойида Қандил Жўраев номидаги Душанбе давлат педагогика университети мутахассислашган илмий кенгашида “Студент ёшларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда илгор халқ аънаналарининг педагогик асослари” мавзусидаги диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди. Илмий тадқиқот ишига Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, академик Мулло Эрқаев, академик Иброҳим Обидов ва бошқа таниқли олимлар юқори баҳо бердилар. Илмий тадқиқот ишида аудиториядан ташқари тарбиявий ишларни илгор халқ аънаналари воситаларига таянган ҳолда олиб бориш кераклиги, ўзбек халқининг тари-

хи, ўтмиш маданияти билан боғлиқ анъаналардан ўқув-тарбия ишларида фойдаланиш мумкинлиги, аудиториядан ташқари тарбиявий ишларда халқ анъаналаридан фойдаланишда халқ оғзаки ижоди материалларига катта эътибор бериш кераклиги ҳақида қатор илмий тавсиялар берилди.

Ҳозирги кунда Тўхта Ҳайдаров Педагогика ва психология факультети декани моувини бўлгани ҳолда ўттиздан ортиқ илмий-оммабоп мақолаларни эълон қилди. У студентларга фан сирларини ўргатиш билан бирга, жамоат ишларида фаол қатнашиб келаётир.

Биз ажойиб инсон, талабаларнинг меҳрибон устози Тўхта Ҳайдаровни 50 ёшга кирган куни билан самимий қутлаймиз.

**Б.Сидиқов,**  
пфн, ФарғонаДУ

## **ТАСАВВУФ ТАЪЛИМОТИДА ШАХСНИНГ МАЪНАВИЙ ҚИЁФАСИ**

Тасаввуф таълимотида инсонни комиллик даражасига етказиш муҳим ўринни эгаллаган, шахснинг маънавий қиёфасини белгилаб берувчи сифатлар ва фазилатлар асослаб берилган. Унда инсонпарварлик, одамийлик, меҳр-шафқатлилик, саховат, садоқат, муҳаббат каби маънавий-ахлоқий ғоялар мужассамлашган. Тасаввуф таълимоти намояндалари поклик ва гўзалликка, ҳақ ва ҳақиқатни билишга интилганлар.

XI-XVIII асрларда тасаввуф таълимоти асосида ижод этган Юсуф Ҳамадоний, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳмад Яссавий, Сулаймон Боқирғоний, Хожи Али Ромитоний, Хожа Баҳовуддин Нақшбанд сингари табаррук аллома, ва зотлар халқимиз маънавиятининг бойишига катта ҳисса қўшганлар. Тасаввуф таълимотида ижод қилган табаррук зотларнинг маънавий-ахлоқий қарашларини ўрганиш ва улардан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Айниқса олий ўқув юртида бўлажак мутахассис шахсини шакллантириш жараёнида, ижтимоий фанлардан маъруза ва семинар машғулотларида тасаввуф таълимоти намояндаларининг қарашларини ўрганиш аҳамиятли. Ўқув дастури имкониятлари даражасида бадий-назарий таҳлил асосида талабаларга қўшимча манбаларни ўрганишни тавсия этиш мақсадга мувофиқ. Масалан, Аҳмад Яссавий ҳикматларининг ахлоқий, фалсафий, илоҳий илдизлари тўғридан-тўғри Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шарифларга бориб тақалади.

Уларда Муҳаммад алайҳис-салом таълимотларидаги мурувват, саховат, қаноат, ростгўйлик тарғиб қилинади.

Яссавий ҳикматларида панд-насиҳат алоҳида ўрин тутати. Уларнинг барчасида сўфийлик - тасаввуфдаги ҳақиқатни билиш, севиш учун нафс-у дунёдан чекиниш тарғиб этилади. Инсондаги ҳар қандай иллат, қабохат унинг онгида куриб битиши керак, ана шу инсонда баъзи нуқсонлар қайта тикланмайди. Зеро, тасаввуф нафс лаззатларидан воз кечишдир. Нафс очкўзлик, ўғирлик, жаҳолат, худбинликни келтириб чиқаради. Яссавий шариатда орифи биллоҳ бўлишни, тариқатда воқифи асрор бўлишни, ҳақиқатда комил-мукаммал бўлишни, маърифатда дарёи уммон бўлишни талаб қилади.

Шарқ тасаввуф таълимотида Аҳмад Яссавий номи машҳур бўлгани каби, Юсуф Ҳамадоний, Ғаззолий, Нақшбанд, Нажмиддин Кубро тариқатларининг илдиэлари ҳам Туркистон маънавияти сарчашмаларидир. Инсоннинг камолотга эришуви йўлида сўфийликнинг роли ниҳоятда буюк бўлган.

Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратлари XII-XIII аср тасаввуфининг энг ёрқин намояндаларидан бири бўлган. Унинг фикрича, инсон гўзал ахлоқ эгаси бўлиш учун қатор синовларга сабр, матонат билан бардош бериши керак. Кубровия таълимотининг асосий ғояларидан бири - ахлоқий поклик, маънавий юксалиқдир. Нажмиддин Кубронинг ўз халқига бўлган муҳаббати, мардлиги, вафодорлиги, ғамхўрлиги, ваъдасига амал қилиши каби ахлоқий фазилатлари талабаларда миллий гурур, миллий ифтихор ҳис-туйғуларини таркиб топтиришга хизмат қилади. Демак, тасаввуф инсонни бутун ҳаёти давомида ҳалол ва пок бўлишга, қариндош-уруғлар ва яқинларга ёрдам қўлини чўзишга, меҳр-шафқатли ва саховатли бўлишга, илм-фанни эгаллаш ва маърифатга интилишга, ифбатли ва камтарин бўлишга, одамийлик ва софдилликка ундашини талабалар онгига етказиш керак.

Эндиликда Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамловчи ва маънавий-маърифий салоҳиятини ривожлантирувчи, маънавий соғлом, баркамол мутахассисларни тайёрлаб бериш олий таълимнинг асосий вазифасидир. Бунинг учун ўзбек халқининг минг йиллик бой маънавий меросини ўрганиш ва уларга амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

А.К.Низомов,  
пфн, Фаргона ДУ,  
Х.М.Маҳматқулов,  
доцент, ТермизДУ

## ТАЛАБАЛАРДА КАСБ МАҲОРАТИНИ ШАКЛЛАНТИ- РИШДА ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Бўлажак мутахассиснинг профессионал, маънавий-руҳий қиёфасини муносиб тарбиялаш жамиятимиз тараққиётининг истиқболлини белгилаб беради. Халқ педагогикаси манбалари, анъаналари, одатлар, расм-русумлар Шарқ оламида инсонни тарбиялашнинг муҳим воситаси бўлиб келган, мутахассис шахсининг таркиб топишида эса амалий жиҳатдан етакчи ўринни эгаллаган. Тарихнинг шоҳидлик беришича, ота-боболаримиз, юксак маънавият ва маърифат соҳиблари ва намояндалари озодлик, эркинликни қадрлаб, унга интилиб яшаганлар. Улар Ватан ва халқ фаровонлиги учун курашиб, илм-фан, маданият, маърифат равнақини кўзлаб ижод қилганлар, шогирдлар тайёрлаганлар, уларга юксак маънавий-маърифий ғояларни эъозлаш руҳида таълим-тарбия берганлар. Шарқ иқтимоий тарбияшунослигининг буюк вакили Абу Наср ал-Фарғоний касб-хунар ва ахлоқий фазилатлар муайян ҳаракатларни такрорлаш, машқ қилиш йўли билан ҳосил қилинишини кўрсатиб беради. “Касб-хунар фазилати тугма бўлмас экан, халқлар ва шаҳар аҳлларида ахлоқ-одоб, расм-русум, касб-хунар, одат ва иродани ҳосил қилиш учун инсондан зўр куч ва қудрат талаб қилинади”, - деб ёзади аллома. Ҳақиқатда ҳам ғайрат-шижоатли, фидойи инсонлар доимо қадрлаб келинган. Бундай инсонлар эса ўз ҳаётларини, билим ва касбий маҳоратларини ўз Ватани истиқболига, халқи ҳаётини фаровон қилишга бағишлайдилар. Жумладан, Президентимиз И.А.Каримов: “Юқори маълумотли, маданиятли ҳамда профессионал жиҳатдан етик шахсгина иқтисодий ўзгаришларнинг ишончли таянчи бўлиши мумкин. Ушбу ҳақиқатни тушуниш эса халқнинг маънавий ва маданий ҳаётини яхшилаш, таълим-тарбиянинг бутун тизимини янгилаш жараёнининг заминида ётиши даркор”, - дея таъкидлайдилар.

Ҳазрат Алишер Навоий “Фарход ва Ширин” достонида Фарходнинг илм-хунар эгаллаш йўлидаги ҳаракатларини таъриф этар экан, шундай ёзади:

Дунёда қолмади у билмаган илм,  
Билим таҳқиқини касб этмаган илм.



Кўриниб турибдики, Фарҳод илмли бўлиш билангина қиёфаланиб қолмай, илмнинг моҳиятига етишни ўзига касб этган. Унинг мақсади фақат илм ўрганишдангина иборат бўлмасдан, балки илм ўрганишдан буюк мақсадга эришиш йўли сифатида фойдаланиш ҳам. Улуғ шоир ва мутафаккир инсон ўз ҳаётини ўзи учун, бутун жамият учун фойдали бўлган хизматга бағишлаши, касб-ҳунар ўрганиши, маърифатли бўлиши, яхши фазилатларни эгаллаши керак, деб билади. Касб-ҳунарни эгаллашни инсон маънавий камолотига боғлаб, Аҳмад Дониш шундай ёзди: “Қайси илм ва ҳунар кишининг ақлига, руҳига тарбия берар экан, ундай илм ва ҳунар ўз эгасини ҳар доим қўллаб-қувватлайди”.

**Ж.Т.Холмўминов,**  
ҳфд, ТермизДУ

### **ЭКОЛОГИК ЖИНОЯТЛАР УЧУН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК**

Шуни таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда инсоннинг табиатга ва унинг бойликларига бўлган эҳтиёжи тобора ортиб бормоқда. Натижада табиат бойликларидан хўжасизларча фойдаланиш, улар тўғрисидаги қонунларни бузиш ҳолатлари содир бўлмоқда. Ҳаёт тажрибаси ва амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, табиат бойликларини тиклаш, уларни муҳофаза қилиш ишлари деярли амалга оширилмаяпти. Натижада инсон билан табиат орасидаги биологик мувозанат бузилмоқда, яъни кутилмаганда янги-янги экологик ҳолатлар содир этилмоқда. Зеро, Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Конституциясининг 50-моддасида “Фуқаролар атроф-табиий муҳитга эҳтиёткор муносабатда бўлишга мажбурдирлар”, - деб кўрсатилиши бежиз эмас.

Экологик ҳуқуқбузарликнинг намоян бўлиши экологик жиноятларнинг содир этилиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Экологик жиноятлар - бу табиат бойликларига, ер, сув, ерости бойликлари, ҳаво, ўрмон, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсига ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қарши қаратилган, давлатнинг экологик тизимига ва ушбу ҳаракатлар оқибатида инсон ҳамда унинг келажаги ва ҳаётига хавф тугдирадиган ижтимоий хавфли ҳаракат ёки ҳаракатсизликдир.

Фуқаролар, мансабдор шахслар, корхона, муассаса, ташкилотлар, хусусий корхона ва фирмалар, ижара ҳамда деҳқон

(фермер) хўжаликлари экологик жиноятларнинг субъекти бўлиб ҳисобланади. Объекти бўлиб эса ер, сув, ерости бойликлари, ҳаво, ўрмон, ҳайвонот ва ўсимликлар дунёси ҳамда давлатнинг экологик тизими ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йилнинг 9 декабрида қабул қилинган "Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуннинг 67- моддасига асосан табиатни муҳофаза қилиш қонунлари ва талабларини бузганлик учун интизомий, маъмурий, фуқаролик ва жиноий жавобгарликлар белгиланган. Экологик соҳада жиноятлар деярли кўп ҳолатларда қастдан содир этилади ва у жамиятнинг экологик тизимига, унинг барча бойликларига қарши қаратилган бўлиб, шу билан бирга экологик қонунларнинг бузилиши ҳам содир этилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1994 йилнинг 22 сентябрида қабул қилиниб, 1995 йилнинг 1 апрелидан кучга кирган Жиноят Кодексининг IV бўлими "Экологик соҳадаги жиноятлар" деб номланиб, XIV боби "Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги жиноятлар" деб аталади, содир этилган барча экологик жиноятлар ушбу ҳолатлар билан тартибга солинади. Ушбу қонуннинг асосий хусусияти ва фарқли томони шундаки, биринчи марта экологияга қарши қаратилган 12 хил жиноят тури ва уларни содир этганлик учун жиноий жавобгарлик аниқ кўрсатилган. Эътиборли томони шундаки, экологик талабни бузиш билан боғлиқ равишда содир қилинган жиноятлар учун катта миқдорда жарима ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Фикримизча, бу нормаларни амалиётда қўллаш жараёнини илмий тадқиқ қилиш шу соҳадаги жиноятларга қарши курашишда ва уларнинг олдини олишда ижобий аҳамият касб этади. Тадқиқотимиз доирасида талабаларнинг ихтисослик касбига бўлган муносабатларининг ижобий ўсиш ва ўзгариш динамикасини педагогик тажрибалар, таҳлиллар асосида аниқлашга эришдик.

**Н.С.Сайидахмедов,**  
профессор,

**М.О.Ашуров,**  
СамДУ

## **ТУРКИЙ ХАЛҚЛАРНИНГ ТАРБИЯ МАНБАЛАРИ ХУСУСИДА**

Турон замини инсоният пайдо бўлган ва ривожланган беш географик нуқтадан бири ҳисобланади. Ушбу заминда демократик, иқтисодий масалаларга ҳамоҳанг ҳолда тарбия масаласи

ҳам ўсиб-ривожланди. Баъзи олимлар Туроннинг таркибий қисми ҳисобланган ҳозирги мустақил Ўзбекистон давлати, туркий ўзбек миллати, унинг тарбия мажмуаси тарихи ўн бир минг йиллардан кўп вақтни ўз ичига олади, деб ҳисоблашади. Ўзбек археолог олими Ў.Исмоилов эса "Эндиликда барча бу масалаларни бизнинг яқин аجدодларимиз неандерталь одамига нисбат қўйиш эмас, балки бундан қарийб бир миллион йил муқаддам Урта Осиёда яшаган қадимий фергантроп ҳамда эректустик юрвчи одамларнинг турмуши ва морфологик типининг ўзига хос хусусиятлари устида бош қотириш вақти келди", - деб таъкидлайди.

Ижтимоий онг шакли сифатида ахлоқ, ахлоқий муносабатларга нисбатан фалсафий, педагогик-психологик қарашлар ўзларининг ривожланиши ва қарама-қаршиликлари билан Турон замини ҳамда ўзбек тарихи билан чамбарчас боғлиқдир. Қадимий туркий халқларнинг таркибий қисми сифатида ўзбек халқи тарихан тарбиялаш воситаси сифатида қуйидаги манбаларга асосланган: 1) меҳнат фаолияти, 2) покиза ахлоқий жамият муҳити (макро муҳит) ва оила муҳити (микромуҳит), 3) дин, 4) фольклор, 5) қадриятлар (урф-одатлар, аънаналар, маросим ва расм-русумлар), 6) мутафаккир ва фозилларнинг рисоалари, ўғитлари, ҳикматлари, ҳикоятлари.

Комил шахсни тарбиялашнинг асосий омилларидан бири жамият муҳитидир. Табиий омил-ирсият шахснинг жисмоний ва ақлий ривожланишида қанчалик аҳамиятга эга бўлса, жамият муҳити (макромуҳит) шахснинг ахлоқий шаклланишида шунчалик аҳамиятга эгадир. Чунки шахс мавжуд бўлган жамиятда маслак шакллари қанчалик ҳаётӣ, самарали, тўғри йўналишда бўлса, унда инсонлардаги имон-этиқод, ахлоқ-одоб ҳам шунчалик кучли, пок-тоза, ижобий бўлади. А.Ёқубов таъкидлаганидек, "...дунёда адолат ҳукмрон бўлиши учун юксак даражада одоб бўлиши шарт. Одобли кишини парчалаб ёки маҳв этиб бўлмайди, шу маънода соғлом жамият одобли кишилар жамиятидир". Бундан келиб чиқадики, жамият муҳити тўлиқ ижобий намуна ролини бажариши, ахлоқий тарбия вазифасини ўташи лозим.

Давлат, жамият талаблари негизда шаклланган маҳалла жамоасининг жамоатчилик фикри ҳар бир шахснинг хулқ-атвори, ҳаёт тарзини бошлаб берувчи ва ижобий йўналтирувчи омил бўлиб хизмат қилади. Чунки бундай жамоатчилик фикри ҳар бир туркий миллатнинг сайқалланган, ўта мазмунли назарий-амалий ғоялари, диний, ахлоқий талабларидан иборат бўлиб, фақат ижобий ибрат бўлувчи оқсоқоллар, кексалар томонидан ҳосил қилинади ва улар орқали раҳнамолик амалга оширилади.

Ҳар бир шахс жамиятда эгаллаб турган мавқеидан, ёшидан, жинсидан қатъий назар, жамоатчилик фикри билан ҳисоблашиши, уни тан олиши ва унинг шартларига қатъий риоя қилиши зарур. Демак, у жамоанинг ахлоқий талабларига мос равишда жамият учун фойдали фаолият билан шуғулланиши, Ватан ва халқ олдидаги жавобгарлигини ҳис қилиши, ўз ижтимоий бурчини англаши, жамоанинг умумий манфаатлари йўлида фаол ва қатъиятли бўлиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ўзбек халқи тарихан сайқалланган ахлоқий тарбия тизимига эга. Уни ҳар томонлама илмий жиҳатдан таҳлил қилиш ва тарбия амалиётига татбиқ этиш давр талабидир.

**Н.С.Сайидахмедов,**  
профессор,

**Х.К.Бўриев,**  
СамДУ

## **ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕДАГОГИКА ФАНИНИИГ РИВОЖЛАНИШ ТАРИХИДАН**

Ҳозирги кунда жамиятимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ривожланиш босқичига ўтмоқда. Соғлом, комил инсонни тарбиялаш шу куннинг долзарб вазифаси ҳисобланиб, унинг ижобий ечими педагогика фани вакиллари зиммасига юкланади. Шу соҳани чуқурроқ ўрганиш мақсадида ўтган асримизнинг охирлари ва XX аср бошларида Туркистон ўлкаси учун кескин ўзгаришлар давридаги педагогика фани ва унинг вакиллари меросига бир назар ташлашни лозим топдик.

Халқ педагогикаси инсоният пайдо бўлиши билан бирга юзага келган бўлса-да, Ўрта Осиё, шу жумладан, Туркистонда педагогика XIX асрнинг 70- йиллари ўрталарида фан сифатида шаклланди. Руслар босиб олган ҳудудларимизда рус болалари учун очилган гимназия ва прогимназиялар фаолият кўрсата бошлади. Туркистонда XIX асрнинг охири - XX асрнинг бошларида юзага келган ижтимоий-иқтисодий шароитлар туфайли педагогика соҳасида ҳам бирмунча ўзгаришлар содир бўлди. Мавжуд диний мактаблар билан бир қаторда, “рус-тузем”, “жадид”, “усули сортия” ва шунга ўхшаш мактаблар юзага келиб, бу мактабларда ўқув режалари ва ўқув дастурлари мазмунига оз бўлса-да дунёвий фанларнинг киритилиши педагогик фикрларнинг ривожланишига олиб келди. Натижада маърифат-


парвар, демократ педагоглар Ҳ.Ҳ.Ниёзий, С.Айний, А.Шаккурий, Ҳ.Ҳўқондий, А.Авлоний ва бошқалар янги типдаги мактаблар очиб, бу мактаблар учун ўқув режалари, дарсликлар, хрестоматиялар яратдилар. Маърифатпарварлар ўқув режаси, дарслик, дастурлар тузиш билан, ўз-ўзидан, ўлкада педагогика фанининг ривожига асос солдилар.

Ўзбек педагогикаси тарихида биринчи бор педагогика фанига таъриф берган педагог А.Авлоний эди. У илк бор ўзининг 1913 йилда ёзган “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” асарида педагогика фанига шундай таъриф беради: “Педагогика - бола тарбиясининг фани демакдир”.

А.Авлоний бу асарини яратишда халқ педагогикаси ютуқларидан кенг фойдаланиб, таълим-тарбия жараёнини ижобий баён қилади ва республикамизда педагогиканинг фан сифатида шаклланишига асос солади.

**З.Х.Розиқова,**  
СамДУ,

**А.Н.Чориев,**  
доцент, ҚаршиДУ



### **ЎҚУВЧИЛАРНИ ИНСОНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ЎЗБЕК ХАЛҚ ПЕДАГОГИКА- СИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин маданият, маъриф ва умуман маънавиятга алоҳида эътибор берилди. Таълим-тарбия соҳасида миллий ахлоқ-одобни қайта тиклаш борасида, миллий урф-одатлар, турли-туман анъаналарни жой-жойига қўйиш, миллий қадриятларни яна-да ривожлантириш хусусида жуда кескин бурилишлар бўлди. Шу кунларда ёшлар тарбиясида халқ педагогикасининг тутган ўрни, унинг умуммиллийлик касб этиши долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Хусусан, республика халқ таълими тизимини инсонпарварлаштириш, халқчиллаштириш асосида қайта қуришда халқ педагогикаси етакчи ўрин тутаяди. Илғор демократия, инсонпарварлик асосида шаклланган халқ педагогикасидан ажраб қолиш таълим-тарбия фаолиятига жиддий зиён етказаяди.

Ўзбек халқ педагогикасида халқ оғзаки ижодининг кенг тарқалган жанрларидан дostonлар, эртақлар, нақллар, ривоятлар, ҳикоятлар, афсоналар, мақоллар, ҳикматлар, қўшиқлар ва лапарлардан фойдаланиш катта аҳамият касб этади. Чунки бу

Обебаҳо хазинанинг инсон маънавий устуворлиги, яхшилик, эзгулик, меҳрибонлик, гамхўрлик, жонкуярлик, раҳмдиллик, шафқатлилик, адолатлилик, олийжаноблик, хайрихоҳлик, ҳиммат, саховат каби юксак инсонпарварлик каби сифатлар қадрқийматини улуғловчи саҳифалари ранг-барангдир. Фикримизча, инсонпарварликни ўзига эътиқод қилиб олган ўзбек халқ педагогикасининг асрлар давомида шаклланиб, ривожланиб боришининг боиси унинг ҳаётийлиги, инсон муаммоларининг турли қирраларини қамраб олиши, инсонпарварлик мақсадларига қаратилганлигидадир.

Ўқувчиларга ўзбек халқ педагогикасининг инсонпарварлик руҳини сингдиришда одобнома дарсларининг имкониятлари катта бўлиб, улар халқимизнинг инсонийлик асосида ташкил топган ахлоқ-одобини, азалий анъаналарини, маънавий қадриятларни шакллантиришда, таълим-тарбия ишини инсонпарварлаштиришда ва шу асосда такомиллаштиришда муҳим ўрин тутади. Ҳозирги вақтда одобнома дарсларининг умумий ўрта таълим мактабларининг ҳамма босқичларида, яъни I-IV синфларида фанлар таркибида, V-XI синфларида алоҳида фан сифатида ўтилиши ижобий ҳолат бўлиб, бизнинг тадқиқот мақсадларимизни амалга оширишда катта имкониятлар яратади. V-IX синф ўқувчилари учун мўлжаллаб ёзилган “Одобнома” ўқув қўлланмалари инсон фазилатининг гули бўлган инсонпарварликнинг турли қирраларига эътиборни тортар экан, ҳар бир мавзунини очишда ўзбек халқ педагогикаси намуналаридан усталик билан фойдаланилган.

М.Толипов,  
доцент, Кўқон ДПИ,  
К.Т.Турғунбоев,  
доцент, АндижонДУ

## **ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА ФИДОЙИЛИК ТАРБИЯСИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ АЙРИМ ОМИЛЛАРИ**

Ўсиб келаётган ёш авлодни ўзлигини англаш ва фидойилик руҳида тарбиялаш мустақил давлатимизни маънавий-ахлоқий жиҳатдан ривожлантиришнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Мактаб ўқувчиларида ўзлигини англаш ва фидойилик туйғуларининг шаклланиши ҳамда тарбияланишида ўқитувчилар жамоаси муҳим ўрин тутади. Шундай экан, ҳар бир ўқитувчи, айниқса бўлажак ўқитувчи-тарбиячилар миллий тарбиянинг бу таркибий

қисми бўйича ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан юқори кўника ва малакага эга бўлишлари шарт.

Бўлажак ўқитувчиларни ўзлигини англаш ва фидойилик тарбиясига назарий ҳамда амалий жиҳатдан тарбиялашнинг самарали усул, шакл ва воситалари турли-тумандир. Қуйида улардан айримларини педагогик жиҳатдан таҳлил этган ҳолда қисқача ёритишда ҳаракат қиламиз. Талабаларни ўзликни англаш ва фидойилик тарбиясига тайёрлаш, аввало, уларнинг бу хусусидаги назарий тушунчалари қай даражада эканлигини аниқлашни тақозо этади. Шу боисдан ҳам биз тадқиқот ишимизнинг дастлабки босқичида Қўқон давлат педагогика институтининг бир гуруҳ талабалари билан “Ўзлигини англаш деганда нимани тушунасиз?”, “Инсондаги фидойилик нималарда кўринади?” саволлари билан мулоқотда бўлдик. Ўтказилган мулоқотларнинг натижаларини умумлаштирилар экан, талабаларнинг аксарият қисми ўзлигини англаш деганда ўзларининг ҳаётда яшаётганликларини, фидойилик деганда эса кўзлаган мақсадларига эришиш йўлидаги фаолликларини тушунишлари маълум бўлди. Ваҳоланки, ўзлигини англаш ва фидойилик ҳар кишидаги олижаноб туйғу бўлиб, ундаги эркин, мустақил фуқаролик ва шахсий фаолликдан ташқари, ўз она Ватанига содиқлик, халқи ва Ватанининг келгуси равнақи йўлидаги фаоллиги, ўз Ватани, халқи, тили, маънавияти, ўтмиш мероси, бойлиги билан фахрланиши ҳамда уларни қадрлаш, юксак меҳнатсеварлик, фан ва техниканинг замонавий турларини эгаллаш учун интилиш кабиларда ҳам қамраб олади.

Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда биз талабаларнинг бу борадаги билим ва тушунчаларини ривожлантиришни асосий мақсад қилиб қўйдик ҳамда турли фан ўқитувчилари билан (айниқса, ижтимоий ва гуманитар фан ўқитувчилари билан) маслаҳатлашиб, маъруза, амалий машгулотларда талабаларни ўзлигини англаш ва фидойилик тушунчаларининг маъноси, моҳияти, асосий белги-хусусиятлари бўйича тегишли билимлар билан қуроллантиришларини уқтирдик. Шунингдек талабалар ўртасида (айниқса, қуйи босқич талабалари билан) “Ўзлигини англаш ва фидойилик - муқаддас туйғу”, “Миллий мустақиллик - ўзлигини англаш ва фидойиликнинг асоси”, “Ўзбекистон Конституцияси - ўзлигини англаш ва фидойиликнинг ҳуқуқий кафолати”, “Ўтмишдаги алломалар ўзлигини англаш ва фидойилик ҳақида” каби мавзуларда маъруза, мунозара ҳамда суҳбатлар ташкил этилишига эътиборни қаратдик.

Талабаларда ўзлигини англаш ва фидойилик туйғуси ҳамда тушунчаларининг ривожланишида юртбошимиз И.А.Каримов-

нинг нутқ ва асарларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади. Ўтган ўқув йилининг дастлабки кунларидан эътиборан институтигимизнинг барча гуруҳларида бу масалага жиддий киришилди. Талабалар томонидан юртбошимизнинг “Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли”, “Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий тамойиллари”, “Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида” каби асарлари ўрганилди.

Бўлғуси ўқитувчи-тарбиячиларни ўзлигини англаш ва фидоийлик тарбиясига назарий жиҳатдан тайёрлаш ишини яна-да такомиллаштириш мақсадида ўтган ўқув йилида мустақил давлатимизнинг рамзлари, тамойиллари ҳамда муҳим саналарини ўрганиш бўйича институт ректорининг 1995 йил 11 январдаги 5-буйруғига асосан талабалар ўртасида кўрик танлов амалга оширилди. Мазкур ўқув йилида эса талабаларнинг қонунчилигимиз соҳасидаги билим-савияларини ривожлантиришга асосий эътиборни қаратдикки, бу ўз навбатида уларни ушбу муаммо бўйича назарий жиҳатдан тайёрлаш ишида жуда муҳимдир.

**А.Ғуломов., Б.Ваҳобжонов,  
АндижонДУ**

### **БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ ШАРОИТИДА ҚАДРИЯТЛАР КОМИЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА**

Жамиятнинг бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиши ва унинг мустаҳкамланиб бориши комил инсон тарбиясига сезиларли таъсир кўрсатади. Бу муҳим жараёнда миллий қадриятлар алоҳида ўрин тутаяди. Қадрият бу моддий ва ижтимоий ҳаётимизда намоён бўладиган, кишиларнинг шахсий ва ижтимоий эҳтиёжини қондиришга хизмат қиладиган маданий, маънавий, мафкуравий омиллар йиғиндисиدير. Миллий ва умуминсоний қадриятларимиздан бири яхшиликдан баҳра олиб, ёмонликдан сақланишдир. Ота-боболаримиз маҳзун кўнгилларини чўқирмай, уни кўтарганлар, қалб кўридан ўзгалар дилларида илиқлик пайдо этишган, ўзлари учун энг арзон, бошқалар учун бебаҳо саналган мурувват, хайр-эҳсон, савобли ишни нафақат насиҳат қилиш билан, балки кундалик амалий ҳатти-ҳаракатларида ўзлари ўрнак бўлиш орқали оила аъзолари ва бошқаларга сингдирганлар.



Бозор муносабатлари шаклланаётган шароитда “тижорат” тушунчасини тўғри англамоғимиз керак. Миллий қадрият тушунчаларидан бири бўлган тижорат бу - олиб-сотарлик, бир-бирини алдашлик, айнаи бир маҳсулотни устига нарх қўйиб бошқага сотиб, пул топиш эмас, балки ўзи ишлаб чиқариб, ясаб-яратиб, бозорда сотиш демакдир.

Болаларни оилада, мактабда ёшлигидан қандай касб-хунарга мойиллиги, лаёқатини англаб, шу касбга қизиқтириб, ўргатиб, ҳаётга тайёрлаб бормоқ даркор. Болаларни ёш хусусиятига боғлиқ ҳолда рағбатлантириб, улар яратган, арзимаган бўлса ҳам, маҳсулотдан моддий ва маънавий манфаатдорлигини сездириб тарбиялашимиз керак. Мактаб ўқувчиларига бозор муносабатлари шароитида таълим-тарбия беришнинг бундай усули боланинг ўзида яшириниб ётган имкониятни ишга туширган бўлар эди. Бу эса яқин келажакда Республикамиздаги битмас-туганмас ерости, ерусти бойликларни очишга, қўплаб хомашё яратишга, табиий шароитимиздан фойдаланиб беҳисоб нознеъматлар яратишга, оғир ва енгил саноат барпо қилишга кўмаклашган бўлар эди.

Умуман, авлодларимиз яратиб қолдирган, баъзан унутилган қадриятларни қайта тиклаб, шароитдан келиб чиқиб янги замонавий қадриятларни яратиб, уларга даставвал ўзимиз амал қилиб, ёшларга ибрат бўлиш муҳимдир. Ёшларни бозор муносабати шароитида олиб-сотарликка эмас, балки оз-оз кичик бўлсада, маҳсулот яратиб, муомалага чиқаришга одатлантириб боришимиз лозим.

**И.Қўқонбоев, М.Усмонова, Х.Холиқова,  
Қўқон ДПИ**

## **МАЪНАВИЯТ ТАРБИЯСИНИНГ АСОСИ**

Миллий мустақиллик ўзбек халқининг қўлга киритган буюк ютуғи бўлиб, унинг натижасида халқимиз ўзлигини англаш, ўтмиш мерос, одат, анъана, удум, тил, диний эътиқод каби қадриятларни қайтадан тиклаш ва такомиллаштириш шарафига муяссар бўлди. Ҳозирги асосий вазифа эса ҳар бир кишида, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодда уларга нисбатан ҳурмат-садоқатни тарбиялашдан иборатдир. Юқоридаги қадриятларимиз орасида миллий тилимизни ривожлантириш ва ёшларда унга нисбатан тўғри муносабат, эътибор ҳамда ҳурмат ҳиссини шакллантириш алоҳида аҳамият касб этади.

Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, шўроларнинг ҳукмронлиги даврида ўзбек тили мавқеининг пасайиши кўпгина кишиларда ўз она тилининг келажагига ишонмасликдек салбий туйғунинг пайдо бўлишига олиб келди. Бу ўз навбатида маънавий қашшоқликнинг қуйидаги кўринишда юзага келиш имконини берди: 1) кўп сонли омманинг она Ватанимиз ҳаётига оид масалаларининг туб моҳиятини тушуниб етмаслигига, тушуниб етсада, лоқайдларча муносабатда бўлишлигига олиб келди; 2) умумий саводхонлик ва билим даражаси пасайди; 3) кўпгина олий ва ўрта ўқув юртларида талабалар она тилида ўқитилмай қўйди, бу ўз навбатида миллий кадрларни етиштиришга салбий таъсир кўрсатди; 4) нафақат ёшлар, балки катта ёшдаги кишиларнинг оғзаки нутқларида бачкана, лексик маъно бермайдиган русча ва бошқа чет сўзлар қўлланила бошлади. Энг ачинарлиси шуки, кўпгина ёшлар ўз ота-оналарига *пахан*, *мам* каби иборалар билан мурожаатда бўлдилар. Бу ҳол нафақат ўз она тилига, балки ота-оналарига нисбатан ўта ҳурматсизликнинг белгисидир. Маълумки, она тили ҳар бир миллат, халқнинг ўтмиши, бугунги куни ва келажагидир. Дарҳақиқат, ҳар бир инсон ўзи туғилиб ўсган ўлка, унинг табиати, ерости ва ерусти бойликларини, ота-боболарининг ўтмиш ҳаёт тузумлари, уларнинг интилишлари, орзу-истаклари, бугунги ва келгусидаги ижтимоий ҳаёт кабиларни фақат она тили орқали билиб олади ва ўзлаштиради. Она тилининг йўқолиши ўша миллат, халқнинг йўқолиши деган гап. Шундай экан, ҳар бир кишида, айниқса ўсиб келаётган ёш авлодда она тилига муҳаббат туйғусини тарбиялаш зарур. Ёшларда ўз она тилига муҳаббатни тарбиялаш фақатгина ўқитувчиларнинг эмас, балки ҳар бир ота-онанинг, жамоатчиликнинг ишидир. Бизнингча, ёшларни ўз она тилига чексиз муҳаббат руҳида тарбиялашда қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир:

1. Ёшларга она тилимизнинг бойлиги, жозибадорлиги, дунёвийлиги ҳақида кенг тушунчалар бериш зарур.

2. Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби бутун данёга машҳур бўлган бобокалонларимиз, алломаларимиз ҳам она тилимизда сўзлашганликлари ва ижод қилганликларини ўқитиб бориш керак.

3. Она тилимизга давлат мақоми берилганлигига ўқувчи ёшларнинг диққатларини алоҳида қаратмоқ зарур.

4. Бугунги кунда ўзбек тилини жуда кўплаб бошқа халқлар ҳам севиб ўрганишаётганликларини ҳаётий мисоллар воситасида ёритиб бериш яхши самара беради.

Б.В.Ваҳобжонов,  
доцент, АндижонДУ,

С.Исомиддинов,  
ЎзПФИТИ аспиранти

## МИЛЛИЙ-МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗДА ИНСОНПАР- ВАРЛИК ҒОЯЛАРИНИНГ АКС ЭТТИРИЛИШИ

Маълумки, сўнги йилларда таълим тизимидаги маънавий ва маърифат ишларига алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтмишдаги буюк мутафаккирларнинг маънавий меросларини ўрганиш, илмий педагогик жиҳатдан уларни таҳлил қилиш, ҳозирги кун таълим-тарбия жараёнидаги олиб борилаётган таълим тизимининг амалиётига тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Таъкидлаш жоизки, миллий-маънавий мерос халқимиз руҳияти, яшаш тарзи, маданиятига мос бўлган ўзига хос тарбия воситасидир. Бу мерос кенг тармоқланган бой материалларга эга. Унинг амалий педагогика (оила педагогикаси, турмуш педагогикаси), халқ оғзаки ижоди, аллома ва донишмандлар мероси, халқ амалий санъати сингари манбалари неча асрлардан бери тарбия соҳасидаги энг асосий воситалардан бири бўлиб келмоқда.

Миллий-маънавий меросимизнинг аксарият қисмини аллома, донишманд ва мутафаккирларимиз, халқимизнинг илғор намояндалари, зиёлиларнинг бизгача етиб келган ижодий мерослари ташкил қилади. Бу меросларга ўзининг бебаҳо хазинасини қўшган буюк олим ва мутафаккирлардан Имом Исмоил ал-Бухорий, имом ат-Термизий, Абу Довут, Ибн Можа, Насоий, Муслим, Ибн Малик, Баҳовуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Маҳмуд Кошгарий, Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур кабиларни кўрсатиш мумкин. Бу мерослар: “Арасту фалсафаси”, “Фозил шаҳар одамлари қарашлари”, “Илмларнинг келиб чиқиши тўғрисида қонунлар”, “Донишнома”, “Кутадғу билик”, “Девону луғатит турк”, “Наврузнома”, “Қобуснома”, “Маҳбуб-улқулуб”, “Хайратул аброр”, “Темурнома”, “Бобурнома”, “Шамоиلى Муҳаммадия”, “Девони ҳикмат”, “Ал-адаб”, “Шоҳнома”, “Бўстон”, “Гулистон”, “Баҳористон”, “Қуръон”, “Ҳадис” каби ноёб манбаларда, аждодларимизнинг эзгу фаолиятларида ўз аксини топган. Ушбу маънавий меросларда инсонпарварлик ғоялари акс этган бўлиб, уларда жамики инсоний фазилатлар: меҳр-шавқатлилик, одамийлик, ўзидан катта ва кичикларга ҳурмат, саховатлилик, камтарлик, яхшилик, хушхулқилик, кекса-

лар, беморлар ва етим-есирлар, бева-бечоралар ҳолидан хабар олиш ҳамда уларга мурувват кўрсатишдек олий-жаноб ишлар ўз ифодасини топган. Бундай инсоний сифат ва фазилятлар буюк мутафаккирларимизнинг ҳаётий фаолиятлари ва ижодий асарларида кўзга яққол ташланади. Масалан, Фаробий фалсафасида инсон, унинг оламда яшашининг моҳияти муҳим ўрин тутати. Унинг фикрича, одамларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир, шунинг учун одамлар инсоният туркумига кирганликлари туфайли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим. Фаробий оқил одам 12 хислатни ўзида бирлаштирган бўлиши керак, дейди ва уларни алоҳида-алоҳида қайд этган.

**Б.Мирзааҳмедов,**  
профессор, Ўз ПФИТИ бўлим мудирини,

**Х.Дусёров,**  
ИПФ, Тошкент

## **ДАВЛАТ ТАЪЛИМ СТАНДАРТИНИНГ МАКТАБ ҲАЁТИГА ЖОРИЙ ЭТИЛИШИ**

Мактаб таълимининг янгиланиши вақтинчалик, мавсумий, маълум чегарадаги шунчаки бир ислохот бўлмасдан, балки стратегик аҳамиятга эга бўлган, глобал ҳарактердаги сиёсий, демократик ўзгаришлардан бири сифатида қаралмоғи даркор деб ҳисобланади. Таълим инқирози дунёнинг кўпгина мамлакатларида бўлиб ўтган, бундай жараён собиқ Совет ҳокимиятида, ҳозирги ҳамдўстлик мамлакатларида сезиларли ҳолда, турли даражада рўй-бераётганлиги педагогик жамоатчиликка маълум. Баъзи мутахассислар мазкур ҳолатни бизда (Ўзбекистонда) рўй бераётган иқтисодий қийинчиликлар натижаси деб тушунтиришга уринмоқдалар. Бизнингча, бу каби қийинчиликлар масаланинг бир томони ҳисобланади. 90- йиллар бошида ҳали коммунистик империя ҳукм сураётган даврдаёқ таълим-тарбия соҳасида педагогика фанлари туркуми оламида инқирозий ҳолатлар юзага келган эди. Энг муҳим сабаблардан бири педагогика фани таълим-тарбиядан, болалар, ўқувчи ёшлардан узоқлашиб, уларнинг тараққиётидан орқада қолган эди. Диктаторлик ёки буйруқбозлик педагогикада ҳам ҳукм сурар эди.

Ўқувчи-ёшларда ўз кучларига ишонмаслик ҳолатлари сезилиб қолган эди. Бунга сабаб ўқувчи ёшларнинг ўқишга қизиқиши, тараққиёт даражаси, иқтидори, қобилияти билан ҳисоблашмай, педагогларнинг ёппасига ёндашиб иш кўришлари эди.

Кейинги вақтда мактаб ҳаётида, болалар тарбиясида, таълим мазмунида янги имконият шакллана бошлади, таълим ҳақидаги қонун лойиҳаси, кадрлар тайёрлаш дастурининг яратилиши бунинг исботи ҳисобланади. Таълим ҳақида қонун қабул қилингандан бошлаб педагогик жамоатчиликнинг асосий вазифаси ўқув даргоҳлари ҳаётига қонун моҳиятини жорий этиш бўлиб қолди. Жумладан, педагогика фани тадқиқотчилари Ўзбекистон фан ва техника қўмитаси буюртмаси асосида бир қатор йўналишлар бўйича изланишлар олиб бордилар. Хусусан, физикадан давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва унинг ҳаётийлигини синаб кўриш билан боғлиқ бўлган тадқиқот ишлари шулар жумласига киради. Бу борада бир қатор тадқиқот ишлари бажарилди. Маълум даражада ижобий натижалар қўлга киритилди. Энг муҳими бу борада долзарб ҳисобланган янги педагогик мафкура юзага кела бошлади.

Ҳар бир давлатнинг сиёсий, ижтимоий, маданий, иқтисодий ва бошқа кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда педагогик жараён, таълим мазмунини ифодаловчи мезон, сифат сертификатлари яратилади. Шу боисдан бўлса керак, мана, уч йилдирки, Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг бир гуруҳ ходимлари физика-математика таълими мазмуни ва усулиётини аниқлаш бўйича бир қатор ишларни амалга оширдилар. Шунини таъкидлаш жоизки, физикадан давлат таълим стандарти лойиҳа тариқасида ниҳоясига етказилди. Унинг ҳаётийлик даражасини аниқлаш мақсадида мактаб ўқитувчилари орасида, малака ошириш институтлари тингловчилари иштирокида, шунингдек турли тоифадаги илмий-услубий анжуманларда муҳокома этилди ва фикр-мулоҳазалар тўғилди.

Физикадан давлат таълим стандартини яратишда қуйидагилар ҳисобга олинади: 1) ҳар қандай даражада яратилган давлат таълим стандарти ўзгарувчан бўлиб, вақт ўтиши, фан тараққиёти муносабати билан таъкомиллаштириб боради; 2) мактаб физика таълими мазмунида физиканинг фан сифатида эришган асосий ютуқлари (дунё ҳамда республика миқёсида); 3) физиканинг мактаб ўқувчиларининг дунё қарашларини шакллантириш борасида тутган ўрни ва унинг хизмати; 4) тараққий этган мамлакатларнинг физика таълими ва мазмуни, услубиёти соҳасида эришган муваффақиятлари; 5) ҳозирга қадар ҳукм суриб келаётган аънавий таълим мазмуни ҳамда услубиятнинг ижобий жиҳатларидан фойдаланиш; 6) янгича педагогик қарашларга асосланган таълим тизими ва мазмунидан ўринли ва мақсадли фойдала-

ниш; 7) Ислом таълимотидаги таълим ва тарбия талқинидан фойдаланиш.

Физикадан давлат таълим мазмунини аниқлашда иштирок этган тадқиқотчилар бозор иктисодиёти шароитида табақалашган таълим тизимига мувофиқ келувчи мазмун яратиш кераклигини таъкидламоқда. Бугунги кунда кўпгина мактаблар ўз иш натижаларига яна-да масъулиятлироқ ҳолда жавоб беришларини, ҳар бир мактаб ўз иши натижасига шахсан масъул эканлигини тобора яхшироқ ҳис эта бошлади.

Энг муҳими тадқиқот натижасида ҳар бир мактаб ўқитувчисининг асосий вазифаси дарсда ўқувчининг ўқув меҳнатини ташкил этиш экани таъкидланди. Шу асосда ўқувчиларнинг билим даражаларини аниқловчи тестлар ҳамда бугунги кунда билимни баҳолашнинг самарали усули ҳисобланган рейтинг тизимидан ўз ўрнида фойдаланиш зурур деб топилди, давлат таълим стандартининг ҳаётийлигини ифодаловчи таълим-тарбия жараёни моҳиятига боғлиқ бўлган мазмун, усулият, дидактик шарт-шароитлар, ўқув-услубий мажмуалар, ноанъанавий ўқув машғулотлари кабиларни яратиш имкониятлари белгиланди.

Физикадан давлат таълими стандарти мамлакатимизнинг таълим стратегияси соҳасида амалга оширилаётган ишлар билан мутаносиб бўлиши талаб этади. Бунда Ўзбекистоннинг ҳар бир мактаби, унинг ўқитувчи гуруҳлари ўз ўқувчиларининг билимлари амалда тўғри қўлланилишини таъминлаши, ҳозирги замон иқтисодиёти соҳаларида фаол иштирок этишлари, сермахсул меҳнат қилишлари, юқори босқичларда ўқишни муваффақиятли давом эттиришларини назарда тутаяди. Дарсликларнинг тушунарлилик даражаси ва бошқа дидактик талабларни қондиришга қодирлиги ҳақида ҳам аниқ фикр юритадилар. Халқаро бозор талаби шундай ёндашувни талаб қилади.

Физика табиий фанлар туркумига киради. Шу боис физикадан таълим стандарти ҳақида гапирар эканмиз, албатта, математика, химия, биология, география, информатика асослари, астрономия каби ўқув предметлари билан физиканинг қанчалик даражада ҳамоҳанг эканлиги ҳақида гапириш мумкин бўлади. Шу муносабат билан таълим-тарбия туркумига кирувчи ўқув предметларининг давлат стандартини яратишга ягона ёндашув зарурияти туғилади. Демак, навбатда давлат таълим стандартининг такомиллашган шаклини яратишнинг янги босқичи, яъни табиий туркумга кирувчи ўқув предметларининг стандартини яратиш ва уни мактабда синовдан ўтказиш муаммоси юзага келади.

Б.Х.Муртазоев,  
ффн, ТермизДУ

## Х-ХІ АСРЛАР ЧАҒОНИЁН АДАБИЙ МУҲИТИ ҲАҚИДА

Чағониён амирлари (900-1030) саройида<sup>1</sup> турли даврларда яшаб ижод этган Тохорий, Маъруфий, Дақиқий, Тохир, Чағоний Мунжик, Бадиий, Фарухий, Набибийларни биламиз. Тохорий тахаллуси қадим Тохаристон (ҳозирги Сурхон ва Ҳисор воҳалари) номидан олинган. Бу Х аср шоиридан тўрт мисра шеър сақланган. Тохорий Чағониён шоирларининг сардори ва Чағонийлар сулоласининг асосчиси Мухтож Чағоний (900-920) замонида яшаган. Шоир Маъруфий балхлик бўлиб, бир шеърда Рудакийнинг (858-941) муборак суҳбатидан баҳра олганини айтади. Бу шоир Самоний амири Наср (914-943) даврида яшаган. Демак, Маъруфий 930-935 йилларда Бухорога ташриф буюрган, унгача 920-930 йиллар Чағониёнда эди. Бу кезлар Чағониёнда Абу Саид Музаффар ибн Мухтож Чағоний (920-930) ва Абу Бакр Муҳаммад ибн Абу Саид Музаффар (930-939) ҳукмрон эдилар.

Чағониённинг йирик шоири Дақиқийдир, унинг бу юртда бўлиши Абу Али Аҳмад ибн Абу Бакр Муҳаммад (939-952) ва Абу Мансур Нарс ибн Абу Али Аҳмад (952-976) замони билан боғлиқ. Шоир 950-970 йиллар Чағониён амирлари саройида эди. Уларни Абу Али ва Абу Мансур Бухоролик, Туслик, Ҳиротлик деса, Беруний (973-1048) Балхлик дейди. Кейинроқ Дақиқий Самарқандга, ниҳоят Бухорога боради. Шоирнинг Бухорода яшаган фурсатлари Самоний Мансур ибн Нух (961-976) ва Нух ибн Мансурлар (976-977) даврига тўғри келади. Нух ибн Мансур 976-977 йилларда “Шоҳнома”ни назмда ёзишдек масъулиятли вазифани Дақиқийга топширади ва шоир бир минг уч байтли “Гуштосинома”нинг асосий қисмини тугаллашга улгуради. Беҳос ўлим бошланган хайрли ишни чала қолдиради, чунки шоир ўз қули томонидан пичоқлаб ўлдирилади. Фирдавсий (934-1020) “Гуштосинома”ни ниҳоясига етказди ва уни мутлақо ўзгаришсиз “Шоҳнома” таркибига илова қилиб, юксак ҳалоллик намунасини намоёиш этади.

---

<sup>1</sup> Чағониён араб манбаларида Сағониён битилади, боиси - араб тилида Чтовуши йуқ. Сурхон дарёсининг номи *Сакон-Шакон-Чакон-Чогон* сўзидан олиниб, *Чогонруд* дейилган. Ушбу атама сак элати билан боғлиқ.

Тоҳир Чағоний ҳукмронлиги кезлари Чағониён адабий муҳити ривожланди, у 987-991 йиллар амир эди, ўзи истеъдодли шоир бўлиб, Мунжик ва Бадийий унинг раҳнамолигида нашъу намо топади. Мунжик Термизлик, Бадийий Балхлик, уларнинг Тоҳир ва Абул Музаффарга (991-1010) бағишлаб ёзган қасидалари мавжуд. Мунжик ғазалиётда беқиёс, ҳажвиётда ягона, хуш-овоз хонанда ва моҳир машшоқ эди. Мусиқага оид рисола ёзган, афсус, рисоланинг номи ва ўзи ҳануз номаълум қолмоқда. Носир Хисрав (1004-1088) “Сафарнома”да ёзишича, Мунжик ва Дақиқий девонлари XI аср охирида ҳам машҳур экан. Бу девонлар Чағониён заминиде китобат қилинган бўлса ажаб эмас. Абулмузаффар даврида Чағониёнга Фарухий ва Набибий қадам ранжида қилади. Ҳар иккисининг Абул Музаффарни мадҳ этиб ёзган қасидалари сақланиб қолган. Набибийнинг қаерлик эканлиги ноаниқ, Фарухий Сеистонлик, унинг қасидаларида (жами тўртта қасида) Чағониён юртининг бой табиати, гўзал манзараси, кўркем даштлари, лолазор қир-адирлари жўшқин куйланади. Қасидада баҳор майсалари ҳарир ипакка, дарахт барглари тўти қанотларига, оқ гул маржонга, қизил гул шаробга, олов қуёшга, гулхан байроқ попикларига, чинор барглари инсон панжараларига ўхшатилади. Фарухий тахминан 980 йилда Сеистонда туғилиб, 1037 йилда Ғазнада оламдан ўтади. Унинг девони уч марта Теҳронда (1932, 1957, 1971 йиллар) чоп этилган. Фарухий Ғазнада, Маҳмуд Ғазнавий (998-1030) саройида қарийб 30 йил яшайди. У пайтлар Беруний ҳам Ғазнада эди. Фарухийнинг Берунийга бағишлаб қасида ёзганини биламиз. Қасидани тадқиқ этиш, ундаги Беруний таърифини шарҳлаш адабиётшуносликнинг галдаги кечиктириб бўлмас вазифасидир.

Т.Ҳайдаров,  
доцент, ТермизДУ,

Ж.Қ.Қултоев,  
доцент, ҚаршиДУ

## ИЛҒОР ХАЛҚ АНЪАНАЛАРИ – ТАРБИЯ МАНБАИ ВА ВОСИТАСИ

Мустақиллик туфайли маънавий ва ахлоқий қадриятларимиз бойимокда ва ривожланмоқда. Маънавият инсон руҳий-ахлоқий оламининг нуридир. Анъаналар, маънавий қадриятлар студент ёшларни тарбиялаш воситасидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Биз соғлом авлодни тарбиялаб, вояга етказишимиз керак. Соғлом киши



деганда, фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз” (И.А.Каримов. Ўзбекистон сиёсий-иқтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари, Тошкент, 1995, 57- бет).

Студент ёшларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш, уларга юксак хулқ маданияти туйғусини, инсоний ахлоқ нормаларини синдиришга хизмат қилувчи миллий қадриятлар - Наврўз, ҳосил байрами, дарвишона, меҳржон, лола сайли, Қурбон ҳайити, Рамазон ҳайити ва ҳақозолардир.

Маънавият, миллий қадриятлар студент ёшларни тарбиялашда катта куч ҳисобланади. Улар студентларнинг ақлзаковатини ўткирлаштиради, тафаккурини бойитади, иродасини мустаҳкамлайди, уларни маънавий баркамол инсон даражасига кўтаради, ёшларни қийинчиликларни енгадиган, мард, матонатли бўлишга ва бошқаларга ибрат бўлиб, уларни ўз орқасидан эргаштиришга даъват этади.

Биз ўз тадқиқот ишимизда асосий эътиборни студент ёшларнинг ахлоқий сифатларини шакллантиришга қаратдик. Шу муносабат билан 260 нафар талаба учун ахлоқий сифатларнинг шаклланиш мезонларини белгиловчи анкета саволларини ишлаб чиқдик. Мазкур анкетада қуйидагилар ифодаланган эди: 1) дўстлик ва биродарлик, бир-бирини ҳурмат қилиш, ўзаро ёрдам, тенгдошлардан ўзини устун қўймаслик, ҳар қандай вазиятда ҳам ўзаро ҳамкорлик кўрсатиш; 2) инсонпарварлик, катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, бир-бирини унутмаслик; 3) меҳнатсеварлик, меҳнатга жиддий муносабатда бўлиб, меҳнаткашларни ҳурмат қилиш, меҳнат жамоасида интизомга қатъий риоя қилиш; 4) ватанпарварлик, Ватанни севиш ва уни ҳимоя қилиш, бойликларини кўз қорачиғидай аслаш.

Анкета саволларига берилган жавобларни ўрганиб, студентларни иккига гуруҳладик. Биринчи гуруҳга ватанпарварлик, инсонпарварлик, дўстлик, ўртоқлик ҳақида чуқур билимга эга бўлган, уни ҳаётий мисоллар билан исботлаб бера оладиган студент ёшларни, иккинчи гуруҳга ахлоқий сифатлар ҳақида билимга эга бўлган, лекин уни ҳаётий мисоллар билан исботлаб бера олмайдиган студент ёшларни киритдик.

М.Бозорова,  
пфн, ТермизДУ,  
Т.Ғ.Ғаппорова,  
доцент, ҚаршиДУ

## БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМ МУАММОЛАРИ

Мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий ўзгаришлар ўзининг кўлами ва аҳамияти билан тарихий воқеадир. Бу нарса моариф соҳасига ҳам тааллуқлидир. Миллий ва умуминсоний қадриятларнинг, кўп асрлик халқ анъаналари ва тажрибаларининг маорифни ривожлантиришдаги, миллатнинг маънавий уйғонишидаги, мамлакат ақлий салоҳиятини оширишдаги устуворлигини тан олиш лозим.

Халқ маорифи тизимини ривожлантириш мураккаб шароитда амалга оширилмоқда. Зеро ўтмиш йилларнинг асорати таълим-тарбияга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Чунки ўша даврларда таълим билан тарбия соҳасида уйғунлик бузилиб, улар орасида намуносивлик ҳосил бўлган эди. Таълим-тарбия мазмунини янгилашнинг муҳим омили миллий истиқлол мафкурасида умумбашарий қадриятларнинг устуворлигини таъминлашдаги миллий қадриятларга суяниб, ижтимоий воқеликка янгича қараб, янгича тафаккурни қарор топтиришдан иборат. Миллий қадриятларга хос хусусиятлар халқимизнинг меҳнати ва кураши тажрибасида, алломаларнинг қийматли фикрларида, халқ қаҳрамонларининг ҳаёт намунасида, халқ анъаналарида ўз ифодасини топган. Мураббий шу имкониятлардан ўринли фойдаланиб, тарбияланувчилар шахсига таъсир этиши керак. Ҳозирги кунда мактабларимизда тарихий саналарни: Мустақиллик куни, Конституция куни, Наврўз байрами каби айёмларни тантанали нишонлаш одат тусига кирган. Бундай тадбирларнинг моҳиятини ўқувчилар онгига сингдириш асосий мақсад ҳисобланади. Чунки кундалик ҳаёт кувончли дамлари таъсирида боланинг шахси шаклланади, маънавий, ахлоқий маданияти таркиб топиб боради. Бизга маълумки, тарбиявий таъсирлар, илмий-назарий билимлар турли хил ҳаётий кундалик воситалар, воқеалар асосида бола тарбиясида қанчалик барвақт қўлланилса, шунчалик илдизи мустаҳкам бўлади.

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси олий мажлисининг IX сессиясида сўзлаган “Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” номли маърузасида ҳам таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотларда асосий эти-

борни бошланғич таълимга қаратди. Жумладан, боланинг дунё қараши, диди, салоҳияти шаклландирган бошланғич таълимга энг етик, энг тажрибали мураббийлар беркитиб қўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади, деб таъкидлайди Президентимиз И.А.Каримов.

Бугунги замонавий бошланғич таълим тизими бўғинида болаларга таълимий тушунчалар бериш миллатимизга хос бўлган ахлоқий фазилатлар негизда олиб борилиши мақсадга мувофиқ. Зеро халқимиз “Олим бўлма, одам бўл”, “Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл”, “Одобли бола элга азиз” деб бежиз айтмаган. Бунинг учун бошланғич синф ўқувчиларида авваламбор маънавий, ахлоқий ҳатти-ҳаракатни, билим ва тажрибаларни шакллантириш мақсадга мувофиқ. Бу ишларни олиб боришда ҳар бир тарбиявий тадбирни пухта ишлаб чиқилган режа асосида ўтказиш фойдали бўлади.

Илғор анъаналар, урф-одат ва маросимлар мустақил республикамиз ҳаётида, кундалик турмушимизда, меҳнатимизда, назарияда ва ишлабчиқаришда, илмий ва бадий ижодда, оила ва мактабда ҳамда олий ва ўрта махсус ўқув юртлиридаги тарбиявий ишларимизда, шахсий хулқ-атворда ўзига хос ижтимоий мезон вазифасини ўтайди. Шунинг учун ҳам илғор миллий анъаналаримиз ёшларни маънавий ва ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда асосий манба ва восита бўлиб қолади.

**К.Т.Турғунбоев,**  
доцент, Андижон ДУ,

**Қ.Б.Қодиров,**  
Термиз ДУ

## **ТАРБИЯДА ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ МАНБАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ**

Халқимизнинг ахлоқий тараққиёт олтин фондиди ташкил этган ва ҳозирда тарбия тизимига органик тарзда мужассамлаштирилган умумбашарий одоб нормаларидан ҳамда оилада бола тарбияси борасидаги энг самарали ва узоқ тарихий даврлар давомида шаклланиб, бизгача етиб келган усул ва воситалардан халқ педагогикасининг манбаларига таяниб фойдаланиш миллий тарбия тизимида муҳим аҳамият касб этади. Шунга кўра тарихий тараққиёт жараёнида оила тарбиясининг асоси бўлган умумбашарий энг оддий одоб нормаларини сингдириш учун самарали усул ва воситаларни аниқлаш ҳамда улардан ёшларни тарбия-

лашда унумли фойдаланиш, айниқса бу ишларни бошланғич синф ўқувчилари орасида кенг кўламда, ҳозирги миллий мактаб тизими мақсадига мувофиқ амалга ошириш зарур. Бунинг учун тарбиячи ишни болаларнинг мактабга келган дастлабки даврларида оиладан қандай элементар одоб нормаларини эгаллаб, қанчалик ижобий кўникма ва малакалар билан келганлигини аниқлаши, бола хулқидаги мавжуд одобсизлик кўринишларини ва уларнинг пайдо бўлиш сабабларини таҳлил қилиши ҳамда ана шу салбий одатларни бартараф этишнинг режаларини белгилаши зарур.

Бошланғич синф ўқувчиларини энг оддий одоб нормаларига одатлантиришни дарс жараёнида, ўқув қўлланмаларидаги у ёки бу мавзуларни ўрганиш орқали ҳам амалга ошириш мумкин. Бунга ўқиш китобларидаги “Меҳрли қиз”, “Икки ўртоқ”, “Нон азиз”, “Ҳозир, бувижон”, “Тўрт сеҳргар”, “Икки хил ёрдам”, “Хўб бўлади” ва бошқа мавзуларни оила тарбиясидаги илғор тажрибаларга боғлаб ўрганиш орқали амалга ошириш билан эришилади. Шунингдек, ўқувчиларни одоб нормаларига ўргатишда синфдан ва мактабдан ташқари ўтказиладиган турли мавзулардаги суҳбатлар, мунозаралар, турли кечалар, учрашувлар ҳам ёрдам беради. Ўқувчиларни зарур одоб нормаларига одатлантиришда оила ва мактаб фаолиятларини бирлаштириш учун бу борадаги ягона талаблар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг бажаришини ҳамкорликда назорат қилиш давримиз тарбиявий ишларининг асосини ташкил этмоғи керак.

Шу мақсадда биз Андижон вилоятидаги бир қатор мактабларнинг бошланғич синфларида махсус ишлаб чиқилган дастур ва иш режаси асосида белгиланган ишларни амалга оширишга киришдик. Бунинг учун тажриба тариқасида ўқиш китобига киритилган кўпчилик мавзуларнинг мазмунини очиб бериш жараёнида халқ педагогикаси манбаларига эътибор кучайтирилди. Конкрет мавзунинг тарбиявий томони чуқурлаштирилди ва ўқувчиларга ажлодларимиздан бизга мерос бўлиб қолган одоб нормаларининг моҳиятини очиб бериш ва уни болаларга сингдириш асосий мақсад қилиб олинди. Синфдан ташқари тарбиявий ишларни йўлга қўйиш айниқса буюк аждодларимиз Амир Темур, Алишер Навоий, Улуғбек ва бошқа машҳур кишилар ҳаёти ва фаолиятлари билан боғлиқ бўлган турли асарларни, уларнинг бизларга қолдирган бой меросларини ўрганиш, суҳбат, мунозара, баҳс, танлов уюштириш, улар ҳаётига оид альбом ва кўргазмалар ташкил этиш бошланғич синф ўқувчиларини элементар одоб нормаларига ўргатишда олиб бориладиган

тарбиявий ишларимизнинг муҳим воситалари бўлиб хизмат қилади.

Ўрганиш ва тажриба объектлари қилиб олинган мактабларимизда бошланғич синф ўқувчиларига одоб нормаларини сингдириш юзасидан баъзи ишлар амалга оширилди. Бу ишлар яхши самара берди. Бунда ота-оналар билан ишлаш кенгашлари, ота-оналар кўмиталари, маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорлик ўрнатилди, турли учрашув ва суҳбатлар ташкил этилди, ҳамкорлик фаолиятларида ягона талаблар тизими ишлаб чиқилди, уларнинг бажарилишини қатъий назорат қилиш тўла йўлга қўйилди. Албатта, юқорида амалга оширилган тадбирларнинг муваффақиятини таъминлашда мактаб директорларининг ўқув ва тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарларининг роли муҳимдир.

Тажриба объекти қилиб олинган мактабларда амалга оширилаётган ишларни марказлаштириш ва тўғри йўналтириб бориш ҳамда шароитдан келиб чиқиб шаклий жиҳатдан ўзгартириш киритиб боришга алоҳида эътибор берилди.

Шундай қилиб, умуминсоний қадриятларимизни халқимизнинг тарбия борасидаги бой тажрибаларини, бола тарбиясидаги кўп асрлар давомида қўлланиб келинган самарали йўл ва воситаларини дарс жараёнида ва синфдан ташқари ишларда ижодий қўллаш, айниқса бу ишларни оила билан мустаҳкам ҳамкорликда амалга ошириш бошланғич синф ўқувчиларини одоб нормаларига одатлантиришда яхши натижа беради.

**М.М.Умарова,**  
Қўқон ПБЮ,  
**У.М.Ражабов,**  
ТермизДУ

## **ПЕДАГОГИК КАСБГА ТАЙЁРЛАШНИНГ МУҲИМ ВОСИТАСИ**

Ўзбекистон Республикасининг “Ёш мутахассис кадрларни тайёрлашнинг миллий дастури”да алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, бўлғуси мутахассисни ҳар томонлама юксак билимли, ўз касбига нисбатан малакали қилиб тарбиялаш бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан биридир. Бу талаб, шубҳасиз, педагогика билим юртларига ҳам таъаллуқли.

Маълумки, педагогика билим юрти ўз кучоғидан узликсиз таълимнинг шохобчалари учун ёш мутахассисларни тайёрлаб беради. Шундай экан, мазкур ўқув юртлари ўз талабаларида

лар ва машгулотлардан ташқари вақтларда болаларда маънавий маданият асосларини шакллантиришда халқ ҳикматларининг мазмунини ва ҳарактерини ҳисобга олган ҳолда кўрғазмалиликка эътиборни қаратиш; 5) болаларнинг халқ ҳикматларида илгари сурилган ғояларга нисбатан муносабатларини аниқлаш.

**М.Толипов,**  
доцент, Қўқон ДПИ,

**Б.О.Қодиров,**  
академик, Термиз ДУ

### **МИЛЛИЙ ДАСТУР-ТАЛАБАЛАРНИ ЎЗЛИКНИ АНГЛАШ ВА ФИДОЙИЛИК ТАРБИЯСИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ АСОСИ**

Мустақилликга эришган республикамизнинг ҳар жиҳатдан тараққиёти асосан барча соҳаларда фаолият кўрсатувчи мутахассис кадрларга боғлиқдир. Шу боисдан ҳам ҳукуратимиз ўзининг кундалик фаолиятида бўлажак соҳа эгаларини ҳозирги замон талаблари асосида камолга етказишга алоҳида аҳамият бериб келмоқда. Бу борада “Ёш мутахассис кадрларни тайёрлашнинг илмий дастури” айниқса эътиборга лойиқдир. Унда барча соҳалар, шу жумладан ўзликсиз таълим тизимининг муассасалари учун мутахассис кадрлар тайёрлайдиган ўқув юртлири олдида ҳам масъулиятли вазифалар юкланади. Дастурнинг мақсад ва вазифалари ёритилган қисмида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, мазкур ўқув юртлирида тайёрланаётган ёш мутахассис юксак билим, касбий маҳорат соҳиби, маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб бера оладиган бўлмоғи лозим.

Бўлғуси ўқитувчиларни мактабдаги тарбиявий ишларнинг барча турларида, шу жумладан ўзлигини англаш ва фидойилик тарбиясига тайёрлаш борасида ҳам илмий дастур асос бўлиб хизмат қилади. Чунки ундаги барча ғоя, кўрсатма ва йўналишларда миллий мафкурамиз асосида кадрларни тайёрлашдек улугвор вазифалар ўзининг ёрқин ифодасини топган. Дастурда кадрлар тайёрлашнинг миллий модели берилган бўлиб, у бўлғуси педагогларни ўзликни англаш ва фидойилик тарбиясига тайёрлашда бой имкониятларга эгадир. Дарҳақиқат, унда иқтисодий, ғоявий-сиёсий, маънавий-маърифий тараққиётимизда муҳим ўринни эгаллаган шахс ва жамият, ўзликсиз таълим, фан, ишлаб чиқаришларнинг ижтимоий ҳаётдаги тутган ўрни, масъулияти, бурч ва ҳуқуқлари, кафолатлари атрофлича ёритиб берилган; айниқса жамият ҳақидаги, педагогика, психология

тизимдаги фанларни ўқитишдаги вазифалар талабаларга мазкур модел асосида атрофлича тушунтирилиши зарур. Бизнингча, мазкур моделнинг таркибий қисмларида илгари сурилган ғояларнинг мазмуни билан таништиришда эътибор асосан қуйидагиларга қаратилиши лозим:

**Шахс** - таълим тизимининг бош субъекти ва объекти: таълим тизимининг истеъмолчиси ва амалга оширувчиси, давлат стандарти талабларини бажарувчи. У ўз билими ва тайёрланганлиги даражасига боғлиқ фаолият кўрсатади, таълим стандартлари орқали сифатли билим олади, таълим турини танлайди, малака ошириш ҳуқуқидан фойдаланади.

**Давлат ва жамият** таълим олишни юридик жиҳатдан кафолатлайди; таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини тартибга солади, бошқаради ва назорат қилади режалаштиради, амалга оширади, ташкил этади, истиқболни белгилайди; молиявий, моддий ва маънавий жиҳатдан таъминлайди; тайёрланган кадрларни иш билан таъминлашни кафолатлайди; таълим тизимининг ўзгаришларга мослашувини таъминлайди.

**Узликсиз таълим** - кадрлар тайёрлаш тизимининг асоси, пойдевори; мамлакат иқтимоий, иқтисодий тараққиётини таъминловчи; иқтисодий, ижтимоий, илмий, техникавий ва маданий эҳтиёжларни қондирувчи; шахснинг маънавий камолоти, қобилият ва истеъдодларини ривожлантириш манбаи; малакали рақобатдош кадрлар тайёрлаш учун замин яратувчи.

**Фан** - мутахассисликнинг фундаментал илмий асосларини бериш; мутахассисликнинг назарий-методологик асосларини ишлаб чиқиш; мутахассисликнинг илмий, амалий ва методик асосларини яратиш; педагогик ва психологик жиҳатдан асосланган тавсиялар бериш; энг мақбул технологияларни ишлаб чиқиш ва таъминлаш; энг замонавий ахборат технологияси воситалари билан таъминлаш; ўқитишнинг илгор методлари, шакл ва воситаларининг илмий-амалий жиҳатларини аниқлаш.

**А.Б.Измамадов,  
Термиз ДУ**

## **ЁШ БОКСЧИЛАРНИ ЎЗБЕК ХАЛҚ ЎЙИНЛАРИ ОРҚАЛИ ТАРБИЯЛАШ**

Мустақилликни қўлга киритганимиздан кейинги ўтган давр ичида жисмоний маданият ва спортдаги муваффақиятларимиз, эришган ютуқларимиз билан жаҳондаги ривожланган мамлакатлар даражасига кўтарилиш борасида олдимизда улкан вазифа-

лар турибди. Бу вазифаларни амалга оширишда ҳар бир спортчининг ўз ўрнини англаши, жонбозлик кўрсатиб, юқори кўрсаткичли натижага эришиши бугунги куннинг долзарб масаласидир.

Замонавий спорт турлари машгулотлари жараёнида ахлоқий-маънавий фазилатларни, жисмоний сифатларни тарбиялаш, уларнинг билим, ҳаракат кўникмаси ва малакаларини узликсиз кенгайтиришда халқ миллий ўйинлари ва спорт туридан фойдаланиш масаласи давр тақозоси ҳисобланади. Айниқса республикамиз ёш спортчиларини ўзбек халқ ўйинлари орқали тарбиялаш, уларда миллий гурур, миллий маданият ва миллий мафқурани шакллантириш, мусобақа пайтида ҳалоллик, рақибга нисбатан муросасиз кураш ва ҳурмат-эътибор, ватанпарварлик ҳис-туйғуларини тарбиялаш айтилган муддаодир. Ундан ташқари, ёш боксчиларни жисмоний, техникавий, тактикавий, интеллектуал, руҳий ва ахлоқий-маънавий тайёрлаш жараёнида халқ жисмоний воситаларидан самарали фойдаланиш ҳам ўз ечимини кутаётган муаммо саналади. Ўзбек халқ ўйинларининг тарбиявий аҳамияти чексиздир, ана шу ўйинлардан “Қалъа ҳимояси”, ёш боксчиларнинг қайси ахлоқий-маънавий ва жисмоний сифатларини тарбиялаши мумкинлиги ҳақида тўхталамиз.

*Ўйинга тайёрланиш.* Ўйин майдонда ўтказилади; ўйновчилар икки гуруҳга бўлиниб, икки қават доира ҳосил қилиб турадилар. Ички доира ўртасида диаметри 90 см ёки 1 метр “қалъа” ўрнатилган бўлади. Ҳар бир ўйновчининг ўрни чегаралаб қўйилади. Ташқи доира билан қалъа оралиғи бир метр бўлади. Ташқи доира билан ички доира оралиғи эса 6 м бўлади. Доиралар майдонга олдиндан чизиб қўйилади. Доира ҳосил қилиб турган ўйновчилар ораларидаги масофа 1 метрни ташкил қиладди, уларнинг жойи ҳам чегаралаб қўйилади. Ташқи доирадаги гуруҳ ўйновчилари ҳужумчилар, доира ичидаги ўйновчилар эса ҳимоячилар ҳисобланади.

*Ўйин тасвири.* Ҳужумчилар ҳимоячилар ёнидан тутқич бермай ўтиб, қалъадан сакрашлари керак. Ҳимоячилар уларни қалъага ўтказмасликка ҳаракат қиладилар. Тутқич бермай ўтиб, қалъадан тўғри сакраган ҳужумчи чаққон, эгчил ўйинчи саналади. Туттилганлар эса енгилган ҳисобланиб, ўйиндан чиқарилади. Ҳужумчиларнинг бир қисми ёки ҳаммаси туттилгандан сўнг ўйин якунланади, ўйновчилар эса ўрин алмашади.

*Ўйин қоидаси.* 1. Ҳимоячининг ўнг томонидан биттадан юғриб ўтиш мумкин. 2. Ҳимоячилар ҳужумчиларга қўлларини теккизиб (турган жойларидан қимирламасдан) қўядилар. 3. Агар



ҳужумчи қалъани қулатиб юборса, ўйиндан чиқарилади, қалъа қайта тикланиб, ўйин яна давом эттирилади.

*Тарбиявий аҳамияти.* Ўйин жараёнида зийраклик, рақибга чап бериш, сабр-тоқатлилик, рақибга ҳурмат, дадиллик, жасурлик, аниқ мўлжал олиш, тутқич бермаслик каби фазилатлар ҳамда жисмоний (шиддаткорлик, куч, тезкорлик, чидамлилик, сакровчанлик, чаққонлик ва бошқа) сифатлар шаклланади. Ундан ташқари, ўйновчиларда бир-бирига бўлган ўзаро ҳурмат, тартиб-интизом, ўйин қондасига ҳар иккала жамоа аъзоларининг рия қилишлари, ўйинни муросасиз ўйнаш хислатлари тарбияланади.

“Қирқ тош” ва бошқа ўйинлар ҳам шундай тарбиявий аҳамиятга эга.

Ш.Р.Рўзиёв,  
пфн, Термиз ДУ,  
Ш.Бегашева,  
тадқиқотчи

## ЎЗБЕК ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИНING ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИГА ДОИР

Республикамизда покланиш жараёни шаклланиб бораётган бир даврда инсоний қадриятимизни, ғоявий эътиқодимизни, маънавий-ахлоқий ҳаётимизни мустаҳкамлаш энг муҳим муаммолардандир.

❦ Кишилар ўртасида камтарлик, меҳр-шафқат, мурувват, ўзгаларнинг қадрига етиш, ҳурмат-иззатини жойига қўйиш, ҳалоллик, ҳақгўйлик, илтифотли, ҳаёли бўлиш, миллатлар ва элатларнинг урф-одатлари, маросимлари ва удумлари билан ҳисоблашиш, бир-бирига мададкор бўлиш каби фазилатлар йўқолиб кетаётганлиги биз зиёлиларни ташвишга солади. Таниқли адабиётшунос олим Гулом Ғофуров: “Қилиб қўйган хатоларимиздан минг бор афсусдамиз! Йиглай десак, йиглаб бўлмайди: кўзларда нам йўқ! Кулай десак, кулолмаймиз: лабда табассум йўқ! Уйлашга имкон йўқ: вақт тигиз, тоқат косаси тўлиб тошган. Сабр таъбирга айланган! Одамнинг яшагиси, ўйнаб-кулгиси келмайди, танда рух, оёқда мадор тугаган, юрак хаста! Ажиб бир руҳсизлик! Қалб ҳовлиси хувуллаб қолган, ҳокимларда адолат йўқ, золимларда мурувват, меҳр-шафқат йўқ, олимларда эътиқодимон йўқ, эр-хотинда вафо, дўстларда садоқат йўқ! Халқ орасидан яхшилиқ, ҳалоллик, эзгулик, гўзаллик, юздан шарм-ҳаё

кўтарилган. Бобокалонларимиздан мерос қолган қадриятлар биздан қочган”, - деган эди.

Шу боисдан ҳам инсон, унинг дунёқараши ва фаоллигига таъсир этадиган кучларни ҳаракатга келтириш ўсиб келаётган ёш авлодда юксак ахлоқий тушунчаларни камол топтириш поклянишнинг муҳим иқтисодий-ижтимоий, маданий ва маънавий вазифаларини амалга оширишни талаб қилади. Аммо бу муаммолар осон иш эмас. Шунга қарамасдан, Республикамизда поклянишнинг ривожланиш даражаси кундан кунга бўй чўзиб бормоқда. 1990 йилдан бошлаб 21 март куни Наврўз байрами сифатида нишонланиши халқимиз анъаналари, маросимлари ва урф-одатларининг қайта тикланишига асосий манба бўлиб қолади. Энг муҳими, ушбу тадбир маданий меросимизни, ўзбек халқ оғзаки ижодини ўрганишдаги тўсиқларни олиб ташлашда, го-явий-тарбиявий соҳаларда ҳам янгиланиш ва поклянишдан хабар бермоқда.

Ўзбек халқ оғзаки ижодиётида халқнинг озод ва фаровон ҳаётга интилишлари, ҳақсизлик ва адолатсизликка қарши ўткир ғазаб ва кескин нафрат билан курашганликлари халқ до-нишмандлигига хос бадиий бўёқларда ифодаланади. Уларда оила ва бола тарбиячи, келин-куёв мадҳияси ва бурчлари, дўстлик ва ҳамкорлик, севги ва садоқат, ота-онага ҳамда ўзгаларга ҳурмат каби қатор муаммолар қандай ҳал этилгани улуғланади. Ўзбек халқ оғзаки ижодиёти асарларини ҳар томонлама тадқиқ этиб, уларда илгари сурилган муҳим ғояларни умумлаштириш ва улардан ёш авлодни тарбиялашда, йўқолиб бораётган инсоний қадриятларни тиклашда, умумтаълим мактаблари тарбиявий ишларида самарали фойдаланишга йўллаш ўзбек халқ педагогикасининг олдида турган муҳим вазифадир. Чунки бошқа халқлар қаторида ўзбек халқи ҳам узоқ тарихий даврда санъат ва адабиёт тараққиётига муносиб ҳисса қўшган, халқимизнинг маънавий маданиятининг улкан ва ажралмас қисмини ташкил этган қадимий халқ оғзаки ижодиёти манбалари-рига эгадир. Қадимги ва Ўрта асрларда яратилган “Илиада” ва “Одиссея”, “Ролланд ҳақида қўшиқ”, “Нибулинглар ҳақида қўшиқ”, “Махобҳарат” ва “Ромаяна”, “Игорь жангномаси” ва “Шоҳнома” каби асарлар билан тенг кела оладиган ўзбек халқ дostonлари, қўшиқлари, мақол ва маталлари, топишмоқлари, латифалари борки, улар халқ педагогикасининг бебаҳо бойли-гидир.

А.Э.Кенжабоев,  
доцент, ТермизДУ,

Қ.М.Жўраев,  
ффд, ТермизДУ

## БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИ ХАЛҚ ПЕДАГОГИКАСИ РУҲИДА ТАРБИЯЛАШ

Мамлакатимизда халқ таълими тизимини ислоҳ қилишдан асосий мақсад ёшларимиз онгига миллий гурур ва истиклол мафкураси ғояларини сингдириш, маънавий қадриятларимизни асраб-авайлаш, сақлашга қодир бўлган муносиб ворисларни тарбиялаб етказишдан иборатдир. Маълумки, ўтмишда халқимизнинг илм, маданият ривожига ўлкан ҳисса қўшган буюк алломалар халқимиз маънавиятига катта таъсир кўрсатишган. Бўлажак ўқитувчиларимиз халқимизнинг ана шу бой маънавияти тарихини яхши ўрганган ҳолда миллий мактаб дастурига мос замонавий талабларни чуқур ўзлаштиришлари зарур. Халқ оммасининг турмуш фаолияти жараёнида тўплаган тажриба ва билимларининг йиғиндисини халқ педагогикаси фанининг асосини ташкил қилади.

Халқ педагогикаси ўтмиш донишмандларимизнинг тарбия соҳасида қолдирган маънавий меросларини ёшлар онгига чуқур етказишни ўзининг асосий мақсади деб билади ва уни амалга ошириш бўйича турли усуллар, тажрибалардан фойдаланади, чунки бу усул, восита, кўникма ва малакалар инсон тажрибасининг йиғиндисидир. Қайд этилган ғояларни бўлажак ўқитувчиларга сингдириш уларни кундалик ҳаётга тайёрлашда муҳим восита бўлиб хизмат қилади. Факультетимизда таълим олаётган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларига II, III курсларда халқ педагогика курси ўқитилади. Унда талабалар халқ педагогикаси ва унинг манбалари ҳақида етарлича маълумот оладилар. Халқ ва халқ донишмандларининг тарбия ҳақидаги қийматли фикрлари бизнинг замонамизда ҳам ўз кучини йўқотмаган. Ҳозирги кунда халқ педагогикаси олий ўқув юртларида ва умумтаълим мактабларида ҳам тарбия воситаси сифатида хизмат қилмоқда.

Ўзбек халқ мақоллари, эртақлари, топишмоқлари ва достонлари кўпроқ таълим-тарбияда марказий ўринни эгаллайди. Халқ педагогикаси курси давомида бўлажак ўқитувчилар ана шуларга эътибор берадилар. Бўлажак ўқитувчилар мақоллар, эртақлар, топишмоқлар, халқ қўшиқларининг моҳиятини қанчалик яхши ўрганиб олсалар, келажакда мактабларда халқ педа-

гогикасидан таълим-тарбия жараёнида шунчалик кенг фойдаланадилар. Болаларнинг ахлоқ ва одобига нисбатан айтилган “Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл”, “Меҳнат - меҳнатнинг таги роҳат”, “Олтин олма, дуо ол” каби халқ мақоллари ёшларда кишиларнинг ижобий маънавий фазилатлари - оташин ватанпарварлик, миллий биродарлик, миллий ифтихор, чуқур инсонпарварликни шакллантиришга ёрдам беради. Эртак ва дostonларнинг, топишмоқ ва халқ кўшиқларининг бўлажак ўқитувчилар томонидан пухта ўрганилиши келажакда болаларда жисмоний ва ақлий камолот, илм ва хунарга муҳаббат, меҳнатсеварлик каби ижобий маънавий сифат ҳамда эстетик дидларнинг таркиб топишига катта ёрдам беради. Бўлажак ўқитувчилар халқ педагогикасини ўрганиш билан бир қаторда, ўтмишда ижод қилган буюк алломаларимиз Абу Носир Фаробий, Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий асарларини кунт билан ўқисалар, ўқув-тарбия жараёнида улардан оқилона фойдалансалар, мақсадга мувофиқ бўлади, чунки таълим-тарбия жараёнида ҳанузгача халқ педагогикасидан етарлича кенг фойдаланаётганимиз йўқ.

**Б.А.Тошмуродов,**  
ТермизДУ,  
**Ж.Кенжабоев,**  
талаба

## **БУХОРОЧА КУРАШ ЎЗБЕКЛАРНИНГ МИЛЛИЙ СПОРТ ТУРИДИР**

Ўзбекистон ҳукумати ҳуқуқий, демократик ва фуқаролар жамиятини ривожлантиришнинг ҳар бир конкрет даврида жисмоний маданият ва спорт соҳасининг асосий вазифаларини белгилаб берди. Ҳар бир элат, миллат ва халқ ўзининг миллий маънавий ва маданий меъросига эга. Ана шундай бойликлардан бири халқ ўйинлари ҳисобланади. Бухороча кураш усули халқимизнинг қадимий ва навқирон миллий спорт турларидан биридир. Кураш - бу подвон йигитларнинг куч синашиши, елкама-елка қўл билан ушлашиб, ҳар хил усулларни ишлатиб, рақибнинг курагини ерга тегизишидан иборатдир.

Шуни эътироф этиш керакки, миллий курашимизнинг қадимий эканлиги ҳақида оқсоч тарих гувоҳлик беради. Тешиктош, Айритом, Кучуқтапа, Далварзинтепа, Афросиёб ва шунга ўхшаш археологик қазилма топилдиқлари ичида сопол, чинни идиш-

ларда, деворга солинган сувратларда қадимги курашчиларнинг баҳслари акс эттирилган. Аждодларимиз қолдирган қадимги қўлёзмалар, эпослар, эртақлар, ривоятлар, топишмоқлар ва қўшиқларда кураш ҳақида кўплаб сўзлар учрайди. Маҳмуд Кошгарий миллий курашчиларимизнинг қоидалари, усулларига оид қатор сўзларни келтиради, “олишиш, тортишиш”, “курашда”, “кураш тушди”, “енгилди”, “тепди”, “у уни чалиб еқитди”, “ютди”, “улар иккови бир-бирлари билан бўйин қайиришда баҳслашдилар”, “енгилмас курашчи ботир”, “йиқитди”, “у унинг оёғини курашда чалди, қайирди” ва ҳаказо.

Миллий курашимизнинг қадимий номлари “Девону луғотит турк” асарида “купишди”, “чалишди” шаклида учрайди. Алишер Навоийнинг “Ҳолати Паҳлавон Муҳаммад” асарида “куштигир”, “қуштигирлик”, “миёнгир”, “миёнгирлик”, “Темурнома”да “талаш”, “талашка”, “Бобурнома”да “кушти”, “куштигир”, “куштигирлик”, “талашди”, “миёнгирлик” сўзлари кураш, курашиш, кураш тушувчи маъноларида ишлатилган. Зайниддин Маҳмуд Восифий эса ўз асарида “гуштигир”, “кураш”, “олиш”, “олишиш” тарзида қўллаган. Машҳур ҳаким Ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида курашнинг икки турини тавсифлаб, уларнинг моҳиятини ва қўлланиш қоидаларини муфассал ёзиб қолдирган. Унинг таърифича, бир тури белдан ушлашга рухсат берилиб, оёқни ишлатмасдан курашиш бўлса, иккинчиси эса қайси жойдан ушлаб олса, шу ердан маҳкам тутиш ва оёқлар ёрдамида ҳаракат қилишдир. Аммо курашнинг иккала турида қўллар билан оёқдан олиш қатъиян ман қилинган. Халқимизнинг севимли достони “Алпомиш”да кураш кўп манзаралар орқали тасвирланган. Шундай ҳолатлардан бири Барчинойнинг тўртинчи шарти - алпларни курашда енгиш. Бу шартни бажараётган Алпомишга қарата у шундай дейди:

Йиқолмасанг, бизга бергин навбатни,  
Жуда келди Барчин ёрнинг ғайрати,  
Ушлаганда кўкка отмай не бўпти?  
Йиқолмасанг, тўра, навбат тилайин!

Ҳозирги пайтда ўзбеклар кураш, тожиклар гўштигири, туркменлар гуреш, қозоқ ва қирғизлар курес деб атайдилар.

У.М.Ражабов,  
пфн, ТермизДУ,  
Т.Жунгов,  
Шеробод

## АТРОФ-МУҲИТ БИЛАН ТАНИШТИРИШДА ФОЛЬКЛОРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Ўқувчиларни атроф муҳит билан таништиришда айниқса болаларнинг мавсум қўшиқлари, мақоллар ва топишмоқлардан фойдаланиш натижалар беради. Гўдак дунёга келиши биланоқ атроф-муҳит билан танишиб боради. Болаларда ҳали кичик ёшдаги мактаб ўқувчилиги пайтларидаёқ атроф-муҳит, табиат ҳақида маълум даражада табиий билимлар мавжуд бўлади. Биринчи синф ўқувчиси ҳам мевали, мевасиз дарахтларни, полиз экинларини, уй ҳайвонлари ва паррандаларни билади. Лекин барча оилаларда ва туманларда шароит бир хил эмас. Масалан, бирор оила боғдорчилик билан қизиқса, бошқа оилада дехқончиликни севишади, учинчи оилада эса чорвачилик билан шуғулланиш ривожланган бўлади. Табиийки, боғдорчилик билан қизиққан оилада ўсган бола дехқончиликни севган оилада ўсган боладан кўра кўпроқ меваларни билади, фарқлай олади ёки аксинча.

Шунинг учун ўқувчиларни атроф-муҳит, қушлар, ўсимликлар, ҳайвонлар дунёси билан таништиришда "Бизнинг уй ва она табиат", "Бизнинг мактаб ва она табиат", "Ўзбекистон табиати" каби мавзулар ёрдамида билимини ошириб бориш лозим. Ўзбек болалар фольклорида ўсимликлар, ҳайвонлар, мевалар, дарё, тоғ, йил фасллари ҳақида кўп топишмоқлар ва мақоллар яратилган. Ўқитувчи болаларни атроф-муҳит билан таништиришда шундай фольклор намуналаридан унумли фойдаланса, болаларнинг онгига тез таъсир қилади. Масалан, сабзининг қандай етиштирилишини билмаган шаҳар боласига "Ер тагига олтин қозиқ" топишмоғи айтилса, изоҳлаб берилса, ўша ўқувчи сабзи ер тагида етилиши, шакли жиҳатдан қозиққа, ранг жиҳатдан олтинга ўхшашлигини ҳеч қачон унутмайди. Ҳар қандай таълим-тарбия мураккаб ва серқирра жараёндир. Мактаб ўқувчиларини атроф-муҳит, табиат билан таништиришда фольклорнинг аҳамиятини ўрганар эканмиз, бу мураккабликни асло унутмаслик керак. Болаларни атроф-муҳит, табиат билан таништиришда фольклор восита бўлса, бундан асосий мақсад болаларда меҳнатга, табиатга меҳр-муҳаббат уйғотиш, уни авайлаш ҳисла-

рини ўстиришдир. Негаки табиатни севиш, уни авайлаш инсон-парварлик кўринишларидан биридир. Болаларни атроф-муҳит, табиат билан таништиришда, уларда табиатга меҳр-муҳаббат уйғотишда фольклорнинг ролини аниқлаш учун йилнинг турли фаслларида уларга таяниш ёки нотаниш ерларга экскурсиялар уюштириш ҳам самарали натижалар беради. Тўғри, болаларнинг ўзи маҳаллий шароитларни доим кўриб туради. Бироқ ўқитувчи раҳбарлигидаги экскурсиялар уларда атроф-муҳитга муҳаббат, инсонпарварлик ҳисларини ўстиради, дунёқарашини кенгайтиради. Масалан, ўқитувчи қор ёққан пайтда ўқувчиларни яқин бирор жойга олиб чиқади ва экскурсиялардан сўнг улардан қиш, қор, муз, аёз ҳақида қандай топишмоқларни, мақолларни, эртақларни билишини сўрайди. Ўқитувчи бу саволни синфда ҳам бериши мумкин.

Умуман олганда, кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини тез-тез экскурсияларга олиб бориб туриш уларнинг табиатга бўлган қизиқишларини орттириб, борлиқ оламга нисбатан меҳр-муҳаббатини таркиб топтирибгина қолмай, уларнинг ички дунёларини, ҳар бир воқеа ва ҳодисага нисбатан фикрлаш қобилиятини шакллантиради.

**И.Қ.Сулаймонов,**  
доцент, Қўқон ДПИ

### **МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ВА МАЪНАВИЯТНИНГ ШАКЛЛАНИШИДА ЎЗБЕК ЗИЁЛИЛАРИ- НИНГ ТУТГАН ЎРНИ**

Маълумки, асримизнинг бошида Ўзбекистонда рўй берган ижтимоий ўзгаришлар ерлик халқ вакиллари орасидан янгича маълумотли кишилар тайёрлашни тақозо этди. Натижада ўлка-миз ҳудудида янги ўқитиш усулига асосланган мактаблар (жадид), шу билан бирга, рус-маҳаллий мактаблари ҳамда европача ўқув юртлари (гимназия, реал ва тижорат билим юртлари, ўқитувчилар семинарийлари кабилар) майдонга келди.

Жумладан, инқилоб арафасида 376та мадраса (9637 ўқувчи), 7290та эски мактаб (70864 ўқувчи), 126та рус-маҳаллий мактаби (6213 ўқувчи), 39та янги мактаб, 19та гимназия, 2та реал билим юрти, 2та ўқитувчилар семинарийси, 1та тижорат, 1та ҳунар билим юрти фаолият кўрсатган эди. Мазкур билим даргоҳларида бошқа миллат вакиллари билан бир қаторда маҳал-

лий зиёлилар (педагоглар, журналистлар) ўзларининг хизмат вазифаларини халқ манфаатлари йўлида виждонан бажаришди. Уларнинг дунё қарашлари асосини шарқона инсоний қадриятлар, поэтика ва фалсафа ташкил этар эди.

Уларнинг кўпчилиги шаҳар ва қишлоқларда янги типдаги мактаблар очиш, дарс ўтиш услублари ва қоидаларини яратиш борасида ҳам фаоллик кўрсатди. Бундай кишилар қаторида Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Ашурали Зоҳирий, П.Солиев, А.Мустафоев, Х.Файзиев, Ш.Зуннун, А.Шокирий, Ш.Раҳимий, О.Дадахўжаев, Тошмуҳаммад Қори-Ниёзий, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Р.Мўмин, С.Ализода, А.Авлоний, Х.Саидий, И.Мирзажонов ва бошқаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Улар ўзларининг фаолиятларида маҳаллий мактаблар учун она тили дарсликларини яратиш масаласига жиддий эътибор берганлар. Бундай уринишлар намунаси сифатида С.Ализоданинги 1917 йилда бошланғич мактабларнинг биринчи синфи учун “Биринчи йил”, М.Бехбудийнинг “Янги ҳисоб”, А.Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” каби дарслик ҳамда қўлланмаларини эслатиб ўтиш жоиздир. 1917-1920 йиллар оралиғида, дарсликлардан ташқари, турли китоблар ҳам яратилди ва чоп этилди. Масалан, 1919 йилда 91та, 1920 йилда 118та китоб чоп этилган.

Ўзбек зиёлиларининг бу саъй-ҳаракатлари ўлкамизда миллий мактаб, маданият ҳамда маънавиятнинг шаклланиши ва ривожланишида муҳим қадам бўлди. Ўша йилларда ўзбек тилида “Маориф”, “Ишчилар дунёси”, “Касабачилик ҳаракати”, “Болалар дунёси”, “Инқилоб”, “Билим ўчоғи”, “Муштум”, “Дехқон”, “Маориф ва ўқитувчи”, “Янги йўл” каби журналлар чоп этилди. Бу эса мамлакатимизда замонавий миллий матбуот ва унинг малакали мутахассис кадрларининг етишиб чиқишига яқиндан ёрдам беради. Инқилоб арафасида шаклланган ўзбек зиёлилари кенг халқ оммасининг манфаатларидан келиб чиқиб, халқимизнинг аънаналарига, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқ қолдилар. Усмон Носир, Фитрат, Чўлпон, Абдулла Қодирий каби халқимизнинг асл фарзандлари миллий таълим ва маънавият йўлига ўзларининг жонларини ҳам бахшида этишди.



Ш.Шайдуллаев,  
Ўзбекистон,

Дитрих Хуфф, Мике Конют, Кай Конют,  
Германия

## ЖАРҚЎТОН: ИЗЛАНИШЛАР, ТАДҚИҚОТЛАР, ИЛМИЙ ХУЛОСАЛАР

Жарқўтон Марказий Осиёдаги энг қадимги шаҳар ҳисобланади. Бу ерда акад. А.Асқаров ва унинг шогирдлари 20 йилдан буён археологик тадқиқотлар ўтказиб келмоқда. Натижада бу ёдгорликда шоҳлар саройи, олов ибодатхонаси, кулоллар маҳалласи, шаҳар аҳолиси истиқомат қилган 3та қўрғон, мудофаа иншоотлари, 200дан ошиқ қабрлар очиб ўрганилди. Бу илмий кашфиётлар рисола ва монографиялар ҳолида илм аҳлига етказилади. 1994 йилдан бошлаб Жарқўтон ёдгорлигида Ўзбекистон-Германия археологик экспедицияси иш бошлади. Экспедициянинг мақсади қуйидагилардан иборат:

- 20 йил давомида очилган археологик манбаларни европа фани даражасида илмий ишлаш (компьютерлаштириш, статистик маълумотлар тўплаш, диққатга сазовор топилмаларни чоп эттириш);

- маълумки, Жарқўтон ёдгорлигининг ёшини аниқлашда Европа ва Америка олимлари билан ўзбек олимлари орасида илмий тортишувлар бор, бу борада бир ечимга келиш;

- Ўзбекистон тарихини янги маълумотлар билан бойитиш;

- Ўзбекистоннинг қадимги тарихини, бой маданий меросимизни Европага ёйиш, Мустақил Ўзбекистонни Европага яқиндан танитиш.

Шу мақсадларни амалга ошириш учун Жарқўтон ёдгорлигида стратиграфия ва планография тадқиқотлари олиб борилмоқда. Жарқўтон нафақат илк шаҳар, балки илк давлат ҳам экани исботланмоқда. Жарқўтоннинг қадимги аҳолиси социал гуруҳларга бўлиниб ўрганилмоқда. Булар саройда яшовчи амалдорлар, ибодатхона хизматкорлари-диндорлар, мудофаа иншоотларида аҳолини ташқи душмандан қўриқловчи-аскарлар, аҳолини кийим-бош, қурол-аслаҳа билан таъминловчи косиб-у хунармандлар, озиқ-овқат билан боқадиган деҳқонлар ва чорвадорлар.

Сополлар мажмуаси, яъни кулолчилик маҳсулотларини ўрганиш академик А.Асқаров таклиф қилган шкала нақадар аниқ эканлигини исботлади (Сополли-Жарқўтон-Кўзали-Мул-лали-Бўстон).

Янги тадқиқотлар Жарқўтон аҳолисининг Месопотамия аҳо-лиси билан яқиндан маданий алоқада бўлганлигини кўрсат-моқда. Месопотамияда фаянсдан ишланган идишнинг топилиши бунинг исботидир. Сополдан ишланган фил ҳайкалчаси ҳамда филнинг суягидан ясалган тақинчоқ ва муҳрларнинг топилиши Жарқўтон аҳолисининг Ҳиндистон аҳолиси, яъни Хараппа мада-нияти билан маданий алоқаларини кўрсатади. Марказий Эронда лазурий тошдан ишланган тақинчоқлар, кўк жило тарқатувчи, бежирим қилиб ишланган сурматош ва ўсматош топилиши Жарқўтонликларнинг Эронликлар билан ҳамкорлигини билдир-са, Сибир ва Қозоғистонда характерли бўлган куроолларнинг (найза, тиг, санчқининг) топилиши шимолий ўлка аҳолиси билан ҳам савдо ишлари йўлга қўйилганлигидан шоҳидлик беради. Мағриб билан Машриқни боғловчи маданий кўприкка - Буюк ипак йўлига Жарқўтонликлар бронза давридаёқ, бундан 3500 йил аввал асос солганлиги ашъвий дадиллар асосида исбот-ланди.

Тарих фанида темир рудасини хетликлар яратганлиги, уни эритиш ва ундан нарсалар ясашни сир тутганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Ўзбек-олмон қўшма экспедициясининг яна бир ютуғи Жарқўтондан Марказий Осиёдаги энг қадимги темир қолдигини топгани бўлди. Бу топилма бронзадан ясалган пичоқ дастаси бўлиб, гулмихлари темирдан ясалган. Бу эса нафақат қадимги хетлар, балки Жарқўтонликлар ҳам темирни билганли-гининг, ундан фойдаланишни уддалаганлигининг ашъвий дали-лидир. Қадимги Бақтрияликларнинг ҳарбий санъати тарихи ҳам янги маълумотлар билан бойитилди. Маълумки, бронзадан ясал-ган пайконлар (найза ўқи) Бақтрияда илк темир даврида пайдо бўлган ва пайконларни ясашни улар кўчманчи Скиф (Сак) қаби-лаларидан ўрганган деган фикр тарих илмида ҳукмрон эди. Жарқўтондаги тадқиқотлар бу нотўғри қарашларга ҳам нуқта қўйди. Бақтрияликлар, яъни жарқўтонликлар бронзадан пай-конлар ясашни эрадан аввалги XV асрдаёқ билганлар, ҳарбий санъатда устаси фаранг бўлганлар.

А.Р.Пирматов,  
"Шарқ табобати" маркази,  
Н.Я.Алимова,  
ТермизДУ талабаси

## ЗАРАУТСОЙДАГИ ШИФОБАХШ ЎСИМЛИКЛАР

Қадимги Зараутсой дараси атрофида 100дан ортиқ шифобахш ўсимликлар ўсишини аниқлаганмиз. Бу ўсимликлар инсон соғлигини сақлашда ниҳоятда фойдали бўлибгина қолмасдан, улар табиат кўрки, ҳаво мусоффолигини таъминлашда ҳам қийматлидир. Ушбу мақолада айрим ўсимликларнинг фойдали хусусиятлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчимиз.

1. Арслонқуйруқ - тутқаноқ, хафақонлик, сурункали ва ўткир юрак томир хасталиклари, юрак ўйноғида, ошқозон-ичак, хотин-қизлар жинсий аъзолари касалликларида дамлама ва қайнатма тайёрланиб ичилади.

2. Бангидевона - барги оғиз бўшлиғи касалликларида чайқаш учун, тиш ва бош оғриғи, иситмада, шунингдек тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи, ухлатувчи дори сифатида, юрак, ошқозон, асаб касалликларида, бод касалликларида, тутқаноқ, бел ва кўкрак оғриқларида фойдаланилади.

3. Бешбарг (Ғозпанжа) - баргининг дамлама ва қайнатмаси тиш милкидан қон оқишида, томоқ оғриғида, ичак ва меъдадан ҳамда тукқанда қон кетганда тўхтатувчи дори сифатида ишлатилади.

4. Бозулбанг - асосан бачадон, бурун, ўпка яралари, бавосирда қон оқишни тўхтатувчи ва босимни туширувчи сифатида ишлатилади.

5. Бўтакўз - сариқ касаллигида ўт ҳайдовчи сифатида, шапқўрликни даъволашда, ошқозон-ичак касалликларида, ҳар хил шамоллаш, йўтал, кўкйўтал, қорин, қовуқ оғриғини, ич кетиш, нерв ва бошқа касалликларни даволашда, шунингдек бачадондан қон кетишини тўхтатишда, сийдик ҳайдовчи, терлатувчи дори сифатида ишлатилади.

6. Буймодарон - қон оқишни тўхтатувчи сифатида, қон тупуриш, қон аралаш ич кетиш, бавосир касаллигида, иштаҳа уйғотувчи, сийдик ҳайдовчи, меъда-ичак касалликларида, гижока туширувда ишлатилади.

7. Газак ўт - иштаҳа уйғотувчи, меъда-ичак касалликларида, милкдан қон оққанда ишлатилади.

8. Газанда (қичитқи ўт, чаён ўт) - дамлама, қайнатмаси, толқони бод, иситма, кўкрак оғриғи, нафас қисиш, бавосир касаллиги, балғам кўчирувчи, сийдик ҳайдовчи, қон оқишни тўхтатувчи ҳамда сурункали яраларни даволашда, хотин-қизлар касалликлари, ўпка, буйрак касалликларида ишлатилади.

9. Гулайри - илдизи, барги, уругидан дамлама, қайнатмалар тайёрланиб, йўтал, қон тупуриш, зотилжам, кўкйўтал, нафас қисиш, кўкрак оғриғида юмшатувчи, оғриқ қолдирувчи, балғам кўчирувчи дори сифатида ишлатилади.

10. Дала чой (қизил пойча) - сийдик ҳайдовчи, турли яраларда, буйрак, қовуқ, меъда-ичак, ички қон оқишни тўхтатишда, қон тупуришда, стоматит, гингивит, гижока ҳайдовчи дори сифатида қўлланилади.

11. Ерчой (ширчой) - дамлама ва қайнатмаси кўкрак оғриғи, ич кетишни тўхтатувчи, тиш касалликларида, томоқни чайқашда ишлатилади.

12. Зира - мева дамламаси буйракдаги тошни ва кўкракда йиғилган йирингни чиқариб юборишда, сурункали иситмани туширишда, сийдик ҳайдовчи сифатида ишлатилади.

13. Зуптурум - баргидан хавfli яралар (қийин битадиган), шишлар, жигар, буйрак, кўз яллиғланишида, қон оқишни тўхтатувчи, нафас йўллари, тери ва томоқ, йўғон ичак яллиғланишида, сўзак, безгак, балғам кўчирувчи дори сифатида қўлланилади.

14. Келин тили - сийдик ҳайдовчи, қон тўхтатувчи, бавосирда, бачадон ва ичаклар фаолиятини кучайтирувчи, юрак хасталигида дори сифатида қўлланилади.

15. Коврак - таркибида эфир мойи, кўп миқдорда смола бор. Елимидан сариқ касаллигида, меъда, буйрак, талоқ касаллигида, бачадондан қон кетишни тўхтатувчи, иштаҳа уйғотувчи, сийдик ҳайдовчи, бўгин оғриғида оғриқ қолдирувчи дори сифатида ишлатилади. Шунингдек нафас қисма, томир тортиши, асаб касалликларида ишлатилади.

16. Кўка (туятовон) - барги ва гули йиғилади. Балғам кўчирувчи, йўтал қолдирувчи, истисқода, кўкрак оғриғини босувчи, безгакда, ўпка силени даволашда ҳамда ўт ҳайдовчи, терлатувчи дори сифатида ишлатилади; қуритилмаган баргини эзиб яра ва чипқонларга боғланади.

17. Маврак - дамламаси меъда-ичак касаллигида, юрак уриши тезлашганда, сийдик тута олмаганда, томоқ оғриғи ва шамоллаш касалликларини даволашда ишлатилади.

18. Наъматак - бачадондан қон кетишини тўхтатувчи, иситма қолдирувчи, меъда-ичак касалликларида, оғиз бўшлиғи касал-

ликларида, витамин етишмаслигида, жигар, ўт халтаси яллиғланишини даволашда ишлатилади.

19. Отқулоқ - дамламаси билан ич кетиш ва дизинтерия, ичак яралари, қўтир, темираткилар даволанади.

20. Ачамбити (жағ-жағ) - дамламаси турли қон оқишни (бачадондан, ўпкадан, меъдадан, ичакдан, буйракдан, яралардан) тўхтатади, ҳамда ич кетиш, буйрак, жигар, сийдик йўли касалликлари даволанади.

21. Руян - қайнатмасини жигар ва қоражигар касалликларида, буйрак тош касаллиги, жигар тош касалликларида, қуймуч нерви шамоллашида, бўгин оғриқларида, қабзиятда дори сифатида ишлатилади.

22. Сачратқи - яллиғланиш жараёнларини сусайтиради, илдиздан тайёрланган қайнатма иштаҳа очуади, ҳазми яхшилаш учун ишлатилади. Баргидан тайёрланган қайнатмага офтоб урган болалар чўмилтирилади, сувчечак ва бошқа тери касалликларида суртилади.

Юқорида зикр этилганлардан ташқари, себарга, сув қалампир, тоғ райҳони, сирач, шотара, шувоқ, эрман, қариқиз, қашқарбеда, қирқбўғим, қораандиз, қўйпечак ва бошқа кўплаб доривор ўтлар ўсадики, буларнинг ўзи алоҳида тадқиқотлар мавзусидир.

**М.Салаева,**  
катта ўқитувчи, Урганч ДУ

## **МУҲАММАД РИЗО ОҒАҲИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА МИЛЛИЙ ТАРБИЯ**

Ўзбекистон миллий давлат мустақиллигини қўлга киритиб, сиёсий, иқтисодий ва маънавий-мафкуравий тутқунликдан озод бўлди. Бу эса нафақат иқтисодий тараққиётни жаҳон ҳамжамиятида тенглар ичида тенглик ҳуқуқини таъминлаб қолмай, балки тарихини, миллий қадриятларини тиклаш, шу орқали миллат ўзлигини англашдек шароитга эга бўлди. Натижада ўтмишда яшаб, ижод этган улуғ алломалар Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳовуддин Нақшбанд, Имом Бухорий, ат-Термизий, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва Оғаҳий каби кўплаб мутафаккирлар илмий мероси бир ёқлама, тарих ҳақиқатига зид, Шўро тузуми мафкурасининг сохталашган уйдирмадан иборат, ғайриилмий талқинидан халос бўлди,

биринчи марта миллат манфаатлари мезонларига мувофиқ ўрганиш имконияти вужудга келди.

Буюк аждодларимиз тафаккури маҳсули бўлган маънавий хазинани халқимизга қайтариш лозимлигини Ўзбекистон Республикасининг Президенти И.А.Каримов шарқона донишмандлик билан шундай ифодалаган эди:

“Шу боис мамлакатимизнинг истиқлол йўлидаги биринчи қадамлариданоқ буюк маънавиятимизни тиклаш ва яна-да юксалтириш миллий таълим-тарбия тизимини такомиллаштириш, унинг миллий заминини мустаҳкамлаш, замон талаблари билан уйғунлаштириш асосида жаҳон андозалари ва кўникмалари даражасига чиқариш мақсадига катта аҳамият бериб келинмоқда”. Юртбошимиз таъкидлаган “буюк маънавият”да забардаст тарихчи ва етик шоир, маданиятимизнинг йирик вакили Муҳаммад Ризо Огаҳийнинг ўз ўрни, жарангдор овози бор.

Огаҳий ижодий мероси халқ донишмандлиги ва миллий қадриятлари сарчашмаларидан озиклангандир. Унинг буюк фазилатларидан бири жаҳон цивилизациясининг ўчоқларидан бири бўлган ўз юрти Хоразм маданиятини, сўнгра Марказий Осиё ва бутун шарқ тарихи, адабиёти фалсафий дурдоналарини мукамал ўрганди, туркий адабиётнинг улуғ мутафаккирлари Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан кейинги маданият арбоби даражасига етди. Огаҳийнинг халқ педагогикаси мазмуни билан битилган, маърифий педагогик ғоялар билан суғорилган бой мероси унинг ана шундай юқори поғонадан ўрин олишини таъминлади. У ўзининг серқирра ижоди билан нафақат тарих, адабиёт, балки миллий тарбия, халқ педагогикаси соҳасининг ривожланишига ҳам салмоқли хисса қўшди.

Унинг қатор тарихий, бадиий ва шарқ халқлари тарбиясида муҳим ўрин эгаллаган таржима асарларида инсон тарбияси муаммолари асосий ўринга кўтарилган эди.

Жумладан, Огаҳий таълим-тарбияга жамият ҳаётидаги энг муҳим аҳамиятга молик масала тарзида қараб, инсон ижтимоий мавжудот эканлиги, у фақат жамиятда, жамоада, ижтимоий муносабатлар натижасида тарбия топишини алоҳида уқтиради. Бунинг учун, мутафаккир фикрича, болани жуда ёшлигидан изчил тарбия таъсирига олиш лозим:

Кичикликда адл айламак иртикоб,  
Бил осор иззу жалолатдурур.

Огаҳий миллий ўйин, миллий қадриятлар воситасида тарбиялашга катта эътибор беради. Боланинг жисмоний

камолотида, мард ва жасур, эпчил бўлиб ўсишида кураш, чавандозлик, от устида кураш, от устида қиличбозлик, чавгон, ёғоч от, чиллак сопқон, камондан отиш, бўйича мерганлик, шатранж, нард, дорбозлик, пойга, хуққабозлик, тошкўтариш, жанговор қуролларни ишлатиш билан боғлиқ ҳаракатларнинг муҳим аҳамиятини, ҳатто уларни амалга ошириш қондаларини шеърӣй теран мисраларда жуда қизиқарли тарзда таъриф-у тавсифлайди:

Бир-бирига зўр изҳор айлаб,  
Илқорға не айлаким, бор айлаб,  
Бири қўл ёнбоши солиб бирига,  
Бири ичкурмаки олиб бирига.

Ёхуд дордаги тез ва мураккаб ҳаракатлар ҳақида шундай ёзади:

Гоҳи оёқига хуққа боғлаб,  
Сим узра юриб ўзини чоғлаб.  
Гоҳи гунону, гоҳи чопиб той.

Ҳаракатли, қўшиқли ўйинлар, боланинг нутқини, ақлий хусусиятларини ўстириш билан бирга, одамлар билан муносабатида фикрларини равон ва аниқ, тиниқ ифодалашда асқотишини қуйидаги мисраларда ёритади:

Сўздир бу жаҳон аҳли аро қулзули шарф,  
Покиза маони ангадур дурри ишгарф.  
Бу баҳр топар кўнгул аро гунжойиш,  
Лекин анго ҳар кўнгил бўла олмас зарф.

Улуғ мутафаккир Огаҳий фақат инсонлар жисмоний камолот билан чекланмаслиги, балки ҳар қардай инсон, жисмоний соғлом бўлиши билан бирга, илм-хунар эгаси бўлиши лозимлигини ўтли мисраларда оча боради. Ёшларни илмга чақирар экан, ўзининг илм олиш йўлида бутун иродасини ишга солганлигини таъкидлаб ўтади:

Эй келди фунуну илм таслим санга,  
Қилмоқ манго лозим ўлди таълим санга.  
Гарчи йўқ эди қувват оёқимда, вале  
Келдим бош ила олғали таълим санга.

Огаҳийнинг ранг-баранг ижодига чуқур назар ташланар экан, унинг мероси миллий тарбияни амалга оширишда бебаҳо жавоҳирот хазинаси эканлиги яққол намоён бўлади. Унинг ана шу мероси таълим-тарбия тизимларида изчил ва мақсадга мувофиқ ўрганилиб борилса, оилада, маҳалла ва жамоатчилик

маънавий марказларида тўғри ташкил қилинса, ўқитувчилар маънавий дунёқарашининг шаклланишида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Огаҳий тарбиянинг турли йўналишларини халқчил ва мазмунли тилда очиб беради. Шунингдек, унинг ижодида ватанпарварлик, Ватанга садоқат, ҳарбий ватанпарварлик тарбияси катта ўринни эгаллайди. Худди шу жиҳати билан Огаҳий мероси адолатли, ҳақиқатгўй, хокисор, халқчил, комил инсонларни тарбиялашдек муаммони ечишда маънавий озуқа беради.

**Х.Б.Бабаев,**  
академик ТГЮИ,  
**М.Х.Охунова,**  
КГПИ им.Муқими

## **РОЛЬ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ АМИРА ТИМУРА В ПОВЫШЕНИИ МОРАЛЬНОГО УРОВНЯ МОЛОДЁЖИ**

Известно, что с приобретением независимости Узбекистана усилилось внимание к общечеловеческим ценностям, обычаям, культуре и истории нашей страны.

“Чёрные и белые” пятна нашей истории с каждым днём проясняются, открывают нам новые исторические сведения и они находят своё настоящее место. Здесь особое значение приобретает социальная и экономическая политика, проводимая нашим Президентом, которая направлена прежде всего на осуществление мечты, надежды народа. Указом Президента И.А.Каримова от 26 декабря 1995 года 1996 год объявлен годом Амира Тимура. Образ великого полководца нередко искажался: преувеличивалась его жестокость, замалчивалась или преуменьшалась созидательная направленность его внутригосударственной политики, тогда как именно период правления Тимура знаменуется значительным подъёмом экономической, политической и культурной жизни Самарканда. Судить исторические заслуги надо не по тому, чего не дали исторические деятели, а по тому, что нового они осуществили сравнительно со своими предшественниками.

Значение деятельности Амира Тимура перед историей очень велико. Во-первых, с приходом Тимура к власти постепенно были прекращены междоусобные распри; во-вторых, он создал единое централизованное феодальное государство; в-третьих, Амир Тимур превратил Туркестанский край в развитое государство. Амир Тимур - один из выдающихся личностей, который



достиг высоких результатов в области нравственности, религии, усидчивости, в образовании и воспитании молодого поколения. Чтобы убедиться в вышесказанном, стоит нам перелистать наставления Амира Тимура, посвящённые нравственному воспитанию молодёжи или же ознакомиться с историческими произведениями, рассказывающими о личности нашего великого полководца. Амир Тимур умел ценить и беречь книги. Он собрал из разных уголков нашей страны бесценные книги и создал богатую библиотеку в Самарканде, что дало толчок развитию образования и науки в стране.

Амир Тимур горячо и преданно любил свою Родину и народ. Об этом он пишет в своих "Наставлениях" так: "Как только я надел наряд великого правителя, с тех пор я потерял свой покой. Не было такого дня, когда я мог бы спокойно заснуть". Такие качества Амира Тимура как смелость, храбрость, решительность, принципиальность, умение хорошо разбираться в политике принесли большую любовь и уважение к нему. Любые государственные дела он разбирал совместно на Совете. Амир Тимур был очень терпеливым, проницательным и сообразительным человеком. Он очень умело находил путь к сердцу своего собеседника, обращался с ними ласково и доброжелательно. Одним из прекрасных качеств личности Амира Тимура было соблюдение высокой дисциплинированности и неприкосновенное повиновение ей.

Жизнь, сама личность, умение управлять государством, человеческое общение, поведение Амира Тимура служит для подрастающего поколения школой воспитания. Велика воспитательная роль наставлений Амира Тимура в повышении морального уровня подрастающего поколения. Для нас очень ценны его идеи о уважении личности учителя, о умении дорожить дружбой, делать людям только добро. Об этом Амир Тимур говорил так: "Делал добрым людям только доброе, а плохое же отдал плохим, кто мне был другом, я не забывал об их дружбе и оказывал им почести, благодеяние и гуманность. Кто приходил ко мне с просьбой, друг или враг, то с друзьями я так общался, что их верность в дружбе ко мне ещё больше возвышалась, а с врагами я так общался, что их вражеское отношение ко мне превращалось в дружеское. Кто бы ни был, верный и преданный друг никогда не обижается на своего друга, если же понадобится, готов даже пожертвовать своей жизнью". Особенно ценны идеи Амира Тимура о сохранении и оберегании языка. "Язык острее меча", - говорил великий полководец.

Мы должны воспитывать только здоровое поколение. Когда мы говорим о здоровом человеке, мы имеем в виду не только его физическое состояние, а также личность, сформированную и воспитанную нравственно в духе общечеловеческих идей. Мы уверены, что наше государство превратится в такую страну, где будут жить и трудиться только честные, мужественные люди.

Изучение жизни и деятельности Амира Тимура как одного из великих личностей, основоположника великого государства, как полководца, патриота имеет большое значение в воспитании молодого поколения. Это наша задача и обязанность перед подрастающим поколением.

**Н.А.Попова,**  
доцент ТГУ,

**Е.В.Брызгалова,**  
УзНИИ ПН им. Т.Н.Кары-Ниязи

### **ОБЩЕГУМАНИСТИЧЕСКОЕ И НАЦИОНАЛЬНО-СПЕЦИФИЧЕСКОЕ В ПОСЛОВИЦАХ И ПОВОРОКАХ**

Цель обучения русскому языку узбекских школьников - обучение общению на нём, т.е. формирование способности решать языковыми средствами различные коммуникативные задачи в определённых сферах и ситуациях общения. Такая ориентация позволяет сделать процесс обучения русскому языку более целенаправленным, приближает его к условиям реальной речевой среды. Языковая коммуникация происходит в конкретных сферах общения, которые обслуживают различные области деятельности человека в обществе. Речевая деятельность человека тесно связана с его трудовой и интеллектуальной деятельностью, поэтому обучение школьников языку коммуникации должно быть построено в органической связи с задачами речевой деятельности и контексте социальной среды. Образовательное значение изучения русского языка состоит не только в расширении филологического кругозора учащихся, что ведёт к пониманию учениками сущности языка как социального явления, но и в приобретении сведений из различных областей знаний, которые помогут в дальнейшем выборе профессии, определении сферы деятельности. Как показало опытное обучение, проводимое в школах Республики Узбекистан, использование на уроках русского языка русских и узбекских народных пословиц и поговорок не только существенно обогащает словар-

ный запас учащихся и речевые умения, но и вызывает большой интерес, поскольку они начинают понимать жизненное значение приобретаемых в школе знаний, умений и навыков по русскому языку, как реальную ступеньку в подготовке к будущей самостоятельной жизни, трудовой деятельности.

Древнейшая мудрость народа прекрасно вписывается в современность, она отражает отстоявшуюся в веках народную философию, национальный и общечеловеческий опыт. В этих коротких изречениях отражены и бытовые реалии народа, и животный мир, и природа его страны, и социальные условия, в которых он живёт, и его историческое прошлое, его отношения с соседями, друзьями. Например: "Посадивший тутовое дерево сто лет жемчуг собирает". Всего две строчки, а в них и реалии народной жизни, и отношение народа к труду, и общее, и национально-специфическое.

